

А С Р Л А Р С О Л Н О М А С И

МАРСЕЛЬ БРИОН

# АМИР ТЕМУР



АСРЛАР СОЛНОМАСИ

**XIV аср**

Тарихни яратган инсонлар

**Марсель Брион**

**АМИР ТЕМУР**

*Париж: Албэн Мишел нашриёти, 1963*



**“Nurafson business” нашриёти**

**Тошкент – 2020**

УЎК 821.512.133-31

КБК 84(5Ў)6

Б 51

*Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи*

**Баҳодир Эрматов**

Тақризчи

**Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

**Брион, Марсель**

Амир Темур/ А. Қодирий. –Тошкент: ‘Nurafshon business’  
нашриёти, 2020 – 248 б.

Буюк тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти француз академиги Марсель Брион ижодида етакчи ўринни эгаллайди. У 1927 йилдан 1984 йилгача тарихий шахслар ҳақида 78 та асар яратган. Унинг “Амир Темур” асари 1963 йил Париждаги “Албен Мишел” нашриётида чоп этилган. Адибнинг ўзи буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳақида каттагина тарихий очерк яратиш билан бирга бошқаларнинг ҳам шу мавзудаги асарларини жамлаб китоб ҳолига келтирди. Ундаги дoston, ҳикоя, тарихий романлардан парчалар, эссе ва публицистик мақолалар Амир Темурнинг болалиги, ёшлиги ва кейинги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Китоб кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

УЎК 821.512.133-31  
КБК 84(5Ў)6

© “Nurafshon business”  
нашриёти, 2020

© “Zukko kitobxon”  
МЧЖ, 2020

ISBN 978-9943-6313-8-0

## СЎЗ БОШИ

Марсель Брион 1895 йил 21 ноябрда Франциянинг жанубидаги Марсел шаҳрида адвокат оиласида туғилган. Унинг отаси О’Бриан келиб чиқиши ирландиялик бўлиб, онаси Провансдан эди (қизлик фамилияси Беррен). Марселнинг фамилияси Брион О’Брианнинг французчалашган шаклидир.

1908 йилдан 1912 йилгача Марсель Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган Шанпитте коллежида таълим олди. Сўнг ўқишни Марселдаги Тиер лицейида фалсафа йўналишида давом эттиради. Кейин Экс-ан-Прованс университетининг ҳуқуқшунослик факультетига киради. Бироқ, университетни битира олмайди. Биринчи Жаҳон уруши бошланиб, Марсель кўнгиллилар қатори фронтга жўнайди. Дарданелла бўғозида хизмат қилади. Соғлиги ёмонлашганлиги сабабли армиядан қайтади. Тугалланмай қолган ўқишини тамомлайди.

М.Брион 1920 йилда Марсель шаҳар судида адвокат бўлиб иш бошлайди. Сўнг бу хизматдан воз кечиб, ўзини адабиёт ва санъатга бағишлайди. 1924 йилдан бошлаб *Le Feu, L’Art vivant, Fortunio* каби журналларда *илк машқлари босилиб туради. У маслакдошлари билан “Les Cahiers du Sud”* журнаliga асос солди. Бу жур-

нал нафақат Францияда, балки жаҳон миқёсида ҳам обрўли нашрлардан ҳисобланади. Журнал таҳририяти Франциянинг жанубидаги қадимий Арл шаҳрида жойлашган. Марсель Брион журнал билан ўттиз йил ҳамкорлик қилди.

**Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Брион Марсель шаҳри радиосида ватанпарварлик руҳидаги махсус рукн очган ва уни бошқарган. Француз қўғирчоқ ҳукумати билан ҳамкорлик қилишдан бош тортгани учун асарларини чоп этиш тақиқланган.**

Брион йигирма йил давомида “La Revue des deux mondes” (Икки дунё журнали) ва “Les Nouvelles litteraires” (Адабиёт янгиликлари) журналлари билан ҳамкорлик қилди, яна йигирма йил “Le Monde” газетасида “Litterature etrangere” – “Чет эл адабиёти” рукнини бошқарди. 1964 йил Франция фанлар академиясига ҳақиқий аъзоликка сайланди.

Марсель Брион 1984 йил 23 октябрда Парижда, саксон тўққиз ёшида оламдан ўтди.

Ватан олдидаги хизматлари инobatга олиниб, Марсель Брион “Фаҳрий Легион” (Officier de la Legion d’honneur), “1914-1918 йиллар урушидаги жасорати учун” (Croix de guerre 1914-1918), “Адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” (Officier des Arts et Lettres) ва “Буюк хизматлари учун” (Grand officier de l’ordre national du merite) орденлари билан тақдирланган.

Кўп қиррали иқтидор эгаси Брион 1920 йилдан бошлаб ҳар йили биттадан китоб ёзган. Олим қатор романлар, пьесалар, адабий-танқидий асарлар ҳам битган. Унинг ижодини уч йўналишга бўлиш мумкин: бадиий асарлар;

адабий-танқидий асарлар; тарихий асарлар. Олим яна Тициан, Микеланжело, Рембрандт, Макиавелли, Леонардо да Винчи, Моцарт каби таниқли шахслар ҳақида тарихий биографик асарлар битган.

М.Брионнинг асарлари дунёнинг кўп тиллари-га таржима қилинган.

Марсель Брионнинг “Амир Темур” (Tamerlan) номли китоби 1942 йилда эълон қилинган. Бу асар 1963 йили тўлдирилган ҳолда “Le Memorial des Siecles” (Асарлар солномаси) туркумида “XIV siecle. Les hommes qui ont fait le siecle.” (XIV аср. Тарихни яратган кишилар) рукнида нашр этилган. Китобнинг “Кириш” қисмини академик Жерар Вальтер ёзган. Рукндан, асосан, М.Брионнинг “Амир Темур портрети” (84x108<sup>1/32</sup> форматдаги 78 саҳифа) номли асари жой олган бўлиб, унга “Амир Темурнинг болалиги ва ёшлиги” (76-86-бетлар), “Амир Темурнинг Ибн Халдун билан учрашуви” (87-98-бетлар), Жан II Бусиконинг “Амир Темурнинг қўшини” (99-101-бетлар), Султония архиепископининг “Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар” (102-131-бетлар), Вольтернинг “Амир Темур” (132-138-бетлар), Л.Ланглэнинг “Амир Темурнинг ҳаёти” (139-143-бетлар), Л.Каюннинг “Амир Темур – тенги йўқ адиб” (144-148-бетлар), Г.Капюснинг “Амир Темур салтанати” (149-152-бетлар), Э.Берлнинг “Амир Темур – Осиё музаффари” (153-160-бетлар), Р.Груссенинг “Амир Темур ва Тўхтамиш” (161-170-бетлар), А.Шандорнинг “Амир Темур” (171-189-бетлар) ва “Герасимов услуги” (191-204-бетлар) каби бўлимлари илова сифатида киритилган.

Марсель Брион Амир Темурга одил баҳо беради. Брион Соҳибқиронни тарихда ўчмас из

қолдирган бошқа юртбошиларга таққослайди: “Европалик ёхуд осиелик муаррихларнинг солномаларини ўрганар эканмиз, кўз ўнгимизда Темурнинг бошқа фотиҳлар ва салтанатлар асосчиларидан анча мураккаб, зиддиятларга тўла қиёфаси намоён бўлади. У ўз юришларининг айрим лаҳзаларида куч ишлатади, раҳм-шафқат ҳам кўрсатади. У Александр Македонский каби ўзи забт этган ўлкалар фани, маданияти ва санъатининг шайдоси бўлган. Ўзи юритган моҳир сиёсати туфайли уни Испания қироли Филипп II га ва Франция қироли Карл V га таққослаш мумкин. У Петр I ва Людовик XIV каби узоқни кўра биладиган давлат арбоби бўлган ва салтанати пойтахтини юксак дид ва нафосат билан бунёд этган”.<sup>1</sup>

Брионнинг фикрича, “Темурнинг пойтахти ва саройларининг ҳашаматли безаклари ажнабий ҳукмдорлар ва элчиларни мафтун этган. Соҳибқирон уларни бой кийим-боши, ялтироқ қурол-яроғи, сермаъно ва нафис нутқи билан лол қолдирарди. У оқсувсар мўйнасидан тикилиб, жавоҳирлар билан безатилган телпак кийиб юрар, салла ўрашни амал этмаганди”. (Брион, 80-81).

Брион фикрини қуйидагича давом эттиради: “Темурдан олдин ўтган бирорта ҳам мўғул ёки турк фотиҳи у каби доно ва маданиятли бўлган эмас. Атилла ва Александр Македонскийда алоҳида-алоҳида мавжуд бўлган қарама-қарши хислатлар Темур шахсида ғалати бир уйғунлик

---

<sup>1</sup> Le Memorial des Siecles. XIV siecle. Les Hommes. Tamerlan. Par Marcel Brion. — Paris: Editions Albin Michel, 1963. Бундан кейин ушбу асардан олинган мисоллар саҳифаси қавс ичида келтирилади. Масалан, (Брион, 69).

ҳосил қилганини кўриб ҳайратга тушади, киши. Гарчи у Чингизхон каби муҳорабани яхши кўриб, жангоҳларда лашкарлари билан ёнма-ён туриб курашса-да, бунёдкорликда Людовик XIV дан асло қолишмайди”. (Брион, 69).

Брион Соҳибқироннинг ташқи ва ички сиёсатини юксак баҳолайди: “Моҳир дипломат, ўткир сиёсатчи ва қаттиққўл ҳукмдор Темур ўз нутқларида, араб муаррихларию ажнабий элчилар билан қурган суҳбатларида, ҳамда Ев-



Марсель Брион  
(1895 – 1984)

DANS CETTE DEMEURE  
QU'IL AIMAIT ÉCRIVAIN  
MARCEL BRION  
1895-1984  
DE L'ACADÉMIE FRANÇAISE  
AVECU PRÈS DE QUARANTE ANNÉES  
ET A ÉCRIT  
LA PLUS GRANDE PARTIE  
DE SON OEUVRE

Бу бинони француз академиги Марсель Брион (1895- 1984) яхши кўрган, қирқ йилга яқин шу ерда яшаган ва асарларининг кўп қисмини шу ерда яратган

ропа ҳукмдорлари билан ёзишмаларида Франция қиролларига хос донолигу фикр ва туйғуларининг саралигини намоёиш этарди... Темур қурган салтанатнинг ҳуқуқий асослари самарадорлигини Наполеон жорий қилган Кодекс тамойиллари келтирган нафга таққослаш мумкин”. (Брион, 60).

Брион Амир Темурни “моҳир стратег, омадли саркарда” деб ҳисоблайди: “Яшиндек зарба беришга қодир бу қизиққон инсон сабр-бардошли ҳам бўлиб, бирор нодон рақибни чалғитиш учун, кези келганда ўзини кўр ва кар ҳам қилиб кўрсата оларди... Унинг жангоҳларда кўрсатган тактик маҳорати бор бутунлигича ва турфалигича ўрганилса бутун бошли китобга жо бўлади”. (Брион, 69)... “Нақадар жасур жангчи ва нақадар моҳир стратег бўлишига қарамай уруш унинг учун энг сўнгги чора эди, у урушни муқаддас уруш деб биларди”. (Брион, 92).

Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатга тўхталиб, М.Брион шундай дейди: “Унинг Олтин Ўрда ва Тўхтамишни маҳв этиш ўрнига пайсалга солиб юришига асосий сабаб ҳам ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилиш истагидир. Унинг Қипчоқ хони Тўхтамишга нисбатан бепарволиги хавfli қўшнига нисбатан ожизлик аломатидек кўринади, бироқ бу бефарқлик аслида нозик сиёсат белгиси эди, Амир Темур бу нонкўрни жазолашга аҳд қилганидан кейин бу ишга ўн бир йил –1387 йилдан 1398 йилгача – сарфлагани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди”. (Брион, 87).

Амир Темурнинг эътиқоди ва унинг салтана-тида динларнинг ўрни, ҳолати хусусида М.Брион қуйидагиларни ёзади: “Салтанатда диний ҳуқуқ ҳукмрон бўлса-да, Амир Темур шу қадар доно


иш юритар эдики, ўзининг исломнинг содиқ бандаси эканлигини кўрсатар ва шу билан бирга Оллоҳдан ўзга худоларга эътиқод қўйган фуқароларига қаршилик билдирмасди. Давлат дини табиийки Муҳаммад пайғамбарнинг дини, у ўзи тарбияланган, уни фаол қўллаб-қувватлаб турган уламолар дини эди. Унинг динга бўлган эътиқодини шубҳа остига олишга ҳеч қандай асос йўқ. У шундай зукко инсон эдики, дин билан давлатнинг елкама-елка ҳамкорлик қилиши зарурлигини жуда яхши англади ҳамда ўзига нисбатан қаттиққўл, бошқаларга бағрикенг бўлиб, эл-юрт орасидаги ҳурматини дадил мустаҳкамлаб борарди... Уламолар юксак маданиятли бу саркардани чуқур ҳурмат қилардилар”. (Брион, 61).

Брионнинг таъкидлашича, “Темур олимлар, уламолар, шоирлар ва санъаткорларни ўз ҳимоясига олар, уларга ғамхўрлик қиларди. Унинг ушбу ҳаракати маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, унга илм ва санъат аҳли посбони, юксак даражада маданиятли ҳукмдор деган шуҳрат келтирди. Болалигида шайхлар тарбиясини олган ва улфайгач ҳарбий юришлари чоғида турфа мамлакатларнинг энг билимдон инсонлари билан мулоқотда бўлган бу киши шубҳасиз маданиятни чексиз ҳурмат қилган, илм-фан муаммоларига чуқур ёндашган”. (Брион, 79-80).

М.Брион “Темур тузуклари” ҳақида, унинг ўз фарзандларига берган ўғитлари ҳақида шундай ёзади: “Жанглар, сиёсат ва дипломатия унга қуйидаги оддий ҳақиқатни ўргатган эди: «Нодон дўстдан доно душман афзал», «Ўн минг киши билан узоқда юргандан кўра, ўн киши билан зарур жойда бўлган маъқул». Ўз муҳрига «Куч адолатда» деб ёздирганида у ҳақ эди. У ўз фарзандла-

рига давлатни бошқариш ҳақида қўйидаги ўғитларни берган эди: “Салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлғай, яна бир қисми эса ўзингни билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш ила битур”. Темур ўғли Мироншоҳга Халокухон улусларини топширар экан шундай насиҳат қилган: “Сен ўз номингни абадийлаштириш заруриятини кўрмоғинг ва бу фоний дунё воқеа-ҳодисаларидан йироқ турмоқ чорасини топмоғинг лозим”. Юксак маданиятли Европа қироллари ҳам шундай деган бўлардилар”. (Брион, 70-71).

Марсель Брион Амир Темурнинг исми тарихда абадий қолажаклигига ишонади: “Жасур жангчиларни тақдирлашдаги саҳовати, баҳодирларга илтифоти, жангоҳларда кўрсатган шахсий жасоратлари эл орасида унинг обру-эътиборини ошириб, исмини афсоналарга жо қилди. Унинг илоҳий беқиёслиги ҳақидаги беҳисоб қўшиқлар балки Марказий Осиёда бугун ҳам жаранглаётгандир. У қудратли саркарда, моҳир сиёсатчи, буюк бунёдкор сифатида, барлос уруғи вакиллари оддий хислатларини юксак маданият белгиларига муштараклаштирган инсон сифатида тарихда қолди”. (Брион, 72-73).



## Жерар Вальтер

**Кириш: Аср тақдирини ҳал қилган инсон<sup>1</sup>**

XIV аср тақдири Шарқда ҳал бўларди.

Ғарбда инсонлар охири кўринмас сулолавий жанглarning қонли ботқоғига ботиб юрган бир пайтда, шарқликлар эски салтанатларни қилич ва олов билан бузиб, янгиларини тикламоқда эдилар.

Ана шу пайтда Осиёнинг марказидан отилиб чиққан Амир Темур ўзининг тарихий вазифасини мувафаққиятли ўтади. Ушбу тўплам унга бағишланган. Тўпламдан Амир Темур ҳаётлигида ва оламдан ўтганидан озми-кўпми кейин битилган асарлар жой олган. Бироқ унинг шахси нақадар буюк бўлишига қарамай, у қандайдир маънода ўз халқлари ва мамлакатининг миллий орзу-ўйларини рўёбга чиқаришга отланган ўз замондошлари ва аждодларининг хотираларини ўчира олмайди. Қуйидаги мисраларда тарих гилдираги унга ато қилган тақдирни қисқача баён этишга ҳаракат қилинади.

Амир Темур билан Боязид ўртасидаги келишмовчиликлар тарихи узоқдан бошланади. Тарихдан яхши маълумки, XIV аср охирида усмонли Туркия султонлари Европага кўз тикадилар. 1396

<sup>1</sup> Walter Gerard. Introduction. // Le Memorial des Siecles. XIV siecle. Les Hommes. Tamerlan. Par Marcel Brion. — Paris: Editions Albin Michel, 1963. — P.39-48.

йили ҳозирги Болгария ҳудудида жойлашган Никопол шаҳри яқинида Европа қиролларининг бирлашган қўшинлари билан турк лашкарлари ўртасида шафқатсиз жанг бўлиб ўтади. Бу муҳорабада турк қўшинлари зафар қучади. Шундан сўнг улар асосий мақсад – Шарқий Рим ёхуд Византия империясининг пойтахти Константинопол (ҳозирги Истамбул) шаҳрини қўлга киритишга киришадилар. Шаҳар қамал қилинади.

Константинопол қамал қилинган, Византия императори Мануэл Палеолог ёрдам сўраб, Европа пойтахтлари томон йўл солади. У дастлаб Венецияга, сўнг Парижга келади. Бу пайтда Франция қироли Карл VI узоқ муддатга бетоб бўлиб қолади. Мануэл қирол билан учраша олмайди. Узоқ кутиш наф бермайди.

**Шу алфозда** Мануэл Парижда вақтини бекорга ўтказаетганини англади. Шундан сўнг у Англия қиролига мурожаат этиб, омадини синаб кўришга қарор қилади. Византия императори юборган чопарга Англия қироли, Ланкастр герцоги Генри IV Мануэлни қабул қилишга розилик берди.

Инглиз қироли ваъдаларни катта қилди: аскарлар, кемалар ва маблағ беражagini билдирди. Бироқ, Генри IV ўз ваъдаларини бажаришга шошилмади. Тўғри, қироллик хазинасидан Мануэлга катта миқдорда пул ажратилди. Аскарларга келганда, узоқ куттирганларидан кейин Мануэлга қирол ваъда қилган ҳарбий ёрдам қачон юборилиши ҳозирча номаълум эканлигини, бу ҳақида унга керакли вақтда хабар берилажagini маълум қилишди.

Мануэл тушкунликка тушгани йўқ. У қиролнинг ваъдасига ишонар ва бунинг учун фақат кутиш керак, деб биларди. Кутиш учун эса одамлари ҳушмуомала ва бағрикенг Париждан яхши жой йўқ эди. У Францияга қайтди.

Узоқ давом этган хасталикдан қутилган Карл VI бу хабарни эшитиб хурсанд бўлди ва Константинополга жўнатилажак инглиз қўшинига раҳбарлик қилишни Маршал Бусикога топширишга қарор қилди. Шу муносабат билан Мануэл Византияда қолган дўсти ва сирдоши Крисолорасга Париждан қуйидаги мазмунда мактуб йўллади: «Ҳамма ишлар жойида. Ушбу нома қўлингга теккач, кўп ўтмай биз ҳам етиб борамиз».

Бироқ вақт ўтар, ваъда қилинган инглиз ёрдамидан эса дарак йўқ эди. Шу орада Мануэл Лондондан хат олди: «Қирол ҳазрати Олийларининг ўзлари ҳам кўп сонли рақибларга қарши курашишга мажбур бўлганликлари сабабли сизга ваъда қилинган ҳарбий ёрдамни бера олмасликлари учун узр сўрайдилар.»

Умидлар пучга чиққан эди.

Мануэл яна Венецияга мурожаат қилди. Унинг кулфатига шафқат қилишса ажаб эмас! Республика Сенати унга чуқур ҳамдардлик билдириб, Венеция ҳарбий кемалари (атиги икки дона...) Константинопол ҳимоясида иштирок этаётганини эслатди, холос. Мануэл мурожаат этган Флоренция коммунаси ҳам таъсирли ҳамдардлик билдирди: «Уят! Қандай замонларга қолдик! Исо пайғамбарнинг номи булганмоқда, форслар ва трояликларни енгган қудратли ва шавкатли Эллада жон бериш арафасида турибди! Флорен-

ция халқи бутун вужуди ила сиз билан бирга. Иложи бўлганда эди у сизга бор имконияти доирасида ёрдам берарди. Бироқ унинг ўзига ҳам бутун Италияни ўз зулми остига бирлаштирмақчи бўлган бошқа бир Боязид таҳдид солмоқда.»<sup>1</sup>

Мануэлнинг ягона умиди эса Франциядан, унинг сахий қалб қиролидан эди. Бироқ кузнинг бошида Карл VI нинг яна телбалик касали қўзғаб қолди, Константинополни халос этиш ҳақида энди гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Қиш ҳам кирди. Мануэлнинг на бирор режаси, на заррача бўлса ҳам умиди қолди. Барча уринишлари бесамар кетган Мануэл Парижда, ўзининг Луврда жойлашган кенг ва совуқ хонадонида қолиб кетди. У мўйнага ўралиб олиб, Париж қишининг ғира-шира ёруғида хонасининг деворига осилган гиламдаги суратни тамоша қилар, гиламдаги тасвирдаэса бошига атиргуллардан гултож тақиб олган илоҳий паришта Баҳор митти амур<sup>2</sup>лар қуршовида қадам ташлаб келарди.<sup>3</sup>

Бу орада Константинопол қамали давом этар, вақтинчалик император вазифасини бажарувчи Мануэлнинг жияни бутунлай ҳолдан тойган эди. Шаҳар қамали илгаригидан ҳам ашаддий тус олганди. Боязид шаҳарни очарчиликка маҳкум этганди. Маршал Бусико қолдирган «ҳимоя лашкарлари» атиги икки юз кишидан иборат бўлиб,

<sup>1</sup> Бу ерда Милан герцоги Жангалаччо Висконти назарда тутилмоқда (тарж.).

<sup>2</sup> Амур — қадимги юнон мифологиясида камон билан қуролланган қанотли бола қиёфасидаги савги худоси (тарж.).

<sup>3</sup> Мана шу гилам Мануэлнинг Берже де Ксиврай томонидан нашр этилган “Франция Институту мемуарлари” нинг XIX жилдида эълон қилинган баҳорги ўйинлар ҳақидаги машҳур номасига илҳом берган.

ҳақиқий аскарларнинг сони юзтадан ортмасди. Бу лашкарнинг бошлиғи Шатоморан исмли шахс катта имкониятларга эга бўлиб, (ёрдам қидириб кетаётган Мануэл Палеолог маршал Бусиконинг тавсиясига биноан унга генуяликларнинг Перадаги банкларидан катта миқдорда кредит олишга ҳуқуқ берган эди), бундан Осиёнинг денгиз бўйида жойлашган аҳоли масканларини талаб ва банди этилганларни фақат пул эвазига озод қилиб ўз шахсий бойлигини орттириш йўлида фойдаланди. Охир оқибат бу ишларни унчалик унумли деб ҳисобламаган ҳамда барча бойликлари ва заҳираларини исроф қилган бу “Константинопол ҳимоячиси” амакисининг ўрнига вақтинчалик император бўлиб турган Жан (Иоан) Палеологни ўз ҳолига ташлаб, жуфтаси ростлаб қолди. Жан сўнгги дақиқаларда амакисидан инглизлар ортага қайтгани маълум қилинган мактуб олган эди.

Иложсиз қолган Жаннинг Константинопол дарвозаларини туркларга очиб беришдан бошқа иложи йўқ эди. У шаҳар таслим бўлишининг шартларини музокара қилишга шайланиб турарди. Сўнгги дақиқаларда у бутунлай бошқа йўналишда иш тутишига тўғри келди.

Дунё буюк аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеа, икки гигант – Амир Темур ва Боязид тўқнашувини арафасида турарди. Марсель Брионнинг қўлингиздаги асарида шу ҳақида хикоя қилинади. Қуйида биз ўзимизнинг шу воқеа таҳлилига оид айрим мулоҳазаларимизни баён қиламиз.

Биринчидан, қудратли фотиҳ (Амир Темур – тарж.) ҳал қилувчи жангга ҳар тарафлама ва эҳтиёткорлик билан тайёргарлик кўриш ло-

зимлигини жуда яхши биларди. Қанчадан-қанча зафарларни қўлга киритиб, қатор халқлар ва давлатларни забт этган жаҳонгир бу жангга енгил-елпи кира олмасди. У усмонли турклар давлатининг ҳар бир қадамини диққат билан кузатиб турарди. Боязиднинг муваффақиятларидан, айниқса унинг Никополда қучган зафаридан у «Муроднинг ўғли» (Темур ўзининг бўлажак рақибини шундай аташни одат қилган эди) ўзи шу пайтгача забт этган Осиё давлатларига қараганда жанговар, жасур, яхши қуроолланган ва тажрибали қўшинга эга эканлигини биларди.

Мен «Анқара инқирози» деб атайдиган муҳорабанинг бошида Амир Темур Боязидга қарши курашишни шахсан хоҳламаган кўринади, зеро кўпдан бери унинг фикри-ёдини мўғул зулмидан халос бўлиб, назарий жиҳатдан бўлса ҳам, ўзидан ҳамон хирож тўлашни талаб қилаётган Хитойга юриш банд этган эди.

Шарафиддин Али Яздий туфайли Амир Темурнинг замонавий машҳур солномачилари у билан Боязид ўртасидаги тўқнашувнинг асосий сабаби усмонли султоннинг Соҳибқирон ҳимоясида бўлган салжуқий хонларга нисбатан ёмон муносабатида, деб кўрсатишади.

Амир Темурнинг Иоан Палеологга йўллаган ва замонавий муаррихлар эътиборидан четда қолган мактуби бу тўқнашувга ўзгача нигоҳ ташлашга имкон яратади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бу мактуб ҳақида Ҳейд ўзининг "Histoire du commerce du Levant au Moyen Age" (t.II, p. 265) – «Ўрта асрлар Шарқ тижорати тарихи» асарида эслатиб ўтадию, бироқ таҳлил қилмайди. (тарж.)

Аввало инқирознинг юзага келишида Византияда жойлашган генуяликлар колониялари раҳбарлари ўйнаган ролга эътибор бермоқ керак. Михаил Палеолог Константинополни қўлга киритгач, Рим империяси парчаланиб кетди, венецияликларнинг Византия бозорларидаги якка ҳокимлигига барҳам берилиб, генуяликлар ўзларининг эски рақибларига нисбатан катта қулайлик ва енгилликлардан фойдалана бошладилар. Константинополнинг турклар қўлига ўтиши эса генуяликларнинг тижоравий фаолиятига бутунлай чек қўяр ва венецияликларнинг бу ерларга қайтишига қулай имконият яратарди.

Шунинг учун ҳам Жан (Иоан) Палеолог Константинополни усмонли турклар қўлига топширишга аҳд қилганидан хабар топган генуяликлар уни бу йўлдан қайтардилар ва Амир Темур билан алоқа ўрнатишга ундадилар. Византия шу пайтгача Боязидга тўлаб келаётган хирожни Амир Темурга тўлаб, унинг ҳимоясига ўтса нима қилибди? Византияга ҳеч қачон кўз олайтирмаган Амир Темур уни ўз ҳолига қўяр, Боязид эса, аксинча, шаҳарга кирар кирмас Иоандан уни тарк этишни талаб қилган бўларди. Иоан Палеологга бу таклиф маъқул тушди ва у саройда эгалланган мавқеи бизга номаълум Франсуа исмли руҳонийни Амир Темур ҳузурига йўллади. Биродар Франсуага Соҳибқирон билан шартнома тузиш учун «шароитни ўрганиб чиқиш» топширилди.

Денгиз орқали Трабзонга етиб келган руҳоний сафарини давом эттиришда қатор қийинчиликларга учраган. У бу ҳақида Амир Темурга сўзлаб берган. Соҳибқирон Франсуани илиқ кутиб

олган. Руҳоний Константинополга қайтиб келган ва орадан кўп ўтмай Жан (Иоан) Палеологнинг расмий мактуби билан Амир Темур ҳузурига қайтиб борган. Мактубда император Византия ва Перадаги генуяликлар шу пайтгача Боязидга тўлаб келган хирожни бундан буён Амир Темурга тўлашга сўз берган эди.

Амир Темур «император Мануэлнинг лейтенанти»га унинг таклифига умуман рози эканлигини, бироқ ҳали ҳам Боязид билан тил топишишга уриниб кўриш лозимлигини билдиради. «Агар, — деб ёзган эди Соҳибқирон ўз мактубида, — султон Константинопол қамалини кўтариб, лашкарлари эгаллаган шаҳар ва қалъаларни қайтариб, Византияга етказилган зарарларни қопласа, гап тамом, менинг у билан ишим бўлмайди».

Шу маънода Боязидга элчилар ҳам йўлланди. Бироқ султон бу таклифга қатъий рад жавоб қилди. Энди уруш очишдан бошқа чора қолмаганди.

Боязидга қарши уруш очишга тайёргарлик кўраётган Амир Темур денгизда ҳам кураш олиб боришга тўғри келишини яхши биларди. Бунинг учун кучли ҳарбий кемаларга муҳтож эди.

Шу маънода у Перадаги генуяликларга чопар йўллаб, улардан тўлиқ қурулланган йигирмата кема беришни талаб қилган. Шундай талабнома Трабзон императорига ҳам жўнатилган.

Амир Темур ўзига шу пайтгача мутлақо етишмай турган бу ҳарбий денгиз кемаларини турк қўшинларига Европадан Осиёга ўтиш йўлини тўсиш учун қўлламоқчи бўлган, у айнан шу ердан зарба беришни мўлжаллаган эди.

Кўриниб турибдики Амир Темур Боязид қўшинларига Босфор бўғозида – Европадан Осиёга ўтиш йўлида ҳужум қилмоқчи бўлган. Шу сабабли Амир Темур Византиянинг муваққат императори Жан (Иоан) Палеологга мактуб йўллаган.

Мактубда шундай дейилган:

«Император Мануэлнинг лейтенантига.

Сен йўллаган руҳоний Франческо ҳузуримизга келди ва сенинг мактубларингни бизга етказди. Биз аларни ўқиб чиқдик ва ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилдик. Ушбу орқали сенга шуни маълум қилурмизки, мактубингни ўқиб чиққач, бизнинг умуминсоний манфаатлар хусусидаги қизиқишимиз бисёр ортди. Биздаги бу қизиқиш руҳоний Франческонинг илк ташрифидан сўнг анча кучайган эди. Трабзон императори унга кўп тўсиқлар қўйибди, биз бундан қаттиқ ранжидик. Биз унга чопар йўллаб, бизга яхши қуролланган йигирмата кема беришни амр қилдик. Амримиз ижобат этилиб, элчиларимиз Трабзондан қайтиб келдилар ва биз энди Йилдирим устига юриш қилишга тайёрмиз. Вакилларинг ҳузуримизга ташриф буюргач, келгуси амалларни алар билан келишиб олурмиз. Ушбу мактубни сенга руҳоний Франческо эмас, ўзга бир киши етказишидан ажабланма. Мен уни (Франческони – тарж.) элчиларим билан бирга Йилдирим Боязиднинг ҳузурига жўнатдим. У тез орада элчилар билан қайтади, аниқ маълумотлар олиб келади. Руҳоний ул элчиларга сенинг номингдан шундай дебди: «Константинопол ва Пера томонидан Боязидга тўлаб келинган хирож бундан буён буюк ҳукмдор Темурга тўланади».

Биз бунга ўз розилигимизни билдирдик, зеро Боязиднинг мушкули осон бўлмай. Боязид сенга кун бермаётган экан, мен унга қарши уруш очмоқчимен. Бироқ у сенга барча шаҳарлар ва истеҳкомларни қайтариб берса, сенга етказган барча талофатларини қопласа, менинг у билан ишим бўлмайди. У сенинг мол-мулкингни қайтаргани ҳақида менга хабар бер. Очигини ёз. Зеро менинг одамларимга Трабзонда кўрсатилган қаршиликдан сўнг, мен бу шаҳар бошлиғини ўзимга итоат қилдирдим, токи сен кемаларни бизга жўнатишда заррача ҳам азият чекмагин. Менга ёзадиган мактубинг аниқ-равшан бўлсин, зеро Трабзон императори ҳам ўз лашкарлари билан биз тарафга ўтади. Шундай экан, ўзаро келишувимиз кучга кириши мумкин. Ушбу мактубни етказувчи Исоқ (Исаак) сенга айтур ва мактубда битилганидек, сен ҳам бизга йигирмата кема беришинг ва ул кемалар билан Трабзонга келишинг лозим. Биз эса тўла ишонч ва қатъият ила ойдин йўлга қадам қўямиз. Муҳримиз босилди ва жўнатилди (1401 йил 15 май)».<sup>1</sup>

Мактуб мазмунидан кўриниб тургандек, Амир Темур Боязид ҳузурига элчилар жўнатди. Бироқ султон бу таклифга қатъий рад жавобини берди. Энди унга уруш эълон қилишдан бошқа чора қолмаганди.<sup>2</sup>

1 Мордин қалъаси ва Бағдод оралиғида ёзилган мактуб, зеро Амир Темур Мординни 1401 йил 4-майгача қамал қилган. Бу мактубнинг итальян тилидаги таржимаси илк бора Марино Сандонинг *Vita dei dogi (Rerum italicarum scriptores, t. XXII)* да келтирилган(тарж.)

<sup>2</sup> Ҳейднинг таъкидлашича, император Мануэл Карл VI Амир Темурга бир неча мактуб йўллаб, уни Боязидга қарши уруш очишга ундаганнини эслатади. ("Histoire du commerce du Levant au Moyen Age" (t.II, p. 265) – «Ўрта асрлар Шарқ тижорати тари-

Урушни бошлашдан олдин Амир Темур ишончили ва кучли иттифоқчилар қидиришга тушди, бу эса у ўз қўшини ва қўллайдиган қуролига унчалик ишонмаганидан дарак беради. У иттифоқдошларни насоролар орасидан ахтарди. Шунинг учун Пера шаҳридаги генуяликлардан йигирмата кема сўраб мактуб жўнатилди. Худди шу маънодаги мактуб Трабзон императорига ҳам жўнатилди, шу баҳонада унга Иоан Палеологнинг элчисига қўпол муносабатда бўлганлиги учун жиддий ташбеҳ ҳам берилди.<sup>1</sup> Шуниси равшанки, Амир Темур ўзида бўлмаган бу ҳарбий кемаларни туркларнинг Европадан Осиёга, у жанг қиладиган ерга ўтиш йўлини тўсиш учун ишлатмоқчи бўлган. Перадаги генуяликлар бу таклифга жон деб рози бўлдилар ва шаҳар деворлари узра Амир Темурнинг туғини кўтардилар.

Шарафиддин Али Яздий берган маълумотларга кўра, Амир Темур лашкарининг умумий сони 800.000 кишига тенг бўлган. «Соҳанинг ажойиб билимдони» француз туркшуноси Л.Бува бу рақамни тўғри деб кўрсатади. Олмон муаррихи Ролофф, аксинча, бу рақамни «ҳақиқатдан мутлақо йироқ ва телбаларча муболағалаштирилган», деб ҳисоблайди. Ролоффнинг тахминига кўра Амир Темурнинг лашкари атиги 15.000-20.000 аскардан иборат бўлган.<sup>2</sup> Зотан, унинг фикрича, мод-

---

хи»). Бироқ бу мактублардан бирортаси ҳам сақланиб қолмаган. Демак бу ерда баҳсталаб гипотеза ҳақида гап боради.

<sup>1</sup> Трабзон императори юзага келаётган қарама-қаршиликда бетараф қолишни истар, Византия билан Амир Темур ўртасидаги музокараларга воситачилик қилиб, Боязиднинг қаҳрига учрашдан чўчирди.

<sup>2</sup> Roloff. Die Schlacht bei Angora // Historische Zeitschrift, t. CXVI.

дий жиҳатдан 800.000 кишилиқ оломонни Дажла дарёси ёқаларидан Анқарагача бўлган минг километрлик масофага икки ой ичида олиб ўтишнинг асло иложи йўқ. Олмон олимига қуйидагича жавоб бериш мумкин:

“— Цезарь, Александр ва Амир Темур каби шахслар ҳақида гап кетганда «иложи йўқ» деган тушунча ўта нисбий маъно касб этади.”

Осиёлик буюк фотиҳлар ҳаракатга келтирган улкан оломон оқими бутунлай жангчилардан иборат бўлган эмас: аскарлар уларнинг бир қисмини ташкил этган. Амир Темурнинг замондошлари унинг лашкари бир неча юз минг аскардан ташкил топган, деган хулосага келган бўлишса ажабмас.<sup>1</sup>

Бизнингча, Боязид лашкарларининг сони 110.000 кишидан иборат бўлган, зеро у Никопол жангида ҳам шу миқдордаги қўшин билан қатнашган эди. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, Босфор ва Профонтид бўғозини қўриқлаб турган Византия ва Трабзон ҳарбий кемалари усмонли туркларнинг Оврупа қитъасида жойлашган лашкарларини бетараф қилганлар, шу сабабли ҳам Боязид қўшини ўз рақибига нисбатан кам сонли бўлиб қолган.

Юнон муаррихи Калкондилоснинг гувоҳлик беришича, ҳал қилувчи жанг арафасида Боязид аскарлари орасида султонга нисбатан норозилиқ ҳукм сурган, бунинг асосий сабаби қўшинда ўрнатилган қаттиқ тартиб ва аскарларнинг маошларини ўз вақтида тўланмаслиги бўлган. Юнон муаррихининг фикрича, Боязиднинг вазирлари-

<sup>1</sup> Арманистонлик руҳоний Томас де Мездопнинг фикрича, Амир Темур Дамашқни ишғол қилган пайтда унинг қўшини 750.000 аскардан иборат бўлган.

дан бири Али Пошшо агар султон Амир Темурга қарши жангда голиб чиқишни истаса, аскарларидан ўз қарзини узиши кераклигини маслаҳат берган, бироқ бунинг фойдаси бўлмаган, яъни Боязид қарзини узмаган.

Шу муаррихнинг гувоҳлик беришича, Боязиднинг саркардаларидан бири султоннинг тангалари Амир Темур қўл остидаги ўлкаларда зарб этилмоқда, шунинг учун ҳам султон уларни ўз аскарларига кўрсатишга журъат эта олмаяпти, деб ҳазил ҳам қилган.


*Боязиднинг банди этилиши* хусусида эса турли-турфа ривоятлар мавжуд. Шу ривоятларга қўшимча қилиб византиялик Дукасининг кўпчиликка маълум бўлмаган ҳикоясини келтириш мумкин:

«Мовароуннаҳрлик жангчилар қичқириша бошлашди: «Султон Боязид, отингдан туш-да, сени кутаётган Амир Темур ҳузурига бор». Шунда султон ўзининг қимматбаҳо араби отидан тушиб, мовароуннаҳрликлар уни ўз ҳукмдорлари ҳузурига олиб бориш учун тайёрлаб қўйган паст бўйли отга ўтирди.

Боязид қўлга олинганидан хабар топган Амир Темур сарпардасини тикишни буюрди ва ўғли билан форсийлар шатранж, римликлар шахмат деб атовчи ўйинга киришди. Бу билан у Боязидни банди қилиш уни қизиқтирмаслигини ва ўзининг кўп сонли лашкарлари султонни худди қафасга солинган қушдек қўлга туширишларини намоёиш этмоқчи эди... Улуғ амирнинг одамлари Боязидни Соҳибқирон чодирини олдига олиб келдилар ва уни олқишлаб мурожаат қилдилар:

«Таслим бўлган ва қўл-оёғига кишан урилган турк Султони амрингга мунтазир!». Амир Темур ўзини ўйинга қаттиқ берилган қилиб кўрсатар, аскарлар эса Боязидни олиб келганликлари ҳақида қаттиқроқ қичқирар эдилар. Шунда Амир Темур ўрнидан турди ва ўғлига қараб деди: «Шоҳ ва мот!».

Усмонли туркларнинг мағлубияти ҳақидаги хабарни Парижга Боязид зулмидан озод этилган насроний қуллар келтирдилар. Ҳали ҳам Луврда яшаб юрган Мануэл Палеолог ҳам бундан хабар топди. У бунга ишонмади ва Венеция сенатидан аниқлик киритишини сўраб мактуб йўллади. Сенат бу хабар ростлигини тасдиқлаб, ундан ўз салтанатига зудлик билан қайтишни талаб қилди. Шундай қилиб, уч йиллик жудоликдан сўнг “кўланка император” ўз тахтига қайтди. Амир Темур берган қақшатқич зарбадан сўнг усмонлилар империяси йўқ бўлиб кетиши керак эди. Бироқ бунинг акси бўлиб чиқди. Орадан ўн йил ўтар ўтмас, турк ҳукмдорларининг янги авлоди етишиб чиқди ва қирқ йилдан сўнг Византия империясига якун ясади.



Марсель Брион

# АМИР ТЕМУР



## Амир Темурнинг портрети (руҳияти)<sup>11</sup>

Буюк фотиҳнинг руҳияти (психологияси) ҳануз баҳсталаб муаммолардан бири бўлиб, бу борада аниқ бир гап айтиш қийин.

Европалик ёхуд осиелик муаррихларнинг солномаларини ўрганар эканмиз, кўз ўнгимизда Темурнинг бошқа фотиҳлар ва салтанатлар асосчиларидан анча мураккаб, зиддиятларга тўла қиёфаси намоён бўлади. У Отилахон каби ўз юришларининг айрим лаҳзаларида куч ишлатади, Чингизхон каби силлиқ шафқатсизлик ҳам кўрсатади. У Александр Македонский каби ўзи забт этган ўлкалар фани, маданияти ва санъатининг шайдоси бўлган. Ўзи юритган моҳир сиёсати туфайли уни Испания қироли Филипп II га ва Франция қироли Карл V га таққослаш мумкин. У Петр I ва Людовик XIV каби узоқни кўра биладиган давлат арбоби бўлган ва салтанати пойтахтини юксак дид ва нафосат билан бунёд этган.

Унинг қилган ишларини, ўй-фикрларини, ҳис-туйғуларини оддийгина ва жиддий акс садолар тизимига солиш бу савлатли шахсни барча кўланкалардан, бизни ҳам ўзига мафтун қилувчи, ҳам чалғитувчи тахминларнинг барча кўринишларидан халос этади. Унинг жангоҳларда кўрсатган тактик маҳорати бор бутунлигича ва

---

<sup>1</sup> Brion Marcel// Le Memorial des Siecles. XIV siecle. Les Hommes. Tamerlan. Par Marcel Brion. - Paris: Editions Albin Michel, 1963. - P.55-131.

турфалигича ўрганилса бутун бошли китобга жо бўлади.

Амир Темур ўта моҳирона юритган ташқи сиёсат қатъий талаблар ва макр-ҳийлаларга шунчалар бойки, бу сиёсатнинг бош йўналиши ва асосий омилларини ажратиб олиш жуда мушкул. Яшиндек зарба беришга қодир бу қизиққон инсон сабр-бардошли ҳам бўлиб, бирор нодон рақибни чалғитиш (йўлдан оздириш) учун, кези келганда ўзини кўр ва кар ҳам қилиб кўрсата оларди.

Амир Темур энг офир ҳолатлардан ҳам усталлик билан ва оқилона чиқиб

кета олган. У ўз фаолиятининг бошида Осиёни забт этишга шайланганида —

Европа кейинги юришлар учун мўлжалланган эди — унинг ёнида атиги бир ҳовуч, том маънода бир ҳовуч, унинг учун жонини ҳам беришга тайёр ҳамроҳлари бор эди, холос. Кейинчалик Осиёнинг барча халқлари вакилларидан ташкил топган беҳисоб лашкарлари ҳам уни севиб-ардоқлаб, ортидан эргашиб юришди. У ўзи бир туг остига бирлаштирган лашкарлардан чексиз сабот ва матонат талаб қилар, бу қўшинни ягона ватанпарварлик руҳи бирлаштира олмас — Амир Темур уларни ўз шахсий авторитети бирла бирлаштириб ва ушлаб турарди. Унга яқинлашган ҳар қандай кимсани унинг оҳанрабоси, қуролдош дўстлари ва “Ёсоқ”нинг қаттиқ тартиб-қоидалари қаршисида кўрсатган баъзан ўринли, баъзан ноўрин шахсий жасоратлари ўзига тортарди. Қачонлардир Чингизхон эълон қилган “Ёсоқ”нинг тартиб-қоидалари ўзларининг отаси ёхуд бобоси бўлмиш бу шахснинг ўрнини эггаллаш ва унга тенглашиш орзусини яширинча кўнгилларига тугиб қўйган чингизийлар ва ўрдалар бошлиқла-

ри томонидан уларнинг қўшинларига ҳам жорий қилинганди.

Қисқача қилиб айтганда, “Ёсоқ”нинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: 1. Худо ягоналигини тан олган барча инсон виждон эркинлигига эга бўлади. — 2. Ҳукмдор Чингизхон авлодидан бўлмоғи лозим. — 3. Ғанимни енгиб бўлмай, тинчлик ўрнатилмайди. — 4. Қўшин ўнлик, юзлик ва мингликларга бўлинади; зобитлар аскарларга қурол тарқатадилар, улар эса жанг тугагач қуролларини омборларга қайтарадилар. — 5. Қўшинни озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида март ойидан октябрь ойигача ов қилиш таъқиқланади. — 6. Мол қони ва ичак-човоғини истеъмол қилиш мумкин. — 7. Жангларда иштрок этмаганлар жамоат фойдали ишларига жалб қилинадилар. — 8. Ўғирлик учун ўлим жазоси ёки 7тадан 700тагача таёқ билан савалаш жорий этилади. — 9. Ҳеч бир мўғул ўз қавмига зулм ўтказмайди. — 10. Эр хотинини сотиб олади; у қурби етганича хотин олиши мумкин. — 11. Зино қилганга ўлим жазоси берилади; ўз жуфти ҳалолини хиёнат устида ушлаган одам уни ўлдириш ҳуқуқига эга. — 12. Ота-она ўлган фарзандига ҳам никоҳ ўқитиши мумкин. — 13. Жосуслар, ёлғон гувоҳлик берувчилар ва баччабозлар ўлим жазосига ҳукм этиладилар. — 14. Давлат маблағини ўзлаштирган раҳбар ўлимга ҳукм этилади.

Ҳарбий тартибнинг метиндек мустаҳкамлиги, Марказий Осиё чўлларида, Кавказнинг муз қоплаган тоғларида, Ҳимолай чўққиларида барча қийинчиликларнинг бирга баҳам кўрилиши Амир Темур қўшинини бир жону бир тан қилиб жипслаштирган эди, зотан турфа халқлар вакилларида ташкил топган бу қўшинни ёлғиз ва-

танпарварлик ҳиси бирлаштира олмасди.. Буларга Амир Темур тахтга ўтирган биринчи кунидан то умрининг охиригача, лашкаларига Эрон ва Ҳиндистон хазиналарини улашиб, уларни Хитой устига ташлаш арафасида оламдан ўтгунича шу тарқоқ жангарилардан яхлит бир қўшин ташкил этган яқдиллик омилларини ва музаффар жанглардан тирик қолган аскарлар орттирган бойликларни қўшиш лозим. Баъзан, айниқса, Эрон ва Ҳиндистонга юришлардан омон қолган лашкарларга қўлга киритилган бойликлар шу қадар оғирлик қилардики, улар елкаларидаги юкдан халос бўлиш учун қимматбаҳо буюмларнинг катта қисмини саҳролар ва олис чанг сўқмоқларда қолдириб кетишарди.

Отилахон ва Чингизхон энг кучга тўлган ва зафарларга бурканган пайтларида ҳам жанговар аравалари ва қум-тошлоқларга тикиладиган ўтовларидан маст бўлиб, забт этган ўлкаларининг мустаҳкамлиги ва уларни отдан тушмай бошқариш мумкинлигига ишонган кўчманчилар бўлиб қолишса-да, Амир Темур ҳам кўчманчи, ҳам ўтроқ саркарда хислатларини ўзида жамлаган ҳамда уларни ўзининг ички ва ташқи сиёсатида моҳирона намоиш этарди. У дастлаб ўз аскарларидан ҳаракатчанликни талаб қилди, худди шундай ҳаракатчанлик натижасида мўғул лашкарлари қадимий турғун давлатлар ўрнида бепоён салтанатларни тузган эдилар; унинг душманлари кўп эди ва унинг бахтига қарши бу душманлар Форс кўрфазидан Сибир даштларигача, Қора денгиздан Тинч океанигача ёйилиб кетганди. “Ёсоқ”нинг ижобий томонларидан бири шу эдики, у лашкарлари ўта ҳаракатчан бўлишини талаб қиларди, суворийлар жуда қисқа

муддатгагина – у ҳам бўлса дам олиш пайтларида – тулпорларининг эгарларини ечиши, йил бўйи – ёзни ёз, қишни қиш демай, жазирама иссиғу қаҳратон совуқда, кечасию кундуз, ҳар он, ҳар сонияда жанговар дўмбираларнинг биринчи зарбиданоқ жангга киришга шай туришлари лозим эди.

Барча халқларнинг раҳбарлари ўз фуқароларини фаол ва самарали итоатда ушлаб туриш учун кашф этган машҳур ҳуқуқий тизимлар орасида энг оқилона тузилгани шубҳасиз “Ёсоқ” эди. Мўғул эмас, аслида турк бўлган Амир Темур бошқарган салтанат чингизийларнинг ўз аجدодидан мерос қолган турфа миллат ва элатлардан ташкил топган, аммо бирлашган давлатлардан мутлақо фарқ қилса-да, у қачонлардир тошхаталарга ўйдириб ёздирилган матнга мурожаат этди, шу битикларга қатъий риоя қилди.

“Ёсоқ”нинг қўшинга қанчалар таъсир қилишини ва Соҳибқирон бунёд этган салтанатнинг ҳуқуқий асослари самарадорлигини Наполеон жорий қилган машҳур Кодекс тамойиллари келтирган нафга таққосламай туриб, қисқа бир давр ичида ва иш бошлашидаги арзимас салоҳияти билан Амир Темур қанчадан-қанча давлатларни ўзига бўйсиндириб, қанчадан-қанча машҳур ва қудратли шаҳаншоҳларни тахтдан қулатганини тушуниш қийин. Ҳам фуқаро аҳолига, ҳам қўшинга бирдай қўлланадиган Чингизхоннинг “Ёсоқ”и 1206 йил, ноёнларнинг йиллик умумий мажлиси – қурултойда қабул қилинган бўлиб, қонун билан мустаҳкамланган ва шу билан бирга у ҳам мўғул халқига, ҳам қўшни ёхуд вассал давлатларнинг фуқаролари учун мажбурий эди. Бу қонунлар тўпламига уни таниган барча

гарбликлар юксак баҳо беришган; Папанинг элчиси Жан дю План Декарпин, ўзининг “Тартарияга саёҳат кундалиги”да унинг бебаҳолигини, ақл-заковат билан тузилганлиги ва самаралигини таъкидлаган эди,<sup>12</sup> матнни биринчи қўлдан ўқимаган, бироқ уни сайёҳларнинг ҳикояларидан билган Жуанвиль эса халқлар орасида тинчликни сақлаш учун ундан зўр қонун йўқлигини тан олган.<sup>23</sup>

Муғулларнинг “Ёсоқ”и қабул қилинганидан бир юз эллик йил ўтгач тахтга ўтирган ва Чингизхон империясидан фарқли равишда бунёд этилган давлатлар жамламаси ҳукмдори бўлган омадли аскар, Чингизхонга мутлақо қариндошлиги йўқ том маънодаги таваккалчи Амир Темур назарий жиҳатдан ҳамон амалда бўлган унинг қонунлари мажмуасини сақлаб қолишдан иккиланмади. Бироқ чингизийлардан мерос қолган давлат ҳукмдори оламдан ўтганида йиғилган қурултой меросхўрни Дунё Ҳукмдори қонидан бўлган одамлардан танлаши лозим эди. Ушбу ҳолат баъзан пародаксал ва мавҳум ҳолатларга сабаб бўларди: Амир Темур 1388 йилда, эллик уч ёшга кириб улкан салтанатнинг ҳукмдори бўлганида, худди Лоренцо де Медичини “Музаффар” деб атаганларидек, “Кўрагон”, яъни “Мунаввар” деган оддийгина унвонга эга эди.

Унинг ёнида эса қалбаки хушомадлардан масту ҳеч нарсага арзимас инсонлар қуршовидаги, ҳукмдор унвонига эга, расмий маросимларда чи-

<sup>1</sup> ean du Plan de Carpin. Relation du voyage en Tartarie. Китобнинг қисқартирилган варианты 1634 йил нашр этилган. (тарж.)

<sup>2</sup> Жан, сэр де Жуанвиль (1224-1317) – француз солномачиси, еттинчи Салб юришига иштирок этган (1248). «Авлиё қиролимиз Людовикнинг айтганлари ва қилган яхшиликлари китоби»нинг муаллифи. (тарж.)

ройли кийимлар кийиб ва қурол тақиб тантанавор юрадиган ҳақиқий чингизий турар, унвони унга юқоридан жой берса-да, бошқа ҳеч нарсага ярамасди.

Аслида эса анчадан бери Чингизхон қони совуб қолган, у энди фақат ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва бурчлари бир ёқда қолиб, ҳамон қудратли салтанат тахтига интилаётган, аммо ўз иштаҳаларини қонунийлаштиришни ҳам билмайдиган омадсиз қиролларнинг қайғули ролларини ўйновчи дангасалар гуруҳидан иборат эди, холос. Салтанатда диний ҳуқуқ ҳукмрон бўлса-да, Амир Темур шу қадар доно иш юритар эдики, ўзининг исломнинг содиқ бандаси эканлигини кўрсатар ва шу билан бирга Оллоҳдан ўзга худоларга эътиқод қўйган фуқароларига қаршилик билдирмасди. Давлат дини табиийки Муҳаммад пайғамбарнинг дини, у ўзи тарбияланган, уни фаол қўллаб-қувватлаб турган уламолар дини эди. Чингизхон атрофидаги шаманлар қандай обрў-эътиборга эга бўлса, унинг саройида мусулмон шайхлар ҳам худди шундай катта таъсирга эга эдилар. Гарчи баъзи муаллифлар барча йирик муҳорабаларда Амир Темурнинг мусулмонча раҳм-шафқатни унутиб қўйишини таъкидласалар-да, унинг динга бўлган эътиқодини шубҳа остига олишга ҳеч қандай асос йўқ. У шундай зукко инсон эдики, дин билан давлатнинг елкама-елка ҳамкорлик қилиши зарурлигини жуда яхши англарди ҳамда ўзига нисбатан қаттиққўл, бошқаларга бағрикенг (толерант) бўлиб, эл-юрт орасидаги ҳурматини дадил мустаҳкамлаб борарди.

Бироқ бу уламоларга тинчлик бермас, улар Соҳибқиронга қаттиққўллигини пеш қилишар, у

эса тинчликда ҳам, жангу жадалда ҳам “жаннат қиличлар соясида” жумласи битилган Муқаддас китобни туғ каби баланд кўтариб юрарди; ҳозирги кунда айримлар ўша уламоларга ўхшаб Қуръонни фақат тинчлик ва мулойимлик ҳимоячиси деб ўзларига шиор қилмоқдалар. Амир Темур эса диний тафаккур Давлат билан ҳамкорлик қилса жуда фойдали бўлади, деб ўйларди. Ҳатто у дунёга келганида Ислом дини чақалоқда Тақдир инсонларни бошқариш учун танлаган инсонни кўрган эди; улғайгач саркарда шу башоратни тинмай такрорлар ва унинг бекорга эмаслигини асослашга ҳаракат қиларди.

Айнан уламолар Амир Темур билан ислом дини ўртасидаги муносабатларни белгилаб туришди, у эса ўзининг Форсга юриши учун сунналар ва Эрон шиалари ўртасидаги нифоқни баҳона қилди – барча фотиҳлар ўз ҳатти-ҳаракатларини оқлаш учун баҳоналарга муҳтож бўлишган... Уни бу ишга оддий ишқибозлик эмас, қадимий ва машҳур маданиятга эга мафтункор давлатлардан бирини осонликча қўлга киритиш мумкинлиги истиқболи ундади. Мовароуннаҳр ҳукмдорини Исфакон, Боғдод ва Деҳли ўзига мафтун этар, Пекин ва Константинопол диққатини тортарди, ва агар Оллоҳ унинг умрини узоқ қилганида, эҳтимол, Римга ҳам етиб келарди.

Туфилганидаёқ Темурни мусулмон уламолари ўз бағирларига олганлар; барлослар қабиласининг бошлиғи, камбағаллашиб қолган ва бир оз обрўси тўкилган аслзода Тарағайнинг ўз ўғли дунёга келишидан олдин кўрган тушининг таъбирини шайх Зайниддин табил қилган эди. Тарағайнинг рўбарўсида ўта дилбар бир йигит – бир фаришта унга шамширини узатиб турар; Тарағай шамширни

олиб, дунёнинг тўрт тарафига чўзар эмиш. “Ўғил кўрасан, — деди унга авлиё. — У шамшири билан дунёни эгаллайди, барчани исломга киритади ва ўзига янгиликлар ва хатоликлар олиб келувчи дунёни зулматдан тозалайди”.

Энди фақат туғулажак чақалоқни Олоҳнинг танлагани, унинг ҳам диний, ҳам сиёсий ишлар бўйича элчиси деб кутиш қолганди. Тарағай янги туғилган чақалоқни шайхнинг олдига олиб келиб, тушининг таъбирини эслатганида Зайниддин унга Темур деб исм қўйди: бу темир одам дегани эди. Мўғуллар орасида катта обрўга эга бўлган шаман Кўкчу худди шундай қилиб Чингизхоннинг сиёсий зафарларига хизмат қилган ва хундонинг ишқи тушганнинг бошига кўринмас тож кийдирганди. Инсон тақдирида унинг исми катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олсак, ривоят қилишларича Тарағай ўғлини шайхнинг ҳузурига олиб келганида, шайх Қуръон қироат қилар ва тамурру сўзида тўхтаганди, тамурру “титрамоқ” маъносини беради. Тамурру билан тимурнинг ораси узоқ эмас, билимдон башоратчилар ҳар икки сўздан бир хулоса чиқарадилар: бола ўз шамшири билан дунёни титратади. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Отилахон (хунлар тилида Этзел — *Etzel* — темир дегани)дан Сталингача буюк фотиҳлар ва халқлар доҳийларининг исмлари ва тахаллусларида металлар муҳим аҳамият касб этишган.

Амир Темур ўзига болалигидан кўрсатилган шу диний ва уламолар таянчига содиқ қолди. У шайх Зайниддин унинг ёнида қанча узоқ қолган бўлса, шунча пайт унинг маслаҳатларига қуроқ солди, ўзи амалга оширадиган барча муҳим юмушларини унинг кўрсатмаларига амал қилди;

Ўз саройи ва қўшинида ўз дуолари билан аскарларини зафарларга чорлаган имомлар ва дарвешлар бўлишини қўллаб-қувватлади ва ҳар сафар, зарур бўлганида, ўзи қўл урмоқчи бўлган амаллари шубҳа уйғотганида, ўзига ҳамроҳ бўлган диндорлардан маслаҳатлар олиб турди.

Амир Темур забт этган мусулмон давлатларидаги айрим фитначи уламолар уни иккиюзламачиликда айблашар ва маъжусий мўғулларнинг “Ёсоқ”и ўрнига шариат қоидаларини ўрнатмаганлигини бунга далил қилиб кўрсатишарди. Аслини олганда эса “Ёсоқ” қўшинда кўчманчи халқлар вакилларида йирилган аскарлар орасида тартиб сақлаш учун зарур эди. Ушбу уламолар уни ҳақиқий диндорлар орасида бирдамликни бузишда ва мусулмон халқларга қарши жанг қилишда айблашарди. Бу таъналарга Амир Темур уйғур ва Или бўйилик чигатойликларга ёхуд Деҳли султонларига ҳужум қилар экан, буни сунна мазҳабига чуқур ҳурмати туфайли қилишини, шиалар эса маъжусийлардан кўра кўпроқ гуноҳга ботганлигини сабаб қилиб кўрсатарди. Ҳарбий юришларининг мақсади қандай эканлигидан қатъий назар у бу жангларга атрофидаги муллалар зўр бериб ташвиқот қилган муқаддас кураш — жиҳод тусини беришни одат этганди. У баъзан фуқаролари турли эътиқодларга амал қилувчи маҳв этилган мамлакат аҳолисини турлича жазолаш мумкинлигини намоиш этарди: Ҳиндистондаги Батнир қалъаси қўлга киритилганда қаршилиқ кўрсатган ҳиндуларга алоҳида, мусулмонларга алоҳида жазо чоралари қўлланилган. У Эронни забт этганида диндан қайтганларга, энг соф эътиқоддан воз кечганларга қарши ҳаққоний уруш олиб борган, исёнкорлар эса

энг жиддий жазоларга лойиқ эдилар. Индра ва Ганг водийсининг забт этилган шаҳарларидаги ибодатхоналарни масжидларга айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари унинг чуқур эътиқодидан дарак берар, насроний Гуржистон шаҳарларининг вайрон этилиши ва аҳолисининг муносиб жазоланишини эса энг талабчан солномачилар ҳам олқишлаб ёзадилар.

Амир Темурнинг бутун фаолиятига хос шу шафқатсизлик ва кучли эътиқод баъзи мозийшуносларни “у Қуръоний жазо берарди”, деган фикрга олиб келган, бироқ шуниси аёнки, айрим қаттиққўлликларини эътиборли дин ғояси билан ифодалаш орқали у тақводорлар кўз ўнгида ўзини яхши қилиб кўрсатар ва ўзининг саргузаштларга тўла ҳаётининг дастлабки кунларидаёқ уламолар унга башорат қилган чексиз эътиқодини сақлаб турарди. Унинг тимсолида илоҳий куч ва жисмоний куч-қудрат уйғунлашиб, зафарларига замин ясарди.

Амир Темур Исломга ҳадея этган туҳфалар ортиғи билан қайтиб келарди; уламолар юксак маданиятли бу саркардани чуқур ҳурмат қилардилар, уруғ-аймоқлар бошлиқларининг маслаҳатларига қулоқ солишдан кўра дин пешволарининг илоҳий мавзулардаги суҳбатларига қўшилишидан завқланардилар. Халёб қўлга киритилганидан сўнг у олимлар ва уламоларни йиғиб ўз юришларининг қонуний-қонуний эмаслигини сўради, уни яна бир оғир савол, жавобсиз қолган савол қизиқтирарди: “шаҳид” сўзи фақат унинг лашкарлари сафида хизмат қилиб, ҳалок бўлган мусулмон жангчиларга нисбатан ишлатиладими, ёки ванимлари сафида жанг қилиб ўлган мусулмонларни ҳам “шаҳид” деб аташ мум-

кинми? Мунозарали бу масаланинг жавоби ҳеч кимни қониқтирмади, шунда саркарда уламолар баҳсини тўхтатди ва унинг ортидан юрувчи ҳар қандай инсон Оллоҳ кўрсатган йўлдан юришини ва Оллоҳ ундан ўз раҳматини аямаслигини маълум қилди.

Унинг ҳам ўз фуқаролари, ҳам душманлари кўз ўнгида ўзининг ҳар бир ҳаракати учун ишончли далиллар топа билиши Чингизхон каби фақат жисмоний кучга ишонмаслигини, аксинча, рақиблари унга ҳам онгли равишда бўйсунилларини хоҳлашини кўрсатади. Унга “Сиз Оллоҳнинг ердаги соясиз” деган илтифот хуш ёқарди. “Зафарнома”да қуйидаги жумлани ўқиш мумкин: “Оллоҳ Амир Темурга ва унинг авлодларига Осиё ҳукмдорлигини топширди, зеро унинг тинч-осуда ҳукмронлиги остида халқлар роҳат-фароҳатда ҳаёт кечиришлари лозим эди.”<sup>14</sup>

XIV асрнинг сўнги йиллари ва XV асрнинг бошида қудратли салтанат тузган Амир Темур *тинч-осуда* ҳукмронлик қила олмасди. У забт этган ўлкалар халқларини ўта ҳушёрлик ва исёнкорларни қаттиқ жазолаш эвазигагина итоатда ушлаб туриш мумкин эди. Забт этилган ўлкаларда қўрқув, ваҳима уруғини сепибгина исёнларнинг ва эзилган халқларда миллий туйғу уйғонишининг олдини олиш мумкин бўларди. Салтанатда испан Клавихо ва араб муаррихларини ҳайратга солган ажойиб алоқа ва айғоқчилик хизматлари йўлга қўйилганига қарамай, Осиёнинг бир бурчагидан иккинчисига тинмай от қўйиб юрган ҳукмдор қўлидаги куч-қудрат агар унинг барча фуқаролари ўзларини доимий назоратда

<sup>1</sup> Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си назарда тутилмоқда (тарж.)

рат остида сезсалар ва бирор норозилик белгисини намоиш этишлари билан у яшиндай қайтиб келишини ҳис қилиб турсаларгина самарали бўларди.

Туркларнинг Эронни, Месопотамияни, Кичик Осиё ва Гуржистонни забт этиши бир ёввойи томонидан хўрланган кўҳна маданият ўчоғлари бўлмиш шу давлатларни ғазабга келтирарди; Ҳиндистон бундан ҳаммадан кўп азоб чекарди. Гоҳо-гоҳо кўтарилиб туриладиган бесамар исёнлар қонли жазоланишлар билан тугарди. Боз устига турклар мўғуллардан Чингизхонга жуда қўл келган “куйган ер” тактискасини ўзлаштирган эдилар. Чиндан ҳам беҳисоб подаларини боқиш учун кенг дашту адирларга муҳтож кўчманчилар ўтроқ қишлоқ хўжалик ераларини уларга тегишли ерларни ноқонуний ўзлаштириб олиш ва ерни увол қилиш деб ҳисоблардилар. Уларнинг назарида шаҳар ва қишлоқларни вайрон этиш, полиз ва экин майдонларини бузишни ўзларининг ҳаёт тарзлари талабларига жавоб берарди; ўтроқ халқлар янги очилган ерларга ишлов бериш ва уруғ қадашга қанчалар тиришсалар, кўчманчилар ҳам даштлар учун шунчалик зўр ғайрат билан курашардилар.

Шундай бўлса ҳам Амир Темур билан Чингизхон ўртасида катта фарқ бор эди. Мўғуллар доимий қўллаган куйган ер тактикасини Амир Темур кўр-кўрона қўлламас эди, зеро у ҳақиқий кўчманчи эмас, ўзининг на ҳордиқ, на тин олишни билмас куч-қудратни намоиш этишга бўлган интилиши билан кўчманчи ҳаёт кечиришга маҳкум этилган ўтроқ инсон эди. У шаҳарларни, боғларни, яхши ишлов берилган далаларни хуш кўради, бироқ агар дарахтларни таг туги билан

кестиришга, ҳосилни ёндиришга қарор қилса. У бу ишни қайсар ғанимларининг кулфатига кулфат қўшиш ва қиличдан ўтказмаганларини очликдан ўлдириш учун қиларди. У Хитойни забт этиб, ўтловга ярайдиган ерларни банд этиб турувчи қўлларидан ҳеч нарса келмайдиган бир миллион аҳолини қириб ташлашни орзу қилган Чингизхондан нари ўтолгани йўқ.

Ўта билимдон ва ўта маданиятли Амир Темур кўр-кўрона табиий ваҳшийлик ва “куйган ер” сиёсатини, ваҳима ва қирғинбаротчилик сиёсатини юргазишдан йироқ эди. Амир Темурдан олдин ўтган бирорта ҳам мўғул ёки турк фотиҳи у каби доно ва маданиятли бўлган эмас. Отилахон ва Александр Македонскийда алоҳида-алоҳида мавжуд бўлган қарама-қарши хислатлар Амир Темур шахсида галати бир уйғунлик ҳосил қилганини кўриб ҳайратга тушади, киши. Гарчи у Чингизхон каби муҳорабани яхши кўриб, жангоҳларда лашкарлари билан ёнма-ён туриб курашса-да, бунёдкорликда Людовик XIVдан асло қолишмасди. Агар биз тарозининг бир палласига у вайрон этган шаҳарларни, иккинчисига у бунёд этган Самарқанд мўъжизаларини қўйсак, бу ёдгорликлар у санъат ва маданиятга етказган зарарлар ўрнини ошири билан қоплайди.

Амир Темурнинг ўзи ёздириб қолдирган воқеалар баёнлари ва солномачиларининг ҳикояларидан унинг руҳияти тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариб бўлмайди, зеро ўз замондошлари ва бўлғуси авлодлар учун ўзлари ҳақида даҳшатли таассурот қолдиришни истаган Отилахон ва Чингизхондан фарқли ўлароқ, Амир Темур одамлар уни ўткир ақли, совуққонлиги, очиққўнгиллиги, адолатпешалиги ва саҳоватпешалиги учун ҳурмат

қилишларини истарди. Эҳтимол, унинг шафқатсиз жазолари сабабини жазоланганларнинг ўзларига ағдаришида ўз бераҳмлигини оқлашга интилишдек худбинлик бордир? Гарчи у ҳеч қачон ўзи ҳар куни намоз ўқийдиган ёғочдан ясалган, қизил ва мовий рангдаги кўчма мачитсиз сафар қилмас, қиличдан ўтказилишларини кутмай таслим бўлиб, ислонни қабул қилган ғанимларига ўзини олижаноб қилиб кўрсатса-да, диний соҳада ҳам, сиёсат соҳасида ҳам ҳар доим ҳам ўзининг илоҳий “эътиқод ҳимоячиси” вазифаси ҳиси билан ҳаракат қилганига амин эмас эди.

Моҳир дипломат, хушсуҳан сиёсатчи ва адолатли ҳукмдор Амир Темур

ўз нутқларида ва, айниқса, араб муаррихлари-ю ажнабий элчилар билан қурган суҳбатларида, Европа ҳукмдорлари билан ёзишмаларида Франция қиролларига хос донолигу фикр ва туйғуларининг саралигини намойиш этарди. У “шоншуҳрат ва бойликни ёмон кўраман” дерди, балки унинг гапида жон бордир, зеро унда униси ҳам, буниси ҳам беҳисоб эди. У ўзининг қалбаки таржимаи ҳолида ёзишича, ўн олти ёшидаёқ – европалikka нисбатан эрта катта бўладиган осиелик айрим хом хаёллардан ҳоли бўлмаган ёш - «дунё илон ва чаёнлар тўла олтин сандиқдан иборат»-лигини яхши биларди.

Жанглар, сиёсат ва дипломатия унга қуйидаги оддий ҳақиқатни ўргатган эди: «Нодон дўстдан доно душман афзал», «Ўн минг киши билан узоқда юргандан кўра, ўн киши билан зарур жойда бўлган маъқул». Ўз муҳрига «Куч – адолатда» деб ёздирганида у ҳақ эди. Таваккал қилиб ва фақат бугунни ўйлаб иш кўрган барча таваккалчилар

каби парагматик фотиҳ баъзан яшиндек тез бир қарорга келар, баъзан узоқ ўйланарди. У ўз фарзандларига давлатни бошқариш ҳақида қуйидаги ўғитларни берган эди: «Салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлғай, яна бир қисми ўзни эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш ила битур».

Амир Темур ўғли Мироншоҳга Халокухон улусларини топширар экан шундай насиҳат қилган: «Сен ўз номингни абадийлаштириш заруриятини кўрмоғинг ва бу фоний дунё воқеа-ҳодисаларидан йироқ турмоқ чорасини топмоғинг лозим». Юксак маданиятли Европа қироллари ҳам шундай деган бўлардилар ва шундай ҳам дейишган.

Амир Темурнинг табиати ва амалга оширган ишлари ҳақида шарқлик муаррихлар ёзиб қолдирган барча маълумотларни ҳам жиддий деб ҳисоблаб бўлмайди, уларнинг кўпчилиги буюк фотиҳни қоралаб тасвирлашган, жумладан, ўн икки ёшида Дамашқ вайрон этилишининг гувоҳи бўлиб, сўнг онаси ва ака-укалари билан Самарқандга келтирилган Ибн Арабшоҳ шундай йўл тутган. Бироқ унинг битикларига ишониб бўлармикан, зеро ўша пайтда у ҳали ўсмир эди. Ибн Арабшоҳ Амир Темурни қуйидагича тасвирлайди:

“Етук ёшда унинг руҳи жуда тетик, бадани тўла ва пишиқ, худди қудратли қоя мисоли тебранмас эди. У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирмас, гарчи ўзига озор етказадиган бўлса ҳам ҳақиқатни ёқтирар эди. У бўлиб ўтган ишдан азият чекмас ва ўзига ҳосил бўладиган ютуқлардан шодланмас эди”.

У эҳтиёткорлик қилиб, Чингизхон таъсис этган ворислик ҳуқуқини бузмаган ва унинг авлодидан бўлмишларга қоладиган тахтни ва қурултой берадиган хон лавозимини олиб қўймаган эди, хон эса Соҳибқироннинг чизган чизигидан чиқолмас эди. У қўғирчоқ ҳукмдорларни туҳфаларга тўйдирди, иззат-ҳурматини жойига қўйди — уларнинг ўз ёнида бўлиши унга овирлиги тушмайдиган ҳуқуқий тамойилнинг кафолати сифатида зарур эди: Қабулшоҳ, сўнг Суюрғатмиш ва Махмудхон қонун ва қарорларга имзо чекишар, ўз фуқаролари ва ажнабийлардан ўзларига муносиб иззат-ҳурмат кўришарди. Амалдаги хон Самарқанддаги ажойиб саройда яшар ва Амир Темурга юришларида ҳамроҳлик қилиб, уларга дабдабали тус берарди. Шу ишёқмас хон саройининг ҳақиқий хожаси бўлмиш Амир Темур ўзи, ўз хоҳишига кўра, аммо қўғирчоқ ҳукмдор номидан иш юритарди. У ўзига бирор лавозимни ўзлаштириш учун бирорта ҳам ножўя ҳаракат қилмади, зеро бутун ҳокимият ўзининг қўлида эди.

Жасур жангчиларни тақдирлашдаги саҳовати, баҳодирларга илтифоти, жангоҳларда кўрсатган шахсий жасорати ва мардлиги эл орасида унинг обрў эътиборини ошириб, исмини афсоналарга жо қилди. У ўзидан ботир ва беками-кўст “рицар” деган ном қолдирди, унинг илоҳий беқиёслиги ҳақидаги беҳисоб мадҳиялар Марказий Осиёда балки бугун ҳам жаранглаётгандир. У қудратли саркарда, моҳир сиёсатчи ва буюк бунёдкор сифатида, хуллас, кўчманчининг оддий хислатларини юксак маданият белгиларига уйғунлаштирган инсон сифатида тарихда қолди. Йўқса унинг адабиёт, меъморчилик ва мусиқага муҳаббатини,

форс шоирлари, Месопотамия санъаткорларига кўрсатган ҳурмат-эҳтиромини қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳасадгўй муаррихлар Амир Темур қурбонлари сонини бўрттириб кўрсатган, деб ишонгинг келади, бироқ рақамлар ушбу вазифа учун махсус тайинланган амалдорлар томонидан белгилашиб, аниқлаштирилганидек таассурот туғдиради.

Амир Темур рақиби Тўхтамишхон билан иттифоқ тузган Москванинг буюк князи Василий I Дмитриевични жазоламоқчи бўлган ва шу мақсадда Волга бўйида жойлашган Сарой ва Аштархон шаҳарларига кучли зарба берган.

**Айримлар Соҳибқироннинг нафақат Россияга, балки бошқа ўлкаларга қилган юришлари чоғида ҳам кўплаб қурбонлар бўлган деган фикрларни билдирадilar.** Темурнинг табиати ва амалга оширган ишлари ҳақида шарқлик муаррихлар ёзиб қолдирган барча маълумотларни ҳам жиддий деб ҳисоблаб бўлмайди, уларнинг кўпчилиги буюк фотиҳни қоралаб тасвирлашган, жумладан Ибн Арабшоҳ шундай йўл тутган... Ҳасадгўй муаррихлар Амир Темур қурбонлари сонини бўрттириб кўрсатган. **Бироқ** эътиқодли мусулмон, кучли файласуф ва ислом илмининг билимдони Амир Темур шундай қилганига ақл бовар қилмайди.

Амир Темурнинг бепарволиги туфайли амалга оширилган талончиликлар натижасида асосан ўша даврдаги Осиёнинг энг маданиятли ва энг ривожланган учта шаҳри қаттиқ азият чеккан. Булар — Исфажон, Дамашқ ва Боғдоддир. Бу шаҳарларда Амир Темур олимлар, уламолар, шоирлар ва санъаткорларни ўз ҳимоясига олар, уларга ғамхўрлик қиларди. Унинг ушбу ҳаракати

маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, унга илм ва санъат аҳли посбони, юксак даражада маданиятли ҳукмдор деган шуҳрат келтирди.

Болалигида шайхлар тарбиясини олган ва улғайгач ҳарбий юришлари чоғида турфа мамлакатларнинг энг билимдон инсонлари билан мулоқотда бўлган бу киши шубҳасиз маданиятни чексиз ҳурмат қилган, илм-фан муаммоларига чуқур ёндашган. У дунёга келган барлос уруғи камбағаллашиб қолган бўлишларига қарамай, чуқур фикр юритувчи ва ҳалол кун кўрувчи инсонлардан ташкил топган эди.

Амир Темурнинг пойтахти ва саройларининг ҳашаматли безаклари ажнабий ҳукмдорлар ва элчиларни мафтун этган. Соҳибқирон уларни бой кийим-боши, ялтироқ қуро-л-яроғи, сермаъно ва нафис нутқи билан лол қолдирарди. У оқсувсар мўйнасидан тикилиб, жавоҳирлар билан безатилган телпак кийиб юрар, салла ўрашни амал этмаганди. У ажнабийларни қабул қилганида тепасида тилладан ясалган буқа боши тасвирланган салтанат ҳассасини ушлаб ўтирарди.

Жисмонан у “баланд бўйли одам эди, — деб ҳикоя қилади араб солномачиси, — унинг боши катта, пешонаси кенг эди. У ғоятда кучли ва мард эди. Қадди-қомати камолига етган, чеҳраси оқ ва чароғон эди. Қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, серсоқол ва ўнг қўли қуриб қолганди. Унинг ўнг оёғи оқсар, овози эса йўғон эди”. У ўз қўшинининг биринчи сафида жангга кирар, кўп маротаба ярадор бўлганди. У ғаним аскарлари сафлари ичига шунчалик ичкари кириб кетардики, уларнинг зарбларидан ўлиб кетиши ёхуд банди этилишига саноқли сониялар қоларди. Йиллар унинг куч-қудратини сўндира олмади. 1396 йил у

Олтин Ўрданинг хони Тўхтамишга қарши муҳорабада Терек дарёси ёқасида у ўз аскарларидан ажралиб қолди. Унинг найзаси синган, камонида ўқ қолмаган бўлиб, аскарларидан бир нечаси ёрдамга келгунича бир ўзи душманга қарши шамшири билан жанг қилди.

Ўзининг жасорати ва хавф-хатардан чўчимаслиги натижасида у муҳорабалар давомида бир неча бор жиддий яраланди. Шу жароҳатлардан бирининг оқибатида у ўнг қўлини ишлата олмай қолди, иккинчи жароҳат ўнг оёғини бир умрга ишдан чиқарди, натижада у ўзини оламга танитган Темурланг – Оқсоқ Темур – деган ном орттирди. Ғарбда бу ном Тамерланга айланиб кетди. Тез орада у Европада катта шуҳрат қозонди. XVI асрда у Шекспирга ҳам таъсир кўрсатган Кристофер Марлонинг “Буюк Амир Темур” драмасининг қаҳрамонига айланди. Орадан тахминан бир аср ўтиб иккинчи бир инглиз драматурги Никола Роу унинг ҳаққоний ва афсонавий саргузаштлари бўйича янги бир драмани ёзди.

Унинг тарихи ва афсонаси унинг ёнида бўлган ёхуд унинг зафарлари хушхабарларини эшитган ғарблик сайёҳларнинг ҳикояларига асосланган. Кастилия қироли Энрике III Хастанинг 1403 йилда Амир Темур ҳузурига йўллаган элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ҳикояси Соҳибқирон ҳақидаги энг қадимий ва энг зарур манбалардан бири бўлиб, адиблар ва олимларнинг диққатини жалб қилди. Кичик бир мамлакат аҳолиси эса (Кастилия назарда тутилмоқда – тарж.) *Historia del gran Tamorlan e itinerario y enarracion de la embaxada* (Буюк Таморлан тарихи ҳамда элчилик йўли ва баёни)ни саргузашт роман сифатида қабул қилди. Клавиходан бир оз кейин бошқа

бир испан адиби Перо Мексия Клавихонинг асар ва бошқа солномалардан фойдаланиб *Vida del Gran Tamorlan* (Буюк Таморлан ҳаёти)ни яратди. Италиян гуманистлари ҳам Амир Темурга қизиқиш билдирдилар; Паоло Жиово ўзининг “Қасидалар”идан, Абрамо Ортелио *Theatrum Orbis Terrarum* (Курраи замин театрлари)дан унга жой бердилар, Пьетро Перондино эса 1553 йил лотин тилида ўзининг *Magni Tamerlani Scytarum Imperatoris Vita* (Скифлар императори Тамерлан ҳаёти фаройиботлари)ни яратди. Бу ботир персонаж Елизабетта театридан (қиролича Елизабетта замонаси назарда тутилмоқда – тарж.) опера сахнасига кўчди ва буюк композиторлар Ҳандл, Порпора, Вивалди, Саччини шу Шарқ баҳодирининг ҳис-туйғулари ва жасоратларини мусиқага туширдилар.

Амир Темурнинг ғайри оддий шахсиятини англаб етиш учун у туғилган ва яшаган муҳитни, у давлат раҳбари ва саркардалик ақли заковати билан Чингизхон орзу қилиб эриша олмаган Курраи замин Ҳукмдори даражасига етиш ниятига озуқа берган сиёсий ҳолатларни таҳлил қилиб чиқмоқ керак.

Бир аср илгари Чингизхон ўлиmidан сўнг фарзандлари ўртасида нифоқ чиқмаслиги учун ўз салтанатини улар орасида бўлиб бериб оламдан ўтган эди (1227 йил). Ака-укалар ўртасидаги иттифоқ ва аҳиллик уларнинг келажакда туғилажак ниятлари ва иштаҳалари туфайли бузилиб кетиши керак эмасди. Назарий жиҳатдан империя ҳали яхлит, бир бутун, бузилмас турар, бироқ у шунчалар катта ҳудудни эгаллаган эдики, ҳар бир ўғилга тўғри келадиган майдоннинг ўзи ҳам ниҳоятда кенг эди. Бугун биз

чингизийлар тарихи эмас, Амир Темур ҳақида сўз юритар эканмиз, зиммсига Марказий Осиё тушган сулоланинг иккинчи ўғли Чифатой улуси билан чегараланамиз, холос. Чифатой ақлга зид равишда ўзининг жияни, Жўжининг ўғли Батуга бўйинсинарди. Жўжи эса, агар отасидан бир неча ой муқаддам Орол денгизи атрофидаги чўлларда бевақт оламдан ўтмаганида, катта ўғил сифатида салтанатга биринчи меросхўр эди.

Чингизхон Чифатойга темир тахтачаларга битилган “Ёсоқ”қа ҳар доимгидек қатъий риоя қилишни сақлаш шарафини топширган эди. Чифатой отаси томонидан берилган ҳамда 1229 йил Керулен дарёси қирғоғида ўтказилган қурултойда тасдиқланган буюк хон лавозимига эга укаси Угудайга асло ҳасад қилмасди. Амир Темур туғулажак Мовароуннаҳр Чифатой улусига кирар, унинг номи фуқароларига ҳам кўчиб уларни баъзида чифатой турклари деб ҳам аташарди. Бу улус Чингизхон бунёд этган империянинг қоқ марказида, илгари Қора хитойларга қарашли бўлган дашту биёбонлардан иборат эди.

Чифатой ерлари ва аҳолиси ўз тили ва урф-одатларига эга бўлган ўзига хос бир ўлка бўлса-да, икки йирик давлатга бўлинган эди. Булар Туркистон ва икки йирик дарё – Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган Мовароуннаҳр эди. Мовароуннаҳр аҳолиси Исломни қабул қилган бўлиб, қисман мусулмон Туркистон аҳолиси ота-боболарининг қадим-қадимдаги шаманизмига боғланиб қолган эди. Мовароуннаҳр серҳосил экин майдонлари, йирик шаҳарлар, савдо-сотиқ учун қулай карвон йўллари ўлкаси эди; у Чингизхон туғилган даштлар ўлкасидан фарқ қилар, бу ўлка аҳолиси маданиятли, тартибли, кўчман-

чи эмас ўтроқ эди, Амир Темур шу ўлкада дунёга келди. Бу ўлкада мевалар битмас-туганмас, уларнинг бозори ҳам чаққон, бу ўлкада ипак ҳам етиштирилади, Хитойдан Кичик Осиёга борувчи карвон йўллари устида жойлашган бу ўлка ўзининг қулай шароитидан унумли фойдаланади.

Амир Темурни Чингизхонга қиёслаш жиддий хато бўлурди, зеро у мўғул эмас турк бўлиб, у туғилган жамият эса баъзан эски кўчманчилик инстинктлари дашту-далаларга чорласа ҳам, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб, она заминга қаттиқ боғланиб қолган эди. Амир Темурнинг отаси Тарағай ботир раҳбарлик қилувчи барлос уруғи Амударёнинг шимолий қирғоғида жойлашган Соли Саройни қароргоҳ этган амир Қозағонга бўйсунарди. Амир Қозағон ўз ҳукмронлигининг дастлабки ўн йиллигида мўғуллар кўпчиликини ташкил этган Мовароуннаҳрда турклар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилди; у тез-тез қурултойда сайланган чингизий хонга қарши исён кўтарар, зеро мақсади тахтга назарга илинмас бир чингизийни ўтқизиб, қўғирчоқ хон ёхуд дангаса хон деб аталмиш турк хоқони қўлида хизмат қилиш эди.

Амир Темур оиласининг чингизийлар билан қариндошлиги йўқ бўлиб, у қадимги турк уруғидан эди. Бу оила Самарқандан унча олис бўлмаган Кеш — “яшил шаҳар” (Шаҳрисабз) атрофида истиқомат қиларди. Амир Темур Кеш ва унинг атрофларининг ҳокими бўлмиш отаси Тарағайнинг қўлида тарбияланди. У барча болалар қатори уруш-уруш ўйинини ўйнади. У тезда дашт боласидан чаққонроқ отга минишни ўрганди, турли қурооллардан фойдаланишда бошқалардан ажралиб турди. У шайхлар ва муллалардан

ҳам таълим олди, илоҳий билимлар билан бир қаторда жисмоний машқлар билан ҳам шуғулланди. Унга ўзи дунёга келиши арафасида отаси кўрган туш ва уни доно Зайиддин қилган талқини ҳақида тинмай эслатиб туришарди: боланинг тасаввурини уйғотиш ва уни чексиз орзу-ўйлар билан тўйдириш учун кўп нарса талаб қилинмайди.

Шароитга қараб ақл ишлатиб кўрсатилган жасорат ва кутиш, олижаноблик ва ёввойилик, сокин ва узоқ фитналар, от устидаги тезкорлик машқлари ва оҳиста сайрлар ҳам ортда қолди. Инсон руҳиятининг бу зукко билимдони на бирор рақибини авф этишда ва на бирор дўстидан шубҳа қилишда ҳеч қачон адашмаган. Вақт унинг учун хизмат қилган, яъни у кута билган, ҳал қилувчи зарба бериш учун қулай муддатни хатто йиллаб кутган ва, аксинча, пайти келганда тўсатдан ҳаракат қилган. Фақатгина макон унинг режалари тўлиқ амалга ошишига тўсқинлик қилган, ҳаракатини чеклаган. Салтанати кенгайгани сари, қудрати сусайган. Яъни чегаралар кенгайгани сари бошқарув қийинлашган, оғирлашган. Бироқ зарурият ва эҳтиёж қулай пайтда биринчи бўлиб ҳужум қилишга мажбур этган, йўқса ўзгалар унинг ўзига ноқулай пайтда ҳужум қилишлари мумкин эди.

Александр Македонскийдан Гитлергача барча фотиҳлар ҳар доим ўз зафарларига ишонган ҳолда жангга кирган десак, хато қилган бўламиз. Отилахон ва Наполеон каби буюк саркардалар ҳаётида шундай дақиқалар келганки, улар бўлажак муҳорабада ҳалокатга учрашларини тўлиқ англаган ҳолда жангга киришга мажбур бўлганлар, зеро уларнинг бошқача йўл тутишга имкони-

итлари бўлмаган. Бироқ, улардан фарқли ўлароқ, Амир Темур қаерда ва ким билан жанг қилмасин энг қудратли салтанатларда – мамлукларга қарши, усмонли туркларга қарши, эронийларга қарши – ҳар сафар омад унга ёр бўлган. Аминмизки, унинг Хитойга қарши бошлаган юриши, агар у бевақт оламдан ўтмаганида, албатта зафар билан тугарди. Зеро у агар ўзи биринчи бўлиб рақибига зарба бермаса, таваккал қилмаса, бир кунмас бир кун рақибни унга ҳужум қилиши мумкинлигини ҳам, ана шунда жанг вақти ва масканини ўзи танлай олмаслигини ҳам жуда яхши биларди. Унинг Олтин Ўрда ва Тўхтамишни маҳв этиш ўрнига пайсалга солиб юришига асосий сабаб ҳам оқибати нима билан тугаши номаълум муҳорабадан воз кечиш ва ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилиш истагидир.

Бу йигит ҳаёт сўқмоқларида ўз иштаҳасига эрк беришдан олдин одамлар ва халқларни таниши, сарой амалларига кўникиши лозим. Зеро сарой “ўзини кўрсатмоқчи” бўлган ўспирин билан олиши учун энг мос муҳитдир. Мовароуннаҳр ҳукмдори Қозағон Темурни ўз хизматига чорлаганида у ҳали йигирма ёшга ҳам тўлмаган эди. Йигитнинг ақли-заковати, кучи ва мардлиги сеҳрлаган ҳукмдор уни ўз қариндошлари ва дўстлари қаторига қўшди. Амир Қозағон уни қиз набираларидан бири Элжойга уйлантирди ва минг отлиқ лашкарга бошлиқ этиб тайинлади. Темур амирнинг набираси Ҳусайн у билан шу даражада дўстлашдики, уларнинг орасида қил ўтмайдиган бўлиб қолди.

Амир Қозағоннинг саройи фитначилар, жосуслар ва сотқинлар уясига айланиб қолган эди; Темур уларнинг бирор гуруҳига қўшилиши,

исёнларда иштирок этиши мумкин эди, бироқ у бу исёнлар нима билан тугадини тасаввур қила олмас, гарчи уларнинг бирортаси муваффақият билан тугаганида ҳам у бундан қандай наф кўришини билмасди: шунинг учун энг маъқули бета-рафлик эди. Бахтга қарши 1357 йил йил ов пайтида амир Қозағон ўлдирилди, унинг ўлиmidан кейинги алғов-далғовда вориси Мирзо Абдулло тахтдан воз кечди ва унинг ўрнини Мовароуннаҳрлик икки таниқли зот эгаллади — улардан бири Темурнинг амакиси Хожи Барлос эди.

Темур ўша пайтда Мовароуннаҳрда ҳукм сурган тўс-тўполондан фойдаланиб қолса бўларди, бироқ у омадини синаб кўриш учун ўзини ҳали ёш ва тажрибасиз, сиёсий лабиринт ўйинларидан яхши хабардор эмаслигини ҳис қилди. У энди отаси Тарағайнинг ўрнини босган ва Кеш уруғининг бошлиғи бўлишига қарамай, обрўси ва қудрати оддий бир уруғ бошлиғиникидан ортиқ эмасди. Қўпол ва шошма-шошар бир қарорга келишдан олдин воқеалар ривожини кутиш, ўзини ўзи фош қилиб қўймаслик, арзимас бўлса ҳам кичик бир қаршилик пайдо бўлишини кутиш ва қаноат қилиш маъқул эди. Боз устига у амир Қозағонга қарши чиқиш ўрнига унга хизмат қилар, сарой фитначилари унга тишларини қайраб юришарди. Чифатой хони Туғлуқ Мовароуннаҳрни қўлга киритганидан сўнг Темур унинг хизмати-га ўтди ва натижада ўз амакиси Хожи Барлосга қарши жанг қилди. Амакиси ундан хафа бўлгани йўқ, зеро эҳтиёткор бу одам бундай шароитларда ўзи ҳам шундай йўл тутган бўларди.

Туғлуқ таваккалчи одам бўлиб, обрў-эътиборсиз ва кучсиз бир уруғ бошлиғи эди, яхши ҳамки у бир пайтлар Исломни қабул қилган-

ди; унинг қиёфасида мавжуд тузумга душман ва қони қайнаб турган бир инсонни кўрган муслмон дин пешволари уни тахт томон йўллашди. У билан бир кунда бир юз олтмиш минг эркак хатна қилдирилди ва калима келтирди. Ана шу дин пешволари Мовароуннаҳрликларни бу хонга тахтга ўтиришида ҳалақит бермасликка кўндирди. Ўз амакисига қарши курашга Темурнинг хислатларини яхши англаган Туғлуқхон Барлос уруғи лашкарларини бошқаришни унга юклади ва, сўнг, Мовароуннаҳр бутунлай қўлга киритилганини англагач, уни бошқаришни ўғли Илёсхўжага топшириб, унга Темурни маслаҳатчи қилиб тайинлади-да, ўзи Мўғулистонга қайтди.

Ёш Илёсхўжага Темурнинг таъсир шунчалик кучли эдики, Тарағайнинг ўғли ўз лавозимидан фойдаланиб Мовароуннаҳрнинг ҳақиқий ҳокими бўлиши мумкин эди. У чиндан ҳам вақтинча ҳукуматни бошқарар, ҳокимият муҳрини қўлида сақлар ва ўн минг кишилик лашкарга қўмондонлик қиларди, бироқ аслини олганда бу мансаб жуда нозик эди: худо кўрсатмасин Илёсхўжага бошқа бир маслаҳатчи чиқиб, Туғлуқхон Темурга ҳасад қилувчиларнинг гапларига қулоқ солиб, уни ўзига душман деб ҳисоблаб қолсами, унинг бу амалга ўтириши қанчалар қувончли бўлган бўлса, ундан кетиши шунчалар аламли бўларди. Буни кутиб ўтириш нодонлик эди, зеро унга кутилмаганда зарба бериб қолишлари мумкин: душманлари уни ўлдиришдан ҳам тойишмайди, Туғлуқхон ҳам хиёнатда шубҳа қилинган маслаҳатчини жазолашда ҳимматини аямайди. Темур бирор ташвишли хабар эшитганми ёки хоннинг ўзига муносабати ўзгараётганини англаганми, нима бўлганидан қатъий назар, у кутил-

маганда бир қарорга келиб, саройни ҳам, муҳрни ҳам, ўнг минг бош қўшинни ва тарбияси остидаги ёш шаҳзодани ҳам ташлаб кўздан йўқолишга аҳд қилди. Хотини Элжой, қайноғаси Ҳусайн ва олтмишга яқин сафдошлари билан бирга ўзини Оллоҳга топшириб тоғларга чиқиб кетди.

Унинг ўз тақдирига ишончи шу қадар кучли ва Оллоҳга эътиқоди шу қадар баланд эдики, бирорта ҳам қўшни Мовароуннаҳр ҳукмдорларидан на мадад, на ҳамдардлик ва на иттифоқ ахтарди. Қудратли Мўғулистон хонига қарши иш тутган бир қочоққа ёрдам берувчилар кам топиларди, топилса ҳам уни тутиб хонга топширишарди. Меҳмондорчилик сўраб Хива туркманларига мурожаат қилганди, улар қурол билан кутиб олдилар — ҳамроҳларидан атиги етти жангчи омон қолди. Ҳусайн ҳам уни ташлаб кетди. Эр-хотин иккалови бир отда ва бир хизматкор билан қолдилар. Шу ҳолда чўл кесиб юрганлардан албатта ҳамма шубҳаланади. У ёрдам сўраб мурожаат қилган бир туркман уруф бошлиғи кутишга кутиб олдию, зиндонга ташлади.

Кунлардан бир куни омади келиб у қўриқчининг шамширини тортиб олди, зиндондан чиқиб, Алибекнинг соқчисини қувиб солди ва тўғри унинг олдига кириб борди. Алибек уни яхши қарши олди ва обрўли меҳмондек муомала қилди. Бироқ ҳузурида бундай номақбул меҳмон бўлишини истамаган туркман унинг бу ердан эртароқ кетиши лозимлигини, агар туркманлардан неча киши унга ҳамроҳлик қилишни хоҳласа, ҳаммасига рухсат беражагини маълум қилди. Қочоқнинг тоғу тошларда, қуму саҳролардаги афсонасифат саргузаштлари эл орасида шу қадар

маншдур бўлиб кетгандики, Алибекнинг элликка иккин урувдоши Темур билан кетишга рози бўлди.

Тез орада уларнинг сафига бир тўда жинойтчилар келиб қўшилди, борган сари лашкарнинг сони орта борди: Хоразмдан, Хуросондан, Афғонистондан жангарилар келиб қўшилганидан сўнг, лашкарларнинг сони мингтага етди. Мўғулларни ҳайдаб чиқариш ва Мавороуннаҳрни забт этиш учун бу ҳам камлик қилишини англагач, Темур омадини кўчадан ахтаришга тушди, ёлланма аскарлар бошлиғига айланди, улар билан ким кўп берса ўшанинг хизматини бажариб юрди.

Шу сифат кимларнидир ахтариб ёки ўзи ахтарилиб, бутун бошли бир қўшинни бошқариб ёки деярли ёлғиз, бори-шудидан ажралиб ёки қўли хоҳлаган нарсасига етадиган шу ташвишли йилларда Темур тақдирга шу қадар ишонадиган бўлиб қолдики, бу хислат уни бир умр тарк этмади. Ҳеч бир муваффақиятсизлик уни тушкунликка тушира олмаган, бироқ у омад ҳар доим ҳам ўзига ёр бўлишига ишонган ҳам эмас. У ҳар дақиқа кечанинг ютуғию, эртанинг умидини қартага қўйган. Аммо тахтга ўтиргач, салтанатини донолик ва эҳтиёткорлик билан бошқарган. Буюк саркарданинг сиёсатга бўйсунмай иложи йўқ эди. У нақадар жасур жангчи ва нақадар моҳир стратег бўлишига қарамай уруш унинг учун энг сўнги чора эди ва у урушни раҳм-шафқат уруши, муқаддас уруш деб биларди.

Соҳибқироннинг Қипчоқ хони Тўхтамишга нисбатан бепарволиги хавфли қўшнига нисбатан ожизлик аломатидек кўринади, бироқ бу бепарқлик аслида нозик сиёсат белгиси эди, Амир Темур бу нонкўрни жазолашга аҳд қилганидан кейин бу ишга ўн бир йил — 1387 йилдан 1398

йилгача – сарфлагани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Боз устига у ўзининг қачонлардир сadoқатсиз дўсти бўлган бу кимсага Литва шаҳзадаси Витовт ҳузурида бошпана топишига имкон яратди. Агар Тўхтамиш Амир Темурдан бир йил кейин, 1406 ҳалок бўлган бўлса, бунга Соҳибқироннинг алоқаси йўқ – Олтин Ўрданинг собиқ хони Сибирда Шодибекка қарши жангда ҳалок бўлди.

Амир Темурнинг бошқа рақибларидан фарқли ўлароқ, Тўхтамиш унинг саҳоватига муяссар бўлди, ундан усталик билан фойдаланди ва охири хиёнат қилди. Амир Темур тахтга ўтиргач, уни ўз ҳимоясига олган, унинг Оқ Ўрда хони Урусга қарши курашида қўллаб-қувватлаганди, зеро Улуғ амирнинг пировард мақсади Мовароуннаҳр билан Қипчоқ хонлиги ўртасида Тўхтамиш бошчилигидаги буфер давлат тузиш эди. Амир Темур ўз дўстининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб уч марта, дастлаб Урусхонга, у ўлганидан сўнг унинг ўгли Темур Маликка қарши жанг қилган эди. 1377 йилдаги бу ғалаба натижасида Мовароуннаҳр ҳукмдорининг кучли, ёки жуда бўлмаганда, миннатдор иттифоқчиси пайдо бўлиши лозим эди.

Бироқ Тўхтамиш вассал ёхуд йўлдош давлат раҳбари бўлишни хоҳламасди, у Амир Темур кучларидан ўзининг мақсадларига эришиш учун фойдаланди. Ниятига эришгач, амакисининг таклифларидан воз кечган бу хон ажнабий ҳукмдорга қарам бўлиб қолишни истамасди. Унинг иштаҳаси очила борди ва Урусхон мағлубиятга учраганидан бир йил кейин мўғуллар босиб олган Рус ерларида бир неча муваффақиятсиз курашлардан сўнг Московия Улуғ

князи Димитрий Донскойдан қақшатқич зарба еган Олтин Ұрда хони Мамай устига юриш қилди. Тўхтамиш Олтин Ұрданинг 1380 йил Куликово жангида мағлуб бўлганидан фойдаланиб Қипчоқ мўғуллари устига юрди ва уларни мағлуб этди. Сўнг у ўзининг ғалабаларига йўл очиб берган руслар томон юрди ва улардан ўлпон ва хирож талаб қилди. Улардан рад жавобини олгач, у Россияни ишрол қилди, Москва, Владимир ва Суздални талади. Айнан шу 1382 йил Литваликларни ҳам мағлуб этган Тўхтамиш ўзини аждоди Чингизхондек қудратли сеза бошлади. Ўзи ҳеч киммаслигида Амир Темур кўрсатган ёрдамга миннатдорлик билдириш ўрнига ўзининг “мўғул буюклигининг реставратори” бўлишига ишончидан “шишиб кетган” Тўхтамиш Мовароуннаҳр аҳолисини ташкил этувчи икки халқ – турклар ва мўғуллар муозанати турклар томонига оғиб кетди, деб даъво қила бошлади. Икки собиқ иттифоқдош ўртасида бошланган бу зиддият турклар ва мўғуллар бирга яшаб турган барча давлатлардаги зиддиятнинг сабабини ёритишга ёрдам беради. Бирлари ўзларининг зафарли ўтмиши билан мағрурланар ва фикри-ёдларини қанчадан-қанча халқларни тиз чўктириб, неча-неча тахтларни хўрлаган буюк аждодлари, Курраи замин ҳокими Чингизхон қиёфаси тарк этмасди. Чингизхон ўлганидан сўнг унинг ҳокимияти парчаланиб кетиши ва империя унинг ўғиллари ўртасида тақсимланиши натижасида кучсизланганидан, отасининг ўрнини босиб, кучли бир табақани – аслзодалар табақасини ҳокимият тепасига қўйишга қодир бирор фарзанд йўқлигидан фойдаланиб қолган турклар эса уларни

келгиндилар, золимлар деб ҳисоблар эди. Икки Ўрда, Оқ Ўрда ва Тилла Ўрдаларнинг ҳокими эканлиги ҳамда Чингизхон ўғли Жўжигга ва-сият қилган Қипчоқни ўзига қўшиб олганлиги учун ана шу туркларнинг биридан қарздор эканлигини унутган Тўхтамиш, бир кўчманчи ўзи қўнган ерга илдиз отиб кетувчи ўтроқ бир халқ вакилига қарагандек, Амир Темурга ҳасад билан қарарди.

Чингизхон рўёбга чиқарган орзу у оламдан ўтганидан кейин ҳам унга тенглашишни истаган барча турк ва мўғул султонларига тинчлик бермасди. Бахтга қарши бир пайтнинг ўзида икки Ўрда хони ва Мовароуннаҳр ҳокими айнан бир иштиёқ бирла ёнишарди ва назарларини бир мўлжалга — Эронга қаратгандилар. 1385 йилдаёқ Тўхтамиш Озарбайжонга кирган, бироқ мўғул усулида биргина талон-тарож ва вайроналик юришини уюштириб, Табрис қамалида қўлга киритган беҳисоб бойликларни олиб яна ўзининг даштларига қайтиб кетганди. Худди шу пайт Амир Темур Эронни заб этишга қўл урган, мўғуллар қайтиб кетганидан сўнг зўр-базўр Озарбайжонни қўлга киритган Аҳмад Жалойирдан уни тортиб олганди.

1386 йил Озарбайжонда икки эски дўстнинг лашкарлари илк бора тўқнашади, Тўхтамишнинг асир олинган аскарларини Амир Темур ҳузурига олиб келишганида ғаройиб тамоша рўй берди: музаффар бандиларни ғайри-табиий меҳрибонлик билан қаршилади, уларнинг ҳаётини сақлаб қолди ва озод этиб, ўз ҳукмдорлари ҳузурига қайтариб юборди. Улар орқали у ношукур мўғулга гўё ўғли йўл қўйган хатога кўз юмишга тайёр отадек гина-кудуратли мактуб йўллади. Тўхтамиш

бу мурувватга Мовароуннаҳрга тўсатдан ҳужум қилиш билан жавоб берди, унинг бой вилоятларидан бирини вайрон қилди, Бухорони қамалга олди Амир Темурнинг ўғли Умаршайх қўмондонлик қилган қўшинни тарқатиб юборди. Амир Темур ўз қанотларида Тўхтамишдек урушқоқ рақиби бўла туриб, Эронга қарши юришни давом эттириши хавфли эди. Шунинг учун Тўхтамишни бир ёқли қилиш керак эди. Бироқ Улуғ амир Ўрданинг ҳужумларини истар-истамас қайтаравериш чарчади, бунинг устига Тўхтамиш буюк аждоди қўллаган тактикани ишга солиб, ҳал қилувчи тўқнашувларга озгина қолганида узоқ даштларга кириб кетар, оғир иқлим ва ҳосилсиз тупроқ – совуқ ва очлик рақибига аниқ отилган камон ўқидек натижа берарди.

1387-1398 йилларда Амир Темур қўлга киритган зафарлардан ажабланмай иложимиз йўқ, зеро айнан шу йилларда қўшинининг катта қисми шимолда Ўрдага қарши жанг қилиш билан овора бўлиб, гоҳо мўғуллар ортидан бесамар қувиб юрар, гоҳо Тўхтамиш билан юзма-юз жангга кирарди. Бу жангларда эса ақли расо ва куч-қувватга тўла Тўхтамиш давлат бошлиғи ва саркарда сифатида ўзининг сўзсиз иқтидорини кўрсатар эди. Бироқ Амир Темур Тўхтамишни енгиш учун эмас, унинг ҳамлаларини қайтариш учун ўн бир йил сарфлаган. Бу бир томондан Оқ Ўрда ва Олтин Ўрданинг қудрати баландлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ўша замон ҳукмдорларининг Чингизхон авлодларига ва, айниқса, бошқа беғам хонлардан фарқли ўлароқ, буюк бобосига ўхшаш хислатларни намоиш этган Тўхтамишга бўлган деярли илоҳий ҳурмати билан боғлиқдир. Эски дўстлик ҳурмати учун

эмас, айнан шу сабабли Амир Темур ўч олиш-ни орқага суриб юрар ва ҳар сафар Чингизхон авлодидан бўлган бу шаҳзодани асир олиш ёхуд муқаддас қон тўкилишига йўл қўйиш мумкин бўлган қулай пайтда ҳам унга чекиниш ва соғ-омон қутилиш учун имкон яратарди.

Аҳмад Жалойир ҳукмронлиги остидаги парчаланиб кетган, унинг раҳбарлари ўртасидаги низолар туфайли кучсизланиб қолган Эрон уни забт этишга ҳозирлик кўраётган турклар учун ҳам, мўғуллар учун ҳам осон ўлжага ўхшарди. Амир Темур амир Қозағон хизматидалигидаёқ бу Мовароуннаҳр ҳукмдори Ҳиротни эгаллаган, унинг малиги Муаззиддин Ҳусайн қарамликка тушган эди. Малик амир Қозағоннинг зафаридан кўп ўтмай вафот этган, унинг ўрнини ўғли Гиёсиддин эгаллаган, Амир Темурнинг ўзи эса Мовароуннаҳр ҳукмдорига айланган эди. Амир Темур эски анъаналарни қўллаб ўз вассалини унга ҳурмат бажо келтириш учун 1380 йилдаги қурултойга таклиф қилди. Эроний бу таклифни рад этганидан сўнг Амир Темур бу қўпол ҳақоратдан *casus belli* (уруш учун сабаб) топди, бу уруш очиш учун эмас, шу нотагон вассалга ақл киритиб қўйиш учун зарур эди. Бироқ, Эътиқод ҳимоячиси агар Эронга юришини бирор диний сабаб билан оқламаса, ўз одатига хилоф иш қилган бўлурди: эронийлар асл мусулмон динидан юз ўгириб хатоликка йўл қўйган эдилар. Шиа ғайри таълимоти Амир Темурдек жиддий одам назарида уларни ғайридинларга, мажусий ёки бутпарастларга айлантириб қўйганди. Ҳар сафар ҳарб юришларига чиқишидан олдин дин пешволари берадиган розилик ва зафарлари учун ўқиладиган ибодат унга яна зарур бўлиб қолди.

Шундай қилиб у дин пешволарининг илоҳий ва моддий ёрдами ила 1380 йил юришларини бошлади, Ҳирот, Хуросон, Журжон, Мозандаронни эгаллади, 1384 йил Астрободда амир Валини маҳв этди ва шаҳар аҳолисини қаттиқ жазолади, Султония, Келат, Зараж ва Сабзаворнинг бишига ҳам шу кулфат тушди.

Амир Темур Эронга қилган бу юришлари чоғида икки йил тин олди. 1386 йил жанговор ва ярим ёввойи Луристон тоғликлари Маккага кетаётган карвонни талаб қўйдилар. Бу янги Эрон юришининг бошланишига асос бўлди: Таурис ва Тифлис қўлга киритилди, Гуржистон қироли Баграт V насронийликдан воз кечиб, Исломни қабул қилди. Айни шу пайтда Буюк Арманистон туркманлари ҳам бир гуруҳ ҳажга бораётган мусулмон зиёратчиларга ҳужум қилиб қолди, бу эса Арманистонни жазолашни оқлади, Ван ўлкасининг ҳукмдори Шоҳ Шужа таслим бўлди, Ҳамадон, Исфаҳон, Шероз устига музаффарона юриш уюштирилиб, мўғулчасига “куйган ер” қолдирилди. Бир вақтлар Отилахон ҳам: “Мен юрган ерларда қайта гиёҳ унмайди”, деб мақтанган эди. Шу сифат тайини йўқ кимсаларнинг ҳаж зиёратчиларига қилган талончилик ҳужумлари ўн беш йил ичида Эронга қимматга тушди. 1392-1396 йиллар давомида қаттиқ жазоланган Мозандароннинг шиа аҳли охири сунналикка қайтди.

Унинг ўз динини ҳимоя қилиб олиб борган бу курашлари заминида доно ва нозик худбинлик ётгандек туюлади, бироқ унинг айрим биографлари бу хислат у юритган сиёсатнинг асосий хусусияти эканлигини рад этадилар. Буюк фотиҳнинг руҳияти ҳануз баҳсталаб муаммолардан бўлиб, бу борада аниқ бир гап айтиш қийин.

Эҳтимол, ўтроқ турмуш тарзига ўтганларига ва маданийлашганларига ҳали кўп вақт бўлмаган Марказий Осиё халқлари мўғул анимистлари ўз худоларида кўрганлари каби Муҳаммад пайғамбар динига қўрққанларидан ҳам эътиқод қўйган бўлишлари мумкин. Уларнинг онларининг бир бурчагида илоҳий кучларни ҳам ҳурмат қилишга жой қолганди, яшаётган мамлакатлари – шамол чийиллаб эсадиган бепоён қум ва туз саҳролари – ёлғизлик, хатарли ҳаётдаги кутилмаган ҳодисалар, ғайритабиий кучлар ва руҳлар одамларнинг хатти-ҳаракати ва тақдирини белгилаб бериши кабилар уларни қандайдир ваҳимали ва пантеистик<sup>16</sup> концепцияга эмас, балки исломий якка худоликка – буни улар ҳар доим ҳам тан олишмасди – ва ғайри-ихтиёрий бутпарастликка яқинлаштирарди.

Амир Темурнинг раҳм-шафқати ҳақиқий ёки чин дилдан эканлигини қандай билса бўлади? У диннинг ўзини қўллаб-қувватлаши ўзи ҳам шу динга хоҳлабми ё хоҳламай кўрсатаётган ёрдамга боғлиқ эканлигини яхши биларди. Давлат дини билан давлатга топиниш ўртасида ўзаро битим тузмай бўлмайди. Бу битимга ҳар икки томон ҳам қатъий амал қиларди – ҳукмдор уламнинг ишига қизиқмаслигини юзаки намоён этар, дин пешволари эса вақтинчалик ҳукуматни Оллоҳнинг амрини бажариш йўлидаги ёрдамчи восита деб ҳисобларди. Ахлоқий тамойилларга қаттиқ ёпишиб олган айрим уламолар Амир Темурни ҳатто ғайридинларга қарши Қуръонда ёзилган кўрсатмаларни қўллашда қаттиққўллик қилмасликда ҳам айблашга бориб етдилар, уни

<sup>1</sup> Пантеизм – худо билан табиат бир деб қарайдиган фалсафий таълимот. (тарж.)

Ўз диндошлари – Эрон шоҳи, Ҳиндистон султони ва Боязидга ҳужум қилишда айблаган бошқа бир уламоларга Амир Темур улар бутпарастлар билан муносабатларида жинойтга қўл урганлари ва шу туфайли жазога лойиқ эканликларини баҳона қилди. Амир Темурнинг мутаассиблиги ва сиполиги билан Муҳаммаднинг бу ёмон бандаларининг брахманпарастлар, буддистлар ва насороларга нисбатан кўр-кўрона бағрикенглиги ва мавҳум ҳамдардлиги ўртасида мақташга арзигулик кескин фарқ бор эди.

Ҳар қандай ишга мардона киришувчи, узоқни кўра билиб, ўз олдига қўйган мақсадини икир-чикиригача албатта амалга оширувчи ва ҳар қандай хатарли таваккалчиликлари ҳам зафарга элтувчи бу инсон чиндан ҳам Худонинг танлаган бандаси эди. Дин пешволари буни жуда тез англаган ва ҳатто дилбар дорул салтанат Самарқанд остоналарига душман яқин келиб қолганида, қўлига қурол олиб, уни ҳимоя қилганди. Фақатгина куч билан ҳал қилиниши мумкин бўлган бу шарқона бетиним фитналарда ҳақиқат ким томонидалигини аниқлаш жуда мушкул эди. Амир Темур куч ишлатганида ҳар доим ҳақиқат ва асосли ҳуқуқ унинг тарафида, Оллоҳ эса иттифоқчиси эди. Биз бунга унинг Туғлухоннинг набираси, ўзининг эски оғайниси ва энг оғир кунларидаги ҳамроҳи Ҳусайн билан бўлган муносабатида гувоҳ бўлдик. Ўшанда на емак ва на бошпаналари бор бир тўда жинойтчилар саҳро бўйлаб от солиб юрар, ўтовларидан ёки шох-шабба ёпилган чайлаларидан бошпана берган кўчманчи чўпонлар кўрсатган марҳаматларига кун кўришарди.

Биринчи ютуқлардан сўнг Мовароуннаҳр ҳар икки йигитнинг истакларини қондириш ва бў-

либ олиш учун кенг майдондек туюлди. Бироқ Ҳусайн бу ўлкани қайноғаси билан тенг бўлиб олишга интилиб эҳтиётсизлик қилди ва бир неча муддат мамлакатни икковлон борди-келди билан биргаликда бошқаришганидан сўнг, Ҳусайн ҳокимиятдан воз кечди. Амир Темур агар дўсти Маккага зиёратга боришга сўз берсагина унинг кетишига рухсат беришини маълум қилди ва икки дўст кўзларида ёш билан ажралишдилар. Ҳусайн ўлдирилганида Амир Темур ўзининг бе-айблигини ва кулфатини кўрсатиб фарёд урди, сўнг марҳумнинг барча тарафдорларини ўлдиришга буйруқ берди. Зеро Оллоҳнинг танлаган бандаси йўлини ҳеч ким тўсиши мумкин эмасди. Шу билан бирга Амир Темур ўзи тахтга ўтқизган чингизий хонларнинг таянчига ишонч ҳосил қилди. У Қабул Шоҳ каби Ҳусайннинг тарафини олиб бош кўтарганларни йўқотиб, салтанат тожининг ҳақиқий эгалари, Дунё фотиҳининг авлодларига ҳурмат бажо келтирди.

Қачонлардир Чингизхон юришлари келтирган кулфатларни унутмаган Европа қироллари осиелик янги фотиҳнинг илгарилаб келишларини ташвиш ила кузатиб боришар, у ҳам бир куни келиб, бутун ер юзига ҳокимликни даъво қилишидан чўчишарди. Амир Темурнинг Россия ҳудудида амалга оширган ишлари уни насроний динининг ашаддий душмани қилиб кўрсатар, шу маънода у ҳам византияликларнинг азалий душмани Боязиддан қолишмайди, деган таассурот туғдирарди. Бироқ, фарблик монархлар бир нарсага умид қилишса бўларди: ер юзида ҳокими мутлақликка даъвогар бу икки куч тўқнашса — шундай бўлмай иложи йўқ, зеро Осие бу икки қудратли фотиҳга торлик қиларди — насоролар

фақат наф кўришарди. Англия қироли Генри V ва Франция қироли Карл VI даштлар ўлкасига бориб келувчи миссионерлар ва Европанинг бошқа халқларидан мардроқ, Осиёнинг ички қисмларида (бу ерда генуяликларнинг Қора денгининг шимолий қирғоқларидаги савдо масканлари назарда тутилмоқда — тарж.) ҳам савдо-сотиқ қилувчи генуяликлар орқали турк девонхонаси билан узоқдан алоқа қилиб турардилар.

Боязид Усмонли турклар империясига 1389 йилдан ҳукмдорлик қиларди. Отаси Косово майдонида ҳалок бўлганидан сўнг у султон деб эълон қилинган эди. Боязид шу жангда сербларни маҳв этган ва шундан сўнг зафарли юришларини яшин тезлигида давом эттирар, шу сабабли ҳам унга Йилдирим (чақмоқ, момоқалди роқ) деб лақаб қўйгандилар. Унинг серблар ва булғорларни маҳв этгани, Кичик Осиёдаги, турклар ва туркманлар орасидаги тезкор ғалабаларидан у насороларнинг ашаддий душманига айланиб қолиши мумкин деган ваҳима соларди. Салб юришлари замонлари аллақачон ўтиб кетган бўлса ҳам Венгрия қироли Сигизмунд ва Бургундия герцоги Жан Қўрқув Билмас насороларнинг Ярим Ойга қарши бош кўтариши ташкилотчилари бўлдилар. Бу пайтда от думи боғланган туғлар Константинопол деворлари тагида турардилар, зеро Боязид бу шаҳарнинг ҳам эгаси ҳисобланар, Византия императори Мануэл эса унга тобе бўлиб, хирож тўлаб турарди.

Салб юриши Европа рицарларининг йирик ҳарбий ва диний орденлардан жамланган йигирма минг кишилик энг сараларидан ва юз минг ўтакетган мутаассиблардан ташкил топган эди. Рақиблар 1396 йил Никополис шаҳри яқинида

тўқнашдилар — жасур европаликларнинг бирлашган қўшини турк суворийлари томонидан маҳв этилди. Бир неча бой-бадавлат саркарда банди этилиб, катта пул эвазига озод этилди; моли-давлати йўқлари қиличдан ўтқазилди. Бу мағлубият ҳақидаги мудҳиш хабар Европа давлатларида қўрқув ва ваҳима уйғотди: Йилдирим энди “Енгилмас” деган тахаллусга муносиб эди. Шу сифат Боязиднинг империяси Европа томон янада чўзилди — энди унинг таркибига Тракия,<sup>17</sup> Македония, Болгария, Сербия ҳам кирар, Осиёда эса бу империя Арманистон яқинида Амир Темур салтанати сарҳадларигача бориб қолганди: чегарадош қисмларда жойлашган давлатлар охир оқибат Йилдирим ва Соҳибқирон ўртасида нифоқ чиқишига сабаб бўлишлари аниқ эди. Якка ҳокимликка интилаётган бу икки фотиҳ ўртасида Эрзерум ва Арзинжон амирликларининг қисмати турарди; Амир Темур томонидан амир этиб тайинланган Тоҳиртан шу Зиналар ўлкасини сақлаб туриши лозим эди. Боязид эса, ўз томонидан Қора Қўй ўрдасининг бошлиғи, Амир Темурдан бир неча бор кучли зарба еган ва унга нисбатан кек сақлаб юрган Қора Юсуфнинг ниятларини қўллаб-қувватларди. Бу ерда гап нафақат кек ёки обрў ҳақида кетарди — Тоҳиртан амирлиги Кичик Осиёнинг калити бўлиб, уни назорат қилиб туриш ўта муҳим эди.

Никополис галабасидан сўнг лашкарларини Константинопол қамалига қўйган Боязид Амир Темур билан орани очиқ қилиб, ўз устунлигини кўрсатиб қўйиш пайти етганини англади. Боя-

<sup>1</sup> Тракия — Европанинг жанубий-шарқидаги қадимий ўлка. Юнонлар Болқон ярим оролининг шарқий қисмини эгаллаб Дунайдан Эгей денгизигача борган бутун қисмини Тракия деб аташган. (тарж.)

зиднинг катта кетиши ва ўзини ҳақорат қилишларига қарамай Соҳибқирон бир неча муддат совуққонлик кўрсатиб, сабр қилди. Боязид насороларни маҳв этиб ва вайрон қилиб Исломга шундай катта хизмат кўрсатган эдики, Амир Темур бундай қилолмас ва унинг олдида Дин Ҳимоячиси деган унвонга даъвогарлик ҳам қилолмасди. Усмонлиларга қарши муқаддас уруш очиш учун бирор арзигулик асос йўқ эди. Илгарилари Амир Темур ўз ниятларини ниқоблаш учун ишлатиб келган илоҳий сабабларни бу сафар қўллаб бўлмасди; яқин орада амалга оширмақчи бўлган янги ҳарбий юришининг ҳуқуқий асосларини бошқа жойдан ахтармоқ лозим эди.

Икки давлат раҳбари ўртасида икки ганим қўшин саркардалари урушдан олдин қўллайдиган усул — бир-бирини ҳақоратлаб номалар алмашиш бўлиб ўтди. Улардаги бир-бирига таҳдид ва бир-бирини мазах қилишлар осийлик ҳукмдорларга маълум санъат меъёрида эди. Бироқ бу номаларнинг оҳанги шу даражада аччиғлашиб ва ўткирлашиб кетдики, энди тинчликни сақлаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. 1400 йил август ойида Амир Темурнинг суворий лашкарлари усмонлилар ҳудудига кирди ва Сивос шаҳрини қўлга олди. Музаффар бу сафар гап муқаддас уруш ҳақида кетмаётганини кўрсатиш учун шаҳар аҳолисига озор етказмади, бироқ арманистонлик тўрт минг ёлланма аскарнинг жазосини берди. Сўнг у яна бир бор чегарадан ўтиб, мамлукларни узил-кесил мағлуб этди. У ишини битириб, Эрзинжон амирлигига қайтиб келганида Тоҳиртаннинг ўрнида Боязиднинг гумаштаси ўтирганининг устидан чиқди — амирлик Қора Қўй ўрдасига топширилган эди. Бироқ ҳали қўли

Суриядан бўшамаганлиги учун Амир Темур қулай пайтни пойлаб турди. Амир Темур шундай буюк заковатга эга эдики, бир пайтнинг ўзида бир неча ганим билан курашиш лозим бўлганида, у бирин-кетин энг кучсизларини маҳв этиб, сўнг кучли рақибга қарши курашарди. Боязид ҳам орадаги шу тинчликдан фойдаланиб қолди ва қўшинини вассал давлатларидан олинган аскарлар билан кучайтирди; шу сабабли серблар, болгарлар ва юнонлар мусулмон байроғи остида хизмат қила бошлади. Султон лашкарлари ҳаммаси бўлиб, ярим миллионга яқин жангчидан иборат эди, Амир Темур эса саккиз юз минг кишини саф торттира олар,<sup>18</sup> боз устига Амир Темур қўшини таркиби деярли бир хил бўлиб, асосан турк ва мўғуллардан ташкил топган эди. Боязид бирлаштирган насроний қисмлар жангда энг оғир синовларда пишган саҳройи суворийлардек шижоат, жасорат ва матонат кўрсата олишлари эҳтимолдан йироқ эди. Амир Темур Ҳиндистондан келтирилган жанговар филларга ҳам катта умид боғларди, зеро бу жониворлар унинг жангчиларидан енгилган бўлсалар-да, Боязиднинг аскарларига даҳшат солишга қодир эдилар.

Рақиб қўшинлар 1402-йил 20-июлда эрта тонгда Анқара ёнидаги Чибукободда тўқнашдилар.<sup>29</sup> Жанг бошиданоқ усмонлилар томонидан урушга зўрлаб жалб этилган бир неча татар бўлинмалари рақиб томонига ўтиб кетди ва у ерда

<sup>1</sup> Люсьен Бува келтирган рақам, *Journal asiatique*. – Paris, avril-juin 1926. – P. 293.

<sup>2</sup> Ушбу сана Али Яздий томонидан келтирилган бўлса-да, византиялик муаррих Жорж Сфрантес жанг июл ойининг 28-сида содир бўлган деб ҳисоблайди. Марино Санудо ҳам ўзининг *Vite dei duchy de Venezia* асарида ушбу санани келтиради. Замонавий муаррихлар ҳам асосан сўнгги санани маъқуллайдилар.

ўзларининг уруғдошларини топдилар. Насоролар эса, кутилмаганда, қаҳрамонона, аммо бетараф курашдилар Боязиднинг ҳам, Амир Темурнинг ҳам нима учун курашаётганлари уларга бегона, ҳам бефарқ эди. Жанг кун бўйи давом этди; қуёш ботаётганида Шарқдан келганлар усмонлиларни қувиб юбориб, ҳамон қаршилик кўрсатаётганларини эса тўкиб ташладилар.

Боязид ўз қўриқчиларига бош бўлиб бекор олишди, бироқ кечқурун у ҳам қочоқларнинг ортига тушди, аммо оти йиқилгач, қўлга тушди. Банди қилинган Боязидни Амир Темур ҳузурига келтирганларида у шахмат ўйнаётган эди. Улуф амир пинагини бузмай ушбу жумлани айтди:

– “Воажаб, наҳотки Оллоҳ бу дунёда барча кучни бир чўлоғу бир кўрга берган бўлса”.

Бу билан у ўзининг ногиронлигига ва Боязиднинг ўзи билан тўқнашишга олиб келган сиёсий ожизлигига ишора қилган эди. Мағлуб бўлган султоннинг ҳурматини жойига қўйиш баҳонасида, аслида эса унга мағлубияти алами ва уятини янада чуқурроқ ҳис қилдириш учун Амир Темур уни ўз ғалабаси шарафига уюштирилган барча тантаналарда қатнашишга мажбур этди – султон нишонларини тақиб, тожини кийиб юриши лозим эди. Ва ниҳоят, у қочиб кетмаслиги учун панжараланган тахти-равонга ўтқизиб қўйдилар, бу эса уни ваҳший ҳайвондек қафасга солиб қўйдилар, деган афсонанинг туғилишига сабаб бўлди.<sup>110</sup>

Ғам ва аламдан ўзига кела олмаган Боязид 1403 йил 9 мартда Оқшаҳрда вафот этди. Амир Темур

<sup>1</sup> Бу афсонанинг туғилишига усмонли муаррих Урнж ибн Одилнинг машҳур австриялик муаррих Франц Бабингер нашр этдирган асари сабаб бўлган. Асардан келтирилган парчада айтилишича, бу “афсона” реал фактларга асосланган эмиш. Қаранг: Н.Мартинович. *Journal asiatique*. – Paris, 1927, t. 211. – P. 135-137.

бундан фойдаланиб унинг салтанатини парчалашни давом эттирди — токи унинг ўрнига бирор даъвогар чиқиб, империяни қайта тиклашга ҳаракат қилмасин. Усмонлилар салтанатини бошқариш ва назорат қилиш осон бўлган майда-майда амирликларга бўлиб ташлар экан, бу билан Амир Темур насороларни ўзларининг энг кучли ғанимидан халос этганини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Боязид тор-мор этилдию энди Амир Темурнинг ўзи насороларнинг ваҳимасига айланди. Анқара ғалабасидан сўнг европалик монархлар унга йўллаган табрикларидан улар Константинопол таслим бўлиши арафасида усмоний турклар таҳдидидан қутулганликларидан шодликларини изҳор этган эдилар. Бироқ Амир Темур бундай олқишу мақтовларга берилган одам эмасди.

Амир Темур насроний дунёси ўзини баданга санчилган зирапчадаек ҳисобланишини кутиб ўтирмай, византияликларни улар Боязидга итоат қилишга қандай қасамёд қилган бўлсалар, ўзига ҳам шундай садоқат қилишлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирди. Усмонлилар империяси ҳудудида жойлашган тижорат компаниялари, хусусан генуяликлар, унга бўйинсинишларини билдириб, хирож тўлай бошладилар. Шунга қарамай, Амир Темур ўзининг насороларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмаганилиги учун ашаддий тақводор дин пешволари ва Боязиднинг тарафдорлари мусулмон мусулмонга қарши биродаркушлик урушини қилди деб, таъна қилишлари мумкинлигини ўйлаб, Измир шаҳрини эгаллаб турган Родес<sup>1</sup> рицарларидан мусулмонликка кириб, хатна қил-

<sup>1</sup> Эгей денгизида, Туркиядан унча узоқ бўлмаган грек ороли. Кипрдан қувилган Куддуслик Авлий Иоан рицарлари 1309 йил шу ерда бошпана топишган, 1522 йил улар Сулаймон пошо қўшинлари томонидан маҳв этилган. (тарж.)

диришларини талаб қилди. Гийом де Мюнт қўл остидаги рицарлар буни рад этишгач, шаҳар қамал қилинди ва икки ҳафтадан сўнг таслим бўлди. Рицарлар Боязидга етти йил қаршилик кўрсатишган, султон эса қалъани қўлга кирита олмаган эди. Унинг таслим бўлиши Динни ҳимоя этиш энди ишончли қўлларда эканлигидан далолат берарди.

Амир Темур ҳар сафар ғайридинларга (ёхуд ғайридинларга нисбатан бағрикенглик қилувчи мусулмон ҳукмдорларига) қарши жанг бошлаганида ҳатто энг олижаноб юришларига ҳам “муқаддас уруш” тусини бериш сиёсатига амал қилар ва бу юришларнинг илоҳий мақсадларига урғу берарди. У ҳиндлар, усмонли турклар ва мамлукларнинг давлати каби ривожланган мамлакатларга маданият олиб киришга даъво қилиши мумкин эмасди, забт этилган ўлкаларнинг давлат қурилишига беҳад қизиқиши, ҳарб санъатидан ташқари маҳаллий халқларнинг меъморчилиги, ҳунармандчилиги ва шеъриятига муҳаббатига қарамай, улар билан таққослаганда Амир Темур бир поғона пастда турарди. Бироқ шу билан бирга унда Отилхонга хос цинизм, ўтроқ инсонни ёмон кўрувчи ва, ҳатто, унга ҳасад қилувчи кўчманчига хос ашаддий ваҳшийлик йўқ эди. Хитойни забт этишга шайланган Чингизхон яйловга мос ерни эгаллаб, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи ва унга ҳеч қандай фойда келтирмайдиган бутун бир халқни қириб ташламоқчи бўлганида биз бунинг гувоҳи бўлганмиз. Шундай қилиб, Амир Темур ким билан мулоқатда бўлаётганига қараб, уларга турлича муомала қилган. У кўҳна маданиятлар билан мулоқатида Осиё пойтахтлари ичида энг гўзал ва энг

бой шаҳар Самарқанднинг султони, адабиёт ва санъатнинг шайдоси, муаррих ва шоирлардан ўз марҳаматини аямайдиган, меъмор ва рассомларга саройидан жой берган ҳукмдор сифатида намоён бўлади. Кам ривожланган халқлар, асосан томирларида кўчманчиларнинг қони оқиб турган мўғуллар назарида, у Чодирлар ҳукмдори, Урал тоғларидан Форс кўрфазигача, Чин сарҳадларидан Дамашқ ва Трабзонгача бетиним кезиб юрган ҳормас-толмас жаҳонгир эди.

Қадимги турк-мўғул лашкарларини ўтроқ салтанатларга бошлаб бориш ва истило этилган ўлкалар халқларига кўчманчиларнинг юқорилигини тан олдириб, уларга бўйунсинишга мажбур паст ирқилилар деб қараш аждодларнинг удумларини эъзозлаш ҳисобланарди, йўқса Чингизхон ўлимидан сўнг тўлақонли кўчманчи идеали ўз моҳиятини анча йўқотганлиги сабабли Амир Темурнинг турк ва мўғул фуқаролари нима учун ўз султонлари аждодларидан ўзга йўл тутаётганини тушунолмасдилар. Ҳарбий юришлар чиндан ҳам суворий жангчиларни икки томонлама қониқтирарди: ишсизлик, ҳаракатнинг йўқлиги келтириб чиқарувчи фалокатдан — руҳий ва жисмоний инқироздан қочиб, ўз масканини бетўхтов ўзгартириб туриш ва бир йўла бойлик орттириш истаклари амалга ошарди. Бу жиҳатдан ҳам Амир Темур фуқароларининг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқара олди.

Гарчи Самарқанд мўъжизалари уларни ўзига мафтун этса-да, ўтроқ ҳаётнинг қулайликлари, бойлиги ва ҳашамати кўпчилигини қониқтирмас, фикр-ёдларини бир зумлик маскан — тезгина ўрнатилиб, тезгина бузиладиган ва шу сабабли ҳақиқий кўчманчи учун зарур вақтинчалик ҳо-

латини сақлаб қолган чодир ёхуд ўтов банд этарди. Амир Темурнинг ўзи ҳам энди бундай кўчманчи эмасди, бироқ сиёсати мажбур қилганида ёхуд аждодларининг инстинктлари ундаги тарбия ва маданиятдан устун келганида у яна кўчманчи бўлиб қоларди. Қишда асосан шаҳарларда яшагани ва дарбадар ёшлигида тунаш учун ҳатто бирор бошпанаси ҳам бўлмаганини ҳисобга олмаганда, ҳаётининг катта қисми чодир остида ўтган бўлса-да, у “Яшил шаҳар” соясида дунёга келиб шаҳарликка айланган ва бутун вужудида ўтроқ ва кўчманчи хислатларининг ўзаро кураши бошланган эди.

Балки турк-мўғул халқларининг урф-одатлари ўзгариб, у хорижий элчиларга ва ўз вассалларига чиройи ва бойликлари қандайдир маънода унинг куч-қудратини ўзида мужассамлаштирган пойтахтни кўрсатмоқчи бўлгандир. Эҳтимол, шу пойтахтнинг нафосати ҳақида турли қироллар саройларида, чодирлар тагида бўлса ҳам майлига, мафтун бўлиб ҳикоя қилишларини хоҳлагандир. Кўксарой ер юзидаги жаннатмакон масканда, боғлар ва полизлар ўртасида қад кўтарди. Моҳирона қазилган ариқлар дарё сувини торгина каналлар ва ёзда қуриб қолувчи ирмоқларга олиб келарди. Кулол дарёси бўйлаб қурилган тегирмон тошларининг ғичирлаши тўқимачилар дастгоҳларининг тақир-туқирига қоришиб кетарди. Амир Темур ўзи тахтга ўтирганидан бери қилган орзуси “Боғи Дилкушо”ни бунёд этишда шаҳарнинг юмшоқ ва мўтаъдил иқлимидан моҳирона фойдаланди. Пойтахт меъморчилигида Амир Темур табиатининг изи бор — бу барча буюк бунёдкорларга хос хислат — у шаҳарни ҳам ҳашаматли ва оддий, ҳам дабдабали ва содда, бинолар

ўлчамларининг мутаносиблиги билан ақллари лолу туйғуларни ром этадиган кўринишда, ўз табиатига мос кўринишда бунёд эттирди.

Унинг ғалати инжиқлиги ҳам бор эди, жумладан, у баланд тоғ тепасига қора мрамрдан ажойиб бир сарой қурдирди, унинг номини “Тахти Қароча” деб атадилар. Бунга унинг фантазияси ҳам қўшилди, қударти шу қадар баланд эдики, бу фантазиянинг чеки йўқ бўлиши мумкин эди. Бу ишларнинг ҳаммасида у ўзининг меъёрни билиши, донолиги ва ақл-заковатини намойиш этди. Ҳатто ўз салтанати шу патологик “гигантизм”га хиёнат қилиб, энг бақувват давлатларни парчалаб ташлаганида ҳам ҳарбий юришларининг кетма-кетлиги ўзи воз кечолмайдиган сиёсий эҳтиёжларга жавоб берарди, шунинг учун ҳам унинг зафарлари, Буюк Александрнинг ғалабаларига ўхшаб, ўткинчи тасаввурга ёки чексиз иштаҳага бўйунсинган эмас.

Самарқанднинг асосий чиройи меҳнат ва роҳат алмашиб турувчи турли мавзеларининг омадли жойлашувида эди; Амир Темур бу ерга келиб жойлашганида шаҳар деярли харобада ётарди. Барча шаҳарсозлар ҳавас қилгучи унинг омади шунда эдики, у ишни қуруқ ердан бошлади — унинг ўзидан олдин қурилган иморатларга боғлиқлиги йўқ эди. У Ҳиндистон ва Эрон иморатларига мафтун бўлган, уларни ўрганган бўлса-да, хорижий давлатлар пойтахтларини кўр-кўрона кўчиришни истамасди, шунинг учун уларнинг энг характерли ва ёрқин томонларидан намуна олди. Юришлари чоғида архитекторлар унга ҳамроҳлик қилишар, уни мафтун қилган биноларнинг лойиҳасини кўчиришар ва ўзига хос томонларини қайд этишарди. Саройлар ва қаср-

ларни бошқа бойликлар каби олиб кета олмаслиги сабабли у улардан нусха олдиртирарди ва хоҳласа шу биноларни Самарқандда қайта бунёд эттирарди. Бу биноларни қайта қуришда у ўз юртларида уларни қурган усталарнинг айнан ўзларидан фойдаланарди.

Худди Людовик XIV Версаль қурилишини маромига етказишга интилганидек, у ҳам пойтахт қурилишининг икир-чикиригача қизиқарди. Ҳарбий юришлари орасида у шаҳарда дам олар экан, қурилиш майдонларига борар, омиларга далда берар, меъморларнинг хатоларини тўғирларди. Баъзан у қуриб битказилган саройларни буздириб, қайта қурдиришга ҳам борарди, зотан унга уларнинг ўлчамлари ўртамиёна ёхуд номуноносиб кўринарди. Биноларни янада яхшироқ қилиб қуриш баҳонаси остига яширинган бу қоникмаслик ҳисси, эҳтимол, ундаги кўчманчи меросининг асоратидир ёки ҳамон бунёд этилаётган пойтахтга муҳаббатидея пайдо бўлган хурофий бир қўрқувнинг ифодасидир, зеро мақолда айтилишича, уй битгач ўлим келади.

У ўликлар учун ҳам, тириклар учун ҳам иморатлар қурдирди. Ўғли Муҳаммад Султон Кичик Осиёга юришда ҳалок бўлганида у Самарқандда ўғли учун ажойиб бир сағана қурдирди, бироқ у қуриб битказилганида Соҳибқиронга бефайз ва шундай шаҳзода учун номуносиб туюлди. У сағанани шу заҳотиёқ таг-туғи билан буздириб ташлади ва бунёдкорларни чақириб ундан ҳам зўр бир мақбара қуришни амр қилди ва у ўн кунда қуриб битказилиши лозимлигини уқдирди. Бино айтилган муддатда қуриб битказилди ва Соҳибқироннинг дидига мос келди. Бундай иш қилиш унинг учун мушкул эмасди, зеро у қай-

си давлатда бўлмасин барча санъат аҳлини ўз хизматига оларди. У Ҳиндистондан олиб келган жанговар ва меҳнаткаш филларни ҳам бунёдкорлар ихтиёрига берган, бу ҳайвонлар ҳам қурилиш майдонларида хизмат қилишарди. Бироқ ўзининг, ўфилларининг, хотинлари ва саркардаларининг саройлари қанчалар ҳашаматли бўлмасин, Дин ҳимоячиси энг катта ва энг гўзал бино Оллоҳ учун бунёд этилишини хоҳларди. Исфаҳон, Боғдод ва Деҳлининг машҳур масжидлари Самарқандда қурилажак масжид олдида увоқ ҳам бўлмаслиги лозим эди.

Тоғлардан келтирилган мрамор тошларни филлар бемалол судраб юришлари ва уларга беш юз сангтарош ишлов бера олишлари учун бутун-бутун мавзелар бузилиб, кенг шоҳкўчалар очилди. Бу ишга маъсул этиб тайинланган икки саркардага бозорни бузиб, уни бошқа жойга ўтказишга йигирма кун керак бўлди. Жомъе масжидининг мрамор шифтини Эрон ападана<sup>1</sup>ларига ўхшаб тўрт юз саксонга тош устун кўтариб турарди. Испан Клавихо Кастилия қиролларининг саройида бунақасини ҳеч кўрмаган. Суза ва Персеполисдаги аҳамонийларнинг устунлари ўрмонга ўхшаб кетган саройларини ёдга солувчи кўп устунли бу улкан заллар шу “кенглик шайдоси”га худди олов шайдолари каби чексизлик, мангуликни ҳис қилиш имконини берарди. Кенг хиёбонлар ўртасидаги саройлар боғдаги кичик-кичик дўкончаларга ўхшарди, бунақа саройлардан жуда кўп қурилди, зеро Соҳибқирон ҳар бирида бир кунгина тунарди, холос. У буни балки хавфсизлик мақсадида, жонига қасд қиладиган-

<sup>1</sup> Ападана – аҳамоний подшоҳларнинг тахти ўрнатилган сарой. (тарж.)

ларни чалғитиш мақсадида қиларди, бироқ қуриш, бунёд этиш ва нафис бинолардан завқ олиш ҳузури кексалик ва касалликни ҳеч қачон йўқ қила олмаган ва йўқ қила олмасди ҳам.

Амир Темур ўз аждодлари буюк кўчманчи-фотиҳлар каби от устида яшади ва от устида оламдан ўтди, деб айтиш мумкин. Ўз зафарларининг биринчисига эришганида у энди атиги ўттиз беш ёшга кирганди, зеро у бутунлай ўз ҳукми остига ўтган Мовароуннаҳрни забт этганди. Бироқ аслида бу Чингизхондан каттароқ зафарларга эришишни истаган Амир Темурнинг зафарли юришларининг дастлабки поғонаси эди, холос. Ҳозирги душманларни ва бўлажак душманларни безовта қилмаслик, тинч қўйиш ўз давлати chegarалари ичига қамалиб олишдек гап эди, буни эса кўчманчининг онги қабул қилмасди. Етмиш ёшга тўлганда Хитойни эгаллаб олишга ҳаракат қилиш бемаънилик эмасди, зеро қачонлардир мўғуллар ҳам уни босиб олган ва истило қилган эдилар. Шундай қилиб, сўнгги юришга тайёргарлик ишлари ҳаётининг сўнгги ойларини банд этди. Улкан майдонга қўшинининг энг сара лашкарлари жамланди.

Само Империясини эгаллаш истаги Тўхтамиш ва Боязидни, Ҳиндистон ва Эронни енгган одам учун рўёбга чиқмайдиган нарса эмасди. У маҳв этилган, хўрланган ва вайрон этилган Ҳиндистондан қайтганига беш йил бўлган эди. Афғонистон дараларини, Буюк Александрдан англизларгача Ҳиндистоннинг барча босқинчилари шу салтанатнинг калити деб ҳисоблаган дарвозалардан ўтганидан сўнг Ҳиндистон юриши беш йил давом этди. Кўринишдан ўтиб бўлмас бўлиб туюлган бу баланд тоғлар, шу сўқмоқлар босқинчилар-

ни ҳеч қачон тўхтатиб қололмаган; Ҳиндистоннинг машҳур бойликлар барча замонларда муғул хонларини иштаҳасини қўзғаб ва улар вақти-вақти билан Ганга ва Индра водийларга бостириб кириб, беҳисоб бойликларни қўлга киритибгина ўз даштларига қайтиб кетардилар. Деҳли султонининг бўшлиғи, бир зумда мустақил ражаликларга айланиб кетадиган димоғдор ва тартибсиз феодаллар иштаҳаси карнай қўшниларга йўл очиб берарди. Амир Темур Деҳлининг ҳозирги султони Маҳмуд Шоҳ II ни Боязид ёки Тўхтамишга қийслаб бўлмаслигини биларди.

Амир Темур қўшинининг набираси Пир Муҳаммад бошқарган олд қисмлари Деҳлига етиб келганида 1398 йилнинг сентябрь ойи ниҳоясига етиб қолганди. У Ҳиндистонга кирганида йўлида учраган шаҳарлар вайрон этилиб, уларнинг қаршилик кўрсатган аҳолиси муносиб жазоланди. Мират қалъаси ҳимоячиларини ҳам шу қисмат кутганидан сўнг, миш-мишлардан қўрққан бошқа шаҳарларнинг аҳолиси қаршилик кўрсатмай дарвозаларини очиб берди.

Маҳмуд Шоҳ ўзининг филлардан ташкил топган бўлинмалари кучига ортиқча баҳо бериб хато қилди. Бу филлар ўз қаршиларида жангариларни кўрганларида уларни ё ҳайдаб солар, ё оёқлари остида мажақлаб ташларди, бироқ рақиб суворийлари тезлик офирликдан устун эканлигини намоиш этдилар. Бу суворийлар тезда тарқалиб кетар, отларни елдек учуриб ғойиб бўлар, сўнг қайтиб келиб филларнинг хартуми ва оёқларига усталик билан болта уришарди.

Тезкорлик ғалабанинг асосий талаби эканлигини англаган Амир Темур Маҳмуд Шоҳга қарши уруш бошлашидан олдин Лони қаъласида банди

қилинган ва олға силжишига ҳалақит қилаётган ганим аскарларидан халос бўлди — уларни қатл эттирди. У ўнинчи декабр куни Лониға кирганди, бир ҳафтадан сўнг султон мустаҳкамлаб олган Жумма қаршисида пайдо бўлди ва бир неча кундан кейин Деҳлига кириб, у ерда узоқ турмади, зеро 1399 йил биринчи январь куни у ортга қайтаётган эди. У дин пешволарининг давлат раҳбарига кўрстадиган иззат-ҳурмати ўзига ҳам кўрсатилганидан сўнг Деҳли мачитида номоз ҳам ўқиди.

Агар Амир Темур ўзи кўрсатган шафқатсизликларни замондошлари ва келажак авлодлар олдида оқлашга ҳаракат қилса, ўз халқи билан енгилган халқлар ўртасида помешчиклар билан уларнинг крепостной деҳқонлари ўртасидагидек, ёки Грецияда озод инсонлар билан қуллар ўртасидаги каби табиий фарқ мавжудигини айтган бўларди. Барча кўчманчи халқларга ўзини ер маданиятига бағишлаган, ерга боғланиб қолган одамларни таҳқирловчи белги билан тамғалангандек қараб келинган. Шимолий Африка кўчманчилари назарида ўтовнинг матоси, гўёки ер уни ушлаб қоладигандек ёки ютиб юборадигандек, ерга тегиши мумкин эмас. Бошпанаси билан ер орасидаги мана шу масофа қандайдир маънода арабда ҳавода осилиб тургандек мағрур ишонч туғдиради.

Бириси молларини боқиш учун, иккинчиси ўзига ноз-неъмат ундириш учун ер талашаётган кўчманчи чўпон билан ўтроқ деҳқон ўртасидаги қарма-қаршилиқ қанчалар қадимий бўлишига қарамай, у XV аср бўсағасида ҳам худди Чингизхон ва Отилахон замонасидек, Осиё сиёсатини белгилаб турарди. Бу буюк фотиҳлар учун

моҳияти ва зарурияти учун ўтроқ ҳаёт кечирувчи деҳқон эгаллаб турган ерларидан қувилиши лозим бўлган золим ҳисобланарди. Бу курашда икки иқтисодиёт, икки сиёсат, икки мафкура ва бунинг устига макон ҳақидаги икки тушунча тўқнашади. Ҳаракатсиз ва ҳаракатчан ўртасидаги антогонизм маконни икки хил қабул қилинишига асосланади. Албатта, бу ерда бойлик ва куч ҳақидаги тушунча ўйинга киради, бироқ зиддиятнинг асосида меросхўрликка ва енгиб бўлмас анъанага жиддий асосланган ҳаёт фалсафаси ётади. Ваҳоланки бу пайтда Европа бўйлаб Уйғониш гуманизми кенг ёйилиб, Исфаҳон, Деҳли, Боғдод ва Дамашқни ўта нафис маданият ёритиб турар эди...

Навбатдаги вазифа Хитойни, бир пайтлар Чингизхон империяси Сарик денгиздан Адриатикагача чўзилган, шимолда Байкалгача етиб, жанубда Индра водийсига тушган, Аннам, Қурия, Новгород жанубида Россия, Польшанинг ярми, Венгрия, Болгария, Греция... билан чегарадош бўлган пайтида унинг таркибига кирган Хитойни забт этиш эди. Чингизийлардан халос бўлган Мин сулоласи Чигатой халқига нисбатан нозик бир ҳолатда турар, ҳар икки томон ҳам бевақт муҳораба бошланиб кетишидан чўчиб, бу ҳолатга равшанлик киритишни истамасди. Амир Темур Мовароуннаҳрда ўзидан олдин ўтган ҳукмдорларга тақлид қилиб Хитой саройига элчилар йўллаб турар, улар императорга очиқ кўнгилдан совғалар элтишар, бироқ Хитой ҳукмдори бу совғаларни хирож деб, элчиларнинг ташрифини эса тобелик изҳори деб ҳисоблашда давом этарди.

Бироқ Амир Темурнинг ориятига тегувчи бу шубҳали ҳолат узоқ давом этиб туролмасди,

зеро Тўхтамиш ва Боязидни енгиб, Ҳиндистон, Эрон ва Кичик Осиёни забт этган Соҳибқирон хитойликлар унга ўз вассалидек қарашига чидай олмасди. У бир неча бор Хитой вакилларини қамаб, анча муддат тутиб ҳам турган, бу орада вақти-вақти билан Хитой марказига совғалар жўнатишни ҳам давом эттирган. 1395 йилга келиб император Хон Ву ва Соҳибқирон ҳали ҳам дўстона хат ёзишиб туришарди, бироқ бу ўзаро бағрикенглик осойишта ва доно Хон Ву оламдан ўтганидан кейин, 1403 йилда тахтга урушқоқ ва агрессив Йон Ло ўтирганидан кейин бутунлай ўзгарди. Амир Темур бировга зарари тегмайдиган мулойим Хон Ву билан дўстона алоқаларни ушлаб турар, боз устига Хитойга ҳужум қилиш учун унинг вақти ҳам йўқ эди. Фақатгина 1400 йил, жумладан, август ойида у Боязидга қарши йўлга чиққан ва икки ойдан сўнг, октябрь ойида, Сивасга юриш қилган, қачонлардир Муҳаммад пайғамбарнинг жияни Алига нисбатан қўпол муносабатда бўлган мамлукларни жазолаш учун Кичик Осиёга ҳам кирган эди. Бу воқеага етти ёки саккиз юз йил бўлган, бироқ қарз узилмаган эди. Бундан ташқари мамлуклардан яқин ўтган кунларда бўлиб ўтган воқеаларни ҳам унутмаслик талаб қилинарди: султон Барқуқ Амир Темурнинг дўстона таклифларини рад этиб, у ўз тобеиним деб ҳисоблаган ва Мовароуннаҳр элчисини қатл эттирган Боғдод султони Аҳмад Жалойирнинг даъволарни қўллаб чиққан, бу билан Соҳибқиронни шахсан ҳақоратлаган эди.

Мамлукларнинг золимларга хос такаббурилиги ва қўполлиги бор эди; улар Миср ва Сурия устидан бир юз эллик йилдан бери ҳумронлик қи-

лаётганининг сабаби шунда эдики, ирқи бўйича мисрлик эмас, турк-черкасс бўлган бу ёлланма жангчилар қонуний ҳукмдорни тахтдан қувишган ва Нил дельтасида келгиндиларча ваҳшийлик билан ҳукмронлик қилар эдилар. Улар ирқпараст легионларга ўхшашар, қўшин бўлинмалари тез-тез бир-бирлари билан жанжаллашиб турар ва ҳукуматни талашар эдилар. Фақатгина миср халқининг сустиги шу бешафқат ва лаънати золимларнинг бу ерда ўрнашиб қолиши ва устидан ҳукмронлик қилишларига имкон берган бўлиб, бу йўқ ердан жанг ва жанжал қидирувчи аскарлар ўз хизматларига олинган маҳаллий аҳоли вакиллари одам деб ҳисобламас эди.

Барқуқ ва Амир Темур ораларидаги муаммоларга қарамай бир-бирига ён босар эдилар, бироқ ёш Фараж 1399 йил мовароуннаҳрликлар ахтариб юрган қочоқларга бошпана бериб хатога йўл қўйди. Сурияга юриш қилишга ўзинининг қудрати етади деб билган Амир Темур тезгина юришини бошлади. Бу сафар ҳинд филлари бўлинмалари турк-мўғул отлари ёнида жангга кирдилар. У Халаб, Хумс, Балбек, Ҳамани қўлга киритди ва декабрь ойида Сурия вилоятларидан ёрдам ахтариб келган султон Фараж бошпана топган Дамашқ қаршисида пайдо бўлди. Мағлуб бўлган Фаражнинг сурияликларни ўз ҳолига ташлаб Қоҳирага қочиб кетиши, дамашқликларнинг қаҳрамонона курашиб, бир неча ой қаршилиқ кўрсатишлари натижасида шаҳар узоқ қамалда қолди. Ниҳоят шаҳарликлар таслим бўлишди, Амир Темур бу сафар ўз одатига хилоф равишда ўн баробар кўп тавон ўлпон талаб қилди.

Бу чарчоқ, бу интилишлар ўртамиёна натижа берди. Амир Темур Дамашқни 1401 йил март ойида тарк айлади, мовароуннаҳрликлар кетидан вайрон этилган шаҳарлар қолди. У Сурия ва Мисрга ҳокимлик қилишни истамади, улар эса яна мамлукларнинг қўлига тушди. Аслида у қўшини кучини бир меъёрда тақсимлаб, Фаражда қўрқув ҳисини уйғотиши лозим эди, бу эса унинг безарлигини таъминлаган бўларди.

Император Йон Ло оёққа кўтарган қўшиннинг қудрати ва Амир Темур лашкарларининг турли миллат ва элатлардан ташкил топганлиги туфайли Хитойга қарши юриш Ҳиндистон ва Сурия юришларидан мушкулроқ бўлиши кутилмоқда эди. Ҳақиқатдан ҳам Амир Темур қўшини суриялик, афғонистонлик бўлинмалар, Мовароуннаҳрнинг турк-мўғулллари билан қўшни эронийлар ҳамда Оқ Ўрда ва Олтин Ўрда қочоқларидан ташкил топган эди. Фақатгина қўмондоннинг иродаси ва қудрати садоқатига кафолат йўқ бу турфа унсурлар орасида тартиб сақлаб турарди. Амир Темурнинг шахсий обрўси, унинг жанглarda кўрсатган жасорати ва кези келганда очиқ ерда ётиб, нонини аскарлар билан бирга баҳам кўриши аскарларининг чексиз ишончини қозонган бўлса ҳам, агар ўзи ҳалок бўлса ёки вафот этса улар унинг меросхўрларига ҳам шундай садоқат ва итоат билан хизмат қилишларига унинг ишончи комил эмасди.

Солномалар ўтовлари Ўтрор қалъаси атрофини ўраб олган турк-мўғуллар лашкарларининг сонинини икки юз минг деб кўрсатадилар. Олий бош қўмондон ўз зобитлари билан юриш режасини муҳокама қилмоқда эди. Режани амалга

ошириш йўлида катта қийинчиликлар бор эди. Хитой чегарасига етиб боришдан аввал турттизмалари ва катта дарёлардан ўтиш керак эди, биргина Сирдарёнинг ўзи деярли ўтиб бўлмас катта бир тўсиқ эди. Бу тўсиқни кам талофат билан кесиб ўтиш учун Амир Темур юришни айнақишда, дарё суви музлаган пайтда бошлашга қарор қилди. Давонлардан ўтиш янада қийин бўлса-да, Соҳибқирон Тўхтамишга қарши курашида амин бўлган эдики, даштлар ва совуқ мўғул отларининг тезлигини пасайтира олмасди. Шу билан бирга у рақибни бундай бесамар ҳавода йўлга чиқишини кутмаган Само Ўғлонига тўсатдан зарба бермоқчи эди.

Илгариги кийимларига зўр бериб, турли-туман уст-бош, айниқса мўйнадан тикилган кийимларни ёқтирадиган ва бўйинларига ҳар хил тақинчоқларни тақиб жангга кирадиган мўғул қўшинларидан фарқли ўлароқ Соҳибқирон лашкарлари жангда бир-бирларини осон таниб олишлари, ҳамда уларга тартибли, доимий қўшин тусини бериш учун барча бўлинмаларга ўзлари учун бир хил жанговар кийим кийишни буюрди. Бир неча эскадрон отларига қизил ёпиқ ёпинтирилиб, махсус кийим кийган суворийларга қизил найза ва садоқ берилди. Бошқа бўлинмаларнинг бири сариқ, яна бириси оқ кийимни танладилар. Қурол-яроғлари ҳам турли-туман эди, кимлардир зирх тақиб олган, кимлардир совут кийганди. Бироқ Амир Темур салтанатининг турли бурчакларидан келган бу оломонга ягона руҳ бериш жуда мушкул эди. Уларни бошқарувчи хафақон амирлар ягона бир қўмондонга бўйунсинишини унчалик хушламасдилар ҳам. Тўполончиларнинг

попугини пасайтирш ва ўз тобинлари ўртасида тез-тез кўтарилиб турадиган ўзаро жанжалларнинг олдини олиш учун қўмондон қаттиққўллик қилишига тўғри келарди.

Сармарқандни тарк этишганидаёқ Амир Темур жиддий оғриб қолган, бироқ у буни ўзининг энг яқинларидан бошқа ҳеч кимга сездирмас ва урушга тайёргарлик ишларини ҳамда Хитойга юришнинг биринчи босқичини шахсан ўзи назорат қилиб турарди. Бироқ Ўтрорга етиб келиш билан тўхташга тўғри келди. Ҳаддан ташқари қаҳратон қиш олға юришга имкон бермади. Даштларнинг қаҳратон совуқларига чидаган отлар ва суворийлар йўлда жон берардилар. Ортга қайтиш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмасди<sup>1</sup>: Соҳибқирон охирига етказа олмаган ишни унинг меросхўрлари амалга оширишлари мумкин эди. У қўмондоликни ёшлардан бирига топширса ҳам, Хитойга юришни тўхтатмай, шижоат билан давом эттириш лозим эди.

Ўлим яқинлашганини сезгач Амир Темур бу ҳақида аскарларга маълум қилишни тақиқлаш ҳақида ҳам ўйлади, бироқ аскарлар ўз қўмондонларини уларнинг сафини айланиб юришига шу қадар ўрганиб қолган эдиларки, шум хабарни улардан яшириб бўлмасди. У ҳокимиятни ҳам давлат раҳбар, ҳам қўмондонлик қўлидан келадиган меросхўрларидан бирига топширишга қарор қилди. У бу ишни кенжа ўғли Шоҳрухга топширмоқчи бўлди, бироқ у бу пайт Хуросондаги исённи бостириш билан овора эди. У салтанатни

<sup>1</sup> Соҳибқиронга ерда йиғилиб қолган қорнинг баландилиги икки найза бўйи эканлиги ҳақида хабар бердилар. “Тоғларни енгиш керак” – деди у амирларига (Шарафиддин Али Яздий).

ва қўшинни бошқаришни набираси Пир Муҳаммадга топширишга қарор қилди, зеро Соҳибқирон унда бахтга қарши бир неча йил муқаддам ҳалок бўлган ўғли Жаҳонгирнинг мардлиги ва хизматларини кўрди. У шаҳзодани амирларга таништириб, уларни набирасига садоқат ила хизмат қилишларига қасамёд қилдирди. Шундан сўнг у атрофига ўз оила аъзоларини ва қариндошларини йиғиб, олдинга қўйилган мақсадни бирлашиб, биргаликда амалга оширишни амр қилди. Яқинларидан кимлардир кўз ёши тўкишга тушди, Соҳибқирон уларни ўзига ўхшаб тақдирга тан беришга чақирди.

Амир Темурнинг ўз тўшаги атрофида йиғилганларга айтган сўнгги сўзлари бизгача етиб келган солномаларда қайд этилган:

“Мен оламдан ўтгач кўз ёш тўкиб, фиғону фарёд қилмангиз, зеро аларнинг нафи бўлмағай. Шу пайтгача ўлим на кўз ёши ва на фарёдлардан чекинган. Кийим-бошингизни йиртиб, ақлдан озгандан, турли тарафларга югургандан кўра менга Оллоҳдан шафқат сўранг, қиёмат куни руҳим озод бўлиши учун дуои фотиҳа қилинг. Тартибсизликларга йўл қўймангиз”.

Амир Темурнинг табиати унинг шу сўнгги яққол намоён бўлган. У бунёд этган салтанат қудратли ва мустаҳкам қолиши, меросхўрлари бир бўлиб, ўлкалар иттифоқини сақлаб қолиш учун курашишлари лозим эди. Амир Темур барпо этган салтанатни *patchwork*га – турли-туман ва ранг-баранг лахтакларидан тикилган дастурхонга таққослаш мумкин. Унинг ўзи бу лахтакларни бир-бирига сабр-тоқат ва матонат билан тикиб чиққан бўлиб, бу дастурхоннинг нақадар нозик-

лигини жуда яхши биларди. У ўзи забт этган ўлкаларнинг ўртасида аниқ бир иттифоқ йўқлигидан ва меросхўрлари орасида ўзининг ўрнини босиб, бунёд этган биносининг мустақамлигини ушлаб турадиган бирорта доноси йўқлигидан ташвишланарди. У 1405 йил 18 февраль саҳарда оламдан кўз юмди.<sup>1</sup>

Амир Темур ўлиmidан олдин ўз меросини ўз авлодларига тақсимлаб берди. Энг яхши кўрган ва ўзининг ўрнини боса олади деб ўйлаган ўғли Шоҳрухга Хуросонни берди, Соҳибқирон уни ўз ўрнига тайинлай олмади, зеро ўғлининг ўзи ёнида турмаганида амирлар унга садоқатли бўлиш ҳақида қиладиган қасамёднинг фойдаси бўлмасди. Иккинчи ўғли Умаршайхнинг ўғилларига Эрон вилоятлари тегди. Отдан йиқилиб ақлдан озган ва ўғли Умар Мирзонинг қарамидаги учинчи ўғли Мироншоҳга Ироқ ва Озарбайжон қолди. Пир Муҳаммад йигирма тўққиз ёшда эди, у ўзига топширилган Афғонистонни ҳукуматини бошқариб, ҳақиқий давлат раҳбарига хос хислатларини намоён этди. Шунга қарамай, Соҳибқирон вафот этганидан сўнг кўп ўтмай унинг салтанати парчалана бошлади. Хитойга қарши уруш қилиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди: қўшин бир-бирига қарама-қарши бўлакларга бўлиниб кетган, уларнинг бошида эса меросхўрлардан энг иштаҳаси карнайлари ва ҳасадгўйлари турарди. Мироншҳнинг ўғли Халил олғирлик қилди: яшин тезлигида Самарқандга етиб келиб уни эгаллади


<sup>1</sup> Ушбу сана Ибн Тангри Бердининг “Ан-Нужум”ининг VI жилдида келтирилган. — Berkeley: University of California Publications in Semantic Philology. В.Поппер нашри., 1915-1923. “Ан-Нужум” муаллифи Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур саксон ёшда вафот этган деган фикрига қўшилади.

ва ўзини шоҳ деб эълон қилди, бироқ шундан сўнг ўз маъшуқасининг кўнглини олиш учун бор будини совуриб ташлади. Ўз ҳуқуқларини амалга оширишни истаган Пир Муҳаммад Халилнинг лашкарларини маҳв этди ва вазирининг қўли билан унинг ўзини ўлдиртирди. Бу жиноят ака-укалар ва набираларни Соҳибқирон салтанатининг энг ёғли жойларини эгаллаб олишга ундади. Тамерланидлар ёки кўпроқ темурийлар деб аталувчи шаҳзодалар ўртасидаги биродаркушлик урушлари узоқ давом этди.

Қачонлардир тобе этилган вассалларга ҳам жон кириб, ўзларини мустақил деб эълон қилдилар. Соҳибқирон томонидан кечагина маҳв этилган ва ўз юртларидан ҳайдалганлар ўз пойтахтларидаги жойларини дабдаба билан яна қайта эгалладилар: Аҳмад Жалойир Боғдодга қайтди, Қора Қўй Ўрдасининг собиқ ҳокими Қора Юсуф Озарбайжонни босиб олди ва Таурисни эгаллади. Темурийлар ичида ҳақиқий давлат раҳбари бўлишдек салоҳиятга эга бўлган Шоҳрух аста-секин, сабр-тоқат билан отаси тиккан *patchwork*ни қайта тиклашга ҳаракат қилди. Бироқ у 1447 йил вафот этганида салтанатнинг асосий ўзаги тиклаб бўлинган, бироқ у ажнабий давлатлар томонидан таланар, исёнкор тобеинлар ва бош кўтарган набиралар томонидан бўлиб олинган бўлиб, улар ўзлари қўлга киритган ўлкаларга ҳукмдорликларини эълон қилардидар.

Амир Темур барпо этган салтанат унинг ўлимидан сўнг парчаланиб кетди. У барпо этган турк-мўғул аҳиллиги юзаки иттифоққа асосланганлиги учун бўлиниб кетди ва ҳар ким ўз йўлини танлади. Юксак маданиятли ва нозик дидли

одамлар бўлган Шоҳрух ва унинг ўғли Улуғбек  
замонасида Самарқанд янада гуллаб-яшнади.  
Бу ҳол 1449 йилгача, Ўзбекхон бошчилигидаги  
мўғуллар Мовароуннаҳрни забт этмагунларича  
давом этди. Амир Темур барпо этган қудратли  
ва ёрқин сиёсий архитектурадан фақат вайрона-  
лар қолди: у ният қилган Осиёни бирлаштириш  
орзуси буни амалга оширишга киришган одамга  
тутқич бермади.



# **АМИР ТЕМУРНИНГ БОЛАЛИГИ ВА ЁШЛИГИ**

**(унинг “ТУЗУКОТ”идан)**



Амир Темур “Тузуклар”нинг форсча бир таржимаси бўлиб, у 1610 йил Йемен ҳукмдори Жафар Пошонинг кутубхонасидан топилган. Шу қўлёзманинг бир нусхаси майор Деви томонидан Ҳиндистондан Англияга олиб келинган бўлиб, унинг Деви таржимасидаги инглизча нусхасини 1783 йил Оксфорд университети профессори Уайт нашр қилган. 1787 йил машҳур шарқшунос Ланглэ асарнинг ана шу икки нусхаси асосида “Тузуклар”ни француз тилига таржима қилди. Асарда Амир Темур ўзининг болалиги ва ёшлиги ҳақида ҳикоя қилган автобиографик қисми “Тузуклар”нинг 1783 йилги нашрига кирмаган. Бу қисм инглиз тилига фақатгина 1830 йил Ҳиндистон компанияси коллежининг шарқ тиллари профессори Чарльз Стюарт томонидан таржима қилинган ва демак Ланглэнинг французча таржимасига кирмаган. У инглиз тилидан французчага илк бора Франция Миллий кутубхонаси нозири Альбер Кребс томонидан таржима қилинган.

Отам Тарағай менинг исмимни қандай танлаганини қуйидагича тушунтириб берди: “Сен туғилганингдан кўп ўтмай мен дилбар онанг билан ўз ҳурматимизни изҳор қилиш учун доно ва таниқли шайх Шамсиддин ҳузурига бордик. Биз унинг ҳужрасига кирганимизда у Қуръоннинг олтмиш еттинчи сурасини ўқир ва ушбу оятни (16) такрорларди: “Оллоҳ тўсатдан ерни қимирлатиб, оёғингиз остини ўпириб юбормаслигига ишончингиз комилми?” (Тамурру).

У шу оятда тўхтади-да, бизга: “Ўғлингизнинг исмини Темур деб қўйдик”, – деди.

Бу ҳикоя менга жуда ёқиб тушди ва ўз исмим муқаддас китобдан олинганлиги учун Оллоҳга чуқур минатдорлик изҳор қилдим; шунинг учун ҳам мен катта қониқиш билан ушбу сурани ёд олдим.

Етти ёшга тўлганимда отам мени қўлимдан ушлаб мадрасага бошлаб борди ва мулла Алибекка топширди, у киши бўлса менинг олдимга араб алифбоси битилган тахтачани қўйди. Мен бундан бағоят шод бўлдим ҳамда бу ҳарфларни ҳуснихат қилиш нақадар қувончли эканлигини ҳис этдим.

Тўққиз ёшга кирганимда устозларим менга масжиддаги кундалик хизматни ўргатишар, мен

эса Қуръони каримнинг “Қуёш” деб аталмиш тўқсон биринчи сурасини ўқишдан тинмас эдим.

Дарсхонада эканлигимда мен доимо биринчи сафда ўтирар эдим ва ўзимни талабаларнинг сардоридек ҳис қилардим. Кунлардан бир куни синфда қай ҳолда ўтириш кераклиги устида баҳс кетди, ҳар бир ўқувчи ўз фикрини билдирди; навбат менга келганида мен энг яхшиси тиззалаб ўтирмоқ керак, зеро Муҳаммад пайғамбар ҳам “Номозни тиз чўкиб ўқинг” деганларку дедим; барча талабалар мени қизгин олқишладилар. Мадрасадан чиққанимизда биз болалардек ўйнар эдик, бироқ мен баландроқ жойга чиқиб бошқарувни ўз қўлимга олардим ва болаларни икки қўшинга бўлиб, қалбаки муҳорабани бошлар эдик, кейин эса қайси томоннинг қўли паст келса мен ўша томонга ўтар эдим.

Ўн икки ёшимда мен ўзимда ақл-заковат ва мағрурлик белгиларини сездим ҳамда ҳузуримга ким ташриф буюришидан қатъий назар ҳаммани иззат-ҳурмат билан қабул қила бошладим.

Ўша пайтда мен ўзимга тўрт доимий дўст топдим ва ҳоким бўлиб тайинланганимда ҳам уларнинг ва бошқа ўртоқларимнинг истакларини эсдан чиқармай ҳар бирини хизматларига мос лавозимларга тайинладим.

Худога шукурким, тўққиз ёшимдан бошлаб етмиш бирга чиққунимча мен ҳеч қачон бир ўзим овқатланмаганман ва бирор дўстимсиз сайр қилмаганман ҳамда ҳар сафар янги кийим кийсам эскиларини дўстларимга берганман; улар нима сўрасалар ҳеч қачон йўқ демаганман ҳам уларни

кўп ялентирмай истакларини бажо келтирганман.

Ўн тўрт ёшимда ўзим тенги яхши бир йигит билан яқинлашиб қолдим ва энг кўп вақтимни у билан бирга ўтказишга одатландим, у ҳам менинг унга муносабатимни сезар, ўзи ҳам мени яхши кўрарди. Охири ўзини талаба деб эълон қилиб, бизнинг орамизга араллашиб юрган Муллаше деган мовароуннаҳрлик бир қашқир менинг дўстимга яқинлаша бошлади. Дўстим олижаноб инсон бўлганлиги учун у билан бирга бўлиш менга ёқар, бу эса қашқирнинг ғашини келтирарди, шунинг учунми у менга овозини кўтариб кўча гапларини гапира бошлади. У бизнинг гуруҳимизга қўшилганидан кейин бир куни мен унинг осмондан келиб дўстимга “Мен сенинг бўсаларингга муҳтож эмасман” дегани қулоғимга тушиб қолди. Бу сўзларни эшитиб бутунлай жаҳлим чиқиб кетди ва бундан бошлаб на ўзимга ва на бошқа бировга бундай муносабатда бўлишларига йўл қўймасликка аҳд қилдим.

Ўн олтига тўлганимда отам қўлимдан олиб ўзи бунёд этаётган мадрасага бошлаб борди. Шу ерда у менга қуйидагиларни сўзлади:

— Ўғлим, бизнинг аждодларимиз, авлоддан авлодга Чифатой ва Барлос уруғи лашкарларига қўмондонлик қилишган. Сипоҳи Салор вазифаси энди менинг зиммага тушди, мен эса илон ва чаёнлар тўла хумчадан устун турмас бу дунё ишларидан чарчадим. Вазифамдан воз кечиб, тинчлик қувончларидан баҳра олмоқчиман. Би-

роқ токи мен шу қишлоққа асос солиб, ўз шарофим ва авлодим номини абадийлаштириш мақсадида ўз номимдаги ушбу мадрасани бунёд этган эканман, сендан тушадиган маблағлар ва имтиёзларга зарар етказмаслигингни сўрайман.

Шундан сўнг отам менга Туманай хондан бошланувчи аждодларимиз тарихини сўзлаб берди. Туманай хоннинг насл-насаби эса Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Жафетдан бошланар экан. Отам яна қўимча қилди:

– Авлодимиздан биринчи бўлиб Чифатой хоннинг куёви (кўрағони) Қорачар Ноён исломни қабул қилган. У доно бир инсон бўлганлиги учун Муҳаммад пайғамбар динини қабул қилгач оиласи ва халқига қуйидагича ўгит берган: “Атрофимга қараб фақат бир оламни кўраман. Аммо ундан ҳам бошқа оламлар мавжуд деб ўйлайман. Бироқ шу оламларнинг барчасини ягона бир худо яратганига аминман, уларнинг ҳаммасига Оллоҳнинг ўзи бошчилик қилади ва бошқаради. Бу дунёда одам зотини яратиш ва уни бошқариш учун Оллоҳга вазирлар зарур эди, шунинг учун у Муҳаммад пайғамбарни ўзининг бош вазири этиб танлади. Муҳаммад пайғамбар эса вазирлар лавозимларига (ўз динини ёйиш учун) олий насабли халифаларни тайинлади”.

Аждодимизнинг бу сўзлари менинг эътиқодимга ҳам мос тушади, мен ҳам ҳақиқий мусулмон бандаси бўлдим, сени ҳам шундай бўлишга даъват этаман, Темур!

Энг аввало сен буюк аждодингдан ўрнак ол ва Муҳаммад пайғамбарнинг муқаддас эътиқодига

имал қил (Оллоҳ унинг авлодларини ва аларнинг дўстларини ўз паноҳида асрасин). Сенга унинг тартибларига қатъий риоя қилишни ҳамда унинг авлодлари ва содиқ фуқаролари бўлмиш олимлар ва дин уламоларини доимо ҳурмат қилиш ҳамда иззат-эҳтиром кўрсатишни амр қиламан. Босган ҳар бир қадамнинг учун доим дарвешлар, дин уламолари ва қозиларнинг фотиҳасини ол. Оллоҳнинг иродасига итоат қил ҳам унинг бандаларидан марҳаматингни аяма.

Иккинчидан, Муҳаммад пайғамбарнинг эътиқодини қўллаб қувватла ҳам ундан маблағингни аяма.

Учинчидан, барчамиз Оллоҳнинг хизматкорлари эканлигимизни ва унинг амри билан шу заминда яшаш учун яратилганимизни унутма. Бизнинг тақдирларимиз олдиндан башорат қилинган ва пешоналаримизга неки битилган бўлса у албатта амалга ошмоғи лозим. Неки башорат қилинган бўлса биз шундай ҳаракат қиламиз, ўз хоҳишимиз билан бу дунёни тарк этишга ҳақимиз йўқлиги сабаб тақдиримизга чидашимиз ва Оллоҳ берганига шукур қилмоғимиз лозим. Биз қашшоқ биродарларимизга ёрдам беришимиз ва ҳамиша, имконият доирасидаги чоралар билан, Оллоҳнинг барча бандаларига мадад кўрсатмоғимиз даркор. Оллоҳ ягона эканлигини тан ол ва дини исломнинг тўрт қоидасига, яъни ибодат, рамазон, ҳаж зиёрати ва хайру садақага риоя қил.

Тўртинчидан, ота-онанг ва яқинларингга марҳамат кўрсат, ҳеч кимга зиён етказма ва ми-

янгда эзгуликдан ўзга нарсани сақлама. Фирибгарлик ва зўрлик билан ҳеч кимни ўз ҳуқуқидан маҳрум этма, фақат адолат кийимини кий. Нопок ва ахлоқсиз одамлардан йироқда бўл. Ҳеч кимни зиндонда уч кундан ортиқ тутма. Кам таъминланган ва оч-наҳорларга емак тарқат ва фуқароларингнинг қалбини олижаноблигинг билан забт эт йўқса ўз қудартинг ва келажагингдан айриласан.

Отам нутқини тугатгач, мен унинг насиҳатларига риоя қилишимни ва кўнглидагидек иш тутишимни изҳор қилдим.

Мен ўн етти ёшимда отамнинг соғлиги ёмонлашгани ва дунё ишларидан юз ўтирганлиги сабабли унинг шахсий ишларини ўз қўлимга олдим ва қуйидаги ишларга қўл урдим: юзтадан қўйни бир отарга жамладим ва унга чўпон тайинлаб, маошини тушадиган ёғ, сут ва жуннинг чораги этиб белгиладим; эчкилар билан ҳам шундай йўл тутдим, фақат нарларини модаларидан ажратдим; ҳар йигирма отни ҳам нарини байталидан ажратиб бир отхонага жойладим, туялар билан ҳам худди шундай иш қилдим.

Кўп авлиёлар менинг келажагимни башорат қилар эди. Энг қизиқ воқеа қуйидагича рўй берди: бир куни мен муҳтарам амир Ҳилолга ўз ҳурматимни изҳор қилишга бордим. Мажлисга кирганимда остонадан жой олишимга тўғри келди. Авлиё мен томонга қаради ва шундай деди:

— Бу йигит шу қадар кичик ва ёш кўринса-да, аслида буюк инсон.

Шундан сўнг у мени ўз ёнидан жой олишга чақирди. У менга бир муддат кўз югуртириб, бир мунча суҳбатлашганидан сўнг уйқуга кетди. Ҳазратим кўз очганида хизматкорларидан бири патнисда нон ва ширинликлар келтирди. У киши патнисга қўл узатиб, етти кулча ва етти ширинлик олди-да уларни менга узатиб деди:

– Бу қандолатларнинг ҳар бирини татиб кўр – Курраи заминнинг етти қисми ҳам сенинг ихтиёрингга ўтажак.

Унинг бу сўзлари мени ҳам, бутун мажлис аҳлини ҳам лол қолдирди. Барча бир-бирига қараб олиб, сўнг менга боқди, бироқ авлиёга ҳурматлари туфайли ҳеч ким оғиз очмади.

Мен қандолатларни олиб, отамга бориб кўрсатдим. Отам менга шундай деди:

– Ҳилол буюк инсон, пайғамбар авлодидан. Унинг авлиёлиги ва мўъжизалар яратиш қобилияти бор. У сенга нима деган бўлса, албатта амалга ошади. Ширинликларни ол-да, ҳеч кимга берма. Уларни шу буюк инсоннинг марҳамати деб бил.

Бироздан кейин отам мен билан бирга бориб, табаррук инсонга ташаккур билдирди. Ҳазрат эса ўз қаршисида турган саватдаги ёнғоқлар нечталигини санашни буюрди. Отам ёнғоқларни санаб, улар уч юз етмишталигини айтди. Авлиё деди:

– Шу ёнғоқларнинг ҳар бири бир йилга тенг. Қолганлари Темурнинг келажаги билан боғлиқ бўлиб, унинг авлодлари неча йил ҳукмронлик қилишини англатади.

Ҳазрат саватни отамга қайтарди. Мен саватни олиб, ёнғоқларни ширинликлар билан қўшиб қўйдим. Бу ҳақида онамга айтганимда, онам бошимни қўллари орасига олиб, менга омад тилади. Қандолат маҳсулотлари ва ёнғоқлар узоқ йиллар ёнимда турди, менинг шуҳратим эса йилдан йилга ошди.

Орадан бир қанча муддат ўтиб онам ҳам ҳурмат бажо келтириб ҳазратнинг ҳузурига борди ва ўзи ҳам эҳтиром билан қабул қилинди. Ул зот онамга шундай дебди:

– Темурунинг ўғиллари, набиралари ва уларнинг авлодлари исломни қўллаб-қувватлаб, динимизда ўзгартиришлар қилмасалар, пайғамбарнинг авлодларига қаршилик кўрсатмасалар ёхуд аларни қийнамасалар ва, аксинча, ул зотни инсон авлодига кўрсатган марҳаматлари учун улуғласалар ер юзида уч юз йил ҳукмронлик қилгайлар. Алар ул Зоти улуғнинг ота-оналари ва авлодларини қанча узоқ юқорига кўтарсалар шунча муддат яхшиликка яхшилик, фаровонликка фаровонлик қўшилажак.

Онам буларни менга сўзлаб берганида атиги ўн етти ёшдалигимга қарамай, мен чексиз раҳмони раҳим Оллоҳга пайғамбарнинг авлодларга асло зарар етказмаслик ва бор куч-қудратим билан аларни улуғлашга қасамёд қилдим.

Ўн саккизга тўлганимда ҳеч ким мендан устун эмас ва қўлимдан ҳамма нарса келади деб ўз қобилиятларимга ортиқча баҳо бериб юбордим. Ўша пайтда мен от миниш ва ов қилишни жуда ёқти-

рар эдим. Кунлардан бир куни катта тезликда бир сайфоқни қувиб кета туриб тўсатдан кенглиги беш, чуқурлиги тўрт газ келадиган жар ёқасига бориб қолдим. Мен тулпоримни ортга қайтармоқчи бўлдим, бироқ у гарангсираб қолган учун жардан учиб ўтишга азм қилдим. Отим олд оёқлари билан жарнинг нариги бетига илинди, бироқ кўтарила олмай пастга қулади. Тулпорим талпинаётган пайтда мен узангидан оёқларимни чиқардим ва эгардан сакраб жарнинг нариги бетига тушдим. От эса қулаб тушиб, оёқларини синдирди. Ҳамроҳларим шу заҳотиёқ жарнинг ортда қолган ёқасида пайдо бўлишди ва соғ-омон қолганим учун мени қутладилар.

– Мени худо бир асради, – дедим мен аларга, – омадни берадиган ҳам унинг ўзи.

Дўстларим жарнинг бу ёқасига ўта олмасдилар, шунинг учун мен узоқ айланиб аларга бориб қўшилдим.

Кўп ўтмай биз бир неча қора ўтовларни кўрдик. Ҳамроҳларим қичқириб юборишди:

– Булар қум ва чанг-тупроқ барханлари!

Бутунлай тамом бўлдик деган хаёлга келдик. Мен отимнинг жиловни бўйнига ташлаб, унинг ёлидан торта бошладим. От бошини кўтарди, кишнай бошлади ва бўйнини тутди. Ўтовларнинг олдига келганимизда уларнинг бирининг эшигидан нур таралиб турганини кўрдик, бу бизга қувват берди. Отимдан тушиб, ўтов ичкарасига кирдим. Унинг эгалари мени босқинчи деб ўйлашди шекилли, итларини чақириб ҳужумга шайланди-

лар. Бироқ мен биз кимлигимизни тушунтирганимдан кейин улар қотиб қолдилар ва ўтов марказидан ер очиб, биз учун ўт ёқдилар. Шу орада ҳамроҳларим ҳам кирдилар ва биз жойлашиб олдик. Уй эгалари тезда шўрва келтирдилар, мен ундан тўйиб-тўйиб ичдим ва маза қилдим. Улар бизга кўрпачалар ҳам бердилар, биз ёнбошладик. Бироқ улар қумурсқаларга шу қадар тўла эдики, мен эрталабгача мижжа қоқмадим. Салтанат тахтига ўтирганимдан кейин ўша овимизни, муздек совуқ тунни ва ўтовда ўтказган кечамизни барча икир-чикиригача эсладим, бизга бошпана берган оилага катта туҳфа билан элчиларимни жўнатдим.

Айнан шу йили тўрт ой давомида менинг тобим бўлмади. Дардимга даво топилавермагач, яшашдан умидим ҳам узилди. Бир ҳафта давомида томоғимдан қил ҳам ўтмади, бироқ еттинчи куни менга бир анор беришди. Орадан кўп ўтмай ўзимни жуда ҳолсиз ва сезгисиз ҳис қилдим. Ўзимдан кетиб қолган онларим кўзимга мени аравага боғлаб осмону фалакка томон олиб чиқиб кетаётганлари, кейин эса ерга қайтиб тушганим кўринарди. Қўлимнинг бош бармоғи билан кўрсатгичи ўртасини куйдиришганида ўзимга келдим. Ёнимда хизматкорлар ва ота-она фарёд солиб турардилар. Уларнинг мен учун жон куйдиришлари хуш ёқди. Кўп ўтмай очлигимни ҳис қилдим. Табиблар мен нимани ёқтиришимни сўраганларидан сўнг яхна (*yekhny*) ва озрок ялмаҳ (*yelmakh*) шўрва келтиришларини айтдим.

Бир коса шўрва ичдим ва тунда жонли нафас олиб, эртасидан кучга кирдим.


Шу даврдан бошлаб асосий вақтимни Қуръон мутоала қилиш ва шатранж ўйнашга сарф қилдим. Хайрия ишлари ҳамда домла ва дарвешларнинг ўғитларини олиш билан ҳам банд бўлдим.

Мен отда машқ қилишни ҳам жуда яхши кўрардим, бир машҳур қиличбозлик устасидан бу санъатни ҳамда қўмондонлик сирларини ўргандим. Мен тез-тез ўз ҳамкорларимни йиғиб турар, уларга ўзимни ўзим саркарда тайинлаб, барчасини ҳукмларимга сўзсиз итоат этишга мажбур қилардим. Улар билан қандай масканларда машқ қилмайлик мен уларни икки лагерга бўлар, қандай ҳужум қилиш ва чекинаётиб қандай мухофазаланиш сирларини ўргатардим.

Ҳижрий 756 йил<sup>1</sup> мен йигирма ёшга тўлдим. Балоғат ёшига етганлигим учун отам Тарағай менга аллақанча ўтов, қўй, от ва туя, хизматкор ва уй ходималарини ҳадя қилдиким, йил давомида мен улардан унумли фойдаландим. Шахсий ишларимнинг бориши ҳақида гапирадиган бўлсак, мен қуйидаги қарорга келдим: ўн саккиз хизматкорни бошқаришни бир хизматкорга топшириб, уни Ўнбоши лавозимига тайинладим, ҳар йигирма отдан бир отар, ҳар юз туядан бир карвон, ҳар минг қўйдан бир пода ҳосил қилиб, уларга биттадан бошлиқ қўйдим ва ҳар бирига олиннадиган даромаднинг бир қисмини белгиладим. Шу йили яна қайта тобим қочди, самарқандлик бир табиб берган анорни еганимдан сўнг исит-

<sup>1</sup> Мелодий 1355 йил.

мам жуда кўтарилиб кетди ва бутунлай ҳушдан кетдим. Бундан отам, онам ва бошимда турган барча аччиқ кўз ёши тўкишибди. Кўп ўтмай туркистонлик бошқа бир табиб темирни қиздириб, ҳушимга келмагунимча танамга босибди. Унинг кетидан менга ялмаҳ шўрва ва бошқа таомлар бердилар – танамга жон кира бошлади. Тузалганим шарафига мен қўй ва отлардан катта ҳадя улашдим, пайғамбаримиз ҳурмати учун юздан ортиқ туяни садақа қилдим, машҳур халифалар ҳурмати элликдан ортиқ от тарқатдим, бева-бечораларга, соғлигим учун дуо қилган домла ва дарвешларга ҳам катта тухфалар улашдим.



Ибн Халдун

# АМИР ТЕМУРНИНГ ИБН ХАЛДУН БИЛАН УЧРАШУВИ

Дамашқ, 1401 йил



Амир Темур Дамашқни забт этганида машҳур араб файласуфи Ибн Халдун шу шаҳарда эди. Ибн Халдун ўз автобиографиясида буюк фотиҳ билан учрашуви ҳақида батафил сўзлаб берган бўлса-да, бу воқеа кейинги пайтларгача номаълум эди. Бу ҳақда Истамбулда шу автобиографиянинг икки иловасини топган Калифорния университетининг атоқли профессори Вальтер Ж.Фишер 1952 йили унинг инглизча таржимасини эълон қилгандагина маълум бўлди.<sup>1</sup> Китобхон қуйида шу ажойиб асардан олинган айрим парчалар билан танишади.

Менинг исмим эълон қилинганида унга “Мағрибнинг маликий<sup>21</sup> қозиси” унвони қўшиб айтдилди. Мени Темурнинг ҳузурига чақирдилар. Мен қабуллар чодирига кирганимда у ўз тирсакларига таяниб ўтирар эди. Унинг олдидан емак солинган патнисларни олиб ўтишар, у эса уларни бирма бир чодирини олдида доира қуриб ўтирган одамларига жўнатарди.

Ичкари киргач, мен биринчи бўлиб сўз бошладим:

– Тинчлик ҳамроҳинг бўлсин. – дея, таъзим қилдим.

Сўзларимни эшитиб Темур бошини кўтарди ва мен томон қўлини чўзди. Мен унинг қўлини

<sup>1</sup> Fischel W. Ibn Khaldun and Tamerlan. Their historic meeting in Damascus. – Berkeley, University of California Press, 1952.

<sup>2</sup> маликизм – сунавий исломга мансуб тўрт йирик ҳуқуқшунослик мактабидан бири (Мағрибда жойлашган)га хос оқим, қаттиққўллиги билан ажралиб туради (тарж.).

ўпдим. У менга ўтиришга имо қилди ва мен кўрсатилган ердан жой олдим. Шундан сўнг у кучли ҳуқуқшунос олимлардан бири бўлмиш Абдул Жаббор ибн Нуъмонни чақиртириб, менинг ёнимга ўтқизди – у бизга тилмочлик қилиши лозим эди.

У мендан бу ерга не учун келганимни сўради. Мен жавоб қилдим:

– Юртимдан ҳаж зиёрати учун йўлга чиққан эдим...

– Қаерда туғулгансен?

Жавоб қилдим:

– Ички Мағрибда.

– Ички Мағриб деганинг нимаси?

– Ерлик халқ тилида бу энг узоқ дегани. Зеро, Мағриб Ўрта ер денгизининг қирғоқларида жойлашган. Унинг бу ерга энг яқин масканлари Барка ва Ифриқия. Ўрта Мағриб Тилимен ва Зената атрофларини ўз ичига олади. Узоқ Мағриб эса Мароккаш ва Фесни.

– Шу Мағрибда Танжер қаерда жойлашган? – сўради у мендан.

Мен жавоб бердим:

– Ўрта ер денгизи билан бўғоз<sup>12</sup> ўртасида жойлашган учбурчакда.

– Сейтачи?

– Танжердан бир кунлик масофа йироқда, бўғоз қирғоғида. У ердан бўғоздан ўтиб Испанияга кирилади. Бўғоз катта эмас, йигирма денгиз чақиримича келади.

У мендан яна сўради:

– Сижилма қаерда жойлашган?

<sup>1</sup> Гибралтар.

– Жанубдаги ҳосилдор ерлар билан саҳро қумлари ўртасида.

– Жавобингдан қониқмадим. – деди у, – Сен менга бутун Мағриб ўлкалари ҳақида ёзма ахборот беришингни истаймен. Узоқ ўлкалардан яқинларигача, унинг тоғлари ва дарёлари, шаҳар ва қишлоқлари ҳақида шундай ёзиб бергинки, токи мен уларни ўз кўзларим билан кўргандек бўлай.

Мен дедим:

– Айтганингдек қилурмен...

Шундан сўнг у ўз хизматкорларига чодиридан улар Ристита деб атайдиган бир таом келтиришни амр қилди. Улар жуда зўр ошпазлар. Хизматкорлар бир неча таом келтирдилар ва унинг ишораси билан менинг олдимга қўйдилар. Мен маза қилиб тамадди қилдим – бу унга жуда ёқиб тушди.

Энди иккимиз ҳам жим қолдик. Мен эса Шафийитларнинг бош қозиси Садриддин ал Манавий бошига тушган кулфатни ўйлаб қаттиқ қайғуда эдим. У мовароуннаҳрликлар чекинаётган Миср қўшинларини қувиб кетишаётган пайтда қўлга олиниб, қамоққа солинган эди. Уни озод этиш учун закот сўралмоқда эди. Шу ҳақида Темурга бир оғиз гапирсам, у илтифот кўрсатар деган умидда эдим.

Қачонлардир Мағрибда юрганимда Темурнинг тахтга ўтириши ҳақида ажойиб башоратларни тинглаган эдим. Икки буюк сайёранинг яқинлашуви кутилмоқда эди. Бир куни Фесда мен Константин шаҳридан бўлмиш башоратчи Абу Али ибн Бадисни учратиб қолдим. У ўз соҳасида энг

кучли эди. Мен ундан кутилаётган шу учрашув ва унинг натижалари ҳақида сўрадим.

У қуйидагича жавоб қилди:

– Бу Шимоли-Шарқда ўсиб улғаядиган бир инсонга тааллуқли. Саҳройи бир халқ, ўтовларда яшовчи одамлар қиролликларни енгадилар, салтанатларни ағдарадилар ва Курраи заминнинг инсон зоти яшайдиган катта қисмини забт этадилар.

– Бу қачон рўй беради?

– Ҳижрий 784 йил атрофида, ҳали бу ҳақида кўп гап сўз бўлади.

Франклар қироли Ибн Альфонсо<sup>1</sup>нинг жуҳуд табиби ва астрологи Ибн Раяр ҳам менга шу ҳақда ёзган эди. Менинг устозим, метафизикада таниқли олим Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Алиби, Оллоҳ ўз паноҳида асрасин, ҳар сафар мен у билан суҳбат қурганимда ёхуд шу ҳақида сўраганимда шундай дер эди:

– Бу воқеа яқинлашмоқда, тирик бўлсанг, албатта унинг шоҳиди бўлурсен.

Биз Мағриб сўфилари ҳам бу воқеани кутаётганлари ҳақида эшитишга одатланиб қолгандик. Менинг ўзим ҳам уни сабрссизлик билан кутардим. Шунинг учун ҳам Темурнинг эътиборини қозониш учун бу ҳақда унга сўзлаб берардим.

Мен унга шундай дедим:

– Оллоҳ сендан марҳаматини аямасин! Ўттиз-қирқ йилдан бери мен сен билан учрашишни орзу қилар эдим.

Тилмоч Абдул Жаббор сўради:

– Нима мақсадда?

<sup>1</sup> Бу ерда Ибн Халдун Кастилия қироли Альфонсо IX ни назарда тутмоқда.

– Бунга икки сабаб бор. – дедим мен. – Биринчиси, сен дунё ҳукмдорисен, Курраи заминни бошқарурсен. Мен Одам Атодан шу кунгача дунёда сендек султон бўлганини билмаймен. Мен бу нарсаларни билмасам сенга гапирмаймен, зеро ақл-ҳушим жойида. Сенга тушунтирай: барча замонларда ҳам олимлар инсониятнинг аксариятини икки гуруҳ ташкил этади: араблар ва туркийлар деганлар. Сен араблар пайғамбарга итоат қилиб бирлашганларида қандай давлат тузганларидан хабардордурсен. Туркийлар ҳақида гап кетганда ер юзидаги бирор подшоҳ ҳам аларнинг ҳукмдорига тенглаша олмайди.<sup>11</sup> На Хусрав, на Цезар, на Искандар ва на Набиходоносор. Хусрав форсларнинг бошлиғи ва подшоси бўлган, бироқ форслар қаёқдаю туркийлар қаёқда! Цезар ва Искандар юнонларнинг подшоси бўлган ва яна бир бора юнонлар қайдаю туркийлар қайда! Набиходоносор эса бобилликлар ва набтияликларнинг ҳукмдори, бироқ улар билан туркийларнинг ўртасида қандай фарқ бор! Мана шу аларнинг (туркийларнинг) ҳукмдорининг қудратидан дарак беради. Мени бу учрашувга ундаган иккинчи сабаб авлиё мусулмонларнинг Мағрибда тарқалган башоратлар ва ва тилакларини сизга етказишдир.

Ва юқорида айтганларимни мен унга сўзлаб бердим.

У деди:

– Кўряпманки, сен Набиходоносорни, гарчи у алардан паст бўлса-да, Хусрав, Цезар ва Искандар қатори тилга олдинг. Буларнинг уччалови буюк ҳукмдорлар бўлишган, у эса, худди мен бир

<sup>1</sup> Ибн Халдун исмини атамай АмирТемур ҳақида гапирмоқда.

ҳукмдорнинг вакили бўлганимдек, сахий форслардан бири бўлган, холос. Подшоҳим ҳақида гапирадиган бўлсак, мана, у киши шу ерда.

У бир имо билан орқасида турган одамлар томон ўгрилди, у айтган инсон — ўгай ўғли Сотилмиш ҳам уларнинг орасида бўлиши керак эди. Темур унинг бева онасига уйланган. Бироқ Сотилмиш кўринмади. Гуруҳдагилар у чиқиб кетганини айтишди.

Темур мен томон ўгирилди-да, деди:

— Набиходоносор қайси халқдан эди?

— Бу ҳақида ҳар хил гаплар бор. — дедим мен.

— Баъзилар у набатиялик, яъни сўнгги Бобил султони бўлган деса, баъзилар у биринчи форслардан эди, дейишади.

— Демак, у Манжур<sup>12</sup> авлодидан экан-да. — деди у.

— Ҳа, — дедим мен, — шундай гап ҳам бор.

— Биз ҳам она томондан манжурларга мансубмиз. — деди у.

Мен тилмочнинг эътиборини шу гапга қаратдим:

— Мана бу ҳам шу учрашишни орзу қилганим сабабларидан биридир.

Темур менга юзланди:

— Сенингча, Набиходоносор ҳақидаги юқоридаги икки фикрдан қайси бири маъқул?

— У сўнгги Бобил султони бўлган дегани. — жавоб бердим мен.

Унинг фикрича эса иккинчи тахмин тўғри эди.

<sup>1</sup> Мусо пайгамбар давридаги анъаналарга мувофиқ тахтга ўтирган илк Форс хумдорларидан бири. Тахминларга қараганда, Мисрдан жуҳудларнинг чиқиб кетиши айнан у ҳукмронлик қилган даврда рўй берган.

– Ат-Табарийнинг ҳам фикрига қулоқ солайлик – дедим мен. – Ахир у мозийшунос, анъаналарни давом эттиради. Бу борада ундан ҳеч ким устун келолмайди.

– Мени Табарийнинг фикри қизиқтирмайди. – деди у ва таржимонга ишора қилди. – У араблар ва форсларнинг тарихларини келтириб, сен билан баҳс қилади.

– Менга кўпроқ Табарийнинг фикри ёқади. – дедим мен.

Шу билан суҳбат тугади, у ҳеч нарса демади.

Шаҳар дарвозалари очилганлиги ҳақида хабар келтиришди. Бир неча қозилар чиқиб, шаҳар таслим бўлишини ва шу сабабли Темур уларга раҳм-шафқат қилишини кутишаётганини маълум қилишибди.

Шундан сўнг мажруҳлиги сабабли уни кўтариб ташқарига олиб чиқишди ва отига миндиришди. У от жиловидан ушлаб, эгарга ўтириб олди, атрофидаги мусиқачилар эса еру кўкни ларзага солиб ишга тушдилар.

У Дамашқ томон от сурди ва Жабя дарвозаси яқинидаги Моужат хилхонаси олдида тўхтади.

Темур шу ерда жойлашиб, қабулни бошлади. Шаҳар қозилари ва бошқа казо-казолари унинг қаршисига келдилар. Мен ҳам уларга қўшилиб олдим. Темур аларга “Бўшсизлар!” дегандек ишора қилди ва ёрдамчиси Шоҳ Маликка уларга бу ерда бўлганларини тасдиқловчи тўнлар кийгазишни амр қилди. Менга эса шу ерда қолишни буюрди.

У ўз ҳукматининг қурилиш соҳасидаги амирларини йиғди. Улар ҳам ўз навбатларида қурилишлар бошлиқлари ва муҳандисларини чақир-

дилар, гап қалъа деворларини ўраб турган изовурлардаги сув йўқотилса шаҳарни забт этиш мумкинми, йўқми деган мавзуда кетди. Мажлис узоқ давом этди ва ҳамма тарқалди.

Мен ҳам Темурдан рухсат олиб, шаҳар ичида жойлашган уйимга қайтдим. Уйимдан чиқмай, Темур мендан сўраган Мағриб тасвири билан машғул бўлдим. Топшириқни тез кунда бажариб, унинг ҳузурига бордим. Темур ёзганларимни олди-да, котибини чақириб уни таржима қилишни амр қилди.

Сўнг шаҳарни қамал қилиш бошланди: қалъа деворлари атрофига тўп ва замбараклар, уларнинг қора мой солинган ўқлари жойлаштирилди. Олтмишга яқин тўп ва замбаракни ўрнатишга бир неча кун кетди. Шундан сўнг қалъа деворлари томон замбараклардан ўт очилди. Натижада шаҳар ҳимоячилари тинчлик сўрашга мажбур бўлдилар. Уларнинг орасида Миср султонига хизмат қилганлар ва у томонидан ташлаб кетилганлар ҳам бор эди. Темур аларни авф этди. Улар шаҳардан чиққанларидан сўнг, унга ўт қўйилди. Олов катта жоъме масжидига ҳам етиб борди – шароитнинг бундай ўзгариши Оллоҳнинг ихтиёри билан рўй беради: у ўз бандаларига ўзи хоҳлаганча муносабатда бўлади, салтанатида ўзи хоҳлаганича иш юритади.

Темур шаҳар аҳлини авф этган куни унинг олдида Ал Ҳаким авлодига мансуб Миср халифаларидан бирининг фарзанди бир аббосий келди. У Темурга ўзини таништирди, адолат сўради ва ўзига ҳам халифа аждларига бўлгандек муомала қилишни талаб қилди.

– Мен қозилар ва ҳуқуқшуносларни йиғамен.  
– деди унга Амир Темур. – Улар сен ҳақингда не қарорга келсалар, мен шунга мос йўл тутурмен.

Темур керакли одамларни чақиртирди ва мени ҳам аларнинг сафига қўшди. Биз ҳаммамиз ва халифаликни талаб қилган кимса ҳам унинг ҳузурида йиғилдик.

– Халифат менга ва менинг аждодларимга қарашли. Муқаддас анъана

деган гап бор. Дунё пайдо бўлибдирки, халифалик Аббосийларга тегишли.

Абдул Жаббор ҳар биримиздан бу соҳадаги фикримизни сўради. Биз бир неча муддат жим турдик.

У яна сўради:

– Бу анъана ҳақида нима дейсиз?

Бурхониддин ибн Муфти жавоб қилди:

– Бу анъана асоссиз.

Шундан сўнг у менинг фикримни сўради:

– Сиз нима дейсиз?

– Айтганингдек, бу анъана кучсиз...

Шунда Темур даъвогарга қаради:

– Қозилар ва ҳуқуқшуносларнинг гапларини эшитдинг. Кўришиб турибдики, сен мендан халифатни талаб қилишингга ҳақинг йўқ. Борақол, Оллоҳ сени тўғри йўлга солсин.

Туркийларнинг одатларини яхши биладиган ва буни ўз бошидан ўтказган бир дўстим уларнинг бошлиқлари олдига қуруқ бормасликни, арзимас бўлса-да бирор совға олиб боришни маслаҳат қилганди. Шунинг учун ҳам китоб бозоридан жуда чиройли бир Қуръон ва Ал Бусири томонидан пайгамбар – Оллоҳ тинчлик берсин – шарафига мажмуаланган машҳур “Қасидат ал

Бурда”ни олдим. Уларга ажойиб бир жойнамоз ва тотли Қоҳира ширинликларидан тўрт қути қўшдим.

Мен уларни Темур Қаср ал-Аблақ саройида қабул маросимини ўтказаетган пайтда унга туҳфа этдим.

Менинг кирганимни кўриб, у ўрнидан турди ва менга ўзининг ўнг томонидан жой олишимга ишора қилди. Мен худди шундай қилдим. Даврада Мовароуннаҳр амирларидан бир неча киши бор эди. Бироз ўтирганимдан кейин ўрнимдан турдим-да, унга яқинлашдим ва совғаларни кўтариб келган хизматкорларимни чақирдим. Улар совғаларни Темур олдиға қўйдилар. У менга қаради. Шунда мен унга Қуръонни тутдим. Китобни кўргач, у шошилиб ўрнидан турди, уни пешонасига сурди. Кейин “Бурда”ни узатдим. У мендан китоб ва унинг муаллифи ҳақида сўради, мен эса улар ҳақида билганларимни сўзлаб бердим. Шундан сўнг мен унга жойнамозни бердим, Темур уни бағриға босди. Мен унинг олдиға қутилардаги ширинликларни қўйдим-да, талаб юзасидан улардан бир-иккита олдим. У мен очган қутидаги ширинликларни даврадагиларға тарқатди. У менинг совғамни қабул қилди ва миннатдорлик изҳор қилди.

Ўзим ҳақимда ва Дамашқда қолган бир неча дўстим ҳақида унга айтмоқчи бўлган гапларимни яхшилаб ўйлаб кўриб, унга мурожаат қилдим:

— Оллоҳ сендан мададини аямасин. Сенга айтадиган гапларим бор эди.

— Айтақол. — деди у. — Мен бу ерда икки бора муҳожирмен. Биринчидан, ватаним бўлмиш Мағрибдан йироқда бўлсам, иккинчидан оилам

яшаб турган Қоҳирадан ҳам узоқмен. Мен сендан паноҳ сўраб келдим. Умид қиламанки, муҳожирликда сен мендан мададингни аямагайсен.

– Гапирақол, – деди у, – сен нима десанг, шуни ҳозир қилурмен.

– Муҳожирликдан не дейишимни ҳам унутиб қўйдим. Менга нима зарурлигини балки ўзинг билурсен. Оллоҳ сени ўз паноҳида асрасин.

– Шаҳардан чиқиб, ёнимга кел. Менинг ёнимда яшагайсен. Худо хоҳласа, барча ниятингни амалга оширгаймен.

– Ёрдамчинг Шоҳ Маликка амр қил.

Темур ёрдамчисига ишора қилди.

Мен унга миннатдорлик билдирдим, дуо қилдим, сўнг кейинги ниятимни айтдим:

– Яна бир илтимосим бор.

– У нима экан?

– Миср султони ташлаб кетган Қуръон қироят қилувчи муллалар, уларнинг котиблари, ҳукумат амалдорлари ва хизматчилари сенинг қўл остингда турибдилар. Сен албатта уларга қарайсен. Салтанатинг сарҳадсиз, вилоятларинг беҳисоб, ҳукуматинг эса барча соҳаларда қобилиятли бошқарувчиларга муҳтож.

– Улар учун не қилишимни истайсен?

– Сендан уларга барча балолардан асровчи гувоҳномалар беришингни сўрардим.

У котибига деди:

– Шу хусусида фармон тайёрла.

Унга миннатдорлик билдирдим, дуо қилдим ва котиб билан ташқарига йўналдим. Гувоҳномалар тайёр бўлгач, Шоҳ Малик уларга ҳукмдор тамғасини босди. Мен уйимга қайтиб кетдим.

Темур Дамашқдан кетмоқчи эканлигини эшитиб, унинг ҳузурига бордим.

Одат бўйича салом-алик қилганимиздан сўнг, у мен томон бурилди:

– Ўзингнинг хачиринг борми?

– Ҳа. – дедим мен.

– Тузукми?

– Албатта.

– Уни сотиш ниятинг йўқми? Мен сотиб олмақчи эдим.

– Оллоҳ сени ўз паноҳида асрасин. – дедим хафа бўлиб. – Мендек одам сенга уни сотмайди. Берган ёрдаминг учун мен уни сенга тухфа этман. Яна қанча бўлганида ҳам уларнинг ҳаммасини сенга берардим.

– Бир олижаноблик қилгин демоқчи эдим, холос.

– Сен менга қилган олижанобликдан ҳам ўтиб бўладими? Сен мендан марҳаматингни аямадинг, ўзингга яқин сафдошларинг мажлисига қўшдинг, саҳоватинг ва олижаноблигингни кўрсатдинг. Мен қайтармасам, Оллоҳ сенга қайтарур.

У жим қолди, мен ҳам сукут сақладим. Мен у билан суҳбатлашиб турганимда, хачирни келтирдилар – мен уни қайтиб кўрмадим.

– Қоҳирага қайтмоқчимисен? – сўради у.

– Оллоҳ сени паноҳида асрасин. – дедим мен. – Аслини олганда сен мени бағрингга олиб, ҳимоялаганинг учун ниятим фақат сенинг хизматингда бўлиш. Агар Қоҳирага бориш зарур бўлса, бажону дил уни бажо этурмен. Йўқса, бундай ниятдан йироқмен.


– Йўқ, оиланг ёнига, ватанингга қайтурсен. – деди у.

Сўнг ўғли томон бурилди. Ўғли Шақҳабга, баҳорда моллари ўтлайдиган масканга кетиши лозим экан. У ўғли билан нималар ҳақдадир гаплашди. Бизга тилмочлик қилган иқтидорли Абдул Жаббор менга шипшиди:

– Хоқон сени ўғлига тавсия этмоқда.

Мен унга миннатдорлик билдирдим.

Ўзим эса ҳукмдорнинг ўғли билан бирга кетиб не қилурмен, яхшиси Сафадга, энг яқин денгиз бандаргоҳига кетганим маъқул деб ўйлардим. Бу ҳақда Темурга айтганимда, у буни маъқуллади ва Сафад ҳокимининг ортга қайтмоқчи бўлиб турган элчисини менга қўшиб берди. Мен Темур билан хайрлашиб, йўлга тушдим.



Франция Маршали Жан II Бусико

# АМИР ТЕМУРНИНГ ҚЎШИНИ




Францияда Соҳибқирон ҳаётлигидаёқ пайдо бўлган илк асарлардан бири Франция Маршали Жан II Бусико (1365-1421) қаламига мансуб бўлиб, у “Le Livre des faits du marechal Boucicaut” (Маршал Бусико амалга оширган ишлар) деб аталади.

Франция қироли Карл VI 1401 йили Генуяга обрў-эътиборли зодагонлардан бири, қаттиқўл ва садоқатли ижрочи Маршал Бусикони ҳоким этиб тайинлади. Бусико Генуянинг ҳокими бўлгач (1401-1407), шаҳарнинг Шарқдаги амлоклари тақдири билан шуғулланди; у амалга оширган биринчи тадбир Генуянинг Азов денгизи бўйидаги, Қримдаги, Шио, Фамагуст ва Перадаги савдо марказларига тафтишчилар юбориш бўлди. У исёнкор генуяликларни тезда тиз чўктирди. У ўз хабаргўйлари орқали Осиёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан огоҳ бўлиб, ўз навбатида Карл VI га мунтазам ахборот бериб турди.

Маршал Бусико Генуяга 1407 йилгача ҳокимлик қилган. Францияга қайтгач, Бусико Англия ва Франция ўртасидаги юз йиллик (1337-1453) урушда иштирок этган. 1415 йил Франциянинг шимолида (Па де Кале департаменти) жойлашган кичик Азинкур шаҳарчаси яқинида Англия қироли Генри V қўшинлари билан бўлган жангда Маршал Бусико инглизлар томонидан банди этилган ва 1421 йил Лондонда тутқунликда вафот этган.

Маршал Бусико бошидан ўтган воқеалар ҳақида китоб ёзиб қолдирган. Ҳарб санъатидан яхши хабардор бўлган Маршал Бусико буюк саркарда Амир Темури ҳақида, унинг қўшини ҳақида ўз китобининг XXXVII бобида тўлқинланиб ёзади.

Амир Темури бағоят мард одам эди ва тақдир уни яна бир оз қўллаб-қувватлаганида бутун ер юзини забт этарди, аммо бу унга насиб этмади. Зеро ҳаммага маълум бир мақолда айтилганидек, «ҳар бир иш худонинг иродаси билан». Бироқ у қурол билан улкан ишни амалга оширди, у ўттиз йил давомида на жанг қилишдан тўхтади ва на тузукрок бир шаҳарда тин олди, аксинча, ҳар доим мўъжизакор қўшини билан далаю даштда юрди ва лашкарлари орасида шундай қатъий тартиб ўрнатдики, уларнинг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган барча нарсани ўзи билан бирга олиб юрди. У амалга оширган мўъжизалар, у кечиб ўтган улкан дарёлар ва унинг меҳнатда тобланган одамлари қилган ишлар ҳақида мафтункор асарлар яратиш мумкин.



Архиепископ Иоан

**АМИР ТЕМУР  
ВА УНИНГ САРОЙИ  
ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР**



Амир Темур ҳақида французларга илк бора ҳикоя қилиб берган асар Туркиядаги Султония шаҳрининг епископи Иоан (Жан)нинг қаламига мансуб «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»дир.<sup>19</sup> Епископ Жан 1403 йил май ойининг бошида Парижда пайдо бўлиб, ўзини Амир Темурнинг элчиси деб таништиради. Чиндан ҳам у Амир Темурнинг мўъжазгина тамғаси босилиб, зарҳал ҳарфлар билан битилган ишонч ёрлиғини – мактубини Франция қироли Карл VIга топширади. Епископ қирол саройида Карл VI ва Франциянинг кўплаб бошқа юқори мансабли шахслар ҳузурида нутқ сўзлаб, ташрифининг икки сабабини баён қилади: биринчиси, Амир Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабасини маълум қилиш; шу ўринда у турк султонининг асир олиниб, унинг тутқинидан озод қилинган насроний бандиларни Амир Темур Европага қайтариб юборганлигини ва яна бошқа бандилар топиладиган бўлса худди шундай йўл тутажагини билдиради. Ташрифининг иккинчи мақсади Франция қиролини ўз кўзи билан кўриш ва у ҳақида Амир Темурга сўзлаб бериш. Епископнинг гапига қараганда унинг элчилиги насроний динига иккита қулай имконият яратади: биринчидан, бу элчилик иккала дин вакилларига ҳам ўзаро эркин савдо қилиш имкониятини берса, иккинчидан,

<sup>1</sup> *Mémoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403 par H. Moranvillй, Extrait de la Bibliothique de l'Ecole des chartes. – Paris, 1894.*

агар қирол ва герцоглар рози бўлишса, бу қулайликларни шартнома ёки аҳдлашув шаклида расмийлаштириш мумкин бўлади.<sup>111</sup>

Иоан ўша даврдаги Рим папаси Бонифаций IX нинг 1398 йил 23 августдаги фармонига биноан Султония шаҳрининг епископи этиб тайинлангунига қадар Нахичеванда хизматда бўлган. Иоаннинг айнан ўша йиллари Султонияда хизмат қилганлигини таниқли француз шарқшунос олимлари Силвестр де Саси<sup>214</sup> ва Х.Моранвиле<sup>315</sup> лар ҳам тасдиқлайдилар.

Х.Моранвиленинг гувоҳлик беришича, Иоанн ўзининг «Хотиралар»ини нафис француз тилида битиб, қирол Карл VI саройида тарқатган, соф француз тилида маъруза қилган.

Архиепископ Иоанннинг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»и номаълум таржимон томонидан лотин тилига ағдарилган бўлиб, у *Chronographia Regum Francorum* да тўлалигича келтирилган.<sup>45</sup>

Султония архиепископи Иоанннинг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»ини биз ўзбек тилига эски француз тилидан таржима қилдик. Бироқ юртимизнинг яқин дўсти, Франциядаги «Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари» ассоциациясининг собиқ президенти, Ўзбекистон

<sup>1</sup> *Cronographia regum Francorum*, t.III, ad annum 1403.

<sup>2</sup> Sacy Silvestre de. *Mémoire sur une correspondance inédite de Tamerlan avec Charles VI*, *Mémoires de l'Académie des inscriptions et belles-lettres*. – Paris, 1822.

<sup>3</sup> *Mémoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403 par H. Moranvillay*, *Extrait de la Bibliothèque de l'École des chartes*. – Paris, 1894.

<sup>4</sup> *Chronographia regum Francorum*, t. III, publiée pour la Société de l'Histoire de France par H. Moranville. – Paris, 1897. – P. 206-223.

Республикасининг «Шухрат» медали соҳиби профессор Люсьен Керен жаноблари асарни замонавий француз тилига ўгириб, «Хотиралар»нинг ҳар бир бобига ўзлари изоҳ ёзган. Архиепископ асари таржимасининг ҳар бир бобидан сўнг Л.Кереннинг изоҳларини келтирамиз.

Изоҳлар Парижда чиқадиган «La Timuride» журналининг 2004 йил ноябрь оyi сонидан олинган.

### **I. Темур Бейнинг тахтга ўтириши**

Бу ҳукмдорнинг қўли дастлаб унчалик узун бўлмаган ва уни кўпчилик танимаган, унинг қўл остида ўзига ўхшаш оилалардан чиққан атиги ўн чоғлик маслакдоши бўлган. Бироқ у ёшлигиданоқ ўз ақли-заковоти ва удабуронлиги ила етти ҳамкори билан шафқатсиз ҳолда, яъни моллар ва бошқа нарсаларни ўғирлаб, қароқчилик йўли билан бойлик орттира борди, шу алфозда ҳамроҳларининг сони ортиб, қирқтага етди, ва шундан сўнг у отлар, бошқа жониворлар, истеҳком ва амлокларни эгаллаб, маслакдошлари сонини ниҳоятда кўпайтирди, куч билан Рефюж<sup>11</sup> қалъасини қўлга киритиб, ўғирлаган мулклари ва ўлжаларини ўша ерга жойлади; шу йўсинда унинг истеҳкомлари, шаҳар ва амлоклари кундан-кунга кўпайиб, ўзи кучайиб борди<sup>22</sup>.

<sup>1</sup> Нахшаб, ҳозирги Қарши шаҳри. Ибн Арабшоҳда ҳам худди шу шаҳар эслатилади. Қаранг: Амир Темур тарихи. – Т., 1992, 2 жилдлик, 1-жилд, 78-бет (Рефюж французчасига «бошпана», «маскан» деган маънони беради, қавс ичидаги изоҳлар бизники – тарж.).

<sup>2</sup> Руи Гонсалес де Клавихода ҳам шунга ўхшаш талқин бор. Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). – М., Наука, 1990. – С.104 (42 а-б).

Ўзининг қилмишларидан буюк Мўғулистон императорининг ғазаби қайнаб турганини сезган Темур Бей тўппа-тўғри Хитой императорининг ҳузурига борди, бу киши камарли насронийлар мазҳабидан бўлиб<sup>13</sup>, мўғул императорининг рақиби ва душмани эди. Темур Бей шу насроний император ҳузурида кўп ҳаракат қилиб, ундан қудратли бир қўшинни ёрдамга олди; шу қўшин билан у зикр этилган Мўғулистон императорининг катта ерларини қўлга киритди; хусусан у Семерканд<sup>24</sup> шаҳрини эгаллади, шаҳар Шарқда жойлашган бўлиб, Мўғулистон императорига қарарди. Шундан сўнг у (Амир Темур) насроний императорнинг лашкарларига рухсат берди.

Темур Бей томонидан шу сифат хўрланган ва ҳақоратланган мўғуллар императори ўз рақибига қарши курашиш учун жуда катта қўшин тўплади ва унинг ҳузурига элчилар йўллади; элчилар унга (Амир Темурга) ёхуд жанг майдонига чиқишни, ёхуд Мўғулистон императорига сўзсиз итоат этишни айтишлари лозим эди; агар у (Амир Темур) унга (Мўғулистон императорига) итоат этса, катта ҳоким этиб тайинланиши ваъда қилинган эди.

Ҳузурига келган элчиларни кўрган Темур Бей катта макр ишлатиб, кўрпа-тўшак қилиб олди ва ўзини бетоб қилиб кўрсатди, зеро у зикр этилган императорнинг куч-қудратини яхши биларди: у қандай қилиб рақиби ва унинг элчиларини ғафлатда қолдиришни ўйлай бошлади. Яхшилаб фикр қилиб бўлгач, янги сўйилган мол қони-

<sup>1</sup> Камарли насронийлар – маронитлар ёхуд камарли насронийлар, ўша даврда Пекинда яшаган насронийлар, катта камар тақиб юришган.

<sup>2</sup> Самарқанд.

ни келтиришларини буюрди ва уни ютиб олди ҳамда элчиларнинг не мақсадда келганини билиш учун уларни тезгина ўз ҳузурига чорлади. Элчилар унинг ҳузурига кирган чоғ унга (Амир Темурга) шошилинч равишда тоғора келтирди-лар ва у элчилар ҳозирлигида ютган қонини қайд қила бошлади; улар (элчилар) бу қонни унинг (Амир Темурнинг) қони деб ўйладилар. Бу билан у элчиларга ўз тақдиридан қочиб қутула олмаслигини ва дардига ҳеч қандай даво йўқлигини, яъни тез орада ўлажаклигини билдирди. Ушбу хабардан сўнг элчилар бемалол қайтиб кетишлари мумкин эди, чунки улар Темур Бейнинг ўлаётганини ўз кўзлари билан кўришган эди.<sup>11</sup>

Бундан хабар топган император кўп шодликларга тўлди ва ўз лашкарларига, уларнинг хотинлари ва фарзандларига ижозат бериб, кичик бир аскарлар гуруҳи ва ўз хотинлари ҳамда фарзандлари билан хурсандчиликка берилди. Элчилар қайтиб кетганига ишонч ҳосил қилган Темур Бей сакраб тўшагидан турди ва бутун қўшини билан зикр этилган императорнинг кетига тушди; Темур Бей уни хотинлари ва фарзандлари ҳамда кичик бир аёнлар гуруҳи билан айшишрат қилиб турган чоғида учратди. Темур Бей қиличини кўтарди ва императорни маҳв этди ва унга қариндош бўлган хотинини ўзига хотин қилиб олди, ўфилларига императорнинг қизларини олиб берди ва эркак зотидан бўлганларнинг ҳаммасини ўлдирди, фақат биттасидан ташқари,

<sup>1</sup> Бу ҳикояда чиндан ҳам жон бор: амакиси Хожи Барлос Боязид Жалойир билан бирга ўзига қарши фитна тайёрланаётганидан хабар топган Амир Темур уччалови учрашган бир пайтда бурнидан кучли қон оқаётганини баҳона қилиб, ташқарига чиқиб кетган ва фалокатдан омон қолганди (Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. 24-25 (146 бетлар).

уни ўз ёнида олиб қолди, исми Солтамакуш<sup>11</sup> эди, Темур Бей унинг исми билан ҳукмронлик қилди. Ва шу йўл билан у бутун Тартария империясини<sup>22</sup> қўлга киритди. Бу воқеалар рўй берганида у XL (40) ёшда ёхуд каттароқ эди; шундан сўнг у Шарқдаги кўп вилоятларни қўлга киритдиким, жумладан уларнинг бири Сименана<sup>33</sup> деб аталарди, бу хусусида қуйида сўз юритилади.

Л.Кереннинг изоҳи: *Амир Темурнинг оддий ошадан чиққанлиги, ўз фаолиятини дўстлари билан мол ўғирлашдан бошлаганлиги, ҳамда унинг атрофида Чингизхон сулоласига мансуб мулозимлар бўлганлиги бошқа классик манбаларда ҳам қайд этилган, бироқ унинг Хитойнинг насора императори билан иттифоқ тузганлиги ва ҳатто Тартария императорининг ўша даврда умуман мавжудлиги ва зикр этилган жойларга келганлиги афсонадан ўзга нарса эмас. Бироқ Амир Темурнинг амир Ҳусайнни ўлдириб унинг беваси, мўгул авлодидан бўлган хонзода Сароймулкхонимга уйлангани рост.*<sup>44</sup>

## II. Темур Бей исмининг талқини хусусида

Шундай қилиб, бу татар императорининг исми Темур Бей эди; бу исм қуйидагича талқин қилинади ва изоҳланади: Темур Бей атоқли отдир ва «темир» сўзидан келиб чиққан бўлиб «fer» (темир) маъносини билдиради, ва «бей» сўзи «ҳукмдор» маъносига тенг бўлиб, «темир ҳукмдор» деганини англатади. Бошқалар уни «Тамурланг» деб

<sup>1</sup> Суюрғатмуш.

<sup>2</sup> Оврупада Ўрта асрларда Мўғулистон ва Хитойнинг қисми Буюк Тартария деб аталган.

<sup>3</sup> Симнан – Мозандарон яқинидаги шаҳар.

<sup>4</sup> La Timuride, 2004, No 28, p. 18.

аташади, бу сўз ҳам «темир» дан келиб чиққан бўлиб, французчасига «Темур оқсоқ» деган маънони билдиради; «оқсоқ» унинг лақаби эди.

Бу татарча ва форсча талқинлардир. Эронда уни «миритабам», яъни «ҳукмдор» деб ҳам, «калан», яъни «буюк ҳукмдор» деб ҳам аташади.

### III. Темур Бейнинг унвони хусусида

«Темур Геракан сосмус» иборасида Темур «императорнинг ўғли» ёки

«куёви» деган маънони билдиради, ва «сосмус» – «бизнинг қатъий сўзимиз» деганидир;<sup>12</sup> у ўзини на қирол, на император ва на бошқа ном билан атади. Ва у қачон сўзласа ва амр этса, император номидан сўзлайди ва амр этади ва унга ҳурмат кўрсатиб, йилига бир марта уни бориб кўради; ва бу ҳурматдан сўнг у ўша император ҳақида гапириб, унга ўз саройида иззат кўрсатаётганини айтади. Бироқ Темур Бей барча ишни императорнинг тамғасисиз амалга оширади.

Л.Кереннинг изоҳи: «Сосумус» дегани «бизнинг сўзимиз» деганидир. Бу ерда гап Амир Темурнинг фармонлари ҳақида кетаяпти, фармонлар «Темур Кўрагон сўзимиз!» шаклида бошланган.<sup>21</sup>

### III. Унинг ирқи хусусида

У келиб чиқиши бўйича шарқлик татарлардан бўлиб, уларнинг миллати Йокате<sup>32</sup> деб ата-

<sup>1</sup> Бу ерда гап Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га ёзган «Темур Кўрагон сўзимиз» ибораси билан бошланувчи мактуби хусусида кетаяпти. Фақат епископ Иоанн талқинидаги «Темур» сўзининг ўрнига «Кўрагон» сўзи қўйилса, «хоннинг куёви» маъносига тўғри келади.

<sup>2</sup> La Timuride, 2004, No 28, p. 18.

<sup>3</sup> Йокате – Чигатойнинг французча номидан; Djagatai, Jagate, Iocate.

лади, баъзиларнинг фикрича шу томонларда бизнинг Исус Христосга тенг келадиган уч қирол ўтган экан. Бу ўлкага Ҳиндистон томонидаги Персиядан кейин келадиган Корасин<sup>13</sup> вилояти, Медие<sup>2</sup> вилояти ва бошқа вилоятлар киради. Бу ўлка таркибига кирувчи яна бир шаҳар бу Темур Бейнинг шаҳри Семерканддан жуда йироқда, юз кунлик масофада, Жийон дарёсидан нарида – Персияда жойлашган Сузис<sup>3</sup> шаҳридир.

## V. Ўғилларининг насл-насаби ва исмлари хусусида

Темур Бейнинг кўп ўғиллари бўлган ва ҳозир улардан атиги иккитаси ҳаёт, уларнинг каттасини Миранза деб аташади ва унинг ёши XL (қирқ) ёки ундан бир оз катта; энг кичиги Сонхарни деб аталади ва унинг ёши XXII (йигирма икки) атрофида.<sup>41</sup> Биринчисининг исми қуйидагича талқин қилинади: мир – жаноб ва за – қирол, яъни «жаноби қирол». Иккинчисининг исми француз тилида «қиролнинг юзи» маъносини беради. Тўнғич ўғил барваста, хушмуомала, ҳурфикр ва барча насроний каби, отасининг саройида ҳамма уни ҳурмат қилади. У насронийлар ва франкларни яъни барча лотинларни (Европаликларни) жуда яхши кўради; у бамисоли иккинчи Александр (Александр Македонский); унинг III (4) хотини ва III (4) ўғли бор: хотинларининг энг суюклиси император авлодидан ва Конзада (Хонзода)

<sup>1</sup> Корасин – Хуросон.

<sup>2</sup> Медие – Озарбайжон.

<sup>3</sup> Сузис – ҳозирги Эроннинг Жануби-Ғарбий қисмида жойлашган Суза шаҳри, аҳамонийлар давлати пойтахти, ҳаробага айланган.

<sup>4</sup> Бу ерда гап Мироншоҳ ва Шощрух ҳақида кетаяпти.

деб аталади — у ўлган акасининг хотини бўлган. Ўғилларининг лашкарлари катта, яъни XX-XXX (20-30) минг кишидан иборат ва саройлари ҳам катта, айниқса Абасимеза<sup>12</sup> исмли тўнғич ўғлининг лашкари жуда катта; бу исм «худонинг марҳамати ила туғулган» дея талқин қилинади, бу ўғил қурол ишлатишга жуда моҳир; III ўғилнинг яна бирининг исми Омариза<sup>23</sup> бўлиб, у Темур Бейнинг лейтенанти: унинг саройида мулозимлар кўп, қўл остида катта ўлка бўлишига қарамай, шароити оғир ва бесаришта; унинг икки ўғли бор.

Л.Кереннинг изоҳи: *Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ Мирза чиндан ҳам чингизий Хонзодага уйланган эди. Иоанн Сонхарни деб атаган иккинчи ўғил Шоҳрух Мирзодир.*

## VI. Жиянлари ва набираларининг сони хусусида

Темур Бейнинг LX-LXX (олтмиш-етмиш) чоғлик ёхуд ундан зиёд жиян ва набиралари бор; уларнинг энг биринчиси катта акасининг ўғли бўлиб, она томонидан император авлодидан ва катта амлокка эга; иккинчисининг кўп ўлкалар ва томонларда ўзига маслакдош ва содиқ вассаллари бор; унинг исми Мамузатаин (*Мирзо Султон Ҳусайн*).

## VII. Темур Бейнинг хотинлари хусусида

Темур Бейнинг тўрт қонуний хотини ва кўп-лаб канизаклари бор. Катта хотини император

<sup>1</sup> Ҳ. Моранвиленинг фикрича бу Абубакр Мирзо, Мироншоҳнинг тўнғич ўғли бўлса керак.

<sup>2</sup> Умар Мирзо.

оиласидан бўлиб, Карон (Сароймулкхоним) деб аталади ва доим аёллар доирасида фароғат топади ва эркакларни асло ёқтирмайди; у соғлиги ёмонлиги туфайли ҳар куни (табобиётга) минг дукат (тилла) сарфлайди, тез-тез хотинлар қуршовида юради.

### **VIII. Темур Бей ҳукмронлигининг бошланиши**

Ёшлигида у ўз тенгқурларига ўхшаш йигит эди, аммо ақли-заковати ва зукколиги билан ажралиб турарди ва доимо мард йигитлар қуршовида юрарди; у доимо худони олқишлаб юради ва нима қилса барисини худо учун ва унинг хоҳиши билан қилади; ўзининг айтишича у бир бечора аёлнинг ўғли, кучсиз ва камбағал йигит бўлган, у нимага эришган бўлса худонинг марҳамати ила эришган, вақти келиб буларнинг ҳаммасини худога қайтаради. Яна унинг айтишича барча бўладиган нарсани худо унга олдиндан башорат қилади.

У ўзини на қирол ва на император деб ҳисоблайди, бироқ ҳозир у жуда катта ва қудратли ҳукмдор, зеро шу пайтгача Шарқда ҳеч ким унга тенг келадиган бирорта инсонни кўрган ҳам, учратган ҳам эмас, айниқса у Семеркант шаҳрини ва Тартария империясини қўлга киритганидан кейин шундай қудратга эга бўлди: зотан у (империя – тарж.) Шарққа томон шунча катта макон ва йўл эгаллаганки, унинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига етиш учун тинмай ярим йил йўл босиш керак. У кўплаб вилоятлар, шаҳарлар, қўрғонлар, амлоқларни қўлга киритди ва тобъе этди. Жумладан у Ҳиндистондаги Дилли (Деҳли) деган шаҳарни забт этди ва қиролини тобъе этиб,

шундан сўнг Фарбга томон юрди ҳамда Констан-  
тинополгача бўлган барча ўлкаларни эгаллади.

Л.Кереннинг изоҳи: Бу каби мулоҳазалар ўша даврдаги бошқа битикларда ҳам учрайди ва ҳақиқатга яқин туради. Одамлар орасида Амир Темури ўртаҳол бир ошладан чиққан ва бутун Шарқни эгаллаган ҳукмдор, бирор марта ҳам мағлубият аламини татимаган ва барча ўлкаларни маҳв этган саркарда деган афсона тарқалган эди. Бу унинг Худо ёрлақанган инсон эканлиги ва барча ҳодисалар унга фаришталар томонидан башорат қилинишидан дарак беради. Бироқ шу билан бирга у ҳақиқатдан ҳам барча муҳорабаларда зафар қозонганини ва ганимларининг қандай жанг усулини танлашини олдиндан била олиш қобилияти мавжудлигини тан олиш керак. Иоанн фаришталар ҳақидаги гапларга унчалар эътибор бермаган бўлиши ҳам мумкин.

### IX. Темури Бей ҳукмронлик қиладиган вилоятлар ва ўлкалар хусусида

Темури Бей ҳукмронлик қиладиган Ҳиндистондан Туркиягача бўлган масофани бир одам пиёда нақ бир йилда, отда эса IX (тўққиз) ойда босиб ўтади; у жуда катта вилоятлар ва катта қиролликларни ўзига тобъе қилди; унинг салтанати таркибига жумладан қуйидаги ўлкалар киради:

Дилли, йирик шаҳар.

Сименан,<sup>11</sup> вилоят.

Маластан,<sup>22</sup> вилоят, қимматбаҳо тошлар ўлкаси.

<sup>11</sup> Симнон, Мозандарондаги ўлка.

<sup>22</sup> Маластан, Ҳ.Моранвилленинг фикрича – Бадахшон. Марко Поло уни Баласиан деб атаган.

Феринус,<sup>13</sup> ҳинд зирваворлари шу ердан келади ва Сийон<sup>24</sup> дарёси орқали бошқа ўлкаларга олиб ўтилади.

Органун, бу вилоят Персияда Корасмо<sup>35</sup> деб аталади.

Чин-Мочин,<sup>4</sup> шифобахш ўсимликлар ўсадиган вилоятлар, у ерларда ясалган чиройли буюмларни Генуяга олиб кетишади, тупроғи яхши сақланади, айтишларича, бир буюмни қирқ йилда ясашар экан.

Бокара,<sup>51</sup> аъло сифатли олтини билан машҳур вилоят.

Коросан,<sup>62</sup> XXX (ўттиз) шаҳарли вилоят.

Медиа,<sup>73</sup> жуда катта вилоят.

Спахан,<sup>84</sup> вилоят.

Сирас,<sup>95</sup> вилоят.

Шилан,<sup>106</sup> шаҳар ва вилоят, Каспий ёхуд Бачин денгизи яқинида.

Аран,<sup>11</sup> жуда катта вилоят.

Порт Ферре,<sup>12</sup> жуда катта вилоят ва Александр денгизни Кавкази деб аталган тоққача қа-

---

<sup>1</sup> Феринус, Ҳ.Моранвилленинг фикрича – Кефераин ёки Кимехредган, Нишопур яқинида Афрек дарёси бўйида жойлашган шаҳар. Ҳинд зирваворларининг Сайхун ёхуд Сирдарё орқали киб келиши хато кўрсатилган (Ҳ.Моранвилле).

<sup>2</sup> Сийон-Сайхун-Сирдарё.

<sup>3</sup> Урганч, Хоразм. Марко Полонинг таърифида – Органа (Voyages anciens et modernes, t. 2, p. 231, note 3.)

<sup>4</sup> Чин-Мочин – Хитой.

<sup>5</sup> Бухоро.

<sup>6</sup> Хуросон.

<sup>7</sup> Озарбайжон, Эроннинг шимоли-ғарби.

<sup>8</sup> Исфохон.

<sup>9</sup> Шероз.

<sup>10</sup> Филон, Каспий денгизининг жануби-ғарбида.

<sup>11</sup> Арран, Филоннинг шимоли, Гуржистон (Грузия) жанубида.

<sup>12</sup> Порт Ферре, Каспий денгизининг ғарбий қирғоғи, ҳозирги Баку шаҳрининг шимолида жойлашган девор. Ривоятларга қараганда бу деворни Александр Македонский Эронни скифлардан ҳимоя қилиш учун қурдирган экан. Ҳозир девор харобалари Қизил Алан деб аталади. Араблар бу деворни Баб-ал-Абуаб, турклар Демир Капу деб аташган.

зиб олиб борган шаҳар. Бу тоғда турфа тилли халқлар яшайди, Темур Бей улардан бирортасини ҳам эгаллаган эмас, яна айтишларича бу тоғда бошқаларга қўшилмайдиган халқлар ҳам яшар эмиш, уларнинг номлари Гог ва Магог.<sup>1</sup>

Жоржия,<sup>2</sup> қироллик ва жуда катта вилоят.

Буюк Армения,<sup>3</sup> у ерда Нуҳ пайғамбарнинг ёйи жойлашган тоғ бор.

Курдистон, жуда катта вилоят.

Калдея,<sup>4</sup> вилоят.

Астрия,<sup>5</sup> вилоят.

Рум,<sup>6</sup> вилоят.

Туркия, вилоят.

Ва бундан ташқари кўплаб вилоятлар ва шаҳарлар унинг салтанати таркибига киради, уларнинг сони юз мингта, қисқароқ бўлиш мақсадида номларини келтирмаймиз.

Л.Кереннинг изоҳи: *Амир Темур қўл остига ўтган вилоятлар ва шаҳарларнинг тўлиқ бўлмаган ва тўғри номланиши.*

## **Х. Темур Бейнинг маҳорати ва қудрати хусусида**

Қисқа қилиб айтганда, Темур Бей жангоҳларда барчани, жумладан Тартариянинг буюк императорини, кўплаб қироллар ва шаҳзодаларни енгди, на бирор шаҳар ва на бирор истеҳком унга дош бера олган; у сонсиз ва саноқсиз шаҳарлар ва қўрғонларни забт этди ва ҳисобсиз халқларни

<sup>1</sup> Инжилдаги Яъжуж ва Маъжужнинг бунга алоқаси йўқ. Муаллиф Каспий денгизининг шимоли-ғарбида яшайдиган халқларни шундай атайди.

<sup>2</sup> Грузия.

<sup>3</sup> Арманистон

<sup>4</sup> Ироқи Араб.

<sup>5</sup> Ассирия.

<sup>6</sup> Туркиянинг Осиёдаги Босфор бўғозигача бўлган қисми.

тобъе қилди, шаҳарлар, қўрғонлар ва истеҳкомларни ер билан яксон этди; саноқсиз муҳорабаларда зафар қозонди ва мана ҳозир ҳам у Буюк Туркни (Боязид Йилдиримни) маҳв этди ва Туркия уники бўлди; кўплаб қироллар ва шаҳзодалар ва катта ҳокимлар унинг тарафида.

Л.Кереннинг изоҳи: *Соҳибқирон қўлга киритган ўлкалар номининг қайтариллиши, «у бугун Буюк Туркни маҳв этди ва Туркия уники бўлди» сатрлари билан тугайди.*

## **XI. Темур Бейнинг буюклиги ва лашкарларининг сони хусусида**

Бу хусусида ҳар ҳил гаплар юради, бироқ унинг лашкарларининг сони қанчалигини ҳеч ким аниқ билмайди: айримларнинг айтишича унинг қўшини X (ўн) юз минг (миллион – тарж.) аскардан ва камида VIII (саккиз) юз минг отлардан иборат; туялар ва бошқа жониворларнинг эса асло ҳисоби йўқ. Унинг яна XL (қирқта) жанговор фили бўлиб, аскарлар аларнинг устида ўлтириб жанг қиладилар; қуроолланган суворий шаҳзодалар ва мард инсонлар у билан бирга юрадилар, улар енгил қуроолланганлар ва ортиқча аслаҳалари йўқ, улар шамширлари ва камонларига ишониади, ва хусусан унга XXXVI (ўттиз олти) йилдан бери ҳамроҳлик қилиб юрган одамлари шаҳарларга кирмайдилар, аксинча, доимо очиқ далада тунайдилар.

Л.Кереннинг изоҳи: *Айрим мураррихлар унинг бир миллион аскарлари ва саккиз юз минг отлари бўлган, деб хабар берадилар. Айтишларича, унинг олтмишта жанговор фили ҳам бўлган экан. Бу рақамлар ҳақиқатга тўғри келмайди.*

## ХII. Темур Бейнинг бойликлари хусусида

Унинг турли шаҳарлардан ва амлоклардан тортиб олиб, Семеркант шаҳрига жўнатган бойликларининг сон-саноғи, оғирлиги ва миқдорини ҳеч ким билмайди. Худди шундай йўл билан у қўл остидаги барча вилоятлардан йиққан хирожларини ҳам у ерга (Самарқандга) юборди; қимматбаҳо нарсаларга келганда эса, айтишадики, ва мен бунга ишонаман, бирорта ҳам ҳукмдор, у қанчалар буюк ва золим бўлмасин, у қадар кўп пул тўплай олмаган. Ва яна у ўз қўл остидаги барча вилоятлардаги ер ости бойликларини ҳам қидириб топдириб, уларга эга бўлди; ва айтишларича, ўтган йили (яъни 1401 йил) у оғирлиги юз ва XVII сз келадиган бир жавоҳир топганким, VI сз бир унцияга тенгдир.

Сўнгра, Бағдод шаҳри олинганидан кейин у Евфрат (Фирот) дарёсининг тубига фарқ бўлган бир кемани топди, унда Персия қиролларининг барча бойликлари жойлаштирилган эди; хазинадан соф ва нафис олтин дарахт топилди, унда турфа рангли ва турфа номли қимматбаҳо тошлар ва сонсиз-саноқсиз марваридлар бўлиб, уларчалик катта аҳамиятга ва қийматга эга бўлган ёхуд улардан яхшироқ марваридларни ҳеч ким кўрган эмасди. Ва у бу нарсаларнинг ҳаммасини Семеркантга жўнатди, бу ерда унинг XVIIIта улкан саройи бўлиб, уларнинг барчаси бойликларга шу қадар тўла эдики, ҳеч бир инсон уларнинг таърифини қилиб адо эта олмасди.<sup>11</sup>

<sup>1</sup> Амир Темур узининг Бағдодга биринчи юриши чоғида на Фирот ва на Дажла дарёсидан султон Аҳмад Жалойирнинг хазинасини топгани ҳақида шарқлик муаррихлар ҳеч нарса демайдилар. Бироқ Бағдод иккинчи марта қамал қилинган пайтда, яъни 1401 йил ёзида, ўша хазина топилган бўлса ажаб эмас, зеро чиндан ҳам айнан ўшанда шаҳар ҳокими Феруж

Л. Кереннинг изоҳи: Амир Темур хазинаси асосан унинг қўл остида бўлган ўлкалардан мол-мулк олиб ўтувчи карвонлардан тушган божлар ҳисобига бойир, бироқ унга Соҳибқирон қўлга киритган давлатлардан келтирилган бойликлар ҳам қўшилар эди; бойликлар Самарқанд шаҳридаги Кўксарой ва шаҳар ташқарисидаги ўнга яқин (Клавихонинг гувоҳлик беришича) саройларда ҳамда Сароймулкхонимнинг чодирда сақланар эди (Фрот дарёсидан топилган олтин дарахт ва бошқа гаройиб зеб-зийнатларни Клавихо шу ерда кўрган).

### **XIII. Темур Бейнинг очиққўнгилиги ва шафқатсизлиги хусусида**

У шароб ичганида меҳрибон ва очиққўнгил бўлиб қолади; бироқ бундай ҳолат жуда кам бўлади, яъни у жуда кам шароб ичади; алқисса у ғазаб отига минмаган пайтларида адолат юритади: адолатининг шиори учун ўз тамғасига форс тилида «Адолат» сўзини икки марта ёздирган.<sup>11</sup>

---

қочиб кетаётган кема Фирот дарёсига ғарқ бўлган эди. Мазкур ҳодисани Шарафуддин Али Яздий қуйидагича тасвирлайди: «Алқисса, Фаражи бедавлатким, Бағдод шаҳрида эрди, телбалардек ё фидойилартек жонидан кечиб, урушур эрди... Мансур черик гўрт ёндин кириб, ҳисор эли ҳар сориким қочиб борса эрдилар, анда ўк ва қилич эрди. Фаражи бедавлат кизи билан кемага кириб, сувнунг юқори сори қочиб борур эрди. Ўк захмидин ўзларини сувга солиб, балиғ таъмаси бўлдилар. Ва маллоҳлар ҳукм била сувга кириб, Фаражнинг жасадини чиқардилар.» (Зафарнома. – Б.248).

<sup>1</sup> Маълумки, Амир Темурнинг шиори «Рости-русти», яъни «Куч-адолатда» деган ҳикмат бўлиб, бу шиор унинг давлаг тамғасига ҳам битилган эди. Бироқ архиепископ Иоанн Соҳибқироннинг «тамғасига форс тилида «Адолат» сўзи икки марта ёзилган», деб гувоҳлик беради. Бизнингча бу ерда архиепископ «рости» ва «русти» сўзларини бир биридан ажратолмай хато қилган. Нафақат Иоанн, балки Клавихо ҳам бу икки сўзнинг фарқига бормаган, зеро Кастилия элчиси Амир Темурнинг тамғасида атиги бир сўз битилган эди, деб ёзиб қолдирган: «Когда так

У ўз дўстларига ва элчиларга, айниқса узоқ ўлкалардан келган элчиларга етарлича очиққўнгиллик қилади; бошқаларга нисбатан, яъни ўзига қарши бирор иш қилган ёки амрига (хоҳишига) қарши борганларга нисбатан у ўта шафқатсиз — уларни турли азобларга солади ёки ўлимга ҳукм қилади; уни айбдорларнинг на туриш-турмуши, на насл-насаби ва на дини-иймони қизиқтиради ва, айниқса, маврларга нисбатан у шундай муносабатда бўлади, ўзининг айтишича у маврларнинг тўртдан уч қисмини қириб ташлаган ва улар турли ҳолатларда ўлимни қабул қилганлар.

Л.Кереннинг изоҳи: *Амир Темур кўплаб юрتلарнинг элчилари, зодагонлари ва олиму уламоларини қабул қилар, улар билан қизиқарли суҳбатлар қураар ва насораларга суҳбат чоғида шароб таклиф этарди. У ўз душманларига ва мамлакатда ўрнатган тартиб-қоидаларига амал қилмаган фуқароларига, ҳатто энг бадавлат кишиларга ҳам, уларнинг динидан қатъий назар, шафқатсиз бўлган. Бунинг натижасида ўзи мусулмон бўлган бу ҳукмдор асосан мусулмонларни (Иоанн қайд этган маврлар) ва мусулмон давлатларни — Ироқ, Эрон, Олтин Ўрда, шимолий Ҳиндистон, Туркия ва ҳазоларни жазолади. Амир Темурнинг тамгаси «Куч-адолатда», форсча «Рости-Русту» сўзлари битилган уч кичик халқадан иборат бўлиб, Франция қиролига битилган мактубдан афсуски бу сўзлар ўчиб кетган. Айрим манбаларда келтирилши бўйича, унинг тамгасига форсча «Рости» сўзи икки марта ёзилган.*

---

сделают трое или четверо (оидоров), в середине ставят царскую печать, на которой буквами написано «Правда»,... (Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). — М.: Наука, 1990 — С. 142 (59<sup>6</sup>).

### ХІІІ. Темур Бейнинг ҳаёти ва унинг халқи хусусида

Темур Бейнинг турмуш тарзи ва халқи ҳақида шундай дейиш мумкинки, у ҳар доим очиқ далада ҳарир шоҳи чодир остида умр ўтказди; зеро унинг халқи шунчалик кўпки, улар шаҳарда яшай олмайдилар. Бироқ уларга зарур барча нарсалар худди шаҳарлардагидек бу ерга олиб келинади, сотилади ва харид қилинади; бу ерга узоқ ўлкалардан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келувчи савдогарлар жуда кўп, бу ерда паррандалар, бошқа турфа хил маҳсулотлар ва ҳатто қуллар ҳам сотилади; унинг одамлари жуда қимматбаҳо, нафис шоҳи матолар ва ҳарир жун матолардан кийимлар кийишади; уларнинг улуғлари Константинопол императори каби бош кийимлар кийишади, мартабалари қанчалар улуғ бўлса-да, улар бош кийимларига қимматбаҳо тошлар тақишмайди ва айримлари туркларга ўхшаб думалоқ кокилез<sup>1</sup> кийиб юришади.

Унинг фуқаролари саранжом-саришта одамлар, улар ерда – стол ва курсисиз овқатланишади. Бу ерларда гўшт ва гуруч сероб, улар мутлақо нон ейишмайди, улар нонни ёқтиришмайди, бироқ ажнабийлар тўйгунларича нон ейишлари мумкин, зеро ҳар қадамда нон тўлиб ётибди.

Унинг саройида вино ичиш таъқиқланган, насеронийлар эса вино ичишлари мумкин, у ҳам бўлса фақат кечки овқат олдидан, овқатдан сўнг эса сув ва қимиз ичилади, бир қимизки, винодан кам кайф бермайди. Уларнинг донли экинлардан тайёрланадиган яна бошқа бир ичимлиги бўлиб, унинг ранги сутдек оппоқ ва винодек кайф беради.

<sup>1</sup> 5624 рақамли французча кўлөзмада «токез».

Унинг саройида номуссиз аёлларнинг яшаши таъқиқланган, ҳар кимнинг ўз хотини ва мол-мулки бор. Аёллар эркаклар каби моҳир чавандозлар, улар яхши кийиниб оладилар, отда юрганларида фақат бурунлари ва кўзлари очиқ бўлади; аёлларнинг лозимсиз юриши катта гуноҳ ҳисобланади. Одамларнинг юзлари кенг ва осийликларга хос, ҳамма қатори яшашади ва саррацинлар мазҳабидандирлар.<sup>11</sup>

Темур Бей зиёфатларда тилла ва кумуш идишларда овқат ейди ва ўз олдидаги гўштдан вассалларига, шаҳзодалар, зодагонлар ва элчиларга улашади; ҳамма ерда ўтириб овқатланади, агар у ўзи чақирмаса унинг ёнига боришга ҳеч ким журъат эта олмайди. Унинг ўғиллари ва беклари ҳам русхсатсиз унинг ёнига бориб ўтирмайдилар.

Л.Кереннинг изоҳи: *Ушбу каттагина бобда Амир Темур давлатидаги фуқароларнинг турмуш тарзи ҳақидаги битиклар юқорида ёзилганларидан деярли фарқ қилмайди. Фақат шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темур қўшинлари сафида насоралар ҳам бўлган ва улар очиқчасига вино (шароб) ичишган. Соҳибқирон ўз қўшинлари сафида ахлоқ-одоб сақалнишига жиддий эътибор берган.*

## XV. Темур Бейнинг ўз асирларига муносабати хусусида

Агар у бирор ўлкани забт этишни ихтиёр этса қора рангли туғини кўтаради ва унинг аскарлари ўша ўлкани забт этишга отланадилар, забт этилган ўлканинг барча бой эркак ва аёллари қий-

<sup>1</sup> Саррацинлар – Испанияда яшаган араблар, бу ерда мусулмон суннийлар демокчи.

ноққа солиниб, улардан турли хирож ва бойликлар йиғилади. Аскарлар аёллар ва ёш болаларни ҳам аямайдилар; уларнинг айримлари қул қилиб сотилади, айримларини банди қилиб ватанларига жўнатадилар. Қолганларини улар ўзлари билан оч-наҳор, ярим яланғоч ва ғурбатда олиб юришадики, кўплари очлик ва совуқдан ҳаётдан кўз юмадилар. Шунини унутмаслик керакки, улар насронийларга ҳам, мусулмонларга ҳам бирдай муносабатда бўлишади.

Л.Кереннинг изоҳи: *Амир Темурга бўйинсинишни устамаган ёки забт этилганидан сўнг исён кўтарган шаҳар ва қўрғонларга нисбатан қўлланган жазо чоралари ҳақидаги афсона ва ривоятлар бир-бирларига ўхшаш ва унинг шафқатсизлигидан далолат беради. Бироқ Соҳибқирон бу жазоларни бошқаларга ўрнатган бўлиши учун қўллаган. Иоанн сўз юритган қора туг солномаларда келтирилмаган.*

## **XVI. Темур Бейнинг муҳораба ҳақидаги фармонлари хусусида**

У фармон бериши у ёқда турсин, имо қилиши биланоқ ҳар ким нима қилиш зарурлигини яхши билади. У ўз қўшинини мингликларга, юзликларга ва ўнликларга бўлган бўлиб, унинг амрига итоат этмаганларнинг боши кетади. Унинг атрофида кўплаб дойурок ва мард, қуроли ишлатишда моҳир инсонлар бўлиб, улар ёшликдан у билан бирга ўсишган, доимо отда юришга ва дала-даштда ухлашга одатланишган: улар на совуқ ва на иссиқнинг фарқига боришади.

Шундай қилиб, у жангда ҳам қатъий тартиб ўрнатган: кимда ким жангда олд томонидан

жароҳатланса, унга катта эҳтиром кўрсатиллади, жангда орқасидан жароҳатланган кимса эса таҳқирланади. У жасур ва мардларни кўп иззатлайди ва уларга катта тухфалар қилади.

У ўзидан кучли ғанимларга қарши жанг қилиш олдидан лашкарларини водийларга шу қадар пухта жойлаштирадики, бирор нарса ҳам унинг назаридан четда қолмайди; сўнг у ғаними ўз ҳушёрлигини йўқотишини пойлайди ва шу заҳотиёқ унинг устига кутилмаган зарба бериб, истеҳкомларини вайрон қилади. У қисқа муддатда узоқ йўл босиб ўта олади, пухта изланишлар ва доно фармонлар ила ўз лашкарларини катта талофотлардан сақлаб қолади. Мухтасар қилиб айтганда, у шу пайтгача барча муҳорабаларда зафар қучган, ҳеч ким унга қаршилиқ кўрсата олмаган.

Темур Бей Туркия ва Арманистон ўртасида жойлашган Туркка қарашли (Йилдирим Боязид назарда тутилмоқда) катта шаҳар Сабастр (Сивос) га борганида ҳам худди шундай бўлган; у мазкур шаҳар қаршисида XI кун турди, шундан V куни ичида қалъа деворлари ёнида шундай бир минора қурдирдиким, ундан бутун шаҳар яхши кўришиб турар эди.

Ўзга чора йўқлигига амин бўлган шаҳарликлар у қон тўкмасликка сўз берганидан кейин таслим бўлдилар; бироқ у шаҳарга кириб барча бойликларни қўлга олиши биланоқ барча эркаклар, аёллар ва болаларни, юнонлардан ташқари, тутдириб келтириб, ҳаммасини тириклайин, қандай кийинган ва қуроолланган бўлса шундайлигича, ерга кўмдирди; уларнинг сони XXXVI минг ёки шунга яқинроқ эди.<sup>11</sup>

<sup>1</sup> Бу ерда архиепископ муболагага йўл қўйган, зеро мюнхенлик Иоганн

Бу ердан кейин Темур Бей жуда катта дарё бўлган Евфрат (Фирот) дарёси бўйига борди ва у ерда V кун ичида зарур кема ва қайиқлар ясатириб, икки ярим кун ичида бир ярим миллион кишидан ортиқроқ лашкарини дарёнинг нариги қирғоғига ўтказди. Дарёдан ўтиб, у баланд тоғ устида жойлашган Халеб шаҳри деворлари ёнига етиб борди ва шаҳар ичкарасида султоннинг қудратли қўшини жойлашганидан хабар топди ҳамда қалъани қаттиқ курашсиз қўлга кирита олмаслигига кўзи етди. Шу алфозда Темур Бей III кун шаҳар қаршисида туриб қолди ва тўртинчи куни лашкарининг катта бир қисмини олиб Халебдан икки лье узоқликдаги баланд тоғ ортига ўтди ва ўғлини XXX минг аскар билан шаҳар қаршисида қолдириб, агар султон кучлари унга ҳужум қилишса, бир оз жанг қилишни ва сўнг чекинишни буюрди. Ўғли ҳам III кун давомида отаси айтганини қилди: султон қўшинлари унга ҳужум қилса, у бир оз курашган бўлар ва сўнгра чекинарди; тўртинчи куни ўртада жуда катта жанг бўлди ва ўғли одатдагидан кўпроқ чекинди, султон қўшинлари уни шунчалик узоққа қувлаб бордиларки, тоғнинг ортида бекиниб турган Темур Бей фурсатдан фойдаланиб ганим қўшинининг орти билан шаҳар деворлари ўртасини эгаллади ва султоннинг XIII минг аскарини ўлдирди, сўнг шаҳарни эгаллаб хоҳлаганича талади ва шаҳарликларнинг каттагина қисмини қиличдан ўтказди.

Темур Бей бу ердан Дамашққа йўл солди ва шаҳарни қамалга олди: у ерда XI кун турди ва

---

Шильтбергернинг кўрсатишича бу рақам 5 минг, Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича 3 минг, Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийнинг ёзишларича 4 минг бўлган. Клавихо ҳам уларнинг фикрларига қўпилади.

шаҳар деворларининг кўп ерларига мина қўйдиртирди, буни кўриб узоқ қаршилик кўрсата олмасликларига кўзлари етган шаҳарликлар таслим бўлишди; шундан сўнг Темур Бей шаҳарнинг барча уламолари ва қозилари қалъанинг энг катта масжидига йиғилсинлар, деб жар солдирди; масжидга йиғилишни хоҳловчилар жуда кўп бўлди, зеро улар шундай қилсак омон қоламиз, деб ўйлашарди. Темур Бей шаҳарга кириб, ушбу масжидга ўт қўйдиртирди,<sup>11</sup> барча қозилар ва уламолар ўтда куйиб кул бўлди: масжидда VIII – IX минг одам бор эди – бу ерга омон қолиш умидида бошқа кўпгина одамлар ҳам кирган эдилар, улар ҳам ҳамма қатори ёниб кул бўлдилар. Темур Бей билан бирга бўлган савдогарларнинг айтишича, у ўз юртига тилла ва кумуш, қимматбаҳо тошлар ва бошқа нафис узуклар ортилган VIII юзта туя жўнатди.

Бу ердан у Эрондаги буюк халифа<sup>22</sup> нинг Бодаш<sup>33</sup> деган ўлкасига йўл олди ва Бодаш шаҳри қаршисида тўхтаб, у ерда LX кун қолиб кетди: зеро шаҳар деворларини айланиб чиқиш учунгина икки кечаю икки кундуз керак бўлур эди; шаҳарликлар қайсарлик қилдилар; уларни қайсарликларини синдиришди; Темур Бей бунда шундай қаҳр кўрсатдики, у шаҳарни куч ишлатиб қўлга киритди ва унинг бирор одамини ҳам қолдирмай барчасини жойи ростонга жўнатди; шундан сўнг у барча мурдаларнинг каллаларини шаҳар марказидаги катта майдонга келтиришларини буюрди ва шу бошлардан асосининг айланаси V туа<sup>44</sup> ва жуда баланд мезана қурдирди;

<sup>1</sup> Дамашқ шаҳридаги Бени Умайя жомеъси назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Алшмад Жалойир назарда тутилмоқда.

<sup>3</sup> Боғдод демоқчи.

<sup>4</sup> туа<sup>3</sup> – Францияда тахминан 2 метрга тенг қадимий узунлик ўлчови.

каллаларнинг юзлари мезананинг ташқарисига қаратиб тахланди: бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийлик эди. У бу ерда сон-саноқсиз бойликларни қўлга киритиб, ватанига жўнатди.

Шу қатори Темур Бей Турк<sup>11</sup>ни маҳв этиб, Бурса<sup>22</sup>га келганида яҳудий дини уламоларидан бир нечтаси унинг қаршисига чиқишди ва унга энди улар ўзларининг буюк худосига эмас, му-сулмон динига эътиқод қилажакларини маълум қилишди. Темур Бей уларга ўзларининг эътиқодлари ҳам яхшилигини билдирди ва уларга зиён-заҳмат етмаслиги учун хотин, бола-чақаларини олиб ўзларининг энг катта синагогасига йиғилишларини буюрди; бу сўзлардан яҳудийларнинг бошлари осмонга етди ва омон қолишга умид қилган бошқа кўпчиликни ҳам ортларидан эргаштириб, шаҳар ичкарисига кириб кетишди; шундан сўнг Темур Бей яҳудийлар ибодатхонасининг дарвозаларини беркитишни буюрди ва уларнинг ҳаммасини ўтда куйдиртирди. У яна бошқа кўп бемаъниликлар қилдиким, уларни айтиб адо қилиб бўлмайди; ўзининг айтишича, у бу ишларни тангрининг амри билан амалга оширар эмиш.

Л.Кереннинг изоҳи: *Бу ерда гап Амир Темурнинг гарбий ўлкаларга қилган беш йиллик юриши ҳақида кетмоқда. Сивосда зафар қучган Соҳибқирон 1400 йил октябрида Сурияга кирди ва Алеп шаҳрини эгаллади. У ҳалок бўлган ганимлари бошларидан мезаналар тиклаттирди. Солномада айтилишича Амир Темур бу ишни муҳорабадан бир неча кун олдин Алеп шаҳри ҳокими томонидан ўлдирилган ўз элчиси учун*

<sup>1</sup> Ўйлирим Боязид назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Туркиянинг ўша даврда пойтахти.

қасос олиш мақсадида амалга оширган. 1400 йил декабрида Соҳибқирон Дамашқ шаҳрини қуришовга олди ва қўлга киритди. Бироқ шаҳар қўргони 43 кунлик қаршиликдан сўнг таслим бўлди. Бу Амир Темурнинг газабини қўзғади, зеро унинг Туркияга ҳужум қилиш режаси ортга сурилмоқда эди. Шу сабабли у қайсарларни жазолаш мақсадида ўз аскарларига шаҳарни уч кун давомида талашга рухсат берди. Мана шу тартибсизликлар пайтида шаҳарнинг у ер бу ерига ўт кетиб, у катта масжидгача етиб борди. Ибодатхона қисман вайрон этилди, бироқ бу иш атайлаб қилинган йўқ. Мазкур масжидга ислом дини уламоларининг алдаб олиб келиниши ва тириклайин ўтда куйдирилиши ҳақидаги гаплар гийбатдан ўзга нарса эмас.

Амир Темурнинг Ироққа қилган биринчи ҳарбий юриши давомида забт этилган Богдод (Бодаш) шаҳри ўзаро келишувга мувофиқ иккинчи марта дарвозаларни очиши лозим эди. Бироқ шаҳар бунга риоя қилмади ва Соҳибқирон уни куч билан қўлга киритди. Бу ерда буюк саркарда катта хатоликка йўл қўйди: натижада шаҳар марказидаги майдонда каллалардан мезана (лар) ясалди.

## **XVII. Эдигни исмли императорнинг Темур Бейга қилган хиёнати хусусида**

Темур Бей чамаси бундан икки йил бурун Тартаристоннинг Эдигни<sup>1</sup> исмли императорига ўз элчиларини йўллаган эди, оқ тартарларнинг мазкур ҳукмдорининг бош шаҳри Соркате<sup>2</sup> Ка-

<sup>1</sup> Қипчоқ хони Идику барлос назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Соркате (Сорахат, Солхат, Унхат) – Эски Қрим, Қримда жойлашган Судак шаҳри.

фа<sup>13</sup>дан XVIII чақирим нарида жойлашган бўлиб, унинг лашкари юз эллик минг суворийдан иборат. Элчилар ўша ҳукмдорнинг қизини Темур Бейнинг ўғли учун сўрашди ва ҳукмдор рози бўлди; бироқ у узр сўраб, қизини Темур Бейдек қудратли ҳукмдорнинг ўғлига узатиш учун зарур тақинчоқлар ва сармойси камлигини баҳона қилди ҳамда элчилардан ўз ҳукмдорларидан келини ясатиш учун керакли зеб-зийнат юборишини ва унинг (келиннинг) истиқболига саройидаги энг нуфузли кишиларни жўнатишини илтимос қилишларини сўради; элчилар унинг илтимосини Темур Бейга етказдилар. Элчиларнинг ҳисоботини эшитиб Темур Бей бағоят шод бўлди ва шу заҳотиёқ тилла, кумуш, жавоҳир ва қимматбаҳо шоҳи матолар ортилган XXV туя ва саройидаги энг юқори лавозимларни эгаллаган VIII<sup>21</sup> баронни Қипчоққа жўнатди.

Карвон Эдигнининг ҳузурига етиб боргач, у тилла, кумуш, жавоҳирлар ва бошқа молларни қабул қилди ва баронларни банди қилиб, уларнинг ҳам пулларини тортиб олди, аммо Темур Бейга қизини жўнатмади. Темур Бей эса дунёда ҳеч ким мени бу қадар алдамаган, деб шунчалар изтироб чекдики, ҳеч ким бу ҳолга тушган эмас, у ҳеч қачон бунчалик ғазабланмаган эди, у ўз тилида «урғочи тулки эркак тулкини алдади» деди ва умрида бунчалик куюнмаганини айтиб, бунинг учун ўч олмагунча тинчимаслигини билдирди.

Темур Бей ҳозиргача амалга оширган ишларидан кўпроқ иш қилиши мумкин эди, бироқ у ўзидан ҳам катта ҳукмдор бошқараётган Форс (Эрон)дан йироқлаб кетишга журъат қилаолма-

<sup>1</sup> Қрим ярим оролининг жанубидаги шаҳар, ҳозирги Одесса ўрнида.

<sup>2</sup> 5624 рақамли французча қўлёзмада XX.

япти, бу ҳукмдорнинг қудрати унинг қудратидан бир ярим-икки баробар кўп бўлиб, унинг исми Тамирасак, Баласан ҳукмдоридир;<sup>12</sup> бу ерда аҳвол шу даражага бориб етганки, Темур Бей расман у ўлканинг ҳам ҳукмдори ҳисобланса-да, унинг асл хўжайини Тамирасакдир. Баъзиларнинг айтишига қараганда агар ул иккиси бир бўлишса, бутун ер юзини забт этишга кучлари етар эмиш.<sup>21</sup>

Л.Кереннинг изоҳи: *Эдигни(?) исми императорнинг исми ва ишлатган макри баҳсталаб ҳодисадир. Тартариянинг императори дея аталмиш Тамирасак (эҳтимол Олтин Ўрда хони Тўхтамиш)нинг кучи-қудрати бўрттириб кўрсатилган, зеро у Амир Темур томонидан 1395 йили бутунлай тор-мор этилган.*

### **XVIII. Темур Бей Буюк Туркни қандай маҳв этгани ва банди қилгани хусусида**

Лашкарларининг сони ва мардлиги жиҳатидан қудратлиси бўлган Темур Бей батальонларини (фавжларини) тепаликлар ва дараларга яқин жойда тартибга солди ва уларнинг ортига ўзининг энг катта батальонини ва ўз яқинларини қўйди. Рақибига етарлича қаршилик кўрсатиши-

<sup>1</sup> Бу ерда архиепископ кимни назарда тутаётганини била олмадик. Лотинча ҳарфларда битилган *Tamyrasac* Тамиразак ёки Темирузок бўлиши мумкин. Бироқ бундай исми ҳукмдор бизга маълум эмас. *Tamyrasac* ёки Тамиразаш Темуртошга жуда яқин. Аммо Темуртошнинг лашкари Амир Темурниқидан икки баробар кўп эмас, балки анча кам бўлган. *Balasan* номли ўлкага келсак, бу фақат Марко Поло ёзган *Balasian*, яъни Бадахшон бўлиши мумкин (Книга Марко Поло. – М., 1955. – С.74).

<sup>2</sup> Назаримизда, бу ҳам архиепископ тўқиб чиқарган нарсга бўлса керак. Зеро бу Темур Бей ўз қўшнисини билан бирлашса фарангларга (оврупаликларга) қандай таҳдид солиши мумкинлигига қилинган шаъмадир, зотан «агар ул иккиси бир бўлишса, бутун ер юзини забт этишга кучлари етар эмиш».

га ишонган Турк лашкарларини III батальонга бўлди; ғанимга яқинлашиб унинг лашкарларидан қўрқиб кетган туркларнинг биринчи батальони сардори ўз қўл остидаги барча аскарларини олиб қочишга тушди; Турк буни кўриб уларни ортига қайтармоқчи бўлди, бироқ батальон сардори унинг амрига қулоқ солмади ва кўздан ғойиб бўлди.

Шундан сўнг Турк иккинчи батальонини жангга ташлади, бу қисм жон-жаҳди билан курашди, бироқ Темур Бейнинг лашкарлари кўрсатган жасорат туфайли туркларнинг жуда кўп аскарлари, ҳисоб-китобларга қараганда XV мингдан зиёд киши ҳалок бўлди. Навбат Туркнинг учинчи батальонига келди, бу қисмда унинг ўғиллари ҳам жанг қилди, қисмдагиларнинг аксарияти ҳалок бўлди ва қолганлари қочмоққа тушди. Буни кузатиб турган Турк тўртинчи батальонини жангга ташлади ва унга шахсан ўзи қўмондонлик қилди; у ҳалокатга учраганини сезгач, қочмоқчи бўлди, бироқ қоча олмади, зеро уни ғаним аскарлари тўла қуршовга олган эди. Шу алфозда у июлнинг XXVIII (йигирма саккизи) жума куни соат XXIII (йигирма тўрт)да қўлга олинди; аниқ ҳисоб-китобларга кўра бу муҳорабада иккала томондан XL (қирқ) минг киши ҳалок бўлди; ғанимларига нисбатан турклар кўпроқ қурбон беришди.

Жуда кўп турклар қочиб қутилишди, хусусан Туркнинг икки ўғли ярим тунда қурол-яроғсиз ва кийим-бошсиз қип яланғоч қочишди. Темур Бей лашкарларининг катта бир қисмини Туркнинг бош шаҳри Бурсага жўнатди; қалъа олингач, у бетоб бўлиб қолган Туркнинг хазинасини қўлга киритди: бу хазинани ҳамда кўп сонли хизматкорлар ва қулларни Семеркантига

жўнатди. Шундан сўнг у бутун Туркияни ишғол этишга киришди, Темур Бейга иттифоқдош бўлган айрим ҳокимларга қарашли ўлкалар бундан истисно эди. Туркнинг тўнғич ўғли Юнонистонга ўтиб кетди, у ҳозир ҳам ўша ерда иззат-ҳурматда; унинг кенжа ўғли ҳозир Туркияда ва Темур Бей унинг изидан қувиб юрибди. Бу нима билан тугашини Худо билади. Тангрининг иродаси Темур Бейдан бошқа бирор тирик жонга аён эмас.

Л.Кереннинг изоҳи: *Бу ерда гап чиндан ҳам 1402 йил 28 июлдаги Анқара жанги ҳақида борапти. Бу жангда Амир Темур Боязид бошқарган турк қўшинларини маҳв этган. Бу муҳораба турклар учун ҳалокатли тугади. Амир Темур лашкарлари бутун Туркияни таладилар, Бурса шаҳрини ва султон хазинасини қўлга киритдилар, Боязиднинг икки ўғли эса қочиб қутилди. Афтидан Амир Темурнинг Франция қиролига битилган мактуби бу жангдан атиги бир неча кун кейин Иоанннинг қўлига тутқазилган, зеро архиепископ жангдан кейинги воқеалардан огоҳ эмаслигини билдиради. Бир даврнинг ўзида Иоанн учун ишонч ёрлиғи бўлиб хизмат қилувчи Амир Темурнинг мактуби эса 1402 йил 1 августда битилган. Мактубда Анқара жанги қандай тугаганлиги ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Эҳтимол у Иоанннинг Францияга сафари олдиндан тайёрланган бўлиб, унга мактуб Туркиядан ташқарида топширилган. Бу ҳақида мактубдаги қуйидаги сўзлардан билиш мумкин: «мазкур мактубни Сизга элтувчи бўлган воқеаларни сўзлаб беради». Иоанн Францияга жўнаб кетиши олдидан жанг тафсилотлари ҳақида хабар топган ва уларни ўз хотираларида баён қилган.*

## **XIX. Теур Бейнинг салтанати ва шаҳарларидаги тартиб-қоидалар хусусида**

У ўз фуқароларига қатор солиқ ва тўловлар ўрнатган бўлса-да, ажнабий тужжорларга катта эътибор кўрсатади ва уларни, айниқса фаранглар ва нассораларни рағбатлантиради, салтанати ҳудудида уларнинг хавфсизликларини таъминлайди. У жон ва туз солиқлари олинадиган кўп масканларни йўқ қилдирди ва бу солиқлар фақат йирик шаҳарларда олинсин, деб фармон берди. У салтанатининг барча ҳудудларида тужжорлар ҳаётига хавф соладиганларга шафқатсиз жазо тайинлади: тужжорларни талаган ўлка аҳли унга (тужжорга) таланган мол қийматини икки баробар қилиб қайтаради ёхуд салтанат хазинасига тужжор йўқотган мол-мулк қийматининг V (беш) баробари миқдорида жарима тўлайди.

Барча аҳоли масканларида унинг зобитлари (қозилари) бор ва у адолатга қатъий риоя қилади ҳамда жинойт қилган ҳар қандай кимсага — кимлигидан қатъий назар — шафқат қилмайди: кичик бир жинойти учун каттаю кичик амалдорларга шу заҳотиёқ жазо тайинлайди; жазо асосан жарима шаклида бўлади: айбдорлар катта миқдорда жарима тўлайдилар; унинг амалдорлари жуда бой ва тўқ яшашади ва шунинг учун улардан катта пул ундирилади ва бу пуллар нақ С (юз) ҳачирга юк бўлади ва улар ҳар йили катта байрам учун сарфланади. Барча шаҳарлар ва ўлкалар ҳар йили ўзларининг даромадларининг X (ўн)дан бири ёки чорагини салтанат хазинасига туширадилар ва бу иш билан унинг газначилари ва нозирлари шуғулланадилар.

Унинг ўзи шахсан ҳеч кимга озор бермайди ва у шундай қилган одамларни қаттиқ жазолай-

ди, зеро у сафардалик пайтида кўплаб шундай ишлар бўлиб туради. Шаҳарлар ва ўлкаларни унинг ўғиллари, жиянлари ва ноёнлари бошқаради; унинг нақд пулда маош бериш одати йўқ, бироқ у ўз аёнларига ер-мулк беради ва бошқа туҳфалар қилади. У ўз фармонларига барча ерда сўзсиз итоат этилишини истайди ва ажнабийлардан кўра кўпроқ ўз фуқароларидан ҳадиксирайди.

Л.Кереннинг изоҳи: Амир Темурга қарашли ҳудудларда юк ташиш ва мол айирбошлашнинг ҳамда карвонларнинг бошқа давлатларга чиқиш жойлари (божхоналар) яхши йўлга қўйилганлиги ҳақида ўша замондаги бошқа ҳужжатларда ҳам гапирилади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, божхоналардан тушган тўловлар асосан Соҳибқирон қўшинига янги аскарларни жалб қилиш ва уларни кийим-кечак, қурол-аслаҳа билан таъминлашга, янги иморатлар барпо этишга сарфланган. Йўлларда хавфсизликни таъминлаш, салтанатига туташ халқаро минтақаларда зўравонлик қилувчиларнинг адабини бериш Соҳибқироннинг асосий ташвишларидан бири бўлган. Назаримда Амир Темур божхона тизимининг – йўллардан олиб ўтиладиган молларнинг сифати ва миқдоридан олинадиган тўловлар, мол-мулк солиғи, маҳаллий солиқлар ва ҳазоларнинг асосчиси бўлган.

## **XX. Темур Бейнинг душманлари бўлмиш айрим қудратли императорлар хусусида**

Темур Бейнинг асосий рақиблари Шарқда-дурлар; бу энг аввало Катай<sup>1</sup>нинг буюк импера-

<sup>1</sup> Хитой.

торидир, у камарли насронийлар мазҳабидан бўлиб, куч-қудратда Темур Бейга тенг ёхуд ундан зиёдроқдир. Унинг иккинчи рақиби Форс императори<sup>12</sup> бўлиб, у бундан XV йил илгари Темур Бейдан зўрға қочиб қутилган, ҳозир Бадаш ва Калдея<sup>23</sup>нинг қолган қисмларига ҳукмронлик қилади. Унинг яна бошқа рақибларидан бири Миср Султони бўлиб, буюк Тартариялик Эдигни эса унинг асосий душманидир. Зикр этилганлардан сўнгги учтаси саррацинлар мазҳабидан. Темур Бейнинг у ер бу ерда яна бошқа қатор душманлари бўлиб, улар ундан қўрқишади ва ўлимини кутишади. Улар ўзларича башорат қилишиб, Темур Бей Қоҳирада мағлубиятга учрайди ва ҳалок бўлади, деб ўйлашмоқда. Темур Бей, аксинча, бунга инонмайди ва ҳали яна узоқ умр кўраман, дейди.

Л.Кереннинг изоҳи: *Иоаннинг Амир Темурнинг душманлари ҳақида ёзганлари ҳақиқатдан анча йироқ: Хитой императори насроний (камарли) эмасди, Амир Темур ўша пайтда унга таҳдид солмаётган эди. Форс ҳокими Амир Темурнинг ўзи бўлиб, Богдод султони Аҳмад Жалойир эса маҳв этилганди. Қоҳиранинг мамлук султони Сурияда мағлуб этилган бўлиб, Соҳибқирон ҳукмронлигини тан олган эди. Тартар хони Эдигни (Идику) эса йироқда юрарди. Чиндан ҳам гороскоп мавжуд бўлиб, унда Амир Темурнинг Қоҳирада оламдан ўтиши башорат қилинган эди. Бироқ бизга яхши мағлумки, агар гороскоплар ўзининг режаларига мос тушмаса, Амир Темур уларга қарамасди.*

<sup>1</sup> Султон Аҳмад Жалоирий назарда тутилмоқда. Амир Темур 1393 йил Богдодни эгаллаганида Аҳмад Жалоирий Мисрга мамлук султон Баркук ҳузурига кочган.

<sup>2</sup> Ироки Араб.

## XXI. Темур Бейнинг ҳузуридаги шоҳ ва шаҳзодалар хусусида

Энг аввало Тартария императори у билан бирга, у кўнгли нимани хоҳласа шуни қилади; Ма-ластан қироли, Коросан қироли, кўп мамлакатлар ва ўлкаларнинг ҳукмдорлари ва шаҳзодалари ҳамда қатор кичик ҳукмдорлар унинг ҳузури-далар. Шоҳ Алдин ҳам унинг ёнида, бироқ ун-дан қочиб юради. Форс императорининг II (икки) ўғли ҳам унинг ёнида.<sup>11</sup> Гургания императорининг укаси (акаси) шоҳ Бокаран ҳам унинг ҳузурида, Темур Бей уни бичтириб қўйган.<sup>22</sup> У ўзи забт эт-ган барча вилоятлар ва ўлкалар ҳокимларининг тўнғич ўғиллари ва ўлка ноиблари ҳам у билан бирга, илм-фан, хусусан, астрология, медицина ва нигромания (қорамагия)нинг энг кучли олим-лари ҳам унинг ҳузурида: у бу илмли ва яхши оиладан чиққан инсонларни кўп эъзозлайди. Те-мур Бей улар билан савол-жавоб қилишни яхши кўради. Зикр этилган инсонларнинг барчаси би-лан у яхши муносабатда бўлади ва ҳурмат-эҳти-ром кўрсатади; узоқ ўлкалардан келган элчи-ларга ҳам у худди шундай муносабатда бўлади; шунга қарамай улар ўзларини эмин-эркин ҳис эта олишмайди: зеро унинг ёнида бой-бадавлат юришдан кўра, ундан узоқ туриб, қашшоқликда яшашни ихтиёр этувчи шоҳлар ва шаҳзодалар ҳам учраб туради. Буюк Турк<sup>31</sup> ҳам унинг ёнида,

<sup>1</sup> Форс шоҳи Шужоънинг Шибли ва Зайн ал-Обидин исмли ўғиллари бўлиши мумкин.

<sup>2</sup> Бу ерда гап архиепископ Францияга кетиши олдидан Амир Темур ҳузурида билган инсонлар ҳақида кетаяпти шекилли. Бироқ уларнинг ҳаммасининг шахсларини аниқлашнинг имкони бўлмади.

<sup>3</sup> Йилдирим Боязид назарда тутилмоқда. Маълумки, архиепископ Амир Темурнинг Анқарадаги зафаридан сўнг 1402 йил августда Оврупа томон йўлга тушган, бу пайтда Йилдирим Боязид ҳали тирик ва Соҳибқирон билан бирга бўлган.

унга катта иззат кўрсатилмоқда. У қочиб кетишга уриниб кўрганидан сўнг Темур Бей унга тилла занжирдан кишан урдирди; Темур Бей уни енгиб катта шуҳрат қозонди, энди эса вақтини у билан хурсандчиликда ўтказмоқда.

## **XXII. Темур Бейнинг имон-эътиқоди ва у кўрган башоратлар хусусида**

Темур Бей ўз эътиқоди бўйича саррацин бўлиб, ўз динига амал қилмайдиганларни жазолайди ҳам қийнайди; у айниқса баччабозликка берилган саррацинларни қаттиқ жазолайди зеро у баччабозликни энг оғир гуноҳлардан бири, деб ҳисоблайди. У илгари насронийларни яхши тушунмас ва хуш кўрмасди, мана энди, Султония архиепископи биродар Иоанни ва доминикан мазҳабилик биродар Франсуани кўрганидан ва бизнинг эътиқодимизга ишонч ҳосил қилганидан кейин у ўзининг хатосини англади ва қаттиқ таъсирланди. У насронийларга хайрихоҳлик қилади ва эҳтиром кўрсатади, насронийларга, ва хусусан лотинларга, яъни французларга бирор ёмонлик қилмайди; уларга ўз салтанатида эмин-эркин юришлари учун йўл берган ва, айниқса савдогарларга, ўз эътиқодларига риоя қилишлари, черковларга бориб ҳамма насронийлар бажарадиган амалларни бажаришлари учун барча шароитларни яратган.

У ўз дини талабларидан келиб чиқиб, кунига V (беш) маротаба худога муножаат қилади, ва қаерда бўлишидан қатъи назар саррацинлар қўллайдиган барча амалларни бажаради. У яҳудийларни етти ёшидан етмиш ёшигача барчасини ёмон кўради. У тез-тез фаришталарни кўришини

ва уларнинг ўзига қилган башоратларини айтиб юради ва бу дунёда нима иш қилса барисини худонинг иродаси билан қилишини айтади. У кунлардан бир куни тушида фариштани кўрганини сўзлаб берди: эмишки унинг қаршисида ердан осмонгача етган нарвон турганмиш, тепада фаришта пайдо бўлиб, уни ўзи томон чорлармиш: «Ўрнингдан туриб, нарвонга чиқ» – дебди унга фаришта. Темур Бей фаришта айтганини қилиб, LX (қирқинчи) қаватга кўтарилибди. Шунда фаришта унга: – «Энди пастга туш» – дебди. Темур Бей пастга тушибди. Шундан сўнг у бу тушнинг таъбирини сўрабди. Тушнинг таъбири қуйидагича экан: у бутун ер юзини эгаллаб, LX (қирқ) йил давомида соғ-омон ҳукмронлик қилар эмиш.

Ўзининг айтишича, у одамларнинг фикрлари ва режаларини олдиндан билиб олар эмиш, буларни унга фаришталари маълум қилар эмиш; кимки унга қарши бирор ёмон фикрга борса у буни тезда билиб олади ва уни қатл эттиради, унинг атрофидагилардан кўпчилиги шундай қисматга учради ва учрамоқда. У кекса эркаклар ва кекса аёлларга чуқур иззат-эҳтиром кўрсатади, уларга катта ҳадялар қилади, унинг саройида ҳеч ким аёлларга, хусусан энагаларга қарши бирор сўз айта олмайди. У жуда яхши тарбия кўрган, зеро ажнабийларнинг ҳар бирига уларнинг мавқеи ва мансабига мос равишда иззат-эҳтиром кўрсатади.

Л.Кереннинг изоҳи: *Амир Темур мусулмон эди ва шарият ақидаларига сўзсиз итоат қилинишини назорат қилар, уламолар ўртасида ҳам катта обрў-эътиборга эга эди. Бу унинг ҳукмдор сифатидаги мавқеини янада оширган эди. У дастлаб европаликларга, жумладан насроний*

франкларга душман эди, бироқ мазкур хотираларнинг муаллифи Султония архиепископи Иоанндан ва руҳоний Франсуадан (Амир Темур билан европаликлар ўртасида махфий алоқачи бўлган Франсуанинг номи Соҳибқирон Француз қиролига битган мактубда ҳам, ўша даврдаги Византия ва Генуя ҳужжатларида ҳам учрайди) европаликлар тўғрисида аниқ маълумотлар олганидан сўнг амир Темурнинг уларга муносабати ўзгарди. Чиндан ҳам туркларга қарши курашда европаликларга таяниш ҳамда улар билан икки томонлама фойдали савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйиш мумкинлигини англаган Амир Темур уларга иттифоқдошлардек муомала қилди. Амир Темур 1370 йил тахтга ўтирган эди, Иоанн ўз хотираларини 1403 йилда битган. Соҳибқирон бутун дунёни яна 7 йил ичида қўлга киритиши лозим эди. Бироқ у 1405 йил оламдан ўтди, демак унинг умри ҳақидаги башорат 5 йилга хато қилади.

Чиндан ҳам Амир Темурнинг замондошларининг исёнлар ва бошқа ҳодисаларни олдиндан кўра билиш қобилиятига тан берадилар, кўпчилик буни магияга йўяди. Бироқ у билан учрашиб, суҳбат қурган Ибн Халдун Соҳибқироннинг ўта билмидон ва ҳар нарсага қизиқувчанлигини таъкидлайди.

Амир Темурнинг Иоанн таъкидлаган яна бир хислатига эътибор бермоқ лозим: Соҳибқирон кекса чоллар ва кампирларни ардоқларди ва уларга тез-тез ҳадялар қилиб турар, аёллар ҳақида ёмон гапиришни тақиқлаб, ажнабийларга уларнинг кимлигига қараб мурожаат қиларди.

### XXIII. Темур Бейнинг ёши ва соғлиги хусусида

Унинг ёши LX-LXV (олтмиш-олтмиш беш) атрофида ва у XXX (ўттиз) йилдан бери ҳукмдорлик қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида у шунчалик фаройиб ишлар қилганки, уларни ёзиб адо қилиб бўлмайди. У ўрта бўйли, чеҳраси муғилона, испанча соқолига оқ оралаган ва қома-ти тетик инсон, бироқ унинг ўнг қўли ва ўнг оёғи мажруҳ бўлиб, уларни даволаш мумкин эмас, зотан томирлари кесилган. У ёшлигида лашкарларини ўзи жангга бошлаб кирарди: моҳир чавондоз эди, аммо энди баъзан икки отга ўрнатилган ўриндиқда сафар қилади ва шундай қўриқладандики, ўзи чақиртирган одамдан бўлак ҳеч ким унга яқинлашишга журъат эта олмайди. Темур Бейнинг амри шу эрур.

Л.Кереннинг изоҳи: *Иоанн ўз хотираларини битган пайтда Амир Темур 67 ёшда эди ва у 33 йилдан бери салтанатга ҳукмронлик қиларди. Унинг бўйи ўша пайтда ўртадан юқори эди (1 метр 70 см.). Соҳибқирон ўнг қўли ва ўнг оёғидан жароҳатланган бўлиб, сўнгги пайтларда ўзи мустақил юра олмас, бироқ лашкарлари билан жангу жадаллар кезарди.*


Темур Бей ёқтирадиган нарсалар хусусида

Энг аввало унга қуйидаги нарсалар ёқади: буғдойранг, қирмизи ва алвон, оппоқ ва оч яшил, худди Ренсда<sup>11</sup> тайёрланадигандек нафис тўқима матолар, маржон шодалари, биллур тошлар, тилла ва кумуш идишлар, худди Франциядаги каби ишлов берилиб, зумрад тошлар билан беа-

<sup>11</sup> Ренс – Франциянинг Шампан вилоятидаги шаҳар.

тилган идишлар, тоза Кипр<sup>11</sup> камлоти,<sup>22</sup> ғаройиб балиқларнинг тишлари, Франциядаги каби курсилар, Франциядагидек қимматбаҳо гиламлар, хушбўй ва мазали зираворлар, дунёнинг турли бурчагидан келтирилган зотли бақувват отлар, катта итлар ва Испаниядаги каби катта хачирлар; бироқ зикр этилган нарсалар унда беҳисоб.

Л.Кереннинг изоҳи: *Амир Темур ёқтирган нарсалар ҳақида ёза туриб, Иоанн француз қироли саройи аъёнларига хуш ёқишга ҳаракат қилади. Менинг «Амир Темур даврида Самарқанд сафари» номли китобимда Иоанн битган хотираларнинг фото нусхаси келтирилган. (La Route de Samarkand au temps de Tamerlan. – Paris: Imprimerie Nationale, 2002. – Page 50).*



---

<sup>1</sup> Ўрта денгиздаги Кипр ороли.

<sup>2</sup> камлот – пишиқ жун газлама, баъзан ип ёки ипак қўшиб тўкилади.

# АМИР ТЕМУР



Французларнинг буюк адиби Мари Аруэ Вольтер (1694-1778) ҳам Амир Темур ҳаётига катта қизиқиш билдирган, у ҳақида йирик бадиий асар яратишни ният қилган. Вольтернинг сўнгги нияти амалга ошмаган бўлса-да, у ўзининг 1756 йилда нашр этилган йирик тарихий асари “Essai sur les mœurs et l’esprit des nations et sur les principaux faits de l’histoire depuis Charlemagne jusqu’a Luis XIII” (Миллатларнинг руҳи ва удумлари ҳамда мозийнинг Буюк Карлдан Людовик XIIIгача бўлган асосий воқеалари ҳақида)нинг биринчи жилдида Амир Темурга алоҳида, 88- бобни ажратган (803-809 бетлар).

Темур 1357 йил юнонлар бир пайтлари Александр бошчилигида кириб бориб, қўрғонлар барпо этган кўҳна Сўғдиёна ҳудудидаги Кеш шаҳрида дунёга келди. Бугун бу ерларда ўзбеклар яшайди. Кеш номи тилга олинса, ғариб бир ўлкани тасаввур қиладилар; аммо у Неапол ва Прованс билан бир иқлимда жойлашган: у жаннатмонанд ўлка.

Тарихда шоҳлар орасидан ҳеч қачон йирик фотиҳлар чиққан эмас, оддий инсонларга эса ҳеч қачон йирик мол-дунёни қўлга киритиш насиб этмаган — бунга катта меҳнатлар эвазига эришилган. Амир Темур ўз ниятларига мос равишда бундан-да катта муваффақиятларга эришиши лозим эди, зеро, у камбағал оилада дунёга келиб Александр эгаллаганига тенг ва Чингизхон эгаллаганича юртларни эгаллади. Бироқ макдония-

ликдан фарқли ўлароқ Амир Темур Чингизхонга ўхшаб кўплаб шаҳарларни вайрон қилдию, бирорта ҳам янги шаҳар барпо этмади. Александр эса ўзининг қисқа умри ва тезкор зафарлари давомида Александрия ва Скандерон шаҳарларини барпо этди, кейинчалик Амир Темур салтанатининг пойтахтига айланмиш Самарқандни қайта тиклади ва Ҳиндистонга қадар шаҳарлар қурдирди, Жайхундан нарида юнон аҳоли масканларини барпо эттирди, Вавилон расадхоналарини Юнонистонга жўнатди, Осиё, Европа ва Африка савдо йўлларини ўзгартирди, Александрия эса унинг марказий омборига айланди. Айнан мана шунинг учун ҳам Александр Амир Темурдан, Чингизхондан ва бошқа фотиҳлардан устун туради.

Амир Темур бирин-кетин ғалабаларни қўлга киритаётган пайтда, насронийлардан мадад ола олмаган Византия императори ёрдам сўраб унга муурожаат қилди. Пон-Ўксин қирғоқлари томонида Боязид томонидан тобе этилган беш мусулмон султони ҳам айнаи бир пайтнинг ўзида ундак мадад сўрашди. Ҳам мусулмонлар, ҳам насронийлар томонидан ёрдам бериши сўралган Амир Темур Кичик Осиёга йўл солди.

У миллатлар ҳуқуқини ҳимоя қилиб, Боязидга қарши курашишга мажбур бўлди. У Боязидга элчилар йўллаб, Константинопол қамалидан воз кечишни ва мол-мулки тортиб олинган мусулмон шаҳзодаларга нисбатан адолатни тиклашни сўради. Боязид бу таклифларга жаҳл ва кибор билан жавоб берди. Амир Темур унга уруш эълон қилди ва устига қўшин тортди. Натижада Боязид Константинопол қамалидан воз кечди (1401) ҳамда Сезария ва Анқара орасида Амир Темурга қарши жангга кирди.

1402 йилнинг 28 июлида Боязид ва Амир Темур қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жангда гўё бутун дунё қуроли кучлари бир ерга жамлангандек эди.

Шу пайтгача фақат қилич ва камонлардан фойдаланиб келган Амир Темурнинг усмонлиларга қарши артилериядан фойдаланганига шубҳа йўқ — ўқиб бўлмас ёзувлар битилган снарядлар ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Шарқ муаррихлари ёзиб қолдирганларидан бир нарса аниқ ва равшан, у бизнинг диққатимизни ўзига тортади, бу ҳам бўлса Амир Темур мағлуб бўлган усмонлилар империясидан бирор шаҳарни ҳам тортиб олмаган.

Амир Темур Боязидга шоҳларча муносабатда бўлди. Бироқ, тарихда ва адабиётшуносликда Амир Темур Боязидга ва унинг ўғилларига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлган, деган нотўғри фикрлар юради.

Амир Темурнинг ҳаётини қаламга олган бирорта араб ёхуд форс адиби у Боязидни темир қафасга солгани ҳақида ёзмайди; бироқ турк манбаларида шундай ривоят мавжуд. Балки уларнинг мақсади Амир Темурни ўта шафқатсиз қилиб кўрсатиш бўлса керак?

Бурса шаҳрига кирган Музаффар Боязиднинг ўғли Сулаймонга мактуб битган, айтишларича бу мактубга Александр Македонский ҳам ҳавас қилган бўларди. “Мен Боязиднинг ганими эканлигимни унутмоқ истайман, — деб ёзади Амир Темур. — Мен отасидан сўнг фарзандларига ҳам хизмат қилишга тайёрман, фақат улар менинг насиҳатларимга қулоқ солишса бас. Қучган зафарларим етади, энди шум тақдир мени ўз ноғорасига ўйната олмайди.”

Соҳибқирон Боязиднинг ўғли Сулаймонга йўллаган мактубида унга отасининг ўрнига султонликни таклиф қилди. Сулаймондан рад жавобини олган Амир Темур Боязиднинг иккинчи ўғли Мусони Бурсага ҳоким этиб тайинлади ва унга қуйидагича ўғит берди:

« — Отаннинг меросини қабул қил; шоҳона қалб эгаси подшоҳликларни забт этишни ҳам, уларни ўз эгаларига қайтаришни ҳам билади.»

Султон этиб тайинлаган Мусо, Амир Темурнинг мададига қарамай ўз биродарлари Сулаймонни ҳам, Муҳаммад I ни ҳам қарши курашларда енголмади. Боязиднинг фарзандлари ўн уч йил давомида ўзаро биродаркушлик урушида бўлдилар, Амир Темур эса бундан наф ундиришга асло уринмади.

Шарқ солномаларида Амир Темурга нисбатан қарама-қарши фикрлар учрайди. Бу нарса айниқса араб манбаларида кўпроқ. Араб адибларининг ёзишларича, Амир Темур Боязиднинг хотинини ярим яланғоч ҳолда ўзига шароб қуйиб беришга мажбур қилган; натижада турк султонлари ўз аёлларидан бирининг бунчалар ҳақоратланиши натижасида бошқа уйланмасликка қарор қилганликлари ҳақидаги ривоят пайдо бўлган. Бироқ Мурот II нинг Сербия шоҳларидан бирининг қизига уйланиши, Маҳмут II нинг Туркман шаҳзодасининг қизини хотинликка олиши бу ривоятнинг ёлғонлигини исботлайди.

Боязиднинг темир қафасга солиниши ва унинг хотинига бўлган қўпол муносабатни турклар Амир Темурга нисбат беришган олижаноблик билан солиштириб бўлмайди.

Амир Темур на мусулмон ва на буддапараст бўлган, бироқ худди Хитой алломалари синга-

ри яккаю ёлғиз Тангрига ишонган ва бу орқали айрим маданиятли халқларда бўлмаган юксак эътиқодини намоён этган. На унда ва на унинг қўшинида диний зиддиятлар кузатилмаган: у му- сулмонлар учун ҳам, буддапарастлар учун ҳам, браҳманлар, жухудлар ва бошқа мажусийлар учун ҳам бирдек қайғурган; Лубнон тоғларидан ўтаётиб шу ерларда яшовчи камарли насроний- ларнинг диний маросимларида иштирок этган.

Амир Темур Самарқандда Осиё давлатлари шоҳларининг вакилларини ва қатор давлатлар элчиларини қабул қилди. Бу ерда фақат Визан- тия императори Мануэлнинг эмас, балки Кас- тилия қироли Энрике Шнинг элчиларини ҳам кўриш мумкин эди. У катта байрам уюштирди. Салтанатнинг барча амалдорлари ва ҳарбийлари, барча ҳунармандлар ўз белгилари билан майдон- дан саф тортиб ўтдилар. У шу куни ўзининг барча набираларини уйлантирди ва эрга берди. Ниҳоят, у кўп йил яшаб, кексалик гаштини суриб, ўттиз олти йил ҳукмронлик қилиб, Александр Маке- донскийдан фарқли ўлароқ узоқ умри ва севим- ли набиралари бахтидан маст ҳолда оламдан кўз юмди.

У олим эмас эди, бироқ ўз набираларида илм-фанга қизиқиш уйғотди. Ундан сўнг Мова- роуннаҳр тахтига ўтирган машҳур Улуғбек Са- марқандда биринчи Фанлар академиясини таш- кил этди, ер юзининг координатларини аниқлади, ўз номи билан аталган астрономиик жадвални тузди; бу соҳада уни ўзидан юз йил олдин ўтган Кастилия қироли Алфонс X га қиёс қилиш мум- кин. Бугун Самарқандда фанлар инқирозга учра- ган, бироқ шаҳар вақти келиб яна гуллай бошла- шига ишончим комил.

# АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАЁТИ



XVIII асрда яшаб ўтган француз муаррихи ва таржимони Л.Ланглэ (Langlais L.M.) на фақат Францияда, балки бутун Европада Амир Темур ҳақидаги билимлар ва тасаввурларнинг кенг ёйилишига катта ҳисса қўшди. Афсуски биз олимнинг таваллуд санасини ҳам, оламдан ўтган санасини ҳам аниқлай олмадик. Ланглэ “Темур тузуклари”ни инглиз тилидан ва аслиятдан француз тилига таржима қилиб, 1787 йил Парижда эълон қилган.<sup>11</sup> Унинг таржимаси “Тузукот”нинг француз тилидаги энг мукамал таржимаси ҳисобланади.

Бундан ташқари Ланглэ “Амир Темурнинг ҳаёти” (La vie de Tamerlan) номли оригинал асарнинг ҳам муаллифидир.<sup>22</sup> Асар қатор тилларга таржима қилинган. Асарнинг русча таржимаси, жумладан, 1890 йил Тошкентда ҳам нашр этилган. Китобга А.Якубовский сўз боши битган. Ушбу асардан парчалар мустақилликка эришганимиздан сўнг, 1993 йил “Звезда Востока” журналининг 4- сонида босилиб чиқди (127-146 бетлар).

Амир Темур 1336 йил 7 майда “қон тўла қўллари муштланган ҳолда” дунёга келди. У ўз қабиласининг бойвачча болалари орасида тарбия топди, гарчи у барча билан тенгдош, бироқ улардан пастроқ турса ҳам, ҳаммага даҳоларга хос таъсир ўтказарди. Болалигидан бошлаб у фақат тахтлар ва забт этилган ўлкалар ҳақида гапирар, бу суҳбатларда унинг овози жонланар, унинг юзи ўз ёшига мос бўлмаган кўриниш оларди; у ўз ўртоқлари билан худди фуқароларидек муно-

<sup>11</sup> Langlais (L.M.). Les Instituts de Tamerlan. – Paris, 1787.

<sup>22</sup> Мазкур асар Les Instituts de Tamerlan. – Paris, 1787 нашрида “Тузукот”дан олдин жой олган (Б.Э.)

сабатда бўлар, уларни ўз аскарларига айлантларди: унинг ўйинлари курашлардан иборат эди. Унинг танаси кундан кунга кучга кириб борар, ёшига нисбатан тез ривожланган ақлига улкан режалар келар, Темур эса уларни амалга оширишни ўйларди.<sup>11</sup>

Кунлардан бир куни тунда, алоҳида бир бинода йиғилган дўстлар ўз ёшларига хос машғулот билан банд эдилар. Темурнинг гапларини доимо мириқиб тинглардилар. У қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берди: “Бувимнинг башорат қилиш қобилияти бор эди. Бувим бир куни туш кўрибди, унга биноан ўғилларидан ёхуд жиянларидан бири салтанатларни эгаллаб, халқларни тобе қилармуш, у замонасининг қаҳрамони бўлиб, бутун дунё ҳукмронлари унга бўйунсинармиш. Шу қаҳрамон – менман... Ўша замон яқинлашмоқда, ўша замон келди. Қасамёд қилинг, менга қасамёд қилинг, ҳеч қачон ташлаб кетмаймиз, деб қасамёд қилинг!

Нотикнинг ишончли овози, тун зулмати, барчанинг ҳайрати тингловчиларни ром этди: улар Темурга қатъий садоқатли бўлишга қасамёд қилдилар ва буни кейинчалик тасдиқладилар.

Темур ўн икки ёшида ҳарбий хизматга кирди ва фақатгина йигирма беш ёшида унга шуҳрат келди. Мовароуннаҳрда нотинчлик ҳукм суриб, хонларнинг ўзаро қирғинбарот жанглари авжига чиққан бир пайтда Темур ўз ватанининг даҳо-қўриқчиси сифатида майдонга чиқди.

Амир Темурнинг Самарқанд тахтига ўтирганидан кейинги олти йили ҳарбий юришларда ўтди. У Мовароуннаҳрнинг шимоли-ғарбидаги

<sup>1</sup> Langlais L.M. La vie de Tamerlan/ Langlais L.M. Les Instituts de Tamerlan. – Paris, 1787.

жангларда зафар қучди. Бироқ галаба қувончи узоққа бормади. Бу зафарлар билан бирга

музаффарнинг бошига катта кулфат тушди. У бир фалокат рўй беришини олдиндан сезар, мудҳиш тушларидан қўрқар, Самарқандда қолган катта фарзанди Жаҳонгирнинг тақдиридан ташвишланарди. Қўрқувлари бекорга эмас экан. Самарқандга қайтиб у қора ва кўк кийимларга бурканган, бошдан оёқ чанга беланган мотамсаро уламолар ва аёнларни учратди. Бироқ оддий халқ Жаҳонгирга чуқур мотам тутарди, бутун Самарқанд аҳли: “Ботир Жаҳонгир шамол учириб кетган гулдек пайдо бўлдию кетди! Одил шаҳзодамизни ажал ўз қомига тортди-эй!” – дея фарёд урарди.

Уларни кўриб бахтиқаро ота янада кўпроқ изтироб чекди. У ўзини чиндан ҳам бахтсиз ҳис қилди; унинг юзи-кўзидан ёш аримас, ҳаёти азобга айланганди.

Унинг ишлари ҳам юришмай қолди. Хавотирга тушган аёнлари уни бу кулфатдан қутқазмиш йўлини ахтара бошладилар. Уларнинг бу ҳаракатидан Соҳибқироннинг кўнгли биров таскин топди, зеро у уларнинг садоқатлилигини яхши биларди. Забт этилган ўлкалардаги исёнлар эса уни ўзига келтирди. У яна сафарга отланди ва кўп ўтмай Хуросонни бутунлай забт этди.

Бироқ унинг кулфатлари бу билан тугамади. Шу пайтгача омади кулиб боққан ва ҳар доим галаба нашидасини тотиб юрган бу ҳукмдор шундай кулфатларни бошидан кечирдиким, улар унга ўзи ҳам бошқа одамлар қатори одам эканлигини эслатиб қўйди. Ажал унинг қизини, синглисини ва хотинларидан бирини ўз домига тортди. Кетма-кет рўй берган бу йўқотишлар шунчалик оғир

эдики, Темур бир неча муддат ўзига келолмай қолди; унинг давлат ишларидан ҳам кўнгли совуди. Алломаю уламолар унга динини, саркардаю аёнлари қўлга киритган зафарларини ёдга солдилар — Темур бунда ғоятда таъсирланди. Оламдан ўтган маликалар сарф қиладиган маблағлар ҳисобидан катта-катта садақалар улашиб, унинг кўнгли бироз тинчиди.


Темур ҳарбий юришлари чоғида ҳам на хотинини ва на фарзандларини ёдидан чиқарган; у уларни яхши кўришини билдириш ниятида ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб уларга совға-саломлар ва мактублар йўллаб турган. Бир сафар у юборган совғаларни Месопотамия ҳокими Амир тутиб қолади. У Темурнинг барча талабларига жавоб қайтармади. Темур тезда Месопотамияга қўшин суриб, бебош ҳокимни муносиб жазолади.

Соҳибқирон ҳатто ўзининг энг ашаддий душманларидан ҳам меҳрини аямаган. Маълумки Соҳибқирон маҳв этилган султон Боязид Йилдиримга оталарча муносабатда бўлган, шоҳона иззат кўрсатган: банди этилган Боязиднинг изтироби уни ҳам ташвишга соларди; у султоннинг кўнглини олиш учун барча ишларни қилиб кўрди. Темур унга ҳатто Анатолияни ҳам, тожини ҳам қайтариб берди. Бироқ мардларча азоб чекишни билмаган Боязид ғамда оламдан ўтди.

Темур ўзининг қўлида жон берган султонга аза тутди. Боязиднинг ўғилларига отасини эҳтиром ила дафн этиш учун лозим бўлган барча нарсани берди. Бироқ орадан бир неча кун ўтгач Амир Темур суюкли набирасидан айрилди — йигирма тўққиз ёшли Мирза Муҳаммад Султон бевақт оламдан ўтди. У ёш бўлса-да, ажойиб қаҳрамон-

ликлар кўрсатган эди; бобоси унинг сиймосида нафақат ўз авлодига, балки ўз иқтидори ва даҳосининг ворисига аза тутди. Ўз яқинларини йўқотиш Темур учун нақадар оғир бўлмасин, у шу пайтгача бундай азоб чекмаган эди. Бу қайғунинг нақадар чуқурлигини ҳис этиш учун набирасининг сиймосида ўзини кўраётган олтмиш ёшли азадор бобонинг юрагига эга бўлиш керак.

Соҳибқирон барча набиралари ва уларнинг ўғиллари — эвараларини бирдек суйган. Улуғ амир Мирзо Муҳаммад Султоннинг ўлимидан сўнг Арзурум шаҳрига келганида у ерда неваралари ва эваралари (Улуғбек, Иброҳим Султон, Муҳаммад Жаҳонгир, Ийжал ва Саъд Ваққос) ни учратди. Айниқса Муҳаммад Султоннинг ўғиллари Ийжал ва Саъд Ваққосни кўриб Соҳибқироннинг кўзларидан ёш қуюлади. У йигитларни бағрига босиб, юзларидан лутф билан ўпди.



# АМИР ТЕМУР – ТЕНГИ ЙЎҚ АДИБ



1896 йил Парижда узоқ вақт Франция Миллий кутубхонасининг нозири бўлиб ишлаган таниқли муаррих Леон Каюннинг “Осиё тарихи. Турклар ва мўғуллар. Мозийдан 1405 йилгача.” номли йирик тадқиқоти эълон қилинди.<sup>11</sup> Олим ўзининг 520 саҳифалик бу асарини ҳунлар, мўғуллар ва туркий халқлар тарихига, уларнинг жаҳон тарихи, илм-фани ва маданиятида тутган ўринга бағишлаган. Китобда Атилла, Чингизхон ва Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига катта ўрин берилган.

Леон Каюн асарининг йирик бир қисми “Timour et le triomphe de l’Islam” – “Темур ва Исломнинг зафари” деб номланади. Асар муаллифи бошқа муаррихлардан фарқли ўлароқ, ўз эътиборини Амир Темурнинг Осиёда йирик бирлашган давлат қуриб, майда-чуйда “хонлик”лар ва “хоқон”ликлар ўртасидаги курашларга чек қўйиш, тинчлик ўрнатиш, Шарқ ва Ғарб ўртасида дўстлик ва биродарлик алоқаларини йўлга қўйишдек жиҳатларига қаратади. Шу ўринда Л.Каюн Амир Темурнинг Европа ва, айниқса, Франция билан дўстлик алоқаларини ўрнатишга қаратилган ҳаракатларини юксак баҳолайди.

Темур Осиёда чингизийларнинг ўрнини эгаллаганидан сўнг Франция билан дўстлик ва иттифоқлик алоқаларини йўлга қўйди, бироқ энди

<sup>1</sup> Cahun Leon. Introduction a L’Histoire de l’Asie. Turcs et Mongols des Origines a 1405. – Paris: Armand Colin et C<sup>e</sup>, 1896.

бу иттифоқ Миср саррацинларига эмис, усмонлиларга қарши эди.

Унинг Паязид (Боязид) устидан қозонган иллабаси французларнинг Никополдаги мудҳиш мағлубияти учун ўчдек туюлади.

Темурнинг ўлими, икки халқнинг узоқлашиб кетиши, Франциядаги фуқаролар урушлари, ва ниҳоят, салиб юришлари руҳининг ўтмишга шўнғиши Темур билан Валуа ҳукмдорларининг муносабатларини мактублар билан чекланиб қолишига олиб келди.

Бу қойилмақом ғалабадан Темурнинг кўнгли асло жойига тушгани йўқ. У қўшинларини шошилинч равишда йўлга бошлаганида ишончли манбаларда такрорланганидек унинг мақсади Хитойни забт этиш эмас — солномаларни ўқиган, ҳамма нарсани яхши тушунадиган у каби инсон етмиш ёшда Хитойни забт этишнинг ўзи бўлмаслигини яхши биларди, — балки Туркистонни хитойликларнинг Шимолдаги Бешбурчаги ва Қашғардаги Саккизбурчаги ҳужумларидан халос қилиш эди.

Бироқ Темурнинг Хитойни эгаллаш нияти йўқ эди, деб айтолмаймиз; шарқда турк империясини тиклаш фикри узоқ вақт мовароуннаҳрликларни шошириб турди, бироқ бу кўпга чўзилмади, аста-секин ниятлар камайиб, мусулмон Саккизбурчагини қўлга киритиш, уни Жонг Кофирлар — “Қудратли ғайридинлар”дан тортиб олишга бориб тақалди.

Амир Темур умри сўнгида фақат бир нарсдан озор чеккан. Хитой тарихини ҳижрий 922 йил Робиъул-аввалида (мелодий 1516 йил апрел)

Константинополда ёзиб тамомлаган Саид Али Акбарнинг гувоҳлик беришича, ўлим тўшагида ётган Темур лашкарларини Тибет, уйғур ва Хитой ғайридинларига қарши бошлаш ўрнига мусулмонларнинг қонларини тўкканидан афсусланган.

Амир Темур нафақат моҳир саркарда, балки буюк бунёдкор, илму фан, маданият ва санъат ҳомийсидир. Соҳибқироннинг Кешда қурдираётган биноларини кузатган Клавиҳонинг ёзишича, уларни кўриб “бутун дунё, ҳатто

Париждаги энг моҳир санъаткорлар ҳам лол қоларди.”

Самарқанддаги қурилишлар кўламини айтмаса ҳам бўлади! Санъатни яхши тушунган Бобур мақтаган масжидни,<sup>13</sup> ғозлар, тустовуқлар ва филлар айланиб юрган боғларни, деворлари минг тусли фрескалар билан безатилган кошоналарни, ҳаммомлар, шифохоналар, ҳукмдор қурдирган кенг ва равон тужжорлар кўчасини айтмайсизми!

Унинг ҳукмдорлик пайтида Мовароуннаҳрда бошоқли экинлар майдони бениҳоя кенгайди, дашту далаларда ишончли назорат остига олинган суғориш иншоатлари бунёд этилди, пахта экиш ривожланди, ўлкада каноп ва зигир ўстириш йўлга қўйилди, Самарқанд атрофида қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди, Амударё устига кўприк қурилди.

Марказий Осиёдаги Ренессанс ўрта асрлар маданиятининг изчил давоми эди. Европаликлар

<sup>13</sup> Л.Каюннинг фикрича бу – харобалари ҳозир ҳам (китоб ёзиш пайтида – изоҳ бизники) кўриниб турган Самарқанддаги Масжиди Шоҳ ёки Ҳукмдорлар масжидидир. Исфаҳондаги худди шундай улкан масжидни, Қум ва Машҳаддаги мақбараларни ҳам Амир Темур бунёд эттирган.

эллинизм зарбаси ва қайта кашф этилган антик дунё нурларидан кўзлари қамашиб ўзларини мавҳумликка, эркин изланишларга ва исёнларга урган бир пайтда, XV асргача улардан қолишмаган осиеликлар ота-боболарининг йўлларини давом эттириб, мактабларга қатнардилар. Улар араблар томонидан бузилган Арасту илмини қайтадан кашф этдилар, Алмагестга қайтдилар, ватандошлари Абу Али ибн Синонинг асарларига шўнғидилар. Улар фикҳ, ҳуқуқшунослик ва но-тиқликни ривожлантиришга барча куч-ғайратларини ташладилар, Евклид, Птоломей, Галиан, Гиппократ асарларини қайта тикладилар.

Амир Темур даврида туркий тил зафар қучди. Гарчи унғача бу тилда Хўжа Аҳмад Яссавий ижод қилган бўлса-да, Темурдан сўнг энг машҳур диний ва дунёвий асарлар туркийда битиладиган бўлди. Уларнинг орасида “Мирҳожнома” (1442), “Бахтиёрнома” (1432) ва “Тазкират – ул – Авлиё” каби асарларини кўрсатиш мумкин.<sup>14</sup>


XV асрнинг мовароуннаҳрлик ва хуросонлик асосий адиблари орасида

“Тузикот”ининг қиёси йўқ Темурнинг ўзи ва набираси Халил (унинг форс тилидаги назаллари Мир Алишер томонидан сақланиб қолинган) дан сўнг тасаввуфга оид асарлар муаллифлари Саид Али Ҳамадоний (1384 йил оламдан ўтган) ва Хўжа Баҳоуддин (1388 йил оламдан ўтган), шоирлар Лутфулло Нишопурий, Камолиддин Хўжандий, Темурнинг ҳаёти ҳақида шеърый асар битган Аҳмад Кермоний, фикҳшунос, граммати-

<sup>14</sup> кавс ичида қўлёзмаларнинг Хиротда кўчирилган санаси кўрсатилган.  
– Леон Каюн изоҳи.

качи ва тавсифчи Тефзоний (1322-1381) ҳамда араб тилидаги энг йирик луғат муаллифи Жезарийни кўрсатиш лозим.

Амир Темурдан сўнг унинг ишларини авлодлари – тасвирий санъат шайдоси Шоҳруҳ, шоир Халил Султон, риёзиётчи Улуғбек ва юксак дидли солномачи Бобур давом эттирди. Бобур бобоси Темурнинг диди ва тафаккурини ўғли Ҳумоюнга ва машҳур набираси, файласуф Акбарга қолдирди.



# АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ

(Марказий Осиё) бўйлаб Ғарбий  
Сибир, Туркистон, Бухоро  
атрофлари, Амударё қирғоқлари,  
Хива ва Устюртга саёҳат



Франция халқ таълими вазирлигининг илмий экспедициялар бошлиғи, доктор Гийом Капюс 1880-1882 йилларда бошқа бир фан доктори Бувало билан бирга Фарбий Сибир ва Марказий Осиёга илмий сафарга келади. Олим сафар натижасида “АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ (Марказий Осиё) бўйлаб. Фарбий Сибир, Туркистон, Бухоро атрофлари, Амударё қирғоқлари, Хива ва Устюртга саёҳат” номли асарини битади. Биз қуйида мазкур китобнинг 1892 йилги нашридан фойдаландик.<sup>11</sup>

Самарқанд, шубҳасиз, бутун Марказий Осиёнинг энг қизиқарли, энг гўзал, энг дилбар ва энг яхши жойлашган шаҳри. Унинг бу хислатлари Амир Темур даврида қурилган қатор-қатор ҳашаматли ёдгорликлари, атрофидаги тоғлар ва денгиз сатҳидан анча баландда жойлашганлиги (710 метр), назаримда бошқа жойлардагидан бир мунча бахтли ва турфа миллатли маҳаллий аҳолиси, ҳамиша гавжум бозори туфайлидир... Ёдгорликларининг латофати мен Ҳиндистонда кўр-

<sup>1</sup> Bibliotheque de l'explorateur A travers le ROYAUME de TAMERLAN (Asie Centrale). voyage dans la Siberie occidentale, le Turkestan, la Boukharie, aux bords de l'Amou-Daria, a Khiva et dans l'OUST-YOURT par Guillaume Capus docteur es sciences, charge de missions scientifiques par le Ministere de l'Instruction publique. Illustre de 66 gravures par Paul Merwart d'apres les documents de l'auteur avec deux cartes, dont une coloriee (avec Bouvalot, en 1880-1882). – Paris: A.Hennuyer, imprimeur-editeur, 1892. (бундан кейинги мисоллар шунаншдан келтирилади ва саҳифалари қавс ичида берилди – Б.Э.).


ганларимдан юз чандон ортиқ, Агра шаҳридаги Тожмаҳал балки бундан истиснодир, зеро мен у ерда бўлган эмасман. Амир Темур саройида форс санъати гуллаб яшнаган. Бу санъат асосан диний мазмунга эга; у масжидлар, мадрасалар ва мақбараларда намоён бўлади. Айнан шу даврда (ўн тўртинчи аср) Европада ҳам готика услубида энг ҳашаматли ибодатхоналар барпо этилган. Амир Темур барпо этган ёдгорликларнинг готика архитектураси билан ўхшаш томонлари жуда кўп; улар бир манбадан озиқ олганга ўхшайди.<sup>11</sup>

Тиллақори, Улуғбек, Шердор – Самарқанд Регистонининг бу уч мўъжизаси, Темурнинг мақбараси Гўри Амир, оиласининг хилхонаси бўлмиш Шоҳи Зинда, зилзилалар натижасида дарз кетган устунлари ва қабртошлари тагида Улуғ Амирнинг севимли рафиқаси мангу уйқуга кетган Бибиҳоним мақбараси – архитектура ва безак санъатининг шу барча мўъжизалари бугун Париждаги Биби Мариям ибодатхонаси остонасидан атиги ўн олти кунлик масофада жойлашган, ўлкани тинч йўл билан қўлга киритган бошқа бир босқинчи – генерал Анненковнинг локомотиви эса мадрасаларнинг энгашган минораларини титратиб ўтади. (85).

Оқсарой Марказий Осиёнинг мўъжизаларидан биридир. Унинг айвонининг фақат икки

<sup>1</sup> Bibliotheque de l'explorateur. A travers le ROYAUME de TAMERLAN (Asie Centrale), voyage dans la Siberie occidentale, le Turkestan, la Boukharie, aux bords de l'Amou-Daria, a Khiva et dans l'OUST-YOURT par Guillome Capus docteur es sciences, charge de missions scientifiques par le Ministere de l'Instruction publique. Illustre de 66 gravures par Paul Merwart d'apres les documents de l'auteur avec deux cartes, dont une coloriee (avec Bouvalot, en 1880-1882). – Paris: A.Hennuyer, imprimeur-editeur, 1892. – P.84 (бундан кейинги мисоллар шу нашрдан келтирилади ва саҳифалари кавс ичида берилади – Б.Э.).

булаги сақланиб қолган. Бироқ бу харобалар шу қадар ажойиб ва уларда сақланиб қолган архитектуранинг излари шунчалар муъжизаворки, Оқсаройни ҳеч иккиланмай форс санъатининг маҳсули бўлмиш бошқа муъжизалардан – Шоҳи Зинда, Бибиҳоним ва Гўри Амирдан устун қўйиш мумкин. (231).



# АМИР ТЕМУР – ОСИЁ МУЗАФФАРИ



XX асрнинг 20-йиллари Фарбий Европада, хусусан Францияда, Амир Темур шахсига қизиқиш кучайганлигини қайд этиш лозим. Зотан айнан 1927 йили Париждаги Галлимар нашриёти яна бир француз муаррихининг Амир Темур ҳақидаги асарини чоп этди. Бу таниқли шарқшунос олим, Франция Миллий кутубхонаси нозирини Эммануэль Берлнинг “Европанинг тарихи: Атилладан Амир Темургача” деб номланган китобидир.<sup>11</sup> Китобда асосан Европа тарихи талқин қилинса-да, унда қитъа халқлари тақдирида муҳим, ҳатто ҳал қилувчи роль ўйнаган воқеаларга, шахсларга ҳам тўхталиб ўтилган. Асарнинг Соҳибқиронга бағишланган қисми “Осиё зафари” (*Le triomphe de l'Asie*) деб аталиб, ундан “Амир Темур” (*Tamerlan*) номли боб ҳам жой олган.

Буюк фотиҳлар одатда қудратли тўлқин гирдобига тушиб қоладилар. Тумур эса ўз тақдирини ўзи яратган. У нафақат Ислом тантанасини ифодалади, балки шу тантанани таъминлади ҳам. У ўз қуроолларини ўзи қуйди; у ўз шамширининг нафақат «ўғли», балки «отаси» ҳам эди.

Наполеон зафарлари француз инқилобининг тантанавор ёйилишидан иборат. У бажарган ишни ҳатто Сен-Жюст, Хош ва Моро ҳам амалга ошириши мумкин эди. Фақат у бу ишни биринчи бўлиб бошлади, холос. «Одам фақат одамлигича қолади, — деган эди унинг ўзи ҳам. — Агар мен

<sup>1</sup> Berl Emmanuel. Histoire de l'Europe: d'Atilla a Tamerlan. — Paris: Gallimard, 1927.

бўлмаганимда ҳам барибир французлар дунёни эгаллашган бўларди.<sup>11</sup>

Рим қучган зафарлар бирон бир саркарданинг эмас, аввало Римнинг хизматидир. Улардан энг ёрқини Цезар ҳам фақатгина Галлияни эгаллаган, бу ҳам бўлса рақибига нисбатан яққол кучли қуролга эга бўлганлиги сабабли.

Буюк Александрнинг зафарларига эллинизм таъсирига берилган мамлакатларнинг ўзлари йўл очиб беришган.

Чингизхоннинг ғалабаларини тушуниш янада осон. Турк олами бирлашишга интиларди; Чингизхон уни бирлаштирди. Унинг отлари ва суворийлари Осиёда тенгсиз эди.

Темур зафарларининг сабаби эса ниҳоятда қоронғу. Биз унинг ҳарбий устунлигининг техникавий сабабларини билмаймиз; эҳтимол уларнинг сабаблари ёлғиз ўзининг даҳосидадир? Чингизхоннинг ғалабалари табиийдек, қонунийдек кўринадди. Унга ҳеч ким қарши тура олмаган. Унинг жангларининг натижаларига ҳеч қачон шубҳа бўлмаган. Темурнинг зафарлари, аксинча, доимо гумон остида бўлган. Уларнинг тақдири сўнги дақиқалардагина ҳал бўлган: Тўхтамишни у зўр тактик маҳорат ила енгган, ўзининг эътирофига кўра Анқара жангини ҳам аранг ютган ва ҳатто жанг ўртасида уни ютқазиб қўйдим, деб ҳам ўйлаган. Қирқ йил мобайнида улкан салтанатлар ва турли-туман рақиблар устидан қозонилган беҳисоб ғалабаларнинг албатта муҳим бир сабаби

<sup>1</sup> Berl Emmanuel. Histoire de l'Europe: d'Atilla a Tamerlan. – Paris: Galimard, 1927. – P.293. (Европанинг тарихи: Атилладан Амир Темургача. Асарнинг Соҳибкиронга бағишланган қисми “Осиё зафари” (Le triomphe de l'Asie) деб аталиб, ундан “Амир Темур” (Tamerlan) номли боб ҳам жой олган. Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан келтирилади ва саҳифалари кавс ичида берилади – Б.Э.).

бўлиши керак, деб ҳисоблайдилару бироқ бу сабабни ҳеч ким билмайди, ҳеч ким топа олмайди. Тахминларга қараганда, тарихда илк бор артилерияни қўллаган саркарда ҳам Темурдир, бироқ XIV аср охирида замбараклар ҳал қилувчи омил бўлганлиги ҳақиқатдан йироқдек туюлади. Аммо, билимларимизнинг ҳозирги даражасида Темур қучган зафарларни Темурнинг хизмати, десак тўғри қилган бўламиз. Темур ҳақида гап кетганда Берлиознинг насиҳатига қулоқ солиш ва «заковат тарафида бўлиш»га тўғри келади. (293)

Темур кишини ром этувчи барча хислатларга эга эди; Тициан тасвирлаган қирол Франсуа I га ўхшаш жуда кўркам, мерган овчи, шахмат ўйинининг устаси, қиличбозликда моҳир, ажойиб чавандоз эди. У ниҳоятда хушсўз бўлиб, тафаккури кенг, санъатнинг барча турларига қизиқарди. У мусулмон эди, мусулмон бўлганида ҳам чин мусулмон эди. Назаримизда, мана шу омил унинг тақдирида муҳим ўрин тутган кўринади. Бошқа фотиҳларни руҳонийлар қўллаб-қувватлагани каби балки унга ҳам муллалар мадад беришгандир? Эҳтимол, у ҳам Осиёда беҳисоб бўлган ва ўзининг тақдирида муҳим роль ўйнаган тариқатлардан бирига аъзо бўлгандир? Нима бўлганида ҳам у тез орада Мовароуннаҳр амирининг қизига уйланди.. (295)

Доно сиёсат юритгани, шахсий ҳурмати ва жанговар ютуқлари туфайли унинг атрофига дин пешволари ва катта ер эгалари йиғилдилар. У шарият ақидаларига биноан иш юритди; динга шак келтирганларни қаттиқ жазолади, муллаларга ерни абадий фойдаланишга топширди. Шу билан бирга у мўғул ёлланма жангчилари учун алоҳида шароит яратди: ҳамма учун баро-

бар бўлган қонун уларга тааллуқли эмасди, улар «аскарлар судьяси» бўлмиш Қозининг тасарруфида эдилар. Темур сиёсат борасида ҳам, табиатан ҳам олижаноб инсон эди. У очиққўллиги ва мардлиги туфайли барча йирик мулк эгаларининг ҳурматини қозонди. Темур улардан марҳаматини аямаса-да, уларга ишонмасди ҳам. Шу сабабли бу мулкдорларнинг ҳар бирининг ёнига зарур бўлганида уларнинг ўрнини боса оладиган ўзининг ишончли одамларини қўйди.

Кўп ўтмай Темур ўзи қуйган жаговар қуролни амалда синаб кўрди. У Мовароуннаҳр сарҳадларини мустаҳкамлаш ва уларни мўғулларнинг доимий ҳужумларидан сақлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу деярли телба орзу эди, зеро Темур амалга оширмақчи бўлган ишга на Ҳусрав ва на Кайковус журъат қилган бўларди. Бу ўлкада зафар йигирма асрдан бери ўзгармасдан — бамисоли Луара ва Гаронна дарёларнинг доимий оқимидай — фақат шарқдан ғарбга оқарди. Эрон қаршисида бироз ожиз, бироқ нозик қалб эгалари бўлмиш мовароуннаҳрликлар илгари ҳеч қачон ниҳоятда қўпол ва урушқоқ дашт мўғулларининг юришларини тўхтатиша олмаган: бирлари фақат жангни хоҳлашса, иккинчилари ўз фаровонликларини ўйлашар, ҳаёт қувончларидан, санъатдан баҳра олишарди.

Темур дарёнинг минг йиллик оқимини ортга қайтарди. 1370 йилдан 1376 йилгача, беш йил ичида мовароуннаҳрликлар унинг раҳбарлиги остида мўғуллар устига беш марта юриш қилишди. Темур заковатининг қудратини Тарихнинг мана шундай ўзгартириб юборилишидан ҳам билса бўлади.

Унинг заковати нақадар қудратли бўлмасин, шундай мушкул вазифани амалга оширганига сира ақл бовар қилмайди. (296).

Темурнинг ундан кейинги зафарлари биз гарбликларнинг тасаввуримизга сиғмайди. Бу зафарлар дунё тақдирида муҳим ўрин тутуди; шундай бўлиши ҳам табиий, зеро у ўзининг ярми эронийлардан иборат қўшини билан Чингизхон ва Само ўғлони фарзандлари ва дўстларини маҳв этди, беш асрлардан бери ҳеч ким қарши туролмаган турклар, салжуқийларни тоғу тошларга қочиб, фақирона кун кўришга мажбур қилди. Унинг шиддатли бу зафарларидан энг аввало Ислом дини фойда кўрганлигини ҳисобга олсак, уларнинг сабаби Темур билан муллалар ўртасидаги иттифоқда бўлса керак, деган ўйга боради киши. Балки янги қуроолларни, кучли порохларни, зирх ўтмас совутларни чиндан ҳам муллалар кашф этишгандир? Эҳтимол бешинчи колоннани (айфоқчилар – Б.Э.) ҳам муллалар ўйлаб топишгандир? Балки чиндан ҳам башоратчилар, хожи-лар, дарвешлар *Kerai*слар ва туркманлар орасига кириб олиб, Мовароуннаҳр қўшинларининг ҳужумларини қўллаб-қувватлашгандир?

Балки Темурга мўғулларнинг жанговар хислатлари сусайгани қўл келгандир? Зеро айнан шу даврда хитойликлар ва манчжурлар мўғулларни ҳайдаб чиқаришган ва айнан 1370 йилги Хитой инқилоби мўғул сулоласини тахтдан қулатган эди.

Бироқ шу нарса аниқ ва равшан эдики, мамлакатнинг шарқий сарҳадларидаги мўғулларни маҳв этган Темур ўз ишининг энг қийин қисмини амалга оширди. Шундан кейин унинг қудрати ва шуҳрати тобора орта борди. (297)

У дастлаб Эронни забт этди. Эронликлар мутлақо қаршилик кўрсатмадилар. Фақат Темур у ердан йироқлашиб, афғон чегараларида жанг олиб бораётган пайтдагина Эрон исён кўтарди. Темурнинг фикрича, бир ўлкани икки марта забт этиш учун умр қисқалик қиларди. Исёнкорларга қақшатқич зарба берилди. Шунга қарамай Улуғ амир Шерозда шоир Ҳофизни ўлимдан сақлаб қолди. Шоир Ҳофизми, муаррих Ибн Халдунми, ким бўлмасин Амир Темур улар билан учрашганда ақл-заковатларига таҳсинлар ўқишни канда қилмаган.

У Самарқандни ер юзининг энг ҳашаматли шаҳрига айлантирди... Бинолардан бири шундай тиниқ мрамрдан бунёд этилдики, қуёш нурлари мрамрлардан ўтиб, бинонинг ичкарасига ҳам кирарди. (299)

Шубҳасиз, Темурнинг қурол-яроғи кўп эди. Хусусан, унда замбараклар бўлиб, Боязид улардан асло фойдаланган ҳам эмасди. Темур Ҳиндистондан келтирган филлар устидаги аскарлар Боязид жангчилари устига алангаланган суюқлик тўкишарди. Яничарларнинг жасорати фойда бермади.

Темур буюк фотиҳларга камдан-кам насиб этадиган қувончга эришди: у шуҳрати ўзиникидан қолишмайдиган рақибини мағлуб этганди. Унинг бу ғалабасини Наполеоннинг Улуғ Фредрик устидан қучган зафарига таққослаш мумкин. Темур етмиш ёшдан ошган бўлиб, дунёда унга тенг келадиган куч йўқ эди. Йиллар ва мажруҳлик ўз таъсирини кўрсатар, бироқ у тин олиш ҳақида ўйламасди ҳам. У Самарқандга қайтиб янги сафар ҳозирлигини кўрди, Хитойга юришга шайланди.

Темур икки юз мингдан ортиқроқ қўшин билан Сирдарёдан ўтди ва 1405 йил 18 февралигача – ўлим тўхтатиб қолмагунича – олға юраверди. Ўлимидан бир кун олдин ҳам у ўз вазирларини чақириб, мажлис ўтказди.

«– Мен сизларни сўнгги бор қабул қилишим, – деди уларга. – Мен ўлгач, фарёд солмасликларингизни сўрайман; кўз ёш билан ҳеч ким ўлимни қайтара олмаган».

Темурнинг иродаси аскарларининг юрагига шу қадар қўрқув солган ва чеҳраси уларнинг чексиз ҳурматини қозонган эдики, улар ҳатто унинг руҳи танасини тарк этганидан кейин ҳам юзига қарашга ботина олишмади. Самарқандга олиб кетилаётган ҳукмдор жасади солинган тобутга қиё боқишга ҳеч ким журъат эта олмади. Соҳибқироннинг ўзи бунёд этдирган ажойиб хилхонага ўзининг жасади қўйилди. (301)

Темурнинг ўлими билан дунё барча минтақаларда ўз имкониятларидан ажралди. Анқара жанги насроний Фарбнинг ниҳоятда заифлигини исботлади. Тарихда биринчи марта Европанинг тақдири Европадан ташқарида икки бегона киши ўртасидаги курашда ҳал бўлди. Боязид билан Темур ўртасидаги буюк фожеага насронийлик заиф тамошабин сифатида қатнашди. Бу жангда Балқонга ким ҳукмронлик қилиши, Константинополнинг қисмати ҳал бўларди. Бир мусулмон иккинчи бир мусулмонга қарши чиққанди, насронийлик эса дунёга ҳукмронлик қилишга интилаётган икки фотиҳдан қайси бирини танлашни билмасди.

Бу сиёсий инқирозга маданий инқироз уланди. Салиб юришлари тўхтади, олий даражадаги насроний йиғинлар барҳам топди. Фарб Авиньон

билан Рим ўртасида ким ҳақиқий ва ким қалбаки Папа эканлигини қидириб ҳолдан тойди.

Унинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси Чингизхон ёрқин ифодаси бўлмиш тарихан анъанага айланган Шарқнинг Ғарбга томон зафарли юришларига барҳам берди. Темур ўтроқ халқлар кўчманчилар томонидан доимо ҳам енгилавермаслигини намойиш этди. У «Қуръон» тарбиялаган аскарлар «Ясоқ»дан таълим олган жангчиларни енга олишини исботлади.

Унинг зарбасидан Туркия бошқа қайтиб оёққа турмади, Йэлу Таше, Чингизхон ва Само ўғлонининг буюк орзулари чиппакка чиқди. Оламини турк-мўғул ҳукмронлигига бўйсиндириш ҳам тарихдаги шундай рўёбга чиқмас орзулардан бири бўлиб қолди.


Темур бошлаган катта саргузаштдан энг аввало Туроннинг ўзи зарар кўрди. Темурдан сўнг Туроннинг парчаланиши тезлашди. Мўғул империясининг Ғарбий Осиё билан алоқалари деярли узилди. Хитой ўз деворлари ичига беркиниб олди. Олтин Ўрдадан халос этилган славянлар туркларга қарши рус империясини тузишди. Анқара жанги натижасида усмонлилар империяси ўзининг туроний бешигидан бутунлай йироқлашди. Унинг осиевий табиати тобора сўниб, Ғарб томон эшик оча борди.

Мўғулларнинг қудрати синиб, Темур буюк саҳроий хоқонлар туркумига хотима ясади. Ҳақиқий Осиё империясини қайта тиклашга Бобурнинг ҳам кучи етмади ва у Ҳиндистонга йўл олди. Шундан сўнг ҳамма нарса барбод бўлди: готик Ғарбнинг овози ўчди, мусулмон тасаввуфию мўғулларнинг ҳарбий салоҳияти йўқолди. Ҳеч нарса қолмади; Амир Темурдек қудратли шахс оламдан ўтгач,

бу ўлик дунёда билинар-билинмас нафас олаётган Хитойдан ўзга ҳеч нима қолмади. (303)

Ўз тарихининг яна бир қора кунларини бошидан кечираётган Европа эса Осиёнинг чекка бир ўлкасини эслатарди. Бамисоли у Муҳаммад пайгамбар дунёга келишидан илгариги офир замонларга қайтган эди. Европа Рим империясининг чириб бораётган пайтидаги ҳолатига тушиб қолганди. Черковлар нураб, қулай бошлади. Меъморчилик инқирозга учради, маданият миллатлар ва оддий инсонлар қатори йўқола борди. Ибн Халдун «Чириб бораётган дунё ўзига янги ҳаёт бағишловчи илоҳий бир ишорани кутмоқда», деганида минг бор ҳақли эди. (304)

Амир Темурнинг заковати нақадар қудратли бўлмасин, шундай мушкул вазифани амалга оширганига сира ақл бовар қилмайди. (296)



Рене Груссе

# АМИР ТЕМУР ВА ТЎХТАМИШ



Таниқли шарқшунос олим, Гернучи музейи нозири Рене Груссе Амир Темур ҳақида алоҳида китоб битмаган бўлса-да, ўзининг қатор асарларида, жумладан, “Осиё тарихи” ва “Даштлар салтанати: Атилла, Чигизхон, Амир Темур” китобларида<sup>11</sup> Мовароуннаҳр тарихи, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига, Шоҳруҳ, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва Бобур каби Темурийларга катта ва кичик бўлимлар ажратган. Муаррихнинг “Даштлар салтанати: Атилла, Чингизхон, Амир Темур” китобининг II бобида Мовароуннаҳр тарихи, ўлка халқларининг чингизийларга қарши мустақиллик учун кураши ва Амир Темур салтанати ҳақида ҳикоя қилинади.<sup>23</sup> Бобнинг каттагина қисми Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатларга бағишланган.

Амир Темур нафақат Эроннинг, балки Эрон каби парчаланиб, пруссияликлару литваликларнинг доимий таҳдиди остида яшаган Россиянинг бирлашишига имкон яратди. У европаликларга қуруқликдан Эрон орқали Хитой ва Ҳиндистонга йўл очиб берди, Боғдод халқаро бозорини Таурисга кўчирди ва бу билан кўҳна дунё иқтисодий шароитларини тубдан ўзгартирди.<sup>31</sup>

<sup>1</sup> Grousset Rene. Histoire de l'Asie, en 3 volumes, v. III. – Paris, 1922; Grousset Rene. L'Empire des steppes: Attila, Gengis-Khan, Tamerlan. (4<sup>e</sup> edition). – Paris: Payot, le Regard de l'Histoire, 1949.

<sup>2</sup> Grousset Rene. L'Empire des steppes: Attila, Gengis-Khan, Tamerlan. (4<sup>e</sup> edition). – Paris: Payot, le Regard de l'Histoire, 1949. – P. 486-534. (бундан кейинги мисоллар шу нашрдан келтирилади ва саҳифалари кавс ичида берилади – Б.Э.).

<sup>3</sup> Grousset R. Histoire de l'Asie, en 3 volumes, v. III. – Paris, 1922. – P.137.

Амир Темурнинг характери Туғлуқ Темур ва Илёс хўжага қарши курашларда тобланди. Унинг мардлиги, жасоратига сўз йўқ эди. Ҳеч иккиланмай жангга кириб кетадиган Амир Темур керак бўлса сабр-қаноатли бўлиш, қулай имкониятни кутишни ўрганди. Кеш соҳиби Амир Темур ва Балх ерлари эгаси амир Ҳусайн дастлаб мўғулларга қарши бирга кураш олиб боришди. Мовароуннаҳр мўғуллардан озод этилгач, бу иккиси ўртасида ягона тахт учун кураш бошланди.

Бундан кейинги воқеалар шарқона мунофиқлик комедиясига ўхшаб кетади: дўстлик, биродарлик изҳор этилади, ярашишиб қучоқлашишлар бўлади, “Қуръон”дан суралар ўқилади, сўнг хоинлик, бир-бирларига тузоқ қўйиш ва, охири, туркларча гўрга тиқиш.

Темур шахсида узоқ муддатга мўлжалланган макиавеллизм мужассамлашган эди. Уни Фуше<sup>1</sup>дек қалбга эга Наполеонга, Атилладан туғилган Филипп II<sup>2</sup> га ўхшатиш мумкин. Эскуриал хўжасидек “беҳуда шодлик душмани, жиддий ва сержаҳл”, у каби тақводор, бироқ қизиққон аскар, тажрибали ҳамда ҳушёр саркарда, шу билан бирга адабиёт ва санъат ҳомийси, Ҳофиз Шерозий каби форс шеърияти шайдоси – Балхни қўлга киритиб, Марказий Осиёнинг ҳукмдорига айланган одамнинг қиёфаси шундай эди.

Амир Темур Тўхтамишдек чингизий шаҳзодага доимо меҳрибонлик қилган, қўллаб-қув-

<sup>1</sup> Жозеф Фуше (1759-1820) – Франция давлат ва сиёсат арбоби, 1789-94 йиллардаги буржуа-демократик инқилоби раҳбарларидан бири, сўнг Наполеон даврида ички ишлар вазири, Франциянинг Германиядаги элчиси бўлган. (Б.Э.)

<sup>2</sup> Филипп II (1527-1598) – Испания қироли (1556-1598), бунёдкорлиги билан машҳур. У, жумладан, Мадрид вилоятида жойлашган Эскуриал деган масканда ажойиб қаср ва монастр барпо эттирган. (Б.Э.)

ватлаган, ёрдам берган, ҳатто Оқ Ўрда тахтига ҳам Тўхтамишхон Амир Темурнинг ёрдами билан ўтирган. Оқ Ўрданинг ўзидан олдинги хони Урусхондан қочган Тўхтамиш Самарқандга келиб Амир Темурдан ёрдам сўраган эди. Соҳибқирон унга Ўтрор, Саброн ва Сигнақ вилоятларини берган, 1377-1378 йил қишида Тўхтамишни Урусхоннинг ўғиллари Тўхта Қия ва Темур Маликка қарши курашида қўллаган эди. 1378 йил бошида Оқ Ўрда тахтини қўлга киритган ва шу пайтгача Амир Темурнинг “тирноғига ҳам арзимаган” Тўхтамишнинг иштаҳаси очилиб кетди. Урал дарёсининг ғарбида жойлашган Олтин Ўрда бошидан кечираётган қийинчиликлардан фойдаланган Тўхтамиш ўзини салтанат асосчиси Жўчининг авлодидан эканлигини рўкач қилиб, тахтга даъвогарлик қила бошлади. У Оқ Ўрда қўшинларини бир неча маротаба русларга қарши жанг олиб бораётган Қипчоқ хонлиги аскарлари устига йўллади.

Бартольднинг фикрича, Тўхтамиш 1378 йил баҳорда Ўрусиянинг муғуллар эгаллаган ўлкаларини забт этишга отланди. Орадан икки йил ўтиб, у Куликовода Димитрий Донскойдан олган мағлубиятидан ўнганмаган Мамайга қарши қўшин тортди. Азов денгизи яқинидаги Калка дарёси бўйида, ундан бир юз эллик саккиз йил олдин Субутой ғалабага эришган жойда, Тўхтамиш Мамайни енгди ва Олтин Ўрда тахтига ўтирди. Мамай эса Қримга қочди ва у ерда генуялик ва венецияликлар томонидан хоинларча ўлдирилди. (485)

Сирдарёдан Днестргача бўлган бепоён бир ҳудуднинг якка ҳокими бўлган Тўхтамиш ўз аждоди Чингизхоннинг муносиб ворисига айланганли-

гига ишонч ҳосил қилди ва рус князликларидан анъанавий ўлпонларни тўлашларини талаб қилди. Куликово жангидаги зафардан руҳланган князлар унинг бу талабини рад этдилар. Тўхтамиш қудратли бир мўғул қўшинига бошчилик қилиб, уларнинг қаршилигини синдирди, Суздаль, Владимир, Орёл, Можайск каби йирик рус шаҳарларини бешафқат вайрон этиб, 1382 йил 13 августда Москванинг кулини кўкка совурди. Русларга ёрдамга келган литваликлар эса Полтава яқинида қақшатқич зарбага учрадилар. Насора Россия яна бир асрга мўғул истибдоди остида қолиб кетди. (485)

Тўхтамиш кутилмаганда Қипчоқ хонлигининг қудратини тиклаган эди, Олтин ва Оқ Ўрдаларнинг бирлашиши, Московиянинг забт этилиши уни янги Ботухон ва янги Беркахон қилиб қўйганди. Бу тикланишнинг яна бир аҳамияти шундан иборат эдики, чингизийлар бу пайтда Хитойдан ҳайдалган, Эрондан кетган, Туркистонда хўрланган эди. Бир пайтлар оламга машҳур бўлган оиладан фақатгина Тўхтамиш омон қолганди. У мўғулларнинг илгариги қудратини тиклашни хоҳлар, бу ишга уни гўё буюк бобоси Чингизхон чорлаётгандек эди.

Зафарлар Тўхтамишнинг бошини айлантириб қўйган эди. Энг аслзода чингизий бўлмиш унинг олдида келиб чиқишининг тайини йўқ, бирор ҳуқуқий мансабни эгалламаган бу турк ким бўпти? Қолаверса, чингизийларнинг азалий ҳақи-ҳуқуқи энди шимоли-ғарбий ўрдаларга, даштлардаги ҳисобсиз саҳройиларга таянар эди. Шимолдаги барча кўчманчиларга бошчилик қилаётган Тўхтамиш учун Мовароуннаҳр ва Эрон ҳукмдори Амир Темур оддийгина бир тожик эди,

холос. Мўғул сифатида унинг бу туркка, кўчманчи сифатида шу ўтроқ кимсага нафрати чексиз эди... У нонкўрлик қилиб катта хатога йўл қўйган бўлса, Амир Темурнинг қудратини тўғри баҳолай олмай мудҳиш хатога йўл қўяётган эди. (515-516)

Шу истак тинчлик бермаган Тўхтамиш ишни Мовароуннаҳр ва Эронни забт этишдан бошлашга аҳд қилди. Бундан йигирма йил олдин, бу икки ўлкада ҳукм сурган бошбошдоқликлар пайтида Тўхтамиш, эҳтимол, ниятига етган бўларди. Бироқ бир неча йиллардан бери Мовароуннаҳр ва Эрон бир пайтлар Тўхтамишга ҳам мадад қўлини чўзиб, энди биринчи даражали шахс бўлиб қолган Амир Темурнинг амлокига айланган эди. Улар ўртасида 1387 йил бошланиб 1398 йилгача давом этган муҳораба даштлар салтанати эски мўғул сулоласига ўтиши ёки янги турк ҳукмдорининг қўлида қолишини ҳал қилиши лозим эди. (486).

1387 йил баҳорида, Амир Темур Қорабоғда эканлигида Тўхтамиш

Дербент довонидан ўтиб унга қарши юриш бошлади. Амир Темур тажрибали ғанимига қарши ўз қўшинининг кичик бир ҳировулини йўллади. Ҳировул дарё кечувида мўғуллар билан мардона курашди. Шу кичик гуруҳга қарши жанг қилиш билан овора бўлган Тўхтамиш кутилмаганда Мироншоҳ бошчилигида ёрдамга етиб келган суворийлар туманларини пайқамай қолди. Саноқсиз асирлар қолдирган Тўхтамиш Кавказ ортига чекинди.

Амир Темур мурувват кўрсатиб, банди қилинган мўғул аскарларига қурол-яроғларини қайтарди, уларни озиқ-овқат билан таъминлаб ўз юртларига қайтариб юборди. Асирликдан қайт-

ганлар Тўхтамишга Амир Темурнинг мактубини келтирдилар. Мактубда Амир Темур Тўхтамиш-ни ўз ўғлидек кўришини таъкидлаган, орадаги гина-кудуратларни унутиб, яна дўст бўлиб қолишни таклиф этган эди. Тўхтамиш Амир Темурнинг таклифига жавоб бермади, унинг мактуби Дербентдан шармандаларча қочган Тўхтамишнинг нафсониятига тегди. (517)

Амир Темурнинг Эрондалигидан фойдаланган Тўхтамиш Мовароуннаҳрга ҳужум қилди. 1387 йил охирлаб қолганида унинг лашкарлари Сигнақ яқинида Сирдарёдан ўтиб, Сабронни эгаллади. Уларни Ўтрор атрофида тўхтатиб туришга юборилган Умаршайхнинг ғанимга асир тушишига бир баҳя қолди: мовароуннаҳрликлар Андижонга чекинишди. Мўғуллар бутун мамлакатни вайрон қилдилар, Бухорони қамалга олиб Қаршига ва, ҳатто, Амударё қирғоқларига ҳужум қилдилар. 1388 йил феввалида Амир Темур зудлик билан ортга қайтишга мажбур бўлди. У келиши билан Тўхтамиш жуфтакни ростлади ва кўп ўтмай Оқ Ўрда дашту биёбонлари ичра йўқолди.

Бироқ Тўхтамиш 1388 йил охирида Қипчоқда қудратли қўшин тўплаб яна Мовароуннаҳрга ҳужум қилди.<sup>110</sup> Бу сафар у ҳужумни шарқдан, Фарғона водийсидаги Хўжанд атрофидан бошлади. Қалин қор ва қаттиқ совуқ бўлишига қарамай Амир Темур унга кичик бир қўшин билан қарши чиқди ва кўп сонли ғаним лашкарларини Сирдарёнинг шимолий қирғоғига итқитиб ташлади. Мўғуллар чўлу даштлар ичра ғойиб бўлдилар.

Салтанат қутқарилган бўлса-да, сўнгги ҳужум қаттиқ огоҳлантириш эди. Амир Темур ҳали

<sup>1</sup> “Зафарнома”да Тўхтамиш лашкарлари сафида московиялик руслар ҳам бўлганлиги қайд этилади. (Б.Э.)

кеч бўлмасидан Олтин Ўрдани яксон этиш керак, деган қарорга келди. Душманни ўз уясида, Ўрда-нинг ўзида янчиб ташлаш лозим эди. Шу сабаб-ли Амир Темур 1391 йил январида Тошкентдан Дашти Қипчоқ томон юриш бошлади.

Қўшин Оқ Ўрда даштларида, Сари-сув воҳа-сида, Улуғтоғ яқинларида ганим изларини қидир-ди. Бу орада қўшиннинг озиқ-овқат заҳиралари тугаб қолди, ов қилиб емак топишга киришди-лар. Шу алфозда мовароуннаҳрликлар Жилан-шиқ (Пети де ла Круа таржимасида – Иланжук), сўнг Қора Тўрғай (Ҳорвортнинг фикрича – “За-фарнома”даги Атоқабриғўй, Пети де ла Круада – Анакаргу) дарёсидан кечиб ўтдилар. Тошкентдан чиққанидан бери қўшин ганим изларини қиди-рар эди. Лашкарларни очликдан асраш учун “ул-кан ов ҳалқаси” уюштирилди (1391 йил 6-7 май кунлари), сўнг қўшиннинг руҳини кўтариш учун Амир Темур Самарқанддаги майдонда ўтказила-дигандек тантанали ва улуғвор ҳарбий кўрик ўт-казди. “Амир Темур бошига жавоҳир тошлар би-лан безатилган тилла тожини кийиб, учида ҳўкиз боши тасвирланган салтанатнинг тилла ҳассаси-ни қўлида тутганича шоҳона либосда от минган эди.” – дейилади “Зафарнома”да. Амир дўмбира-ларининг тантанавор садолари остида туғларини кўтариб виқор ила саф тортиб турган бўлинма-лар қаршисидан оҳиста юриб ўтди. Кўрик тасви-ри Соҳибқирон юришларининг хотирамда қолган энг жозибали саҳифаларидир. (518-519).

Амир Темур билан Тўхтамиш лашкарлари 1391 йил 18 июнда Қундузча (ҳозирги номи Кон-дурча – Б.Э.) шаҳри яқинида тўқнаш келдилар. Муҳораба шафқатсиз бўлди: мўғул қўмондони суворийларга таянган бўлса, Соҳибқирон яқин

масофада жанг қилишга уста бўлган аскарларига таянди. Мовароуннаҳрликлар мўғулларнинг марказини ёриб кирдилар, Тўхтамишнинг энг сара суворийлари ҳатто жангга киролмай қолди. Тўхтамиш фалокатни сезиб турарди. У ўзининг бир қанотидан айрилган қўшинини йиғиб, рақибига сўнгги зарбани беришга шайланди. Бироқ энди кеч бўлган эди: даҳшатда қолган Тўхтамиш лашкари тор-мор этилганини унсиз кузатар. Бироқ қўлидан ҳеч нарса келмасди. У яна даштга қочиб кетди. Амир Темур Қипчоқ ерларини Тўхтамишнинг рақиблари бўлмиш бир неча чингизий шаҳзодаларга бўлиб берди.

Амир Темур жанг натижасидан қониқиш ҳосил қилди, зеро энди мўғуллар унинг салтанати сарҳадларига ҳужум қилиши мушкул эди. Бироқ “ғалабадан сўнг Амир Темур бир оз бепарволикка йўл қўйди. Натижада, Тўхтамиш тез орада яна ўз тахтига ўтирди. Тўхтамиш 1393 йил 20 майда Тана (Азов)дан Польша қироли Ягелонга йўллаган мактубида (бу мактубни Бартольд ўрганган) мағлубиятининг сабабини қуйидагича тусунтиради: “Амир Темурни менинг рақибларим ёрдамга чақирган; бундан мен кеч хабар топдим; муҳораба бошида иттифоқдошларим мен тарк айлади; шундай қилиб салтанатимда тартибсизликлар бошланди; энди эса ҳаммаси жойига тушди. Ягелон талаб қилинган ўлпонни тўлашда давом этиши лозим. (521).

Тўхтамиш Амир Темурга қарши курашиш учун Миср мамлуклари султони Барқуқ билан иттифоқ тузди (1394-1395). 1394 йил у етарлича куч тўплаб Амир Темурга Дербент жанубида, Ширвонда ҳужум қилишга шайланди. Бироқ

Соҳибқирон қўшинлари яқинлашаётганини эшитиб, жуфтақни ростлаб қолди.

Бу янги тажоввудан сўнг Амир Темур 1395 йил баҳорида Қипчоқ устига иккинчи юришини бошлади. У 1395 йил 15 апрелда Дербентдан ўтиб, Терек дарёси бўйида Тўхтамиш устига қўшин тортди. Бу жангда Амир Темур оддий аскардек олишди, камони ўқлари тугаб қолган бўлса-да, шамширини қўлдан туширмади. Бу сафар ҳам енгилган Тўхтамиш сичқоннинг инини минг танга қилди.

Шундан сўнг Амир Темур шимолга йўл олди, Дон дарёсининг юқори қисмида, Қипчоқ хонлиги билан славянлар ўртасида жойлашган Елец шаҳрига етиб борди. Шарафиддин Али Яздий таъкидлаганидан фарқли ўлароқ, Амир Темур Москвага кирмади. 1395 йил 26 августдан Елецдан жанубга йўл солди. Тана шаҳрига келди, у ерда жойлашган генуяликлар ва венецияликларнинг жазосини берди, у ердан Аштархон ва Саройга ҳужум қилди. Амир Темур 1396 йил баҳорда Дербент орқали Эронга кирди.

Тўхтамиш эса яна олтин Ўрда тахтига ўтирди. Бартольднинг гувоҳлик беришича, Ибн Хожар Асқалоний ёзиб қолдирган маълумотларга қараганда Тўхтамиш 1396 йил сентябридан 1397 йил октябригача Қримдаги генуяликлар ва венецияликларга қарши курашиб юрган экан.

Қипчоқда Темур Қутлуғ ва Идику Тўхтамишга қарши бош кўтардилар, Тўхтамиш тахтдан кетди. У Литва шаҳзодаси Витовт ҳузурида бошпана топди. Витовт унинг ёнини олиб жангга кирди, бироқ 1399 йил 13 августда Днепернинг ирмоғи бўлмиш Ворскла дарёси бўйидаги жангдан Темур Қутлуғдан енгилди.


Дарбадар кун кечиришга мажбур бўлган Тўхтамиш Амир Темурдан авф сўраш йўлларини қидирди ва Соҳибқиронга элчилар йўллади. Элчиларни 1405 йил Ўтрорда қабул қилган Амир Темур азалий рақибини авф этишга ва тахтини қайтаришга чоғланган кўринади. Бироқ бунга ўлим ҳалақит берди.

Қипчоқ хонлиги тахтида Темур Қутлуғга укаси Шодибек ворислик қилди (1400-1407). Рус манбаларининг маълум қилишича, Сибирда қочиб юрган Тўхтамишни айнан Шодибек лашкарлари 1406 йил Тюменда қўлга тушириб, ўлдирганлар. (523)

Амир Темурнинг Мовароуннаҳри фақат сиртдан қаралганда жуғрофий марказга ўхшайди, бу билан мен у динамик марказ бўлмаган демоқчман. XIV аср охирида у фақат тасодиф туфайлигина антициклонлар марказига айланди. Осиё тарихида икки хил кучли марказлар бўлган: бири чеккалардаги қадимий ўтроқ тамаддунлар — Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва ҳакозо; улар ўзга халқларни қурол кучи билан эмас, жозибалари билан ўзларига тортганлар. Қитъа ичкарасидаги ёввойи кўчманчи марказ эса ўзгаларни куч билан ўзига тортган, зеро улар оч эдилар, оч бўри эса уй ҳайвонини нима қилиб бўлса ҳам ўз домига тартади. Бироқ Амир Темур барпо этган Мовароуннаҳр салтанати бу сифатларнинг бирига ҳам жавоб бермасди. Бу салтанат бир неча йил давомида кўҳна дунёни оёқ-остун қилиб юборгани эса Амир Темурнинг тенгсиз шахсий хислатлари билан боғлиқ, зеро Темур исмининг туркча этимологияси “темир одам” деган маънони беради. (495-496).

Амир Темур лашкарлари Сибирнинг қақшатқич совуқларига, Ҳиндистоннинг ақл оздирар иссиқларига мардона чидаганлар. Фарбда на Эрон хонликлари уларни тўхтатиб қололди, на инқирозга учраган Олтин Ўрда уларнинг шимол-фарбга юришларига тўсқин бўлолди, на вайрон бўлган “Мўғулистон” уларни Гоби чўлидан қайтарди ва на Деҳли султонлиги уларни Ҳинд дарёси қирғоқларида ушлаб қололди. (496)

Чингизхон оламдан ўтганидан кейин ҳам чингизий салтанат ўртаҳол давлатларга бўлиниб кетган бўлса-да, мавжуд эди. Амир Темурнинг салтанати эса Шоҳруҳ, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур каби иқтидорли, ҳатто доҳийсифат таянчлари бўлишига қарамай бир зумда парчаланиб кетди. Ундан Соҳибқироннинг она юрти Мовароуннаҳр билан унга қўшимча Хуросон қолди, холос. (495)



Альбер Шандор

# АМИР ТЕМУР



Француз муаррихи Альбер Шандорнинг “Амир Темур” асари Парижда 1942 йил “Пайот” нашриёти томонидан чоп этилди.<sup>11</sup> Китоб сўзбоши, ўн саккиз боб ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ундан Мовароуннаҳр тарихи ва Соҳибқирон салтанати билан боғлиқ етти харита ҳам жой олган. Умумий ҳажми 348 саҳифа.

Амир Темур дунёдаги фотиҳларнинг энг машҳури бўлган. Ўз ҳамроҳлари чодирларини Осиёнинг тўрт томонида тикдирган, Волга бўйларида Ганга қирғоқларигача, қирғиз саҳроларидан мовий Оронт<sup>21</sup> водийсигача ва Кичик Осиё сарҳадларидан Панжоб даштларигача шамшир ва олов билан сайр қилган, ўзи каби қашшоқ етти суворий билан иш бошлаб, йигирма етти давлатни забт этган, Хитой дарвозалари қаршисида ўз навкарлари ўртасида етмиш бир ёшида жанговар от устида оламдан ўтган шу қабила бошлигининг тарихи мозийнинг энг мавҳум саҳифаларидан бирини ташкил этади. Бу жасур зотнинг ғалабалари Европа ва Осиё тарихида ғоят буюк из қолдирган!... Олимлар ва муаррихлар «Соҳибқирон» («Le Maître de la conjonction des astres») деб таърифлаган бу зот турк Боязидни, Миср султонини, Арманистон қиролини, Олтин Ўрданинг хоқонларини, Ҳиндистон, Эрон, Кичик Осиё, Каспий атрофи ўлкалари шаҳзодаларини

<sup>1</sup> Champdor Albert Tamerlan. – Paris: Payot, 1942

<sup>2</sup> Оронт – Ливандаги дарёнинг қадимий номи. арабчада “Наҳр ал-Аси” (Б.Э.).

ҳамда турли митти амирликларда бамайлихотир ўтирган қатор каттаю кичик мусулмон шоҳларини қудратли тўлқин мисоли ер юзидан супуриб ташлади.<sup>12</sup>

Л.Бува “Тузукот” Амир Темурнинг қаламига мансуб эмас, деб ҳисоблайди. (M. Bouvat pense que cette oeuvre est apocryphe). Бироқ, Абу Толиб ал Ҳусайни ўзининг чигатой тилидан форсчага қилинган таржимасининг бағишловида бизга бу қўлёсмани Яман ҳукмдори кутубхонасидан топиб олганлигини ва, уни ўрганиб чиққач, бу асар Амир Темур томонидан ёзилган ўз юришлари, тарихи ва қонунлари мажмуаси эканлигига амин бўлганлигини маълум қилади. Бу борадаги баҳслар тугалланмаган бўлса-да, асарда келтирилган маълумотлар бошқа тарихий манбалар томонидан тасдиқланади ва, бизнингча, буюк маъмур ҳисобланган Амир Темур бу қонунларни ўзи ёзишга ёхуд мирзаларига айтиб туриб ёздиришга қодир инсон бўлган. (12-13)

Амир Темур ўзи каби қашшоқ етти суворий билнн иш бошлаб, йигирма

етти давлатни забт этган ёхуд босиб олишни режалаштирган, Хитой дарвоза-

лари қаршисида ўз навкарлари ўртасида етмиш бир ёшида жанговор от устида оламдан кўз юмган. Бу уруф бошлигининг тарихини жуда кам одам билади. Бироқ бу жасур мўғулнинг ғалабалари Европа ва Осиё тарихида ғоят буюк из қолдирган!...

Бухородан тахминан икки юз километр узоқликда, Зарафшон (тилла келтирувчи) оқими

<sup>1</sup> Champdor Albert.Tamerlan. – Paris: Payot, 1942. – P. 9. (бундан кейинги мисоллар шу нашрдан келтирилади ва саҳифалари қавс ичида берилади – Б.Э.).

кесиб ўтган яйдоқ ерда жойлашган Самарқанд Марказий Осиёнинг энг гўзал шаҳри эди. Узоқ-узоқлардан, шамол тинмай олиб келиб турган қум тўзонлари устидан, Сифросиёб (Афросиёб – Э.Б.) тепаликларидан кўринган улкан қабристон сағаналарининг гумбазлари саҳарги ва кечги гира-ширада кўчманчи сайёҳларнинг кўзларини қувонтирар эди. Тиллақори, Улуғбек ва Шердор Самарқанд Регистонининг уч мўъжизаси бўлиб, Ҳиндистоннинг энг гўзал ёдгорликлари каби машҳур (адиб бу мадрасалар қачон бунёд этилганлиги ҳақида маълумотга эга эмас кўринади – Б.Э.).

Эрон, Византия, Хитой ва Ҳиндистон буюк тамаддунлари оралиғида жойлашган сокин Самарқанднинг иқтисоди қадим замонлардан бери гуллаб келарди. Ипак ҳамда санъат ва этиқодлар йўли Мўғулистонни кесиб ўтарди. Дунёнинг энг олис бурчакларидан мол олиб келиб сотилган бу маскан динлар ташвиқотчилари учун айни муддао эди; бугунги кунда номи унут бўлиб кетган бу шаҳарнинг Гоби саҳролари орқали Ўрта денгизни Узоқ Шарқ билан боғлаб турган иқтисодий фаоллиги ҳақидаги инкор этиб бўлмас далиллар топилганига кўп бўлмади. Яқинда Ташқи Мўғулистонда хйонг-ну қабилалари бошлиқлари дафн этилган қабрлар очилганида майитларнинг ёнига кўчманчи халқларга хос ҳунармандлик буюмлари билан бир қаторда шоҳи матолар, хитой лаклари ва нефритлари, эроний безаклар, юнон таъсири сезилиб турган ва шубҳасиз Қора денгиз соҳилларидан келтирилган матолар ҳам қўйилгани аён бўлди. Шундай чекка ўлкада бу хил турфа буюмлар қандай пайдо бўлганлигини шарқий Европа билан Само ўғлонлари Салтана-

ти орасида Гоби саҳроси ва ундаги яккам-дукам аҳоли масканлари орқали карвон йўллари ўтганлигидан бошқа нима билан изоҳлаш мумкин?

Амир Темур карвон йўллари ўтган оазислардаги шаҳарлар ва савдо-сотиқни ривожлантирди, олди-сотдини тартибга солиб турувчи шу оазислар маржони орқали ғарбий ўтроқ тамаддунлар билан Узоқ Шарқ ўтроқ тамаддунлари ўртасида алоқани тиклади. Осиё марказини шимолдан ёки жанубдан кесиб ўтишидан қатъий назар сариқ қитъанинг қоқ белини ташкил этган шу зиёрат ва ипак йўли савдо-сотиқ ҳамда эътиқодлар ёйилишига, Александр ворислари бўлмиш юнонларнинг санъати тарқалишига хизмат қилди. Хитойнинг энг шарқида жойлашган шоҳи матолар омборларига йўл олган Птоломей эслатган юнон-рим тужжорлари, Эрон орқали Ўрта денгиз соҳилларига чиқишга интилган иккинчи Хан авлодидан бўлган Хитой генераллари шу йўлдан юрганлар. Ғарбий Тяньшань тоғлари шимолида, Самарқанднинг ўзида милоддан аввалги 400-йилда забт этилган юнон ва Босфор тангалари топилган. Харбин шаҳри музейидаги коллекциялар орасида кўҳна дунёнинг энг йирик сайёҳи бўлмиш Адрианнинг боши тасвири туширилган уч танга сақланади. Япоиядаги қадимий Хорюжи қасри аъсоралари орасида эроний Сосонийлар санъати таъсирида яратилган қанотли тўрт оёқли жонивор тасвири туширилган кумуш кўза мавжуд. Мозий сирларини очиш мақсадида тупроқ қатламларини кўтарган археологларнинг хизматлари натижаси ўлароқ топилган бу ёдгорликлар саҳро кенгликлари орасида йўқолган кўҳна шаҳарларда бир пайтлар савдо-сотиқ гуркираб яшнаганининг тилсиз гувоҳларидир.

Бир қачонлар бутун дунёни боғловчи савдо-со-тиқ билан шуғулланган, сафардаги йўловчилар учун маёқ вазифасини ўтаб, тезроқ етиб олиш орзу қилинган ва зарур тин олиш масканлари ҳисобланган бу шаҳарларнинг кўпчилиги бугун йўқолиб кетган, одамлар уларнинг номларини ҳам ёддан чиқарган.

Амир Темур Самарқандни ўз салтанатининг бош шаҳрига айлантиришга қарор қилди. Уни катта тантана билан кутиб олдилар. У 1370 йил 10 апрелда, ўттиз тўрт ёшида ўз тарафдорлари қадимий анъаналарга мувофиқ оёғи остига тўшаган қимматбаҳо тошлар устидан тантанавор юриб ўтди-да, оғир тилла тожни бошига қўйиб ўзини “Соҳибқирон” ва “Амири Кабир” (Улуғ амир) деб эълон қилди. “Оллоҳ бир бўлганидек, ерда ҳам битта ҳукмрон бўлиши лозим”, деди у тахтга ўтирар экан. “Рости, русти”, форсча “Куч – адолатда” ибораси унинг шиори бўлди. Амир Темур ҳузурида бўлган Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо қуёш чамбараги ўртасидаги шер тасвири Амир Темур давлатининг рамзи бўлганини маълум қилади. Бу рамз Самарқанддаги шоҳ саройларини безаб турар, унинг тагида учбурчак шаклида жойлаштирилган доирачалар эса дунёнинг Соҳибқирон эгаллаши лозим бўлган уч тарафини англатар эди.

Амир Темур маданиятли инсон эди, у илмли инсонлардан марҳаматини аямас, бу билан жангоҳларда эришган зафарларидан баландроқ обрў топарди. Биз бу инсонни санъат аҳлини ҳимоя қилганлиги, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаганлиги, ҳунармандларга ҳомийлик қилганлиги, узоқ даштлар орасида қолган Самарқандни узоқ Осиё билан дунё тарихида чуқур из қол-

дирган Бобил, Афина каби шаҳарлар ўртасидаги ажойиб тамаддун бешигига айлантиргани учун ардоқлашимиз лозим. Ҳиндистон ва Хитой молларини Трабизондга элтувчи карвонлар ўтиб турганлиги, кундан-кунга ортиб бораётган товар алмашуви туфайли Самарқанд халқаро бозорга айланган эди. Эрон ва Суриянинг энг моҳир тўқувчилари бошқа юртларга қараганда анча яхши пул топиладиган Самарқандга кўплаб кела бошладилар.

Яхшими, ёмонми минглаб савдогарлар ва танлаб олинган хизматкорлар шаҳарга оқиб келарди. Уларга қатор енгилликлар ва қулайликлар яратилди, улар савдо-сотиқни кенг йўлга қўйдилар, ўзларининг уюшмаларини туздилар. Касаба уюшмасига ўхшаш бу ташкилотлар ҳунармандларнинг — хитойлик чиннисозларнинг, эроний, кичик осиелик, гуржистонлик, суриялик заргарлар ва шишасозларнинг профессионал манфаатларини ҳимоя қиларди. Бу уюшмалар жиддий бошқарилар ва қудратли эди. Улар ҳукмдор саройида уюштирилган барча расмий тантаналарда иштирок этардилар. Тантаналардаги кўриклар чоғида ҳар бир кортеж бошидаги уламолардан кейин ўз ҳамкасблари томонидан танланган энг моҳир ҳунармандлар келар, улар қўлларига ўз иш ускуналари ва энг сара асарларини кўтариб олишарди. Шаҳар ҳаётига оид айрим муҳим пайтларда марказий ҳукумат уларнинг фикрларини ҳам инобатга оларди. Кўриниб турганидек, меҳнат фаолияти яхши ташкил этилганди. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, меҳнаткашларга бўлган бундай расмий эътибор Амир Темури салтанатининг шарафи эди.

Уюшмалар аъзоларининг эркинлигини бир ҳолат чегаралаб туради: уларга ўз ватанларига қайтиб кетиш тақиқланган бўлиб, бунинг учун ўлим жазоси белгиланган эди. Бу уюшмалар ва бозорлар фаолиятини кенг билимларга эга бўлган бир маъсул шахс – мутаассиб бошқариб турарди. Унинг вазифасига тартибни сақлаш, тарозиларни текшириш, молларнинг қиймати ва сифати-га таалуқли барча кўзбўямачиликни жазолаш, дон-дун, ёғ-мой, кийим-кечак, қул савдосини, қассоблар, нонвойлар, баққоллар, ширинликлар билан савдо қилувчилар, заргарлар, пул алмаштирувчилар, мадрасалар мудирлари, табиблар, кўмирчилар, тикувчилар фаолиятини назорат қилиш кирарди. У.Бернауэр ўзининг «*Journal asiatique*» журналида эълон қилинган *Mémoire sur les institutions de police des Arabes, des Persans et des Turques* (Араблар, форслар ва туркларнинг полиция маҳкамалари) номли мақоласида таъкидлашча, “Барча мусулмон давлатларида учрайдиган бу вазифа Испанияда маврлар бутунлай ҳайдаб чиқарилгунича (XVII асрнинг боши – Б.Э.) сақланиб турган ва ҳатто XIX асрга келиб алмутаазим шаклини олган.”

У Самарқандни гуллашиб юборди. У Ислом посбони сифатида янги қасрлар, карвонсаройлар, мадрасалар, мачитлар бунёд эттирди; мачитларнинг қошидаги мадрасаларда катта маош олувчи мударрислар ўз талабаларига муқаддас Қуръон оятларини ва унинг турли тавсифларини, Муҳаммад пайғамбар ҳаётидан ибратли воқеаларни ўргатар, араб тили ва адабиёти, ҳуқуқшунослик, фалсафа, этика ва эстетикадан сабоқ берарди. Салтанат вилоятларининг барчасида йигирма саккизта танга зарб этувчи корхоналар

ишга туширилди. Люсьен Бува ўзининг “Темуррийлар тамаддуни ҳақида эссе”сида келтиришича, “Стенли Лайн Пулнинг темурий тангаларга бағишланган тадқиқотида бу корхоналарда фақат кумуш тангалар зарб этилиши қайд этилган. Бу нумизмат олим ўз тадқиқотини яратган пайтда Бритш Музеумда сақланаётган темурий тангалар орасида мис ва бронза кам бўлиб, тилла тангалар йўқ эди. Кумуш тангаларнинг оғирлиги 1,5 граммдан 6 граммгача бўлган.. Одатда темурий тангаларга ортиқча ишлов берилмаган. Тангаларнинг бир томонига Ислом белгиси ва тўрт биринчи ҳалифанинг исмлари, иккинчи томонига эса ҳукмдорнинг исми-шарифи, унинг шаънига алқов ва танга зарб этилган шаҳар номи битилган.

Тахтга ўтирган Амир Темурнинг илк юмуши салтанат бошқарувини йўлга қўйиш бўлди. У Самарқанддаги етти туманни тозалади. У майдонларда оломонни йиғиб, бошқарувдаги камчиликлар ва ноҳақликларни танқид қилувчилардан ҳайиқарди; бу жулдирвоқилар ўзларининг ҳазил-мутоибалари билан Салтанат обрўси ва манфаатларига зиён етказар, улар тузган норизо косиблар йиғинларида айтилган фисқи-фасодлар ҳукумат қароргоҳигача етиб келарди. Амир Темур тезда уларнинг ақлини киргазиб қўйди, зеро у ҳар доим ўзи йўқлигида Самарқандда тўполонлар чиқарган, тўққиз марта исён кўтариб ўз ўрнига қолдириб кетган ноёнларини ўлдирган шу гадойлар ва исиртқилар тўдасини, ёлғон-яшиқ воқеалар сўзамолларини ёмон кўрарди. Солномачилардан бирининг гувоҳлик беришича, Амир Темур бу бузғунчилардан бутунлай қутилиш, минбад уларнинг тўполонлари ва исёнларининг

олдини олиш учун йўлбошчиларини шоҳона бир зиёфатга чақирди ва бошларини таналаридан жудо қилди.<sup>13</sup>

Исломнинг ҳақиқий посбони сифатида у пайғамбар авлодлари вакилларининг, уламолар, файласуфлар ва мозийшунослар, дарвешлар ва фақирларнинг ҳурматиини жойига қўйди, уларга туҳмат қилиб, обрўсини туширмоқчи бўлганларнинг гапларига асло қулоқ солмади. Гоҳо у олимлардан Одам Атодан Муҳаммад пайғамбаргача ҳукмронлик қилган шоҳларнинг тарихини сўзлаб беришларини сўрарди. “Аларнинг инқирозини, сиёсий хатоларини ўрганишимнинг боиси, мен улар йўл қўйган камчиликларни такрорлашни истамасдим”, деб айтади у кейинроқ ўз яқинларига. У саййидлар орасидан энг обрўлисини танлади ва унга мусулмонлар устидан тўлиқ назоратни юклади; бу маънавий салоҳият посбони масжидлар даромадлари бошқарувчиларини, қишлоқ ва шаҳарлардаги уламолар ва муфтийларни, бозор нозирларини тайинлар, бозорлардаги ва озиқ-овқат омборларидаги тошу тарози ва ўлчовларни назорат қилар, ўзига ўхшаш саййидлар, олимлар ва қонун ҳимоячиларининг маошларини белгиларди. Уламоларга шу йўсинда маълум мустақиллик берган Амир Темур салтанатга янги қўшиб олинаётган ўлкалардаги аҳолининг аҳволдан воқиф бўлар, қабилаларда ўзи ҳақидаги фикрларнинг заррача ўзгаришидан тезда хабар топарди. Бу узоқни ўйлаб юритилган сиёсат ўз мевасини келтириши лозим эди, зотан кўп ўтмай уламолар унга шундай фатво бердилар: “Оллоҳ

<sup>1</sup> Бу воқеа Ибн Арабшоҳдан олинган. Қаранг: Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур. 2 жилдлик. Араб тилидан Убайдулла Уватов таржимаси. – Т.: Меҳнат, 1992, жилд I. – Б.84-85.

барча замонларда суюкли бир бандасига Муҳаммад пайғамбар дини-иймонининг тарғиби ва ҳимоясини топширган. Оллоҳга шарафлар бўлсин! Ҳижрий VIII асрда Оллоҳ бу ишга Амир Темурни танладиким, бу дунё баҳодири минглаб ўлкалар ва шаҳарларда дини исломни ёйди. У саййидларни ва уламоларни эъзозлади. Амир Темур билиб қўйсинким, Оллоҳ унга динимизни юксалтиришни топшириб юксак марҳамат ва чексиз қудрат ато этди. У эзгу ишлар ва садоқат ила улфайгайким, Оллоҳ унинг қудратини юксалтиргай.

Несториан насоралари ҳурмат қилинарди.<sup>14</sup> Россия Туркистони ҳақида ажойиб асар ёзган Уильям Бартольд *Turkestan down to the Mongol Invasion* (“Туркистон мўғул истилоси даврида”) асарида насоралар яхши яшаганидан гувоҳлик беради. “Самарқанднинг жанубида, Шавдор тоғларида Вазкард деган несториан қишлоғи бугун ҳам бор.— деб ёзади у. — Ургут райони марказининг шимоли-ғарбида, Сўфигон яқинида жойлашган Қинғир қишлоғида ҳам деворларда хоч тасвирлари ва қадимги сурия имлосидаги насора битиклари топилган.

Чингизхоннинг мўғул империясида илк муаллимлар ва зобитлар уйғурлар (туркий қавм) бўлган; кейинчалик ҳукуматга ишлаган уйғурлар мўғул истилочилари билан бирга ён-атрофдаги давлатларга ҳам кириб борганлар. Авофийнинг ёзишича, қорахитойлар ва уйғурлар қуёшга сифинишган ёхуд насоралар бўлишган... уйғур муаллимларининг таҳсилидан кўп ҳам хабардор

<sup>1</sup> “Марв метрополити Эляхнинг саййи-ҳаракати туфайли 644 йилга келиб Окс дарёсининг нариги қирғоғида катта-катта гуруҳлар насораликни қабул қилди, улар чўкингиришни ва несториан эътиқодини удум қилдилар.” Қаранг: Дювиньо М. Bulletin catholique de Peking, tome XXI. — PP.198-199.

эмасмиз: несторианлар ўз шогирдларига насронийликдан, евангилиядан, дин рамзларидан сабоқ беришган.

Амир Темур буюк давлат бошқарувчиси эди. Унинг асрлар синовидан

ўтган шуҳрати бизгача фақат ҳарбий юришлари ҳақидаги хотиралар сифатида етиб келган; ўз асрида шу қадар ўчмас из қолдирган инсонга таҳсин ўқир эканмиз, у зафар қучган жанглар ўтган жойларнинг, у от устида кечиб ўтган дарёларнинг номлари, унинг ҳайратли саргузаштлари хотирамизда жонланади. Биз мозийнинг баъзан бизни қувонтирадиган, баъзан вужудларимизга титроқ соладиган улкан сувратлари қаршисида ўйга толишни афзал кўрамиз. Қадимий муҳорабаларнинг кўлами зичланган интрига бўлиб, биз унга мавҳум ва баъзан қалбаки воқеликни зўрлаб тиқиштирамиз. Амир Темур образини кўз олдимизга келтирар эканмиз, ўша даврдаги эроний рангли тасвирлардаги от устидаги саркардани, шамолдек учқур жасур суворийни, саҳролар бағридан отилиб чиқиб Фарбга ваҳима солган Атилладан юз йиллар илгари пайдо бўлган Муқаддас Битиклардаги “Худонинг газаби”ни тасаввур қиламиз. Бироқ шу Паҳлавон қиёфасидаги Амир Темур ёнида бизга номаълум, сирли Амир Темур ҳам бор. Бу – башарият тарихидаги амаллар ичида энг буюкларидан ҳисобланмиш у барпо этган тенги йўқ ҳарбий, ижтимоий ва ҳуқуқий салтанат. У Марказий Осиё халқларининг тарқоқ хўжалиklarини ягона қудратли Салтанатга бирлаштиришни истарди: бу салтанатнинг Самарқандда жойлашган марказий ҳукумати тарихий вазифаларни бажариши лозим эди. Унинг салтанати ўлимидан сўнг кўп

ўтмай парчаланиб кетишининг боиси шундаки, салтанат сарҳадлари ниҳоятда чексиз бўлиб, ундан ажралиб чиққан давлатлар ўзларининг ибтидоий амирликлар шаклларига қайтдилар ва, ўз навбатида, қўшни ганим қабилалар ва ўрдалар томонидан ғажиб ташландилар. У барпо этган салтанат Амир Темур моҳир давлат арбоби бўлганлигидан, унинг қарашлари ўша даврдаги давлат раҳбарларининг қарашларидан чандон илгарилаб кетганлигидан далолат беради.

Амир Темур ўз салтанати бошқарув устунини ўзи барпо этганди. Бу устун тепасида унинг ўзидан ташқари саййидлар, шайхлар ва уламолар бўлиб, Соҳибқирон илм, дин ва бошқаруving қатор масалалари хусусида тез-тез уларга мурожаат қилиб турарди. Хонлар кенгаши ташкил этилган эди, тақводорлар ўз эътиқодларини бекаму кўст амалга оширишлари учун етарли нафақа олардилар. Саркардалар жангларда кўрсатган жасоратлари учун от ёли сифат нишон билан тақдирланар, уларнинг исмига қўшиб берилган “Баҳодир” унвони авлодларига қоларди. Аскарлар мунтазам ўз мояналарини олар, мамлакатга қайтганларидан сўнг улардан матонатли бўлиш талаб қилинарди. “Матонат, — дерди уларга Амир Темур, — оғир дамларда сабр қилмоқ демакдир.” Вазирлар ва мирзалар, хонлар Кенгаши аъзолари расмий вазифаларидан ташқари Амир Темурнинг шахсий мулкини бошқариш, унга салтанатдаги аҳвол ҳақида мунтазам ахборот бериш, солиқларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш, қишлоқ хўжалиги ишларини рағбатлантириш ва ҳимоялаш билан шуғулланардилар. “Салтанат кўзгуси” бўлган вазирлар ва мирзаларга деҳқонлар сўраган “ерга

ишлов бериш ва ундан фойдаланиш учун зарур” барча жиҳозларни бериш юклатилди. Табиблар, муҳандислар, мунажжимлар, мозийшунослар, шоирлар ва матншунослар яхши даромад кўрадиган қатлам бўлиб, Ислом дунёсидаги илмли инсонларни Улуғ амир саройига чорлаб турарди. Амир Темур бошқарув ишларида уларга таянар, бундайларни тинмай излар, агар топганлари Самарқандга келиб ишлашга рози бўлса, олтин тоғлар ваъда қиларди.

Амир Темур вилоятлар ҳокимларини тайинларди. Улар асосан ўзларига топшириладиган ўлкалар географияси, қабилаларининг анъаналари ва урф-одатларини яхши биладиган инсонлар орасидан танланарди. Ҳокимлар уч йил давомида солиққа тортилмас, ундан кейин эса батафсил тафтишдан ўтказилар эди. Амир Темур каналларнинг тўлиб қолган ўзакларини тозалаттирди. У янги каналлар қазитди, йўллар ва кўприклар қурдирди, кўплаб устахоналар барпо эттирди. Унинг ҳукмдорлиги даврида ипак етиштириш жиддий ривожланди. Сув таъминоти масаласи қадимги Вавилондаги каби Амир Темур салтанати таркибига кирувчи вилоятларнинг бош муаммоси эди. “Қишлоқ хўжалигининг Осиё давлатларидаги мавқеи ва унинг халқлар тақдирига таъсирини каналлар қазилиб, кучли қонунлар билан муҳофаза қилинмагунича ҳеч ким пайқамади.” – деб ёзади Ҳ.Мозер ўзининг “L’irrigation dans l’Asie centrale” (“Марказий Осиёда ирригация”) китобида.

У кўприклар ҳолатини текширттирди, тужжорлар ўз мол-мулкларини сақлаб, бошпана топишлари учун тижорат йўллари бўйлаб бири иккинчисидан отда бир кунлик масофада жой-

лашган карвонсаройлар бунёд эттирди, кўчманчи сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун йўлларда работлар қурдирди. Унинг амри билан ҳар бир аҳоли масканида биттадан масжид, мактаб, қаландархона, шифохона барпо этилди. Тиламчилик оғир бало эди: Амир Темур қашшоқлар учун ёрдам жамғармаларини очдирди. У давлат маҳаллий аҳоли ҳаёти эҳтиёжларидан хабардор бўлиши керак деб ҳисобларди. Янги бир ўлка забт этилиши билан тиламчилар рўйхатдан ўтишлари лозим эди; улар ҳар куни бепул емак олар ва махсус белги тақиб юришлари лозим эди. Шубҳасиз уларга тиламчилик қилиш таъқиқланган бўлиб, бунинг учун улар қулликка сотиб юборилиши ёхуд бадарға қилиниши мумкин эди.

Салтанат вилоятлари ўз солиқ тизимини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга эди. Барча солиқ йиғувчиларга куч ишлатиш ман этилган эди. Амир Темур ўз “Тузуқлар”ида бу ҳақида шундай ёзади:

“Амир этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағалланишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради.

Яна буйруқ бердимки, ҳар бир мамлакат фатҳ этилса ёки жанг даҳшатларисиз амну омонлик тиласа, унинг ҳосил ва даромадларини ҳисобга олсинлар.

Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда (хирожни) тузукка мувофиқ йиғсинлар. Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар...Агарда олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни боғлаб, занжир билан кишанламасинлар.

Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун қоидага мувофиқ хирож йиғсинлар.

Яна буюрдимки, агар (ҳар ер ва элнинг) амалдорлари ва калонтарлари оддий фуқарога жабрзулм қилса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса (бундай вақтларда) етказилган зарарни калонтарлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи улар яна ўз ҳолларига келсинлар.” (44-45)<sup>15</sup>

Салтанатнинг барча сарҳадларига мирзалар жўнатилди. Улар ўзларининг назорат нуқталаридан юртга олиб келинаётган ва олиб чиқиб кетилаётган моллар миқдори ҳақида, ажнабийларнинг ва карвонларнинг кириб-чиқишлари ҳақида

<sup>1</sup> Шандор келтирган “Темур тузуклари”нинг французча матнининг ўзбекча муқобили куйидаги нашрдан олинди: Темур тузуклари. Institutes of Temur. Les Instituts de Temour. Академик Бўрибой Аҳмедов гаҳрири остида. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – Б.122-124.

Самарқандга мунтазам равишда маълумот бериб туришлари лозим эди. Бу билан Амир Тумур салтанат сарҳадларида рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб турарди.

Худо бирлигини тан олган барчага эътиқод эркинлиги берилган эди, мартдан октябргача ов қилиш ман этилган эди, бу қўшиннинг қиш мавсумида озиқ-овқат заҳиралари бўшаб қолишининг олдини оларди, дарёлар ва сув ҳавзаларида бўронлар пайтида чўмилиш тақиқланганди, ҳарбий хизматдан озод қилинганлар жамоатга наф келтирувчи ишларга жалб этилардилар, эр-хотиннинг бир-бирига хиёлати учун ўлим жазоси бериларди, салтанатнинг бир фуқаросига иккинчи фуқаросини хизматда асраш тақиқланган эди. Бу қоидалар бизга мовароуннаҳрликларнинг тарихдаги ёрқин зафарлари сабабларини ёритишга ёрдам беради.

Амир Темур қўшни ўлкаларни қўшиб олишга киришишдан олдин салтанат бошқарувини ўз қўлига олган эди. Шу пайтгача бир-биридан мустақил кўчманчи қабилалардан иборат ўткинчи оқимни қандай қаттиқ тартибга бўйсиндирганлиги, уларни бирлаштириб, пишиқ ишлаб чиқилган давлат сиёсатини амалга оширишга йўналтиришдан олдин бирор қийматга эга бўлмаган шу кучни қандай бошқаргани одатда Амир Темурга бериладиган сифатлар доирасига сифмайди. Ула молар унга содиқ эдилар, моҳир саҳройи чавандозлардан тузилган қўшин у билан уммонлар ва тоғлардан ошиб ўтишга тайёр эди. Бу қўшин Рим легионлари каби мустаҳкам бўлиб, бошлиқлари келиб чиқишига эмас, кўрсатган жасоратларига кўра ўз тенглари орасидан танланган ўн минг

жангчи ёки туманлардан тузилган демократик бошқарувга эга энг қудратли қўшин эди.

Улуғ амир атрофига тўпланган соҳиби аъшор башорат этилган зафарларни интизорлик билан кутар, темурийлар санъати эса яшин тезлигида гуллаб-яшнаш бошлади. Темурийлар мактаби деб ном олган адабиёт ва санъат уйғониши Шероз, Табриз ва Самарқанд ўртасида ўрнатилган сермахсул алоқаларнинг меваси сифат дунёга келди.

Темурийлар мактабининг қўлёзмалар безакчиларига Соҳибқирон ва унинг авлодлари томонидан кўрсатилган ёрдамга башарият тарихидаги барча буюк ҳукмдорлар ҳавас қилса арзийди. Тасвирий санъатда янгилик яратдик деб жар солган бизнинг импрессионистларимиз, агар қизиқишганида, ўз санъатларининг айрим жиҳатларини рангларнинг чексиз жилоси ва гаммаларининг соддалигига қармай, ўзлари ифодалаётган саҳналарга ўзига хос ҳаётийлик бағишлаган темурийлар қўлёзмаларидаги безакларда топишлари мумкин эди. Низомий ва жаҳон адабиёти тарихида Данте билан тенг Саадий Самарқандда ўз асарларини безаш учун Осиё оқшомларининг чароғон симфонияси асрорларини англаган бошқа шоирларни учратдилар. Шу тариқа мусулмон санъатининг ғоя ва ранглар бир-бирига сингиб кетган классик шоҳ асарлари яратилди.

Матн ва тасвир ўртасида янгича нафосат ва самимийликни ифодалаган Самарқанд темурийлар мактабида мусулмон рассомлари қиёси йўқ етук услуб – миниатюра санъатини эгалладилар. Ижтимоий иқлим, миллатнинг муваффақияти доимо адабиёт ва санъат ривожланишига йўл очиб берган. Иқтидорли инсонлари Амир Темурнинг

авлодлари, жумладан Шоҳруҳ Баҳодир ва Улуғбек томонидан ҳимоя остига олинган Самарқанд жамияти ҳам тафаккур маҳсули бўлган ишларга эътиборини кучайтирди. Амир Темурнинг зафарлари туфайли йириклашган салтанатнинг барпо этилиши, тинчлик ўрнатилиши олимлар ва илм-маърифат аҳлини янги-янги зафарларга ундарди.

Темурийлар санъати ташқи таъсирлардан озод бўлди ва ўз ифода услубларини топди. Шу сабали ҳам таниқли муаррихлар Р.Груссе, Л.Бува, К.Юарт ва Броун Шарқ санъатлари тарихида темурийлар санъатига алоҳида ўрин ажаратади. Темурийлар даврида кўплаб тасвирий санъат мактаблари пайдо бўлди; уларнинг орасида энг машҳурлари Самарқанд, Бухоро ва Ҳирот мактабларидир. “Уларнинг асарлари ўзларидан олдин ўтган мактаблар санъатидан минг чандон афзал эди. Улар муҳораба ва ов саҳналарини кузатишдан йироқ нозик таъбли ишқибозларга мўлжалланган бўлиб, ижод эркинлиги таъминланган, ҳукумат эса ижодкорларни қўллаб-қувватларди: Темурийлар санъати анъаналари ўзлари яратилган шаҳарлар доирасидан чиқиб, Эрон ва бошқа қўшни давлатларга ёйилди ва узоқ сақланиб турди.<sup>16</sup> Темурийлар тасвирий санъати анъаналари Ҳиндистонга ҳам етиб борди. Жанубий Кенсингтон Музеи (South Kensington Museum) да сақланаётган “Акбарнома”нинг қўлёзмаси Акбаршоҳ саройида яшаган рассомлар қўлидан чиққан нозик реализм билан суғорилган қатор портретлар билан безатилган. Хуросон

<sup>1</sup> Bouvat L. Essai sur la Civilisation timouride. // Journal asiatique, tome CCVIII. – Paris, 1926. – P. 258.

ва Туркистонда темурийлар санъати XVII аср бошигача, “шу бепоён ўлкада яшовчи қабилалар батамом бидъат исканжасига тушгунларича сақланиб турди.”<sup>17</sup> Биз Табриз, Боғдод, Шероз, Ҳирот ва Самарқанднинг бебаҳо қўлёмалари – Бидпайнинг “Қалила ва Димна”сини, Қазвонийнинг “Ижод мўжизалари”ни, мусулмонларнинг Ришелье<sup>28</sup>си ва Медичи<sup>39</sup>си ҳисобланмиш Рашиддиннинг “Жаҳон тарихи”ни, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сини, Абдулраҳмон Суфийнинг “Самолар тариқати”ни, Амир Шоҳийнинг “Ғазаллар”ини қўлга олар эканмиз, уларда тасвирланган ўша давр табиати манзаралари, ўт-ўланлар, усти-бошлар, персонажлар ва бинолар қиёфаси кўз ўнгимизда натижаси гоҳида номаълум бўлган муҳорабаларга киришишдан кўра, иқтидорли ижодкорлар ҳимоячиси ва ҳомийси деган обрў олишган интилган олижаноб шоҳлар бошқарган узоқ ва турфа ранг турк ва эроний жамият жозибалари ҳамда услублари намоён бўлади. Темурийлар мактаби Ҳиротда юксак даражага кўтарилиб, тафаккур ва санъат кенг ёйилган бир даврда, мусулмон тасвирий санъатининг энг ёрқин намоёндаси ҳиротлик Беҳзод шундай мисраларни битганки, унда адабиёт ва санъатга шунчалик меҳр билан ҳомийлик қилган бир нафис тамаддун шеърятининг назокати ва буюклигини яққол кўринган. Камолиддин Беҳзод

<sup>1</sup> Blochet E. Les Ecoles de peinture en Perse. – P.140.

<sup>2</sup> Ришелье Луи Франсуа Арман де Винеро дю Плесси (1696-1788). Кардинал Ришельенинг эвараси. Француз Академиги. (Б.Э.)

<sup>3</sup> Косме Биринчи – Косимо де Медичи (1519-1574). Тоскания (Италия) нинг буюк герцоги. 1561 йил Академияга асос солган. (Б.Э.) Косме Биринчи – Косимо де Медичи (1519-1574). Тоскания (Италия) нинг буюк герцоги. 1561 йил Академияга асос солган. (Б.Э.)

Шарафиддин Али Яздийнинг ҳозир АҚШнинг Бостон музейида сақланаётган “Зафарнома” сини беаган. Ундаги қатор миниатюраларда Амир Темур тахтда ўтирган ҳолатида, саройдаги зиёфат чоғида, бир қалъанинг қамали пайтида, масжиднинг очилиши чоғида тасвирланган. Рене Груссе ўзининг “Шарқ тамаддунлари Тарихи” китобида ёзишича, “уларда мовароуннаҳрлик фотиҳ, давлат арбоби, саркарда ва ҳомийнинг бутун ҳаёти кўз ўнгимизда тарихий аниқлик ва реалистик бўёқларда намоён бўлади. Оддий ҳаттотлар орасидан темурийлар даврини ёрқин тасвирлаган, ўз шахсий услуби, новаторлиги билан Европалик Жиотто<sup>110</sup>га ўхшаган бир даҳо расом чиқди.” Беҳзод Саадийнинг ҳозир Қоҳира кутубхонасида сақланаётган “Бўстон”ига ҳам иллюстрациялар чизган. “Бу асар, – деб давом этади Рене Груссе, – Беҳзодни ўша даврнинг Чао Мон-Фу каби энг машҳур расомлари қаторига қўшади.”

Амир Темур ва унинг ворислари даврида китоб санъати, ҳуснихат, ҳаттотлик, китоб беаги ва муқовачилиги гуллаб яшнади. “XVI аср бошида, – деб ёзади Л.Бува ўзининг “Темурийлар тамаддуни ҳақида эссе” асарида, – Туркияга кўчиб ўтган кўплаб эроний ҳаттотлар ўзлари билан темурийлар санъати анъаналарини олиб келдилар.” Улар орқали темурий санъаткорларнинг юксак техникаси Европага ҳам етиб борди. Сўнги асрлардаги француз китоб муқовачилиги тарихига бағишлаб асар ёзган Эдуард Фурньеннинг таъкидлашича, Уйғониш даври француз ва

<sup>1</sup> Жиотто ди Бондоне (1266-1337). Италиялик машҳур расом, ҳайкалгарош ва меъмор. (Б.Э.)

итальян китоблари муқоваларида темурийлар санъатининг айрим услублари топилган.

Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ тарихга кўп қизиқарди. У номлари афсуски бизгача етиб келмаган муаррихларга отасининг зафарларига бағишланган китоблар ёздирди. Соҳибқироннинг набираси Улуғбек тўрт улус тарихини битди. Ўзининг илмий ишлари билан ҳам машҳур бўлган бу инсон янги астрономик жиҳозлар кашф этди ва Птоломейнинг диний тақвими ўзининг кузатишларидан кескин фарқ қилишини аниқлади. У Самарқандда бунёд этган расадхона дунё мўъжизаларидан биридир. Унинг “Зижи жадиди Кўрагоний” си XV аср астрономия билимларининг сарасидир. Темурийлар “Уйғониш” даврининг энг машҳур адиби Ҳафиз Абру ўз ижодини Амир Темур даврида бошлаб, унинг ворислари саройида ҳам бетакрор асарлар битди.

Темурий Ҳусайн Бойқаронинг дўсти ва маслаҳатчиси Мир Алишер Навоий ўз юксак мартабали амалдорлари, саркардалари, адибу шоирлари билан машҳур бир оиланинг энг ёрқин вакилидир. Ҳусайн Бойқаро энг оғир, энг нозик вазифаларни унга ишониб топширарди. Навоий Ҳиротга ҳокимлик ҳам қилди. У оламдан ўтганида бутун юрт аза тутди. Э.Белиннинг таъкидлашича, у ўз ёнидан уч юз етмишта кутубхона, мадраса ва масжидлар бунёд эттирган.<sup>111</sup> Юксак даражадаги маъмур ва давлат арбоби, олим ва санъаткор, фикҳ ва ҳуқуқшунослик билимдони бўлиш билан бирга у рассом,

<sup>1</sup> Belin E. Notice biographique et litteraire sur Mor Ali Chor Nevan, suivie d'extraits des oeuvres du meme auteur. // Journal asiatique, 1861, t.XVII. – PP. 175-256 ва 281-357.

ҳайкалтарош, хаттот, қўлёзмалар безакчиси, обрўли мусиқачи, китобсевар, Жомий, Мирхонд, Хондамир каби иқтидорли инсонларнинг паногоҳи ҳам эди. Л.Буванинг ёзишича, “унинг асарлари нафислиги ва тиниқлиги, мухтасарлиги билан ажралиб турган. У ўз она тили – туркийда биринчи бўлиб асарлар битди ва уни адабий тилга айлантириб, бор иқтидорини унга бағишлади.”<sup>112</sup>


Темурийларнинг ўзлари илмли, маърифатли одамлар бўлганликлари сабабли ҳам уларнинг саройларидан илм-фан, адабиёт ва санъат аҳли асло аримасди. Ф.Гренар ўзининг Бобурга бағишланган китобида ёзишича, “Ҳеч бир ерда ва ҳеч бир замонда, на италян Ренессансида, на Франциядаги Валуа қироллари даврида Бобур каби тафаккур маҳсулининг қадрига етувчи нозик дидли шаҳзода учрамаган.”

Амир Темурнинг набираси Бобуршоҳ Ҳиндистонда кўп асрлар ҳукмронлик қилган темурийлар сулоласига асос солди. Ҳарбий юришларида ҳам бир катта кутубхонасини ўзи билан олиб юрадиган ўз ашъорларини от устида, ов чоғида ва ҳатто вазирлар йиғинида битган кенг ва нафис билимлар соҳиби бўлмиш бу шаҳзода ўз хотиралари – “Бобурнома” билан айниқса машҳур. Унинг темурийлар тамаддунини ўрганиш учун ўта муҳим адабий портретлар жамланган бу тарихий асари Европада кўп маротаба таржима қилинган.

Амир Темурнинг ҳаёти, унинг ҳарбий фаолияти ҳамда темурийлар даври санъатини ўрганишда бизнинг билимларимизни бойитишга

<sup>1</sup> Journal asiatique, 1902, t. XIX. – PP. 367-372.

ҳисса қўшган йирик арбоблар томонидан битилган бу асарларга албатта муурожаат қилиш керак. Фаолияти юзлаб элатларнинг тақдири билан боғлиқ Амир Темур каби персонажни тўлиқ ўрганишга бел боғлаган инсон бўлиб ўтган воқеаларнинг тирик гувоҳлари бўлмиш талабчан ёхуд шоиртабиат муаррихлар ва улардан кейин келиб бу воқеаларга бошқача назар билан қараганлар чизиб қолдирган йўлдан ташқарига чиқиб кетишдан эҳтиёт бўлмоғи лозим. Биз ўта содда ёхуд ўта адабий қасида ва танқидни чинакам олимлар асарларидан фарқлашимиз лозим. Амир Темур каби шахс фаолиятини ёритиш ва абадийлаштиришга киришган одам шу икки хатардан сақланиши лозим. (13-14)




**ГЕРАСИМОВ  
УСЛУБИ**



Маълумки, жаҳон фани умуминсоний аҳамиятга молик. Шу сабабли дунёга келган ҳар бир янгилик, ҳар бир кашфиёт кўплаб баҳсу мунозараларга сабаб бўлади. у ёки бу назариянинг тўғри ёки нотўғрилиги, кашфиётларнинг ҳаётийлиги шу тариқа ойдинлашади. Баъзан эса бундай баҳслар ўн йиллаб, юз йиллаб давом этиши мумкин.

Археолог ва ҳайкалтарош Михаил Герасимовнинг “инсоннинг бош чаноғига асосланиб қиёфасини тиклаш” назарияси ҳам шундай мунозаралар мавзуи бўлиб келмоқда. Францияда чиқадиган нуфузли L’Histoire -“Л’Истуар” (Мозий) журналида эълон қилинган М.Герасимов фаолияти ва кашфиётига бағишланган икки мақола ҳам шундан далолат бериб турибди. Журнал таҳририяти бизга лутфан таклиф этган бу мақолаларни жузъий қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.



Софи КУРЕ

# ГЕРАСИМОВ УСЛУБИ ИЛМИЙМИДИ?



Археолог, антрополог ва ҳайкалтарош Михаил Герасимов ўз ҳаётини тарихий шахслар қиёфасини қайта тиклашдек ғоят мураккаб ва ғайриоддий бир касбга бахш этди. Унинг шарофати билан Ленинград, Москва ва Иркутск музейлари Совет иттифоқи фуқаролари аجدодларининг бюстлари билан бойитилди.

1907 йил Петербургда оламга келган Герасимовнинг болалиги Сибириядаги Иркутск шаҳрида танҳоликда ўтди: у ўз тенгқурларининг ўйинларига қўшилмас, Ангора дарёси қирғоқларида ўша пайтда сероб бўлган мамонтларнинг суякларини бошқа қадимий жонзодларнинг қолдиқларини ахтариб кунини кеч қиларди. Анатомиyani отасининг китобларидангина ўрганган ўртамиёна оиланинг устоз кўрмаган шу арзандаси совет олимларининг классик йўлидан юрмади. Натижада фанда, балки барча соҳаларда ҳам юқори мансабга эришиш учун Қизил Аримья сафида жасорат намуналарини кўрсатиш ёки партиянинг фаол аъзоси бўлиш лозим бўлган бир даврда унинг на имтиёзли дипломи ва на сезиларли сиёсий лаёқати бор эди.

Ўн беш ёшида Иркутск этнографик музейига ишга олиниб, палеонтологик топилмаларни таъмирлаш, тасвирлаш ва рўйхатга олиш билан машғул жамоага шогирд этиб тайинланган Михаил геология ва археологияни мустақил ўрганди. Сўнгра Ленинграддаги Эрмитажни таъмирлаш

лабораториясига ишга кирди – Иркутскда орт-тирган тажрибаси қўл келди. 1926 йил Университет кўмаги билан ёш Герасимовга Сибириядаги неолит даври қабристониди қазилма ишларини олиб бориш юклатилди. У умрининг асосий қисмини шу ерда ўтказди. Шу билан бирга у ўзига болалиқдан тинчлик бермаётган орзуси – Питекантроп ва Неандертал одамдан бошлаб одамзоднинг энг қадимий аجدодларининг қиёфаларини тиклашни амалга оширишга қарор қилди.

Узоқ уринишлар ва интуиция (ички сезги) туфайли дунёга келган Герасимов услуги бир қарашда илмий кўринишга эга. Яъни у инсоният эволюцияси босқичлари ҳақида янги маълумотлар олиш, ҳамда калла суяги ва қиёфа хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик ва қонуниятларни очишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Герасимов фақатгина Арастудан Альберхт Дюрергача бўлган қатор шахсларнинг физиогномониясини (инсонларнинг юз тузилишларига қараб уларнинг характерларини аниқлаш) яратган француз натуралисти Э.Кувье ва голланд олими Петрус Кампердан ибрат олибгина қолмай, балки бельгиялик академик Луи-Эме Рутонинг таълимотига ҳам таянди. Айниқса, бу олимнинг 1914 йилдан бошлаб амалга оширган “ибтидоий инсонларнинг пластик қиёфасини яратиш” утидаги ишлари Герасимовда катта таассурот қолдирган эди.

Герасимов олдида инсон қиёфаси қисмларининг мувозанатини сақлаш ва юз тўқималарини калла суяги билан мослаш каби икки жумбоқ турарди. У биринчи жумбоқни – А.Дюрер чизган расмларни, сўнгра эса фотосуратларни кузатиб – одам қиёфасининг асимметриясига асосан ҳал қилди: унинг фикрича, инсон юзининг чап томо-

ни онасига, ўнг томони отасига ўхшарди. Демак, қиёфанинг сунъий ва жонсиз симметриясини яратмаслик учун унинг чап ва ўнг томонларини алоҳида-алоҳида тиклаш лозим. Иккинчи жумбоқ собиқ СССР халқлари барча вакиллари орасидан танлаб олинган бош чаноқларини рентген нурлари орқали ўрганиш асосида ҳал этилади: ҳар қандай инсон қиёфасини рентген нурлари чизган бош чаноғига мувофиқлаштирувчи йигирма иккита таянч нуқтаси топилди, бу эса калла суюлтига қараб инсон қиёфасини тиклаш имкониятини яратар эди. Зеро, ҳар қандай скелетда тез йўқолиб кетадиган энг нозик нуқталар – аъзолар буруну қулоқлар ва лаблар (оғиз атрофи тишлар жойлашишига қараб тикланар эди) бўлиб, уларсиз инсоннинг ҳақиқий қиёфасини қайта тиклаб бўлмасди.

Ирқлар ва гуруҳларнинг умумий белгиларини, график қайта тиклаш йўллари аниқлаб ҳамда яхши сақланган скелетларнинг археологик ҳолатини ўрганиб чиқиб, Герасимов махсус мум билан инсон қиёфасини тиклашга киришди. Шу алфозда у “ҳужжатли портретларни” (ўзи ўйлаб топган атама) ярата бошлади. Олимнинг ички сезгиси туфайли пировард “ўхшашликка” эришилди. Яратаётган асарлари янада ишончли чиқиши учун муаллиф юқоридаги усулда қайта тикланган эркак ва аёлларнинг бюстларини уларнинг қабрларидан топилган кийим ва тақинчоқлар билан безата бошлади.

Ўз касбини суйган иқтидорли бу олим шўро фанининг 30-40 йилларда авж олган догматик ўйинларини назардан қочира олмасди. Шахсан Сталининг ўзи қўллаб-қувватлаган генетик олим Лисенко 1948 Ленин номидаги қишлоқ хўжалик

академиясида “реакцион” хромосомалар генетикасини кескин қоралаб чиқди ва хислатлар наслий бўлмаётурлар ташқи муҳит таъсирида ўзгаради деб ҳисобловчи шўро биологиясини бу назарияга қарши қўйди. Антропологлар ва кўҳна мозийшунослар ҳам ўз навбатларида “формал генетик назариялар”ни танқид қилишлари лозим эди. Мақсад – синфсиз жамият сари диалектик ривожланишда бўлган янги шўро кишиси дунёга келганини илмий асослаб бериш эди.

Герасимов ўзининг тадқиқотлари билан инсон эволюцияси хусусидаги қизғин баҳсларга қўшилиб кетди. Боз устига, у илғор шўро фанининг “устунлиги”ни тасдиқлашга, ҳамда ирқчи ва “идеалист” ғарб антропологиясини – Габино ва Ваше дў Лапрудж антропологиясини, айниқса бош чанофининг ҳажмига асоланиб, оқ, буғдойранг ва узунчоқ калла суякли арийларни ҳаммадан устун қўйгучи нацистлар антропологиясини инкор этишга ўз ҳиссасини қўшди. У бизнинг Палеолит даврида яшаган аждодларимиз негр, мўғул ва ёхуд оқ танли бўлиши мумкинлигини ўзининг қиёфаларни қайта тиклаш усули орқали исботлаб, табиий танлов ҳақидаги ғояни танқид қилишга киришди. Герасимов ўзини жиддий антрополог олим деб ҳисоблар ва шу асбабли (университетлардан бирига ишга жойлашиш ниятида ҳам) қиёфани қайта тиклаш фақатгина иқтидорли ҳайкалтарошнинг иши бўлибгина қолмай, балки янги маълумотлар олиш учун зарур восита эканлигини исботлаши лозим эди. Шу тариқа илгари барчалари тенг бўлган, кейинчалик меҳнат, ижтимоий муносабатлар ва ташқи муҳит таъсири остида кўринишлари ўзгариб кетган собиқ СССР халқларининг илдизлари бирлигини

моддий унсурларга таяниб ёритишга енг шимариб киришди. Шундай қилса Сталиннинг назарий қарашларига эътибор янада ошарди.

Тан олиш керакки, Герасимовга гуруҳ, элатнинг ўрнига якка шахснинг скульптура портретини яратишга кўпроқ эътибор бераётганлигини таъна қилсалар, хуноби ошарди. Боз устига, у ўз ички сезгиси ва моҳир қўллари билангина йўқолиб кетган кишининг қиёфасини “қайта тиклар” эди. Бироқ қанчалар ҳаракат қилмасин, у яратган ибтидоий эркак ва аёлларнинг бюстлари маҳаллий олимларнинг шубҳаларидан холи эмас эди.

Ўзи қайта тиклаган қиёфалар уларнинг илгаридан маълум портретларига ўхшаганлигидан руҳланган Герасимов ўтмишга қизиқа бошлади ва Совет Иттифоқи таркибига кирувчи ўлкаларнинг атоқли шахсларининг қиёфаларини тиклашни ўз бурчи деб билди. Иккинчи жаҳон уруши даврида у мозийшунослар орасида илк муваффақиятга эришди: француз қироли Анри I нинг рафиқаси малика Аннанинг отаси бўлмиш Ярослав Мудрий (998-1054) нинг қиёфасини унинг Киев катедрал черковини қазиш чоғида топилган калла суягига асосан қайта тиклади. У ўз ишини 1941 йил Моддий маданият тарихи институтида феодализм давридаги рус шаҳарларига бағишлаб ўтказилган анжуманда намойиш этди. Бироқ ҳамкасбларидан бирининг таъкидлашича, урушдан анча кейин Киевда ўтказилаётган бир анжуманга келган Герасимов яқиндагина топилган ўша катедрал деворларига ишланган расмларда акс эттирилган Киев князининг тасвири ўзи 1939 йилда қайта тиклаган бюстга нақадар ўхшашлигини кўриб лол қолган.

Олмон қўшинларининг ҳужумидан қочиб Самарқандга келиб қолган археолог вақтдан унумли фойдаланди, қазилма ишлари билан шуғулланди. У Марказий Осиёда энг машҳур сулолалардан бири бўлмиш Амир Темури оиласи аъзоларининг бюстларини яратди. Бироқ Герасимов ҳали бу ўлка вакилларининг қиёфаларини тиклашда тажрибасиз бўлганлиги ҳамда маҳаллий дин пешволари муқаддас хилхоналарни очиб, XIV-XV асрларда шу ўлкага ҳукмронлик қилган зотларнинг қиёфаларини яратишга қаршилик қилганликлари сабабли у Ўзбекистон Фанлар академиясининг мададига таянди.

Сталинча расмий мозийшунослик урушдан анча илгарийёқ инқилобдан олдинги рус давлати ва унинг атоқли кишилари номларини оқлашга киришган эди. Шу алфозда 1939 йили Эйзенштейн яратган филмда Александр Македонский қиёфаси пайдо бўлди. Рус тарихининг яна бир буюк қаҳрамони Иван IV Грозний бўлиб, у барпо этган илк марказлашган давлатдан шўролар мамлакатининг куртаклари изланарди. Шу сабабли 1961 йил Кремл черковларининг биридаги хилхонадан топилган Иван IV (1530-1584) ва унинг ўғли Фёдор (1557-1598) нинг склетларини ўрганиш учун Герасимовга топширишганида унинг қанчалар ташвишга қолганини тушунса бўлади.

У фан оламида “Герасимов услуги”нинг янги оламшумул маҳсули “бетоқат” кутилаётганини яхши билар, бироқ ўзи ҳақида салбий таассурот қолдириб кетган бу ҳукмронга нисбатан дилидаги бидъатдан нари ўтолмас эди. Подшонинг бош чаноғи билан бир мунча вақт ёлғиз қолган Михаил Герасимов унинг чуқур психологик портретини яратди, ҳукмроннинг ичига кириб кетган кўзла-

ри, шубҳаомуз даҳани, руҳий қудрати ва, эҳтимол, бирор суяк касаллигининг оқибати бўлмиш шафқатсиз табиати унда ўз аксини топди...

Бундай талқин янги Русия тарихи бўйича ихтисослашган шўро мутахассислари орасида баҳсларга сабаб бўлди. Иван Грознийнинг биографи Р.Г.Скринников яратилган қиёфа подшонинг элга маълум портретларига асло ўхшамаслигини таъкидлади; унга жавобан Герасимов ҳеч бир замонавий рассом ҳукмдорнинг ҳақиқий қиёфасини яратмаганлигини даъво қилди. Мозийшунос олим Иван IV билан учрашиб унинг олижаноб қиёфасию шафқатсиз табиати ўртасидаги номутаносибликдан ҳайратланган ажнабий савдогарларнинг хотираларини эълон қилганида эса Герасимов ўта ноқулай аҳволда қолди. Бироқ қайта тикланган қиёфа ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўтарилган шов-шув ва сўнгра бюстнинг хилхонадан топилган буюмлар қуршовида Москвада намоиш этилиши кутилган натижани берди. Зеро, энди шўро кишилари ватан тарихининг улур шахсларини ўз кўзлари билан кўриш шарафига муяссар бўлган эдилар. Герасимов асарлари Иттифоқ музейларидан жой ола бошлади.

Герасимов ўзига шубҳа билан қараганларда ишонч ҳосил қилдириш учун 30-йиллардаёқ қўллаётган ишининг тўғрилигини кўрсатадиган туркум машқлар бажарган эди: у яқин йилларда оламдан ўтган кишиларнинг қиёфасини (бош чаноғига асосланиб) қайта тиклаб, уларни марҳумларнинг суратлари билан солиштирган эди. Бундай тажрибани у илк бора 1938 йил, оқ подшога 1912 йилда ҳадея этилиб, кўп ўтмай оламдан ўтган бир папуас склети билан ўтказган эди. Ўшанда

Герасимов ўзига Москвадан номаълум материал сифатида юборилган калла калла суягининг ён томони портретини яратган бўлиб, унинг папуаснинг аср бошида олинган сурати билан ўхшашлиги ҳайратланарли эди. Тадқиқотларга берилиб кетган олим жинсий тиббиёт соҳасида ишлайдиган ўзининг москвалик танишларини ишга солиб, 1941 йили пойтахт қамоқхоналаридан бирининг ўликхонасидан олинган 12 мурданинг шахсларини аниқлашга рухсат ҳамда бунинг учун зарур маблағни қўлга киритди. Ўз услубининг ҳаётга шу тариқа тадбиқ қилиниши тез орада унга ўз назарияларини текшириб кўришга, ҳар бир шахси аниқланган мурда учун (хусусан фронтда ҳалок бўлган аскарларнинг шахсини аниқлагани учун) оз-моз пул ишлашга ва, айниқса, милиция ҳамда ДХК (собиқ НКВД) берган тўкис ҳужжатлар ёрдамида ўзининг жамият учун керакли одам эканлигини тасдиқлашга имкон яратди.

“Бош чаноғи асосида қиёфани қайта тиклаш” (1949) деб номланган биринчи китобида Герасимов ўз услуги “давлат тизимининг жиноий қидирув ишлари ва суд жараёни каби муҳим жабҳаларида қўлланилгани”ни таъкидлайди. Шундан сўнг унинг ютуқларига бағишланган янгидан янги мақолалар эълон қилина бошланди. Ҳатто улардан бирида қуйидаги таъсирли ҳолат ҳам тилга олинди: ўғли бедарак йўқолган бир ота қатор тирик болаларнинг расмлари орасидан номаълум бош чаноғига асосланиб Герасимов қайта тиклаб, пальто ҳамда шапка кийгизилиб суратга олинган бюст ўғлиники эканлигини тан олди. Бироқ суд медицинаси намоёндалари осонликча таслим бўлишгани йўқ. 1941 йил октябр ойида СССР Олий суди ўзининг 2013/35 рақамли қарорида “калла

суягига асосланиб қиёфани қайта тиклаш техникавий экспертиза эмас, балки санъат ёхуд бадиий ижод маҳсули деб қаралмоғи керак”, деб эълон қилди.

Герасимовнинг ўзи ҳам ўз услуби бениқсон эмаслигини тушунар ва шу сабабли бош чаноқларининг жиноятчилар ва жамият душманларининг антропологик характеристикаларини яратиш ёхуд гумон қилинаётганларнинг шахсини аниқлашучун ишлатилишининг олдини олар эди. Шу билан бирга у бошқа бир офир илмий жазодан — ўзини шўролар назарида жиноятнинг ирқий ва ижтимоий сабабларини табиий танлов орқали аниқлашга асосланиб, “чириб бораётган капиталистик тузумнинг ҳозирги шароитида жиноятчилик ўсиб боришининг ҳақиқий сабабларини яширувчи” буржуа илмининг “Реакцион жинойий ҳуқуқ мактаби”га, Г.Ломбросо ва америкаликлар сафига қўшиб қўйишларидан омон қолди. Бу назарияни совет фани генетик олим Менделнинг меросийлик ҳақидаги қонуни “хатолари” билан боғларди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Москвадан паноҳ топган Герасимов ниҳоят шўро олимининг шарафли йўлини босиб ўтди: 4 марта Давлат (Сталин) мукофотини олди, нишонлар билан тақдирланди. “Бош чаноғига асосланиб қиёфани қайта тиклаш” устида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди (1955). 1960 йил СССР Фанлар Академиясининг Этнография институти қошида унинг учун Антропологик пластик қайта тиклаш лабораторияси очиб берилди. Унинг “Буржуа фани шу соҳада қўлга киритган ютуқларни анча ортда қолдирган” ишлари Катта Совет Энциклопедиясининг иккинчи нашрида (1952) кўкларга


кўтарилди. Бу услуб Шарқий Европа мамлакатларида, хусусан 1962 йил Герасимов Шиллернинг қиёфасини қайта тиклаб берган Германия Демократик Республикасида ҳам қўлланила бошланди. Герасимов мармардан ясаган Шиллер бюсти Веймар музейига тортиқ қилинган эди.

Икки юзга яқин ҳайкал-портрет қолдирган Герасимовга ўзининг сўнгги орзуси – Моцарт бюстини яратиш насиб этмади; у оғир касалликдан сўнг оламдан кўз юмди. У археолог сифатида антропологик таснифларни ишлаб чиқишга қўшган ҳиссаси билан бир қаторда Сибирияда олиб борган қазилмалари, палеолит масканларни ва қадимий инсонларнинг кўчиб юриш йўллариини ўрганиш борасидаги ишлари билан ҳам машҳурдир. Бироқ унинг бош чаноқларига асосланиб қиёфани қайта тиклаш орқали инсонлар характерини “очиқ бериш” ҳақидаги “ижодий услуби” ҳеч қандай илмий тажриба доирасига сифмасди.

Унинг услуби ўзи билан бирга йўқолиб кетишга маҳкум эди, зеро, у умрининг сўнгги йилларида ўз фаолиятида зеҳн ва сезгини биринчи ўринга қўйиб, ҳайкалларга киритиш лозим бўлган тузатишларни компьютер ёрдамида амалга оширишни рад этган эди.

Бироқ шунга қарамай инсонпарвар ва энг аввало ҳайкалтарош сифатида Герасимов фанда ўз соҳасининг пионери эканлигига қаттиқ ишонар эди. У ўзининг Сибирияда шаклланган дўстона алоқаларига таяниб, шўро сиёсий ва академик тузумидан моҳирона фойдаланиб иш юритди. Ўз навбатида бу тузум ҳам ундан унумли фойдаланди. Маълумки, Герасимов вафот этганидан сўнг Катта Совет Энциклопедиясидан унинг шаънига битилган мақтовлар олиб ташланди, диалектик

материализмнинг буржуа идеализмдан устунлигини кўрсатиш учун эса бошқа анча конформист олимлардан фойдаланила бошланди. Бироқ шу нарса равшанки, Сталиннинг зўравонликка асосланган мустабид тузуми ўз таржимаи ҳолларида А.Дюрер ва “Капитал”ни ёнма-ён тилга олган Михаил Герасимовнинг ҳаёти осойишта кечишига ҳам ҳеч қандай қаршилик қилмади.



Доминик Шушан

# ҚИЁФАНИ ТИКЛАШ САНЪАТИ



Ҳар ҳолда Герасимов бир кун келиб ўз назарияси Францияда жиной қидирув ишларида қўлланилишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Чиндан ҳам ўтган асрдаги ҳуқуқий-тиббий экспертизанинг йирик вакилларидан бири – Александр Лакассаанинг ватани Лион университетининг уч ходими – Клар Дебуа, Клод Малле ва Раул Перро (ҳуқуқий-тиббий антропология бўйича эксперт) бугунги кунда рус санъаткорининг ишини давом эттиришмоқда. Бу ерда Герасимов асарлари илк мартаба француз тилига таржима қилинди, ўрганилди ва натижада лионлик олимлар ўзларининг ДМП (уч фамилиянинг бош ҳарфлари) деб номланган янги услубини яратдилар.

Янги услуб тез орада ўз самарасини берди: шу услуб асосида номаълум жасаднинг қиёфаси қайта тикланганидан сўнг Мариэ Маффренинг қотили топилди. Бу Клод Бернер номидаги университет қиёфани қайта тиклаш гуруҳининг биринчи муваффақияти эмас: бундан икки йил олдин ҳам улар кўп йиллардан бери қидирилаётган Сент-Этьен шахрилик бир йигитчанинг шахсини аниқлашган эди.

Бу борада Атлантиканинг нариги қирғоқларида жойлашган Филадельфияда фотограф ва ҳайкалтарош Франк Бендер ҳам шу соҳада изланишлар олиб борарди. У, хусусан ўзидан ўн йилларча илгари тадқиқотлар олиб борган америкалик олим Стенли Райн таълимотига таяна-

ди. Стенли Райн бир неча йил олдин йигирма уч ёшида бедарак йўқолган Линда Шаркан Кейс исмли жувоннинг шахсини аниқлаган эди.

Инсон қиёфаси хусусиятлари билан бош чаноқ шакли ўртасида чиндан ҳам боғлиқлик борми ёки йўқ? Агар бор бўлса, каллани қоплаб турган тўқиманинг барча жойлардаги қалинлигини билиш ниҳоятда зарур. Герасимов хабардор бўлган бу соҳадаги биринчи ўлчовлар XIX асрнинг охирида олмон олимлари Ж.Колмани ва В.Бушлейлар томонидан эълон қилинган эди.

– Бироқ, – дейишади уч тадқиқотчи, – бу ўлчовлар марҳумларнинг қиёфаларига асосланган ўртача ҳисоб-китоблар бўлиб, ўлимдан сўнг юз берадиган ўзгаришларни, жумладан, тўқиманинг қуришини назарда тутмаган. Бундан ташқари, у даврда суяк зичлиги тасвирини, яъни инсон ёшини аниқловчи рентген нурлари каби замонавий техник усуллардан фойдаланилмаган. Бу эса калла суяги терисининг қалинлигига таъсир қиладиган омиллардан биридир.

Мана шу усул орқали терининг ёғли қисмлари билан суякнинг ғоваклиги ўртасидаги боғлиқликлар кашф қилинди. Шундай қилиб, лионлик гуруҳ амалга оширган дастлабки иш Герасимов қолдириб кетган калла суяги териси қалинлигининг “стандарт” ўлчовларига ўттиздан ортиқ тизатиш киритишдан иборат бўлди. Шундан кейин гуруҳнинг антропологи Клод Малле асос солган “миостеонмия” (мушаклар ҳолатини ўрганиш) соҳасидаги тадқиқотлар бажарилди.

Бу тадқиқотлар юз мушакларининг функционал аҳамияти, уларнинг суяк устидаги жойлашуви ва хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликларни

аниқлашга ҳамда қиёфанинг яқуний тасвирини яратишга имкон беради. Кўзлар, қовоқлар, бурун, оғиз атрофи, қулоқлар ва ияк алоҳида, ҳозирча фақат тажрибага асосланган тадқиқотларни талаб қилади.

Билмаган киши бундай ғалати ҳайкалчаларни кўриб таажжубга тушиши табиий: наҳотки оддийгина бош чаноғи қиёфани аниқлаб берадиган шунчалар кўп белгиларга эга бўлса?! Бугунги кун илми шу белгиларнинг ҳаммасини тўлиқ топа олар экан-да?! Шу ўринда Раул Перро ва унинг ҳамкасбларининг илмий асосланган тадқиқотлари Франк Бендер услубидан тубдан фарқ қилишини эслатиб ўтамиз. Франк Бендер ўз фаолиятида санъаткорона ички сезгиларию фотографона “нигоҳи”га кенг эркинлик беришини тасдиқлайди. Унинг таъкидлашича, Герасимов ижодида ҳам олим ва санъаткорнинг қўш нигоҳи асосий рол ўйнаган.

Қиёфани қайта тиклашнинг рақамлар ва синтез қилинган тасвирларга асосланган бутунлай янги услубини кашф этган яна бир инсон ҳақида ҳам айтиш жоиз. У киши ҳам санъаткор. Гап Нью-Йорк Технология институтининг инфография (ахборотни графика кўринишида автоматик тасвирлаш) профессори Петер Воси ҳақида бормоқда. Петер Воси иккиси ҳам ҳуқуқий-тиббий соҳада ихтисослашган фотограф ва антрополог билан ҳамкорликда ишлайди. Петер Воси калла суяги асосида қиёфани компьютерда уч ўлчамда қайта тиклаш борасида изланишлар олиб бормоқда. У жинорий ишларни очиш борасида полициянинг турли идоралари билан ҳамкорлик қилмоқда. У ҳали ўз ишларини эълон қилганича йўқ.

Қани кутайликчи...

Азиз китобхон!

Мана, Сиз шўро антропологиясининг назарий қарашларига доир икки мақола билан танишдингиз. Биринчи мақолада Герасимов услубининг гайри илмийлиги хусусида талайгина асосли мулоҳазалар илгари сурилган. Лекин шунга қарамай уни бутунлай рад этувчи далил-исботлар етишмай турибди. Иккинчи мақолада баён этилган замонавий фан-техника ютуқларига асосланиб, Герасимов услубини тадқиқ этган олимларнинг изланишларида ҳам илмий баҳс ниҳоясига етмай қоляпти.

Албатта, бундан Герасимовнинг услуби бенуқсон, унга чиндан кашфиёт сифатида қаралиши зарур деган хулоса келиб чиқмайди. Чунки Михаил Герасимов ўз услубининг илмийлиги даъвоси билан жуда кўп тарихий шахслар қиёфасини мафжуравий қарашларга мослаб яратиб берганлиги бугунги кунда ҳаммага аён бўлиб қолди. Бинобарин, бундан Герасимов ўз илмига ҳамма вақт амал қилганми, деган бошқа масала ҳам келиб чиқаётир. Дарҳақиқат, агар у чиндан ҳам кашфиётчи олим бўлса, замона зайли билан ўз кашфиётлари моҳиятига хиёнат қилганимикан? Шундай бўлмаган бўлса, нега Сталин вафотидан кейин олимнинг обрўси бирдан тушиб кетган. Катта Совет Энциклопедиясидан Герасимов шаънига битилган мақтовларнинг олиб ташланганлиги ва бошқа кўплаб қарашлар ҳам моҳиятан шундай саволларни келтириб чиқаради.

Шунга қарамай, бош чаногига асосланиб инсон қиёфасини тиклаш услуби ҳамон кўпдан кўп қизиқишларнинг манбаи бўлиб қолаётир. Демак, Герасимов услубининг нечоғли илмийлиги хусусидаги баҳслар ҳали яна давом этади.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
<i>Жерар Вальтер</i> . Кириш: Аср тақдирини ҳал қилган инсонт .....	11
<i>Марсель Брион</i> . Амир Темурнинг портрети .....	25
Амир Темурнинг болалиги ва ёшлиги .....	89
<i>Ибн Халдун</i> . Амир Темурнинг Ибн Халдун билан учрашуви ....	103
<i>Жан II Бусико</i> . Амир Темурнинг қўшини .....	117
<i>Султония архиепископи Иоан</i> . Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар .....	120
<i>Вольтер</i> . Амир Темур .....	159
<i>Л.Ланглэ</i> . Амир Темурнинг ҳаёти .....	165
<i>Л.Каюн</i> . Амир Темур – тенги йўқ адиб .....	171
<i>Г.Капюс</i> . Амир Темур салтанати .....	177
<i>Э.Берл</i> . Амир Темур – Осиё музаффари .....	181
<i>Р.Груссе</i> . Амир Темур ва Тўхтамиш .....	191
<i>А.Шандор</i> . Амир Темур .....	203
Герасимов услуби .....	227
<i>С.Куре</i> . Герасимов услуби илмиймиди? .....	229
<i>Д.Шушан</i> . Қиёфани қайта тиклаш санъати .....	241

*Адабий-бадий нашр*

**Марсель Брион**

**АМИР ТЕМУР**

Муҳаррир **И. Зойиров**

Бадий муҳаррир **Ш. Одилов**

Техник муҳаррир **Е. Сибоева**

Компьютерда саҳифаловчи **М. Маҳкамов**

“Nurafshon business” нашриёти.  
Нашриёт лицензия рақами АІ № 316. 26.01.2018  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 38-уй

2020-йил 14-январда босишга рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Академия гарнитураси.  
Офсет босма. 14,85 шартли босма табоқ.  
15,30 нашр босма табоғи. Адади 5000 нусха.  
53-рақамли буюртма.

“ZUKKO KITOVBXON” МЧЖ ва  
“EUROASIA PRINT” МЧЖ босмахонаси  
ҳамкорлигида чоп этилди.  
100071, Тошкент ш., С. Дарбоза кўчаси,  
Жиззах тор кўчаси, 75.